

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ-
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ
ҚҮМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ**

ФИСКАЛ ИНСТИТУТИ

ФАЙЗУЛЛА ТОЛИПОВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ
(1991-2021 йиллар)**

Тошкент – 2022

**УДК:502.174.3:658.567.1691(575.1)
КБК:35.61(Узб)2**

**Ф. Толипов. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш тарихи. (1991-2021 йиллар)
(Монография)**

Мазкур монографияда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиш тарихи, ривожланиш босқичлари хусусан, мустақиллик йилларида соҳани янада ривожлантириш, тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, норматив-хуқуқий асосларини шакллантириш борасида амалга оширилган чора тадбирлар баён қилинган. Унда тадбиркорлар учун зарур имкониятлар яратилгани, янги Ўзбекистонда ушбу йўналишда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ёритилган. Тадқиқотда тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, оиласвий тадбиркорлик ва қасаначиликни кўллаб-куватлаш борасида амалга оширилаётган чора тадбирлар таҳлил қилинган.

Масъул муҳаррир:

Тар.ф.д Н.Обломуродов

Тақризчилар:

**Тар. ф. д, профессор,
Тар. ф.н, доцент**

**Х.Юнусова
Ў. Мансуров**

Монография Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт Кенгашида муҳокама қилинган (№ 12-сонли баённома. 28.02. 2022 йил) ва нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6594-9-0

© Fan ziyosi нашриёти

КИРИШ

Бугун дунёда содир бўлаётган глобаллашув шароитида барча мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётида кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик мұхим рол үйнамоқда. Ҳозирги жадал үзгаришлар даврида бизнес ва тадбиркорлик соҳаларига иқтисодий ислоҳотларнинг ҳал қилувчи, стратегик аҳамиятга эга, устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор берилмоқда. Чунки ушбу соҳа жаҳон ва минтақалар бозорларидағи талаб ва үзгаришларига тез мослаша олувчи, жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзининг таҳдид ва салбий оқибатларига тез бардош бера олувчи тармоқdir. Бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларда бизнеснинг 90% ни кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этади ва улар қарийиб 50% дан ортиқ иш ўринларини яратиш имкониятини бермоқда. Расман ташкил этилган кичик бизнес корхоналари ушбу мамлакатлар ЯИМ нинг 40% ни ташкил этади. Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, **2030-йилга қадар ўсиб бораётган аҳоли бандлигини таъминлаш учун 600 миллион иш ўрнлари** керак бўлади. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва институционал жиҳатдан модернизациялашни тақоза этади. Шу боисдан мазкур муаммо бу борада илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, соҳага инновацион технологияларни кенг кўламда жорий этиш вазифасини қўймоқда.

Дунё миқёсида кичик бизнес ва тадбиркорликни интенсив ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда уни такомиллаштишнинг инновацион усулларидан фойдаланиш йўналишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, соҳанинг инвестиция ва экспорт салоҳиятини ўстириш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлашга янада эътибор қаратилаётганлиги мұхим аҳамият касб этмоқда. Айниқса жаҳон иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкилий-иктисодий механизmlарини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, жойларда қулай ишбилармонлик мұхитини яратиш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштирокини кучайтириш, аҳолининг даромадларини ошириш борасидаги имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш бугунги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу омиллар кичик бизнес ва тадбиркорликни молиявий таъминлаш, ахборот алмашиш, уларга техник жиҳатдан кўмаклашиш ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутади.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик мұхитини яратиш учун кўплаб ислоҳотлар амалга оширилди. Бу борада соҳанинг мұхим норматив-хуқуқий асослари шакллантирилиб, тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилди. Айниқса янги Ўзбекистонда 2018 йил «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили», 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилиниши кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни янада жадаллаштириш имконини берди. Унга мувофиқ соҳа ривожига тўсиқ бўлувчи барча чекловларни

бартараф этиш, соҳага тўлиқ эркинлик бериш бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилди. Тадбиркорликни ривожлантириш, бизнесни юритиш учун қулай муҳит яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби амалга оширилган кенг кўламли ишлар аҳоли тадбиркорлиги, айниқса чекка худудлардаги муҳтож оиласарнинг оиласавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланишини тақозо этмоқда. Бу эса Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини тарихий нуқтаи-назардан илмий тадқиқ этиш заруратини туғдирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартағи ПҚ-4231 сон “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оиласавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори, 2019 йил 7 июндаги ПФ-5739 сон “Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2020 3 апрелдаги ПФ-5978 сон “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги, 2021 йил 20 апрелдаги ПФ-6208 сонли “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 апрелдаги ПҚ 5087-сон “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарори”, шунингдек соҳага оид бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Мазкур мавзуда олиб борилган тадқиқотлар натижасида **биринчидан**, Ўзбекистон мустақиллиги арафаси ва унинг дастлабки йилларида узоқ йиллар ҳукм сурган кичик бизнес ва тадбиркорликдаги танглик ҳолати тугатилганлиги ва соҳанинг тикланиши учун зарур шарт шароитларнинг вужудга келганлиги, бу борада норматив-хуқуқий асосларининг шакллантирилганлиги муҳим омил бўлганлиги, соҳа ривожининг республика минтақалари ўртасидаги тафовутлари 4 та муҳим омиллар асосида меҳнат ва хом ашё ресурсларининг ҳолатини инобатга олган ҳолда тарихий манбалар ва архив материалларига асосан далилланди.

Иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳалари, айниқса оиласавий тадбиркорлик, хунармандчилик ва касаначилик ривожланишининг этноҳудудий хусусиятлари республика худудлари ва вилоятларининг тарихан шаклланган ўзига хос хусусиятлари, яъни ижтимоий-демографик ҳолати, табиий-иқлим шароити ва географик жойлашувидан келиб чиқиб, ҳудудлар кесимидағи диспропорциялар 5 та минтақага бўлган ҳолда тадқиқ этилди.

Учинчидан, “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастури доирасида соҳа ўзининг янги ривожланиш босқичига чиқсанлиги, тадбиркорлик субъектлари учун “Банк-тадбиркор”, “Тадбиркор-банк» тамойили асосида тадбиркорлар молиявий қўллаб-қувватлангани соҳани барқарор ривожланишини сақлаб

қолишга хизмат қилгани, янги Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарда соҳа ривожи таъминланаётгани, тадбиркорларнинг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил - “Бизнес омбудсман” нинг ташкил этилгани муҳим омил бўлаётганлиги тасдиқланди.

Тўртинчидан, ўтган тарихий даврда тадбиркорларга айрим соҳаларда тўлиқ имкониятларнинг берилмаганлиги, ёки тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, ноқонуний ва ортиқча текширишларнинг кўпайиб кетганлиги, банк кредитларини олиш, тадбиркорлик субъектларини ташкил этишдаги қийинчиликлар, кўпинча кераксиз ҳужжатлар, меъёрий актларни талаб қилиш кабилардаги муаммоларни ҳал қилиш юзасидан, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида янги Ўзбекистонда изчил ислоҳотлар амалга оширилаётгани аниқланди.

Бешинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг халқаро параметрлари доирасида дунё миқёсида эътироф этиладиган “Жаҳон банкининг бизнес юритиш рейтинги” (Doing Business), “Хусусий мулкни рўйхатга олиш рейтинги”, “Дунё мамлакатлари хусусий мулк ҳимояси индекси”, “Халқаро инвестицион муҳит жозибадорлигининг «Fitch Ratings, Moodys, Standart & Poors» халқаро ташкилотлари рейтинги, “Глобал рақобатбардошлиқ индекси” (Global Competitiveness Index) да кейинги 5 йил ичида ўз позициясини сезиларли даражада яхшилагани янги Ўзбекистоннинг халқаро рейтингларда фаол иштирокини таъминлашга доир амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз ифодасини топганлиги тасдиқланган.

Мавзу тарихшунослиги хусусида шуни қайд этиш лозимки, илмий тадқиқот мавзусига оид адабиётларнинг асосини мустақиллик йилларида турли соҳа мутахассислари томонидан яратилган нашрлар жумладан, тарих, иқтисодиёт, сиёsatшунослик, ҳуқуқ, социология йўналишларидағи тадқиқот ишлари ҳамда журналистлар томонидан чоп этилган иқтисодий мавзудаги таҳлилий материаллар ва статистик маълумотлар ташкил қиласди. Шунингдек хорижлик олимлар ҳам бу борада қатор тадқиқотларни амалга оширганлар. Шу боис мавзунинг ўрганилганлик даражасини таҳлил этиш учун монографияда тадқиқот даврига оид адабиётларни қуидаги 2 гурухга бўлган ҳолда таҳлил этдик:

- 1) Маҳаллий олимларнинг нашр этган адабиётлари;
- 2) Хорижда эълон қилинган адабиётлар.

Тадқиқот тарихшунослиги бўйича маҳаллий олимлар томонидан тарихий мавзуда яратилган адабиётлар алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, мазкур адабиётлар бирмунча манбаларга бойлиги, масаланинг у ёки бу жиҳатлари таҳлил қилинганлиги билан ажralиб туради. Яратилган мазкур асарлар, дарслик ва қўлланмаларда Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг тарихий ривожланиш тенденциялари, мазкур йўналишда аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳамда унинг устувор йўналишларини янада рағбатлантириш масалалари баён қилинган. Бу борада Р. Абдуллаев, Ш. Раҳматуллаев, М. Раҳимов, Э. Нуриддинов, Ш. Зиёмов, Ф. Рашидова, Г. Аъзамова, А. Халлиев, А. Голованов,

Д. Ғуломова, Т. Мўминов, Н. Обломуродов, А. Ҳазратқулов, Қ. Усмонов, М. Содиқов, В. Ишқуватовларнинг ўз мавзулари доирасидаги тадқиқотлари, чоп этган китоблари¹ бирмунча салмоқлидир. Нашр этилган адабиётларда муаллифлар кичик ва бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиш омиллари, оиласиб бизнес ва хунармандчиликни ривожлантириш, касаначиликнинг давлат тараққиётидаги ўрни масалаларига ўз тадқиқотлари доирасида ёндашганлар.

Тарихий ва иқтисодий мавзуда амалга оширилган тадқиқотлар орасида А. Раззоқов ишлари салмоқли бўлиб, муаллиф қадимги давр ва ўрта асрлар, жумладан XVI – XVIII асрларда шайбонийлар, аштархонийлар ҳукумронлиги даврига келиб, тадбиркорликнинг ilk шакллари янада ривож топган. Хусусан, бу даврда Марғилон ва Самарқандда замонавий қўринишдаги тадбиркорлик корхоналарининг ilk қўринишлари шаклдана бошлаган. Қўқон ива Самарқандда қоғоз ишлаб чиқариш, Наманганде металсозлик, Бухорода чўян буюмлар тайёрлаш тобора ўсиб борди. Масалан, Қўқонда Маллахон даврида (1858-1862 йй) ilk замбарак тайёрловчи хусусий корхонага асос солинганлиги фикримиз далилидир, деб ёзади. У ўзининг “Иқтисодий тафаккур сарчашмалари” китобида ўлкада тадбиркорлик шаклланишини ва ривожланишининг тарихий тенденциялари ва омилларини ўрганган².

Г. Агзамова шаҳарларда тадбиркорликнинг ilk қўриниши сифатида юзага келган хунармандчилик турлари ва уларнинг ривожланиш

¹ Абдуллаев Р. М, Раҳматуллаев Ш. М. Становление и развитие малого и среднего предпринимательства в Республике Узбекистан (1991-2000) // Ўзбекистон тарихи. 2008. №3. -С 27-28., Раҳматуллаев Ш.М. Состояние и проблемы развития экономики Узбекистана на начальном этапе реформ: исторический анализ // Sharqshunoslik. Востоковедение. Oriental studies. 2014. № 2. С. 117-126, Раҳматуллаев Ш.М. Фарғона водийси шаҳарларида иқтисодий трансформация жараёнлари (1991-1996 йиллар). -Тошкент.:“Нишон ношир”, 2016., Раҳимов М. Международное сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии. -Ташкент.: «Yangi nashr», 2011., Ўша муаллиф: Современная история взаимоотношений Узбекистана и стран Центральной Азии с ведущими государствами мира. -Ташкент.: «Адабиёт Учкунлари», 2016., Раҳимов М.А., Раҳматуллаев Ш., Турсунова Р., Назаров Р. Очерки новейшей истории Республики Узбекистан. -Ташкент.: «Адабиёт Учкунлари», 2016., Нуриддинов Э. Становление и приоритетные направления внешней политики Республики Узбекистан. // Ўзбекистон тарихи. 2002 №4. -С 7, Зёмов Ш. Роль Узбекистана в развитии межгосударственного экономического и культурного сотрудничества стран Центральной Азии (1991-2001гг). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 2002., Раширова Ф. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланишида хорижий сармоялар (Тарихий ёндашув). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси Автореферати. -Тошкент., 2019.; Халлиев А.Г Экономические, научно-технические и культурные связи независимого Узбекистана с Великобританией и США: Автреф. дисс. канд. исторических наук. –Ташкент, 1998.; Голованов А. Мустақил иқтисодий сиёсат стратегияси. // Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. -Тошкент.. 2001.– Б 96., Ғуломова Д. М Ўзбекистон хотин- кизлари мустақиллик йилларида. // Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари. (Даврий тўплам). Масъул мухаррир Д.Алимова. – Тошкент., Шарқ:2000. -Б 143., Мўминов Т. Туркистон икки аср гирдобида. -Тошкент., 2013. – Б 56.; Обломуродов Н, Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. -Тошкент., 2009., Обломуродов Н, Ҳазратқулов А, Толипов Ф ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. (Олий ўкув юрти номутахассислик йўналиши талабалари учун ўкув қўлланмана). -Тошкент., 2011, - Б 234.; Усмонов Қ, Содиқов М ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. (Олий ўкув юртлари барча бакалавр босқичи талабалари учун дарслик). -Тошкент., 2005.- Б 30., Усмонов Қ, Содиқов М ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. (Олий ўкув юртлари барча бакалавр босқичи талабалари учун дарслик). -Тошкент., 2015.-Б 30., Ишқуватов В. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланиш тарихи. -Тошкент., 2020. -Б 149.

² Раззоқов А. Иқтисодий тафаккур сарчашмалари. -Тошкент.: “Ўзбекистон”. 2011. - Б 181.

хусусиятларига эътибор қаратган. Унинг ёзишича, хунармандчиликнинг турли шакллари, айниқса уй ҳунармандчилиги ривож топғанлиги боис, аҳоли шаҳар маҳаллаларида ўз касб-корига қараб жойлашганлар. Яъни, ҳар бир йирик шаҳарлардаги маҳаллалар тадбиркорлар ишлаб чиқараётган махсулотлар тури, яъни аҳолининг касб-корига қараб номланган. Самарқандда XVI асрда 61 хил хунар бўлган. Мато тўкувчилар (боғандагон), рўмол тўкувчилар (чаҳор-гулбафон), салла тикувчилар (футабарон), бўёқчилар (саббагон), дегрезлар (оҳангарон), кулоллар (кулолгарон), пичоқсозлар (кордагарон), қофозгарлар ва бошқалар³.

Мустақиллик йилларида тадбиркорлик ва унинг ривожида хорижий инвестициялар иштироки масалалари Ф. Рашидова тадқиқотларида ўз ифодасини топған бўлиб, у ўз диссератациясида республикадаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хорижий капитал иштирокидаги кичик тадбиркорлик марказлари, республикада фаолият юритаётган хорижий сармояга асосланган корхоналар, Ўзбекистондаги фаол инвестицион муҳит, кичик қўшма хорижий корхоналар фаолияти масалаларини тадқиқ этган. Муаллиф Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликка хорижий инвестицияларни жалб қилиш масаласини ўрганар экан, ҳали бу борада қатор муаммолар мажудлигини уқдиради.

Масалан, муаллифнинг ёзишича, мамлакат мустақиллик йилларида ишбилармонлик ва инвестицион муҳитнинг халқаро параметрлари доирасида “Иқтисодий эркинлик индекси”, “Коррупцияга қарши курашиш индекси”, “Логистика эффективлиги индекси”, “Инсоният тараққиёти индекси”, “Глобал рақобатбардошлиқ индекси”, “Дунё мамлакатлари хусусий мулк ҳимояси индекси”, “Дунё мамлакатларини халқаро савдога жалб қилиш индекси” ларида умуман иштирок этмади. Маълумоларга кўра, халқаро инвестицион муҳит жозибадорлиги доирасида «Fitch Ratings, Moodys, Standart & Poors» халқаро ташкилотлари рейтингида умуман иштирок этмаётган бўлса, Консенсус «ОЭСР ва COFACE» да қуий ўринларни эгаллаб келмоқда, бу, шубҳасиз мамлакатимизда тадбиркорлар учун имкониятларни яратиб беришда ҳали кўплаб муаммолар борлигини кўрсатмоқда⁴.

А. Марозиқов Ўзбекистон мустақиллиги арафаси ва унинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик ўзининг янги тарихий даврига қадам қўйганлигини, мустақилликнинг тараққиёт даврида бозор муносабатларига ўтаётган Ўзбекистонда минтақаларнинг ривожланиш хусусиятларига эътибор берилганлиги, бунда, ишлаб чиқариш марказлари ўзларида мавжуд бўлган табиий бойликлар, қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш ҳисобига иқтисодий ривожланиш

³ Агзамова Г. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида хунармандчилик ва савдо.-Тошкент., 2000.

⁴ Рашидова Ф. Зарубежные инвестиции в формировании и развитии малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан (Исторический аспект). Диссертация доктора философии (Phd) по историческим наукам. -Тошкент., 2019. – С 134.

даражасини янада кўтариш имконига эга бўлганлиги Фарғона вилояти мисолида тадбиркорлик соҳалари ривожини тадқиқ этган.

Мустақиллик даврида **хотин-қизларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик**даги ўрни масалалари эса олиб борилган айrim илмий тадқиқот ишларида кўзга ташланади. Жумладан, хотин-қизларнинг соҳа тараққиётiga кўшган ҳиссалари, айниқса улар бандлигини таъминлаш, иқтисодий фаоллигини ошириш, касаначилик, оиласи тадбиркорликдаги иштироки масалалари янгича талқинлар асосида айrim ишларда ўз аксини топган⁵. Ушбу рисола ва мақолаларда бизнинг мавзуга тегишли масалалар тўлиқ ўз ифодасини топмаган бўлсада, улар тадқиқотнинг манбавий асосини бойитишга хизмат қилди.

Тарихшунослик материалларининг таҳлилига қўра, иқтисодий мавзуда амалга оширилган илмий тадқиқотлар ҳам эътиборга моликдир. Уларда мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик масалаларининг **иқтисодий жиҳатлари**, баъзи ўринларда соҳанинг айrim тарихий хусусиятлари баён қилинган. Яъни, ушбу тарихий даврда яратилган фундаментал тадқиқотлар, монографиялар, дарслик ва ўқув қўлланмаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси назарий жиҳатдан ўрганилган. Уларга Н. Тухлиев, М. Шарифхўжаев, Э. Эгамбердиев, Х. Хўжақулов, М. Қосимова, Б. Ходиев, А. Ўлмасов, А. Вахобов, А. Қодиров, Ҳ. Абулқосимов, А. Қулматов, У. Каюмов, Л. Луценко, Н. Мажидов, М. Эшов, М. Насритдинова, О. Ахмедов, Ҳ. Собиров, А. Фаттахов, С. Ғуломов, Ф. Закиров, Қ. Муфтайдинов, О. Арипов ва бошқалар томонидан чоп этилган илмий манбалар ва қатор илмий тадқиқотларни мисол қилиш мумкин⁶.

⁵ Баумгертнер В. Ўзбек бизнесида “аёл киёфаси“ // Ижтимоий фикр .-1998.-1.-Б.106-113. Немировская О . Экономическое поведение сельских женщин: ориентации, установки , действия .-Ташкент. 2001.-С.2. Муртазина Р.Б. Основные направления углубления экономических реформ в сфере занятости и социальной защиты населения // Ўзбекистон ғалабалари ва гуллаб –яшиш йўлида .-Тошкент.:Ижтимоий фикр ,2000.- 6.194-201., Убайдуллаева Р.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиш шароитида аёллар ва меҳнат // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар . 1999. -Б.23.; Муртазаева Р.Ҳ. Мустақиллик йилларида оиласи тадбиркорлик ривожланиш тенденциялари // ЎзМУ хабарлари.-Тошкент, 2013. - Б.206-213.; Ганиева Г. Женский вопрос и проблемы женщин в Узбекистане (1991-2005) // Атореферат диссертации канд. ист. наук. -Ташкент., 2006. -С 14-15.; Жўраева Н.Д. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий, маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни. Тарих фан. номз. дисс. Автореферати –Тошкент., 2004.Б.32.

⁶ Тухлиев Н. Бозорга ўтишнинг машақатли йўли.-Тошкент., 1999. –Б 90.; Тухлиев Н.Т., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. – Т.: «Ўқитувчи», 2000, 368-с.; Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. -Тошкент.: 2003. -37 б.; Эгамбердиев Э, Хўжақулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. -Тошкент., 2003. –Б 10-11.; Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю. ва бошқалар. Кичик бизнесни бошқариш. -Тошкент.: 2003. –258 б.; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш: иқтисод фанлари доктори. дисс. Автореферати. –Тошкент.: 2000. -42 б.; Ходиев Б.Ю. Стратегия развития малого бизнеса. – Ташкент.: «Деловой партнер Узбекистана», 2000, №18.; Ўлмасов А, Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. -Тошкент., 2006. – Б 147.; Қодиров А. Иқтисодиёт назарияси. -Тошкент., 2009.,-Б 65.; Абулқосимов Ҳ, Қулматов А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оиласи тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. -Тошкент., 2014.-Б 90., Каюмов У. Вопросы занятости молодёжи Узбекистана. // Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики. -Тошкент., 2012. - С 236.; Луценко Л. “Пути решения, проблемы ликвидации предприятий”, малый и средний бизнес. // Экономический вестник Узбекистана, №8, 2000. - С 20., Мажидов Н, Наматов Э . Худудларни ижтимоий иқтисодий ривожланишида кичик бизнеснинг роли. -Тошкент. 2009, -Б 74., Эшов М. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлар. / Монография. –Тошкент. 2017. 127 б.; Насритдинова М, Ахмедов О. Бизнес стратегияси. -

Айни вақтда мамлакатимизнинг қатор олимлари томонидан мазкур соҳа ривожининг ҳуқуқий⁷, ижтимоий-сиёсий⁸, ижтимоий-иқтисодий, иқтисодий-экологик⁹ йўналишлари ва соҳани инновацион бошқариш муаммолари бир қанча илмий тадқиқотлар ва манбаларда ўз аксини топган. Юқорида номлари келтирилган муаллифларнинг ишларини ўрганиш шуни кўрсатдик, биз танлаган мавзунинг тарихшунослик таҳлили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мустақиллик йилларидағи тарихий ривожланиш тенденциялари яхлит илмий муаммо сифатида ҳозирга қадар ўрганилмаганлигини кўрсатди.

Муаллиф ўз тадқиқотлари ва илмий мақолаларида Фарғона вилоятида пахтани қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулотлар, жумладан сопол буюмлар ишлаб чиқариш, ип ва қалава тайёрлаш, дўппидўзлик, атлас ва адраслар тайёрлаш, гиламчилик анъаналари ривожи ва айниқса ҳунармандчиликда Риштон кулочилик макабининг ўрнини алоҳида таъкидлайди.

Аммо совет тузуми ҳукмронлик қилган кезларда давлатнинг хусусий мулкка нисбатан олиб борган тескари сиёсати натижасида хусусий тадбиркорлик унутилди, ўз моҳиятини йўқотди. Давлатнинг мол-мулкка ва саноат ишлаб чиқаришига нисбатан олиб борган тескари сиёсати натижасида бу борадаги тадқиқотлар ҳам чекланди. Faqatgina XX аср 90-йилларининг

Тошкент., 1996. –Б 12-13., Собиров X, Фаттахов А и другие. Нового обложение предприятий малого и среднего бизнеса Республики Узбекистан. // Бизнес инкубатор техномаркет. -Тошкент.,2000., Гуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. -Тошкент., 2002.-Б 22.; Закиров Ф. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнеснинг ташки иқтисодий фаолиятини ривожлантириш//Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореферати.-Тошкент., 2005.., 13., Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликини ривожлантириш муаммолари// Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореферати. -Тошкент., 2004. -18-б., 2004., Арипов О. Кичик ва хусусий бизнесни давлат томонидан тартибга солиши муаммолари. // Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореферати. -Тошкент., 2006., Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизmlарини такомиллаштириш. / Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореферати - Тошкент., 2017. -30-б. Юлдашев Д. Т. Совершенствование экономического механизма развития семейного предпринимательства. Автореферат дисс. доктора философии (Phd) по экономическим наукам. -Ташкент – 2019. 54 с; Ходжикулова С. Н. Халқаро молия институтлари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлашни такомиллаштириш. // Иқтисодиёт фанлари бўйича фалс. доктори (Phd) дисс. Автореф. –Тошкент.,2020.60 б.

⁷ Бозоров С. Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишини такомиллаштириш// Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd) дисс. Автореферати. - Тошкент., 2018., Бозоров С.С. Правовое регулирование предпринимательской деятельности в свободной экономической зоне «Навои» Республики Узбекистан // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси – Тошкент, 2016. – №4. – Б. 53-55 (12.00.00; №11)., Холбеков Н. Иностранные инвестиции: правовое формирование// Рынок, деньги и кредит, 1999.№10., Курбанова Д.М Состояние нормтивно-правовой базы и ее влияние на развитие малого бизнеса в Республике Узбекистан// Вестник Томского государственного университета, Серия: Экономика, 2016, №2(34).

⁸ Мусин Т. М. Социально-политические аспекты управления предпринимательской деятельностью (на материалах Ассоциации рестораторов Узбекистана) 22.00.08 – Социология управления Дисс. канд социологических наук -Ташкент – 2010.; Султонов З.Т Особенности государственной поддержки и развития малого бизнеса в Узбекистане. // Молодой учёный. –Ташкент. 2013.№4.; Қирғизбоеv А. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги.-Тошкент.: Фан, 2004.; Шарапова С.Ш. Многосторонняя дипломатия Узбекистана: участие в универсальных, региональных и субрегиональных организациях, межгосударственных объединениях: Автореф. дисс. доктора полит. наук.-Ташкент. 2006.

⁹ Ахунова Ш. Тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришда экологик талабларни инобатга олиш механизми. // Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. -Тошкент., 2004.

бошлари, аниқроқ қилиб айтганда, Ўзбекистон мустақиллиги остонаси ва мустақилликнинг илк йилларидан эътиборан ушбу соҳанинг қайта тикланиши ва ривожи учун кенг имкониятлар яратилди.

Мавзу тарихшунослигининг иккинчи гуруҳида хорижда нашр этилган адабиётлар таҳлил қилинди. Агар жаҳон халқлари тарихига эътибор қаратилса, тадбиркорликнинг шаклланиши ҳамда моҳияти, унинг муҳим шакли бизнес юритиш иқтисодий ишлаб чиқариш, савдо, тиҷорат, хизмат кўрсатиш соҳаларида муҳим рол ўйнаши, бу борада кичик бизнеснинг ўрни хусусида хорижлик олимларнинг тадқиқотлари эътиборга моликдир. Масалан, соҳанинг шаклланиш тарихи ва моҳияти хусусида Питер Друкер, Йезеф Шумпетер, Л.Мизес ва Ф.Хайек, К.Макконнел ва С.Брюларнинг илмий изланишлари эътиборга моликдир. Жумладан, америкалик иқтисодчи олим Йезеф Шумпетер (1883-1950) тадбиркор учун мулк эгалиги мақомининг шарт эканлигини инкор қилиб, уни кишиларнинг турли табақаларига хослигини асослайди. У ўзининг “Иқтисодий ривожланиш назарияси” китобида тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятини иқтисодий тараққиётнинг бошланғич омили сифатида таърифлаган. Шунингдек, бу борада австриялик олимлар Л.Мизес ва Ф.Хайек ўз тадқиқотларида тадбиркорликнинг хусусиятлари, унинг ўзгарувчан иқтисодий – ижтимоий ҳодисаларга бардош бера олиши, кўнига олиши, мослаша олиши, шунингдек, тадбиркорларнинг иқтисодий тизимни мувозанатлаштиришдаги ва тартибга солищдаги ролини таҳлил қилишга жиддий эътибор қаратганлар. Америкалик иқтисодчи олимлар Р.Хизрич ва М.Питерслар эса ўз тадқиқотларида тадбиркорликнинг моҳияти ва тарихий тенденциялари хусусида қайд этганлар¹⁰.

Демак, юкорида қайд этилганидек, хорижлик айрим олимларнинг сўнгти ўрта асрлар даврига оид тадқиқотларидан шуни англаш мумкинки, Ғарбда ушбу йўналиш ўз даврида жадал ривожлана бошлаган. Тўғри, бу борада ўша кезларда дастлабки ёзма манбалар, асарлар вужудга кела бошлаган бўлсада, соҳани илмий ўрганиш ёки тадқиқ қилиш ғарблик олим ва мутафаккирларнинг илмий ишларининг тадқиқот обьекти бўлмаган. Аммо бу борадаги айрим тадқиқотлар ўша пайтларда ўзига хос илмий мактаблар шакллана бошлаганлигини тасдиқлади.

XIX аср охири-XX аср бошларига оид Туркистон ўлкасида замонавий тадбиркорлик асослари борасидаги тадқиқотлар орасида М. Вирскийнинг изланишлари бирмунча самаралидир. Жумладан, у 1898 йилда «Туркистон тиҷорат манзилли календари» (“Туркестанский коммерческий адрес-календарь”) тузилганлиги ўлкадаги савдо ва тиҷорат корхоналари ва бошқа тадбиркорлик обьектлари хусусида маълумотлар олишда анчагина кўмак берганлигини қайд этади. Тўпламда ўша даврда Самарқанд, Фарғона, Сирдарё вилоятлари ва Бухоро амирлигидаги рус капитали (сармоялари) иштирокидаги

¹⁰ Шумпетер Й. Теория экономического развития. -Москва., 1982. - С 21., Бусигин А.В. «Предпринимательство в конце XX века» -Москва., - С 34., Хизрич Р, Питерс М. Предпринимательство. Вып,1 -Москва., 1991. – С 10.

барча хусусий савдо-саноат фирмалари, тижорат корхоналари, дўконлар, бозорлар, банклар, реклама тарқатувчи фирмалари рўйхати, уларнинг манзили, ишлаб чиқариш ва даромад манбалари акс этган¹¹.

ХХ ср бошларида Туркистон ўлкасидағи саноат тармоқлари, жумладан хусусий саноат корхоналари тўғрисидаги маълумотлар В. В Заорская, К.А Александрларнинг “Промышленные заведения Туркестанского края” номли асарида маҳсус келтириб ўтилган. Мазкур асар биз учун анчагина салмоқли бўлиб, унда ўлкадаги хусусий тадбиркорлик корхоналари ҳақидаги маълумотлар худудлар кесимида бериб ўтилган¹².

Замонавий фанда хорижда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда соҳада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш масалалари қатор олимлар томонидан маълум ёндашувлар асосида ўрганиб келинаётганлигини таъкидлаш ўринли. Булар Борис Румер, Г. Картич, Роджер Д. Кангас, М.Онита, А. Табишлиева, Е. Калюжнова, А. Акимов, Р. Хизрич, М. Питерс, С.В Жуков, О.Б Резникова, Т. А Финк, В. М. А Кусаинов, А. Н Левушкинларнинг тадқиқотларида¹³ Марказий Осиё республикалари қатори Ўзбекистонда бу соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, бунда агросоҳанинг ўрни каби айрим масалалар баён қилинган бўлиб, молиявий-иқтисодий жиҳатлари ҳам у, ёки, бу даржада таҳлил этилган.

Умуман, мавзуга оид илмий адабиётларнинг муҳтасар таҳлили Ўзбекистон мустақиллиги йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиш тарихи ва эволюцияси масаласи тарих фанида

¹¹ Вирский М. Сведения о Зерафшанском округе. // Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник. Вып. IV. 187. -Ташкент., - С 10-122.

¹² Заорская В.В, Александр К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. -Ташкент., 1915. Том 2. – С 39-61.

¹³ Boris Rumer. Central Asia in transition: dilemmas of political and economic development., USA, 1996. P.281. Glenn E.Curtis. Kazakstan, Kyrgyzstan, Tajikistan, Turkmenistan, and Uzbekistan: country studies // Federal Research Division, Library of Congress. Washington, D.C., P.519., Roger D.Kangas. The Importance of Political and Social Stability for Economic Revival // Central Asia.2010., M.Onita. The Experience of Micro Credit in Kazakhstan, Uzbekistan and the Kyrgyz Republic // Central Asia2010. Prospects for human development, Regional Bureau for Europe and the CIS, UNDP, 2010. P.132-136. 6 Anara Tabishaliyeva. The Challenge of Regional Cooperation in Central Asia // Central Asia-2010. Prospects for human development, Regional Bureau for Europe and the CIS, UNDP, 2010, P.138-145. Yelena Kalyuzhnova. An Assessment of Industrial Policy and Employment Prospects in Central Asia // Central Asia-2010. Prospects for human development, Regional Bureau for Europe and the CIS, UNDP, 2010. P.96-110., Alexand Akimov. Central Asia s a region in the World Economy. //Central Asia Conflict Resolution and Change. Published by Douglas Goudie US, editors Roald Z Sagdeev and Susan Eisenhower. 1995.P.275-293. Business report Kazakstan, Turkmenistan, and Uzbekistan // The Economic Intelligence Unit. 1996у., Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – Москва.: «Прогресс», 1991. –С. 223, Жуков С.В., Резникова О.Б. Центральная Азия в социально-экономических структурах современного мира. Научные доклады, № 134. М: Московский общественные научный фонд, 2001; Финк Т.А. Малый и средний бизнес: зарубежный опыт развития // Молодой ученый, 2012, №4. Левушкин А.Н. Семейное предпринимательство и семейный бизнес: понятие, правовая природа и перспективы развития. Вестник Университета им. О.Е.Кутафина (МГЮА). 3/ 2018.; Кусаинов М. А. Государственная поддержка развития малого и среднего бизнеса в условиях модернизации экономики: на примере Республики Казахстан. // Дисс. канд. экономических наук.- Москва. 2012. 194 с.;

ҳали тадқиқ этилмаганини кўрсатди. Ҳозиргача кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизимининг иқтисодий, социологик, ҳукуқий, экологик, демографик омиллар билан боғлиқ жиҳатлари тадқиқ этилган бўлсада, мазкур масала тарихий аспектда илмий тадқиқ этилмаган. Шунинг учун ушбу йўналишдаги тадқиқотни амалга ошириш долзарб ҳамда илмий-амалий аҳамиятга моликдир.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш тарихини илмий тадқиқ этиш асосида эришилган илмий натижалар ва тавсиялардан: Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорликни жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларни ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш тартибини янада содалаштириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган ҳукуқий асосни янада мустаҳкамлашга оид натижалардан Ўзбекистон тадбиркорлар ва ишбилармонлар Либерал Демократик Партияси (Ўз ЛиДеП) нинг йиллик иш режаларини ишлаб чиқиша кенг фойдаланилган. **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати-Ўзбекистон либерал-демократик партияси** фаолиятини қўллаб-қувватлаш юзасидан партиянинг иш фаолияти бўйича режа ва дастурлар яратиш ҳамда партиянинг қуч ва имкониятларидан самарали фойдаланишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш имониятини берган;

қишлоқ хўжалиги тадбиркорлигини янада ривожлантириш, хусусан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотишда тадбиркорларнинг ўрни каби масалалар Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги республика агросаноат комплекси тармоқлари фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилди. Хусусан уларга ҳукуқий маслаҳатлар бериш, **агросаноат тармоқлари** фаолиятини амалий ташкил этишда фойдаланилган. Натижада республика фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ҳамда томорқа ер эгалари, оилавий тадбиркорларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, аграр соҳада меҳнат муносабатларини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имкониятини яратган;

хусусий тадбиркорликда **“Ишлаб чиқариш кластерлари”** нинг тутган ўрни, унинг хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёндаги кўп босқичли комплекс тизимни янада такомиллаштириш, молиявий ёрдамлар бериш ва қўллаб қувватлашга оид илмий хулосалардан республика “Агробанк” АТБ бош оғиси ва унинг филиаллари фаолиятини ташкил этишда фойдаланилган. Олинган илмий-амалий натижалар қишлоқ хўжалиги кластерлари фаолиятидаги айим муаммолар ечимиға оид масалалардан кластер эгаларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, аграр соҳада меҳнат муносабатларини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, шунингдек уларга назарий йўриқномалар бериш ҳамда агросаноат тармоқлари фаолиятини ташкил этишга хизмат қилган;

республика “Микрокредитбанк” АТБ нинг “Ҳар бир оила- тадбиркор” дастури доирасида якка тартибдаги оилавий тадбиркорларнинг қамраб олинишини таъминлаш, ижтимоий сўровлар ўтказиш, тадбиркорлар билан йиллик режа асосида доимий учрашувлар, семинар-тренинглар олиб бориш, “Busines Online” кредит турини ишлаб чиқиши, интеллектуал мулк ишланмаларни молиялаштириш ҳажмини кўпайтириш юзасидан берилган таклиф ва тавсиялари банк фаолиятида ўз аксини топди. Натижада “Тадбиркор-банк”, “Банк-тадбиркор” дастурлари асосида кичик ва ўрта бизнес вакиллари, тадбиркорлар билан йиллик режа асосида доимий учрашувлар, семинар-тренинглар олиб бориш ҳамда ёшларни соҳага кенг жалб этиш ва улар билан “Busines Online” кредит тури асосида ОТМ ларда таҳсил олаётган талаба ёшлар билан доимий ҳамкорлик ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга бўлган;

кичик бизнес ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг моҳияти, Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликнинг тарихий эволюцияси, норматив-хукуқий асослари, мустақиллик йилларида хусусий мулкчилик ва тадбиркорликнинг ҳолати, айrim муаммолар, шунингдек янги Ўзбекистонда соҳани янада тараққий эттириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга оид тадқиқот натижларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон телерадиоканали” қошидаги “O’zbekiston tarixi” телеканалининг “Тақдимот” кўрсатувини эфирга узатишида фойдаланилди. Натижада телетомошбинларга тадқиқотда илгари сурилган илмий манбалар асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг моҳияти, Ўзбекистонда соҳанинг тарихий илдизлари ва айниқса мустақиллик йилларидағи ривожланиш босқичлари хусусида маълумотларга эга бўлиш имкониятини берган.

I Боб. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг моҳияти, тарихий негизлари ва норматив—хуқуқий асослари

I. 1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: моҳияти ва мазмуни

Жаҳон тарихи ва тажрибасининг гувоҳлик беришича, бизнес ва тадбиркорлик бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли турмуш тарзини юксалтиришнинг муҳим шартидир. Тадбиркорликнинг индивидуал ва жамовий турлари мавжуд бўлиб, улар ҳилма—хил шаклларда амалга оширилади. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мустақиллиги, бу жисмоний ёки юридик шахс, яъни тадбиркор фуқаролик иштирок этади, тадбиркор ўз фаолиятини ўз зиммасига олган ҳолда амалга оширади, иқтисодий мустақиллик ва корхонанинг фаолияти ва натижалари учун жавобгарликка асослангандир¹⁴. Яна бир таърифга қўра, тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятлари доимий равишда амалга ошириладиган биржа операцияларининг занжирида ифодаланади, лекин айирбошлишнинг ўзи ягона иқтисодий оборотнинг ажралмас бўғинига айланганда ва айирбошлиш учун ишлаб чиқариш хўжалик юритувчи субъектларнинг белгиловчи функтсиясига айлангандагина тадбиркорликнинг манбаига айланади, дея қайд этилади¹⁵.

Тадбиркорлик бу, хўжалик юритишининг шундай ташкилий-хуқуқий шаклини, унда мулк эгаси бир шахс, оила ёки жамоа бўлиши мумкин. Улар тадбиркорлик субъекти фаолиятидан келган даромадни барчасига тўлиқ эгалик қиласи, қолаверса бизнесдаги хавф-хатар ва таваккалчилик учун ўша субъектнинг якка ўзи жавобгар бўлади. Тадбиркорликнинг ушбу шакли чакана савдода, умумий овқатланиш соҳасида, реклама соҳасидаги бизнесда, майший хизмат, фермерликда, тибиёт амалиётида ва ҳунармандчиликда кўпроқ учрайди¹⁶.

Тадбиркорлик ҳакида эса М. Переверзев ва А. Лунёваларнинг қайд этган фикрлари янада эътиборли бўлиб, муаллифлар тушунчани молиявий ва бошқа ресурсларга, тадбиркорлик қобилиятига, бизнесни ташкил қилиш ғояларига эга бўлган ва янги корхонани ташкил этиш, янги ғоя, маҳсулот ёки хизмат турини ишлаб чиқариш билан боғлиқ хавф-хатар учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга қодир шахс, деган таърифни берадилар¹⁷.

Тадбиркорлик икки хил кўринишда ташкил қилинади:

а) индивидуал - яъни корхона ташкил қилмасдан фаолият юритувчи тадбиркорлик;

б) хусусий корхона - яъни юридик шахс сифатида фаолият юритишга асосланган ҳолда ишлаш¹⁸.

¹⁴ Семенихин В.В Организация бизнеса с нуля. С чего начать и как преуспеть.-Москва.,2010.-С 6.

¹⁵ Асаул Н.А Организация предпринимательской деятельности. Институт проблем экономического возрождения..-Санкт Петербург. 2009.,- С 16-17.

¹⁶ Бусигин А. Предпринимательство. – М.: 1997. С.14. Дашков Л. Предпринимательство и бизнес. // Учебник. -Москва., 1995.- С 23.

¹⁷ Переверзев М. А. Лунёва Ю.Основы предпринимательство. // Учебник.- Москва., 2009.-С 8.

¹⁸ Гуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. -Тошкент., 2002. -Б 22.

Индивидуал тадбиркорлик бир шахс эгалигига амалга ошириладиган тадбиркорлик бўлиб, у шахсий даромад ва фойда олишга йўналтирилгандир. Бунда унинг фаолияти натижалари ўз хусусий мулки билан тўлиқ ва чекланмаган жавобгарлик асосида амалга оширилади¹⁹.

Тадбиркорликнинг тарихи ва моҳиятига эътибор қаратилса, мутахассиларнинг таъкидлашларича, «тадбиркор» ва «тадбиркорлик» тушунчалари илк бор XVII аср ва XVIII аср бошларида яшаган англиялик Ричард Кантильон томонидан муомалага киритилган, кейинчалик XVIII аср иккинчи ярми XIX аср бошларида янада такомиллаштирилганлиги Ё. Абдуллаев ва Ф. Каримовлар томонидан таъкидланади²⁰.

Муаллифларнинг фикрларини давом эттирган ҳолда, айтиш жоизки, агар тушунчани иқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилсак, **тадбиркорлик** бу – капитал (маблағ) сарфлаб товар ва хизматлар яратиш билан фойда олишга қаратилган иқтисодий фаолиятдир. Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида “Тадбиркорлик мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббускорликка асосланган иқтисодий фаолиятидир. Тадбиркорлик ноёб қобилият, ер, меҳнат, капитал, ахборотлар билан бир қаторда иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни юксалтиришнинг бош омилларидан бири ҳисобланади”, дейилган²¹. Рус тилининг изоҳли лугатида эса бизнес деганда даромад, фойда келтирадиган тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Бирор нарса билан иш олиб бориш, даромад олиш, шунингдек фойда олиш, деб таърифланган²².

Иқтисодчиларнинг таъкидлашларича, бизнесда товар ва хизматлар яратилиб, бозордаги талаб қондирилганда тадбиркорлик фаолияти юзага келади. Ташкилий жиҳатдан тадбиркорлик жисмоний ва юридик шахслар фаолиятидан иборат бўлади. Тадбиркорлик бизнес сифатида, асосан, саноат, аграр ва сервис соҳаларида кўпроқ учрайди. У ўз мулки ва даромадидан келиб чиқиб, фаолият шаклига кўра 4 хил кўринишга эга:

- давлат тадбиркорлиги;
- хусусий тадбиркорлик;
- жамоа тадбиркорлиги;

-аралаш тадбиркорлик. Иш кўлами ва аъзолар сонига қараб кичик, ўрта ва йирик турларга бўлинади²³.

Улар бир-биридан молиявий маблағлар микдори, ишловчилар сони, яратилган маҳсулот ва хизматларнинг бозор қиймати (ҳажми) ва олинган фойда микдорига қараб фарқланади. Жамоавий тадбиркорлик шахсларнинг

¹⁹ Кодиров А, Турсунов А. Иқтисодиёт назариясидан атамалар ва тушунчалар. -Тошкент.,2000.-Б 13.

²⁰ Абдуллаев Ё, Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. // 100 саволга 100 жавоб (1-қисм). - Тошкент.: “Меҳнат”. 2000. -Б 18-19.

²¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. -Тошкент.. 2006. -Б 36.

²² Толковый словарь русского языка.(Под редакцией С.И. Ожегова и Н.Ю. Шведовой).-Москва.,-С 45

²³ Экономика мирового хозяйства./ Учебное пособие. -Ташкент., УМЭИД. 1993. -С 24

бир гурухга бирлашиши ёки капиталларнинг бирлаштирилиши асосида олиб бориладиган фаолиятдир²⁴.

Иқтисодий ресурслар, ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи ресурсларининг, табиий ресурсларнииг бир-бирига қўшилишини таъминлайдиган ташкилотчи, янгиликка интилувчи ташаббускор, иқтисодий ва бошқа хавфдан, жавобгарликдан қўрқмайдиган довюрак киши бу **тадбиркордир**. Бу фазилатлар эса тадбиркорлик қобилияти, деб юритилади. Ҳозирги даврда айрим адабиётларда тадбиркорлик фаолиятида ахборот ва унинг воситаларини, экологияни ҳам алоҳида омил, деб қўрсатадилар. Улар ер, мулк ва маблағ билан бевосита боғлиқдир. Ишлаб чиқариш жараёнида санаб ўтган омилларнинг барчаси қатнашади, улар бир-бирини тўлдиради, бир-бирига таъсир қиласиди. Улардан бири бўлмаса ишлаб чиқариш бўлмайди ёки самарасиз бўлади, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди²⁵.

Юқорида қайд этилганидек, тадбиркорлик иш кўлами ва аъзолар сонига кўра 3 гурухга ажратилади:

- 1) *Кичик тадбиркорлик.* Булар кичик корхоналар, микрофирмалар, майда фермер ва деҳқон хўжаликлари;
- 2) *Ўрта тадбиркорлик.* Кичик ва йирик корхоналар оралиғидаги, яъни фаолият микёси ўртача корхоналар ва фермер хўжаликлари;
- 3) *Йирик тадбиркорлик.* Бунга йирик фирмалар, концернлар, корпорациялар, йирик фермер хўжаликлари ва зироатчилик плантациялари (ғоят йирик хўжаликлар) мисол бўлади²⁶.

Тарихдан аёнки, тадбиркорликнинг тарихий-назарий таҳлили дастлаб Ғарбда бошланган бўлсада, унинг моҳияти ва ривожланишига таалуқли кўп қиррали билимлар дастлаб Шарқда таркиб топиб, сўнгра Ғарбда илгари сурилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Аммо айрим олимлар бизнес ва тадбиркорликнинг вужудга келишини АҚШда шаклланган ва ривожланган, деган фикрни илгари сурадилар. Масалан, М.Насритдинова ва О.Ахмедовлар шу асосда жаҳон тарихий тараққиётида тадбиркорлик фаолиятининг 5 та асосий фарқланувчан даврини кўрсатиб, уларни қуидаги муҳим тарихий даврларга бўладилар:

- 1) **Тадбиркорликнинг техник қуролланиш даври:** (1820-1900 йилларни ўз ичига олган) ушбу даврда барча саноат соҳаларида инқилобий ўзгаришлар, янги техник воситаларига асосланган ишлаб чиқариш бунёдга келди;
- 2) **Оммавий ишлаб чиқариш даври:** (1900 йилдан бошлаб XX асрнинг 30-йилларини ўз ичига олади) бу давр тадбиркорлик фаолиятининг асосий йуналиши оммавий ишлаб чиқаришни тобора самарали шаклда барпо этишга ва маҳсулот таннархини камайтириш борасидаги уринишлар билан ифодаланади;

²⁴ Дашков Л. Предпринимательство и бизнес. // Учебник. М., 1995., Бусыгин А. Предпринимательство. – Москва., 1997. -С.14.

²⁵ Шодмонов Ш, Алимов Р, Жўрев Т. Иқтисодиёт назарияси. -Тошкент., 2002. -Б 37.

²⁶ Ўлмасов А, Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. -Тошкент., 2006. -Б 147.

3) Оммавий айирбошлаш даври: (XX асрнинг 30 йилларидан то 50-йилларигача давом этган) бу даврда тадбиркорлик фаолиятида асосий эътибор ишлаб чиқаришдан бозор талаблари, харидор эҳтиёжлари сари йуналтиришни талаб этган даврdir. Айнан шу даврда илк маркетинг назарияси амалий қарор топган;

4) Юқори индустрлашган давр: (XX аср 50-йилларидан - 70-йилларининг ўрталаригача бўлган муддатни ўз ичига олади) яъни бу давр тадбиркорлик фаолияти ривожланиш соҳалари, даражасини кенгайиши билан ажralиб туради;

5) Замонавий тадбиркорлик даври: (XX аср 70-йилларидан бошлаб то ҳозиргacha бўлган тарихий давrdir) бу давр соҳада вужудга келган янги ўзгаришлар жараёнини ўз ичига олади. Бу даврда тадбиркорлик ва бизнес кенг кўламда халқaro тус олди ва бу тобора интернационаллашув, инновацион технологиялар жараёни сифатида ривожланди²⁷.

Шу ўринда қайд қилиш жоизки, соҳанинг Ўзбекистондаги тарихий тараққиёти ҳам эътиборга молик бўлиб, уни иқтисодчи олим А. Қулматов қўйидаги 3 та катта тарихий даврга бўлади:

1. *Подишо Россияси империяси ҳукмронлиги даври (1865-1917 йй);*
2. *Собиқ совет давлати ҳукмронлиги даври (1917-1991 йй)*
3. *Ўзбекистон мустақиллиги даври²⁸.*

Тадбиркорлик тушунчасининг моҳияти хусусида сўз кетганда, яна бир изоҳда тадбиркорлик- жисмоний ва юридик шахслар доимий асосда амалга оширадиган эркин ишлаб чиқариш ёки тижорий фаолият туридир, дея қайд қилинса²⁹, иккинчи бир таърифда тадбиркорликни нафақат бандлик, балки иш берувчи, иш билан таъминловчи сифатида ҳам эътироф этилади³⁰. Иқтисодчи олимлар А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар «Тадбиркорлик фақат пул топиш эмас, балки яратувчанлик фаолияти орқали даромад олиш омилидир», деб таъкидлаб, тадбиркорлик шунчалик бир фаолият эмас, балки даромад топишга мўлжалланган иқтисодий фаолият бўлиб, агар у фаоллашмаса, иқтисодий ўсиш рўй бермаслигини асослайдилар ва улар айнан тадбиркорликнинг сифат жиҳатига эътиборни қаратадилар.³¹

Демак, бизнинча тадбиркорлик нафақат тавккалчилик асосидаги фаолият, фойда олиш, ўз манфаатларини қондириш, балки давлат ва жамият манфталари нуқтаи назаридан аҳоли турмуш тарзини юксалтириш, бозорни арzon ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, иқтисодий ҳамда молиявий эркинлик, ишни ижодий ташкил этиш, индивидуал ташаббускорлик ҳамда номоддий эҳтиёжлар манбаи ҳамdir.

²⁷ Насритдинова М, Ахмедов О. Бизнес стратегияси. -Тошкент., 1996 й.-Б 12-13.

²⁸ Қулматов А. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши. -Тошкент.: “Шарқ”. 2004. – Б 123-124 .

²⁹ Юридическая энциклопедия. -Москва., 1997, 349-бет; Яна қаранг: Экономика и право: Энциклопедический словарь . - Москва.: “Габлер”. 1998, - С 87.

³⁰ Норматов Н. Всеобщая декларация прав человека и предпринимательская деятельность. // демократизация общества и обеспечение прав человека- опыт Узбекистана. (Материалы международной научно-практической конференции. - Ташкент., 2008.- С 374.

³¹ Ўлмасов А, Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. -Тошкент.: Мехнат. 1995. – Б 192.

Энг муҳими у эркин қонуний фаолият ҳамдир. Чунки тадбиркор ўз фаолиятини қонуний тарзда, бозор қонун-қоидалари асосидаги лицензион асосда ташкил этади. Айниқса тадбиркорлик ривожланишида айнан бозор қонуниятлари муҳим рол йўнайди. Бу борада X. Абулқосимов уни “қонуний йўл билан ман қилинмаган иқтисодий унумли фаолият тури», деб таърифлайди³². Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий муаммолари моҳиятини очишида К.Муфтайдинов «**Тадбиркорлик иқтисодий фаолиятни ҳаракатлантирувчи куч сифатида иқтисодий маҳовик бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини ва истеъмол талабларини эътиборга олган ҳолда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди**», деб таъриф берган³³.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, тадбиркорлик фаолиятини назорат қилиш учун бозор муносабатлари субъектларининг таснифини билиш лозим. Улар тўрт тоифага бўлинади: 1) фирмалар; 2) банклар; 3) суғурта ва траст компаниялари; 4) инновация (сармоялаш) тузилмалари. Буларнинг барчаси ички бозорда ва ташқи бозорда амал қиласди³⁴.

Бизнингча, тадбиркорларга улар фаолиятига оид лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, тадбиркорга лицензия олиш учун аризаларни жойлардаги Давлат хизматлари марказлари орқали ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат этишлари тўғрисида доимий тушунчалар бериб бориш муҳим ҳисобланади. Муҳими тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши, уларнинг ташаббуслари учун кенг имкониятлар яратиш, давлат ва назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари фаолиятига аралашувини қисқартириш, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик қисқартириш яхши самаралар беради.

Бу борада ўз фикрини баён қилган Биринчи Президент И.А Каримов, айниқса, хусусий бизнесга кўпроқ эркинлик бериш лозим. Умуман, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларига кўпроқ эркинлик бериш зарур. Бунинг учун тегишли хуқуқий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароит ва кафолатларни яратишимиш керак”, дея қайд этган эди³⁵.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг хуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тинг

³² Абулқосимов П., Кулматов А. Тадбиркорлик сермашақкат фаолият. // Иқтисод ва ҳисбот, 1997, 9-сон. Б 9.

³³ Муфтайдинов К. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. // Иқтисод. фан. доктори диссертация. -Тошкент., 2004. – Б 18

³⁴ Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. -Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2005, -Б 195.

³⁵ Каримов. И.А Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. -Тошкент.: Ўзбекистон, 2000, - Б 337.

хукуқлигини ва хукукий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди»³⁶, деб белгилаб қўйилган. Шундай экан, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорларнинг эркин фаолияти ва уларнинг хукуқларининг кафолатланганлиги ҳам муҳим омил ҳисобланади. Бу бизга жаҳон тарихий тажрибасидан аён.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, қонунга мувофиқ, республикада шакллантирилган хусусий мулк³⁷ икки турдан иборатлиги белгилаб қўйилган. Яъни, биринчиси, якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорларнинг хусусий мулки, иккинчиси, уларнинг ширкат хўжаликларидағи пайлари, акциядорлик жамиятларидағи акциялари, уюшмалардаги улушларидан иборат корпоратив хусусий мулк. Якка ва корпоратив (улушли) хусусий мулк эгалари мулқдор ҳисобланиб, уларнинг мулкка бўлган ҳукуқлари, даҳлсизлиги давлат томонидан ҳимояланди. Шунингдек, “Мулк ҳукуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини қўзлаб эгалик қилиши, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳукуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиши ҳукуқидан иборатdir, мулк ҳукуқи муддатсизdir»³⁸.

Шу ўринда қонундаги яна бир фикрга ҳам эътибор бермоқ зуур. Хусусан, қонунда кўрсатилганидек, «Тадбиркорлик - мулкчилик субъектларининг ҳаракатдаги қонунчилик доирасида товар ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатишга ҳамда даромад ва фойда олишга қаратилган ташаббускорлик фаолияти»dir. Унга кўра тадбиркорликнинг қуйидаги шакллари мавжудлиги кўрсатилган:

- а) шахсий (хусусий) фаолият;
- б) ёлланма меҳнатни жалб қилиб, амалга ошириладиган тадбиркорлик;
- в) фуқаролар ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган жамоа ёки қўшма тадбиркорлик³⁹.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги (янги таҳрир) қонуннинг 5–моддасига кўра кичик тадбиркорлик субъектларига қуйидагилар кириши кўрсатилган:

1. Якка тартибдаги тадбиркорлар;
2. Ишлаб чиқариш тармоқларидағи, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 20 киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ билан боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқлардаги, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 10 киши, улгуржи,

³⁶ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент.: Ўзбекистон, 2019.-Б 18.

³⁷ “Ўзбекистон Республикасида хусусий мулк тўғрисида”ги 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган қонунга кўра миллий қонунчиликда узоқ муддатли танаффусдан сўнг хусусий мулкчилик институти қайта тикланди. Чунки, собиқ шўролар даврида тадбиркорлик ва хусусий мулкчилик инсонлар ўртасидаги мулкий тенгсизлик ва табақаланишни келтириб чиқаради, деб ҳисобланиб, бу мулк шакли бекор қилинган эди. Мулкчиликнинг факат давлат (социалистик) ва шахсий мулкчилиги саклаб қолинган эди. Ўзбекистон қонунчилигига кўра хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби даҳлсиз ва давлат томонидан ҳимоя қилинади. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистонда тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни//Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. -Тошкент., 1992.

³⁸ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. -Тошкент.,1999, 164-модда.

³⁹ Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йўли. -Тошкент.: Шарқ. 1999, - Б 120.

чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидағи, банд бўлган ҳодимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 5 киши бўлган микрофирмалар⁴⁰.

Энди бизнес тушунчаси ва унинг моҳияти хусусида. Қайд этилишича, **бизнес**, бу пул топишга, фойда олишга йўналтирилган иқтисодий фаолият бўлиб, адабиётларда унинг фаолият кўламига қараб, йирик, ўрта ва майда турларга бўлиниши таъкидланади. Э. Эгамбердиев ва Х. Хўжақуловларнинг ёзишича, “бизнес” бу, рухсат этилган уюшма ёки жамоа аъзоларига наф келтирувчи фаолият билан шуғилланган ҳолда даромад топишdir. Яъни, у кенг маънода қонуний йўл билан даромад топишга қаратилган фаолиятdir⁴¹.

Янада кенгроқ маънода тушунчани илмий жиҳатдан изоҳланса, **бизнес** (инг. “business”) инглизча сўз бўлиб, даромад ёки бошқа наф келтирадиган хўжалик (касби, машғулот тури), фойда олиш мақсадлари кўзланган ва қонунларга хилоф бўлмаган ҳар қандай ташкилий фаолиятdir, дейди А. Қодиров ва А.Турсунов⁴². У «small business», «private entrepreneurship» деб ҳам юритилади⁴³.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида эса бизнес, давлат қонунлари ва халқаро шартномалар ва бошқа юридик хужжатлар билан тартибга солинади. Унинг кичик, ўрта ва йирик турлари мавжуд. **Йирик бизнесда** 500 дан ортиқ киши банд бўлса, **ўрта бизнесда** эса 20 — 500 киши банд бўлган корхона (фирма) лар тушунилади. **Кичик бизнес** эса 10 — 20 ва ундан кам киши ишлайдиган корхоналарни қамрайди. Йирик ва ўрта бизнесга, асосан йирик ишлаб чиқариш, кўп сонли товарлар ишлаб чиқарадиган, механизациялашган ҳамда автоматлашган соҳалар киради. Кичик бизнес кичик корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, ахолига хизмат кўрсатиш, савдо, тижорат соҳаларида кенг тарқалган. Кичик бизнес кам харажат, ортиқча меҳнат ва шароитга тез мослаша олиши билан тадбиркорликнинг бошқа турларидан фарқ қиласи⁴⁴.

Илмий адабиётлар таҳлили ва олиб борилган тадқиқотларимиз кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳар қандай шароитда, айниқса тез-тез содир бўлувчи жаҳон иқтисодий ва молиявий инқирозларига мосланувчанлиги ва шу инқирозлардан кам талофат билан чиқа олиши билан характерли эканлигини тасдиқлади. Масалан, жаҳон тарихий тажрибасига кўра 1973—1975 йилларда дунё иқтисодиётida кучли инқироз юз бериб, у энергетика ва хомашё инқирозлари билан бирга бориб, бу инқироздан кичик ва ўрта корхоналар нисбатан камроқ йўқотиш билан чиққанлар. Чунки улар бозор конъюнктураси ўзгаришларига тезроқ мослаша олганлар. XX аср сўнгидаги Осиёда бошланиб, кейинчалик бутун дунёни қамраб олган молиявий инқироз натижаларига кўра

⁴⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ти қонуни. // Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. -Тошкент., 2012.

⁴¹ Эгамбердиев Э, Хўжақулов Х. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. -Тошкент., 2003. – Б 10-11.

⁴² Қодиров А, Турсунов А. Иқтисодиёт назариясидан атамалар ва тушунчалар. -Тошкент., 2000.-Б 13.

⁴³ Эшов М. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлар. / Монография. –Тошкент. 2017.-Б 6.

⁴⁴ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. -Тошкент.. 2006. - Б 310.

кичик ва ўрта корхоналар иқтисодиётда нисбатан устун ўринга эга бўлган мамлакатлар (Малайзия) инқироздан энг кам зарар билан чиқсан бўлса, йирик корхоналарга устуворлик берган мамлакатлар (Жанубий Корея) энг кўп зарар кўрган⁴⁵. Кичик бизнесни бозор конъюнктураси ва бошқа турли бўхронларга тез мослаша олишини 2009 йилда содир бўлган жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳам исботлади⁴⁶

Албатта, жаҳон халқлари тарихига эътибор қаратилса, тадбиркорликнинг муҳим шакли бизнес юритиш иқтисодий ишлаб чиқариш, савдо, тижорат, хизмат кўрсатиш соҳаларида муҳим рол ўйнайди. Бу борада бизнес тушунчаси хусусда европалик **Питер Друкернинг** фикрига кўра «Агар биз бизнес нима эканлигини билишни хоҳласак, биз уни мақсадидан бошлашимиз керак ... бизнеснинг фақаттина бир аниқ таърифи мавжудки, бу ҳам бўлса, харидорни вужудга келтиришдир. Келгуси бизнес ёки унинг муваффақияти учун фирманинг ўз маҳсулоти ҳақида ўйлаши, бу асосий нарса эмас. Харидорнинг ўз хариди ҳақида фикр юритиши, уни қай даражада қадрлилиги – мана шугина бизнеснинг аҳамияти ва моҳиятини белгилайди⁴⁷», дейди.

Ҳар иккала тушунчларнинг мазмуни ва моҳияти хусусида яна шуни қайд қилиш лозимки, тарихнинг кейинги даврларида, хусусан америкалик иқтисодчи олим **Йезеф Шумпетер** (1883-1950) тадбиркор учун мулк эгалиги мақомининг шарт эканлигини инкор қилиб, уни кишиларнинг турли табақаларига ҳослигини асослайди. У ўзининг “Иқтисодий ривожланиш назарияси” китобида тадбиркорни новатор, яъни янгилик яратувчи одам сифатида таърифланган⁴⁸.

Унинг фикрича, “тадбиркорнинг вазифаси янги кашфиётларни амалга тадбиқ қилиш орқали ишлаб чиқариш услубини реформа қилиш (янгилаш) дан иборат. Кенг маънода кўриб чиқилганда тадбиркорнинг вазифаси янги очилган бозор ёки хом ашё базаси асосида янги товар ишлаб чиқариш ёки эскирганини модернизация қилиш учун янги технологиялар ишлатишдан иборат”. Муаллифнинг таърифига кўра, тадбиркор ишлаб чиқаришни ташкил этувчи, унинг янги йўлларини белгиловчи ва янги комбинацияларини ишлаб чиқувчи шахсдир⁴⁹.

Австриялик олимлар Л.Мизес ва Ф.Хайек ўз тадқиқотларида тадбиркорнинг шахсий қобилиятлари ва хусусиятлари, яъни унинг ўзгарувчан иқтисодий – ижтимоий ҳодисаларга муносабати, шунингдек,

⁴⁵ Эшов М. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлар. / Монография. –Тошкент. 2017.-Б 18.

⁴⁶ Мазкур масалада тўлиқроқ маълумот олиш учун каранг: Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари. // Республика илмий-назарий анжуман материаллари. -Тошкент., 2019.

⁴⁷ Drusek P. The Practice o f management, - New York. Hargre, 1954. - Р 31

⁴⁸ Шумпетер Й. Теория экономического развития. -Москва., 1982. - С 21

⁴⁹ Ўша жойда.

тадбиркорларнинг иқтисодий тизимни мувозанатлаштиришдаги ва тартиба солишдаги ролини таҳлил қилишга жиддий эътибор қаратганлар⁵⁰.

Америкалик иқтисодчи олимлар Р.Хизрич ва М.Питерслар тадбиркорликни қийматга эга бўлган бирон бир янги нарса, ашёни яратиш жараёни, тадбиркорни эса бунинг учун зарурий куч ва вақт сарфлаб, ўз зиммасига молиявий, психологик ва социал рискларни олувчи ҳамда буларнинг эвазига мукофот сифатида пул ва ютуқлардан қоникиш олувчи шахс, деб таърифлаганлар⁵¹. К.Макконел ва С.Брюлар тадбиркорни ишлаб чиқариш омилларини бирлаштирувчи, катализатор вазифасини бажарувчи, бизнес юритишида қарорлар қабул қилувчи, янги технологияларни жорий этувчи, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интилевчи, таваккал (риск) қилишга мойил шахс сифатида изоҳлайдилар⁵².

Албатта, инсоният тарихий тараққиёти жараёнида доимо хусусий мулкнинг ҳақиқий эгаси бўлишга, ундан фойда олишга, шу тарзда тез ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга интилиб келади. Демак, тадбиркорлик ва хусусий мулкка эгалик қилиш ўтмишнинг узоқ даврларига бориб тақалади. Аммо тадбиркорликнинг бугунги кундаги каби замонавий шакл ва мазмун касб этиши тарихига эътибор қаратсан, ҳозирги замон Ғарб адабиётида ҳам тадбиркорлик фойда олиш мақсадида хўжалик юритиш санъати, иқтисодий ва ташкилий ижодкорлик ва ташаббуснинг эркин намоён бўлиши, новаторлик, хавф-хатарга доим тайёр туриш каби белгилар билан тавсифланади.

Демак, ўрта асрларда ёқ Ғарбда ушбу йўналиш жадал ривожлана бошлаган. Тўғри, бу борада ўша кезларда дастлабки илмий манбалар вужудга кела бошлаган бўлсада, соҳани илмий ўрганиш ёки тадқиқ қилиш ғарблик олим ва мутафаккирларнинг илмий ишларининг тадқиқот объекти бўлмаган. Аммо бу борада ўша пайтларда ўзига хос илмий мактаблар шакллана бошлаган. Унга кўра, бизнес ва тадбиркорликни шахсий фойда олиш учун таваккалчилик тижорат ғоясини амалга оширувчи мулқдор, деб тавсифлайдилар. Мулқдорлар ишлаб чиқаришни ташкил қиласди, режалаштиради, унинг натижаларини ўзлаштиради, деган хуносага келинганилигини кўришимиз мумкин⁵³.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўзининг дастлабки шаклланиш ва ривожланиш босқичида тадбиркорлик асосан иқтисодий ва молиявий таваккалчилик билан боғлиқ бўлган. Чунки тадбиркорликка қўл урган шахс унинг фаолияти келажакда қандай натижа билан якунланишини олдиндан айта олмайди. Зоро, бунинг учун авваломбор харидор ва мустаҳкам бозор бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бу даврда **бизнес ва тадбиркорлик** сифатида доимий даромадга эга бўлмаган дехқон, хунарманд, савдогар ва бошқалар фаолияти тушунилиб, ўзгалар молини муайян нархда сотиб олиб, уларни ва ўзининг молини ҳам муайян юқорироқ нархда сотиш фаолияти тушенилган.

⁵⁰ Бусигин А.В. «Предпринимательство в конце XX века» -Москва., - С 34.

⁵¹ Хизрич Р, Питерс М. Предпринимательство. Вып,1 –Москва., 1991. – С 10.

⁵² Макконелл К, Брю С. Экономика: Принципы и проблемы. –Москва.: Республика. 1992. – С 38.

⁵³ Болтабоев Р, Қосимова С ва бошқалар. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. -Тошкент., 2012.-Б 11.

Дарҳақиқат, тадбиркорликнинг моҳиятини таҳлил этиш шундан далолат бермоқдаки, унинг моҳияти ва мазмунига турли олимлар турли даврларда турлича ёндашганлар. Умуман, тадбиркорлик ўз қийматига эга бўлган қандайдир янги нарсани яратиш жараёни, тадбиркор эса бунинг учун барча зарур вақтини сарфлайдиган, барча молиявий, психологик ва ижтимоий хавфхатарни ўзига олиб, эвазига мукофот сифатида пул ва эришилган ютуғидан қаноатланувчи шахсдир⁵⁴. Ёки “ишини ўз хисобидан олиб борувчи, бизнесни бошқариш билан шахсан шуғулланувчи ва керакли воситалар билан таъминлаш учун шахсий жавобгарликка эга, қарорни мустақил қабул қилувчи кишидир”⁵⁵.

Олиб борган тадқиқотларимизга кўра, кичик бизнес ва тадбиркорлик назарияси бўйича республикамиз етакчи олимлари томонидан ҳам қатор илмий қарашлар ўртага ташланган. Жумладан, Г. Абдуллаева ишларида кичик ва ўрта бизнесни ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш масалалари атрофлича ёритилган. Бундан ташқари, қўлланмада бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мақсад қилиб қўйган шахслар учун бизнесга кириб бориш билан боғлиқ атамалар изоҳи ҳам берилганилиги эътиборга моликдир⁵⁶.

Айрим олимлар “тадбиркорлик” ва “бизнес” каби тушунчалар бир хил ёки, маънодош, деб ҳисобламайдилар. Бу борада М. Эшовнинг фикрича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бағищланган хорижий ва мамлакатимизда нашр этилган адабиётлар натижаларига кўра, олимлар орасида унга нисбатан ягона фикр мавжуд эмас. Гарчи кўплаб мамлакатларда кичик ва ўрта корхоналарнинг расмий таърифлари қабул қилинган бўлса-да, уларнинг ўзаро тафовутда эканлиги, бир-биридан фарқ қилиши кузатилади,⁵⁷. Шу боис иқтисодчи У.В.Гафуров «Кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш шакл ва воситалари кичик бизнес соҳасининг ривожланганлик даражасига кўра ўзгариб, унга мос тушувчи воситалар қўлланиб бориши лозим», деган фикрни илгари сурган⁵⁸.

Тадқиқотларга кўра кўпгина адабиётлар ва юридик ҳужжатларда “тадбиркорлик” ва “бизнес” тушунчалари синоним тушунчалар сифатида талқин қилиниб, улар бир-биридан унчалик фарқ қилмайди. Бозор иқтисодиёти субъектларининг хўжалик фаолиятида “тадбиркорлик” ва “бизнес” тушунчалари ўзаро яқин бўлиб, амалиётда улар бир-бирларини алмаштиришлари мумкинлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири 3–

⁵⁴ Хизрич Р, Питерс С. Предпринимательство. –Москва., 1994. - С 40.

⁵⁵ Хоскин А. Курс предпринимательство. –Москва., 1993. - С 23.

⁵⁶ Абдуллаева Г. Германияда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш. // Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари. Тошкент., 2009. - Б 169.

⁵⁷ Эшов М. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлар. / Монография. –Тошкент. 2017.-Б 7.

⁵⁸ Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизmlарини такомиллаштириш. / Иқтисод фан. докт. дисс. автореферати - Тошкент., 2017. –Б 30.

моддасида “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир”, – деб таъриф берилган⁵⁹.

Бундан кўринадики, моҳиятан бизнес ва тадбиркорлик ўз фаолиятига кўра турлича талқин қилинсада, улар бир-бирига ўхшаш маъно касб этади, яъни биргаликда ишлатилади ва бир-бирини тўлдиради.

Айниқса XX асрнинг 80-йиллари охири, 90-йиллари бошига келиб собиқ СССР даги барча Иттифоқдош республикаларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам **бозор муносабатларининг** ташкил топиши учун қулай шарт-шароит етилди, давлат мулкчилиги ўрнида хусусий мулк таркиб топиб, инсон мулкнинг ҳақиқий эгасига айланади. Муҳим вазифа эса мулкчиликнинг турли шакллари, хусусан хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳукуқий асоси яратила бошланди.

XXI асрга келиб бизнес ва тадбиркорлик тушунчаларининг моҳияти янада кенгайди, унда банд бўлган аҳоли салмоғи ҳам ўзгара бошлади, дунёда анчагина тараққий эта бошлади. Айниқса Ғарбда ушбу соҳаларнинг таркибий тузилиши ўзгара бошлади. Бу борада Э. Эгамбердиев ва X. Хўжакуловларнинг ёзишича, замонавий **Францияда** кичик бизнес субъекти деганда, таркибига 10 тадан 50 тагача ходимлари бўлган микро фирмалар; кичик ва ўртача корхоналарга 50 тадан 500 тагача ходими бўлган корхоналар киритилади, 10 кишигача ходими бўлган корхоналар хунармандчилик корхоналари ҳисобланади⁶⁰. **АҚШ да** кичик бизнес субъектларидаги ишчи ходимлар сони 50 - 100 нафаргача қилиб белгиланган⁶¹.

М. Эшов Ғарбда 10 кишидан 50 кишигача ёлланма ишчига эга бўлган корхоналар кичик, 50 дан 500 гача ўрта ва 500 дан ортиқ ишчига эга бўлган корхоналар йирик корхоналар сифатида, **Германияда** ҳам кичик ва ўрта корхоналарнинг микдорий мезонлари Франциядаги сингари белгиланган, дея қайд этади⁶². Бунда эътибор бериладиган жиҳат шундаки, тадбиркорлик субъектининг катта кичиклиги, махсулот тури, даромади, ҳажми, ўз ўрнида экспорт салоҳиятидан келиб чиқилишини ҳам қайд этиш лозим. Масалан, Германияда ходимлар сони ва йиллик оборот кўрсаткичига кўра кичик корхоналарга 10 тагача, ўртача корхоналар қаторига 50 тагача ходими бўлган, йиллик обороти 100 млн. маркага етган корхоналар киритилади⁶³.

⁵⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўгрисида”ти қонуни. // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. -Тошкент., 2012.

⁶⁰ Эгамбердиев Э, Хўжакулов X. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. -Тошкент., 1999 - Б 54.

⁶¹ Рашидова Ф. Зарубежные инвестиции в формировании и развитии малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан (Исторический аспект). Диссертация докт.. ист наук (Phd) по историческим наукам. -Ташкент., 2019. – С 134.

⁶² Эшов М. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлар. / Монография. –Тошкент. 2017.-Б 13.

⁶³ Абдуллаева Г. Германияда кичик бизнесни кўллаб-қувватлаш. // Жаҳон молиявий иқтисодий инкиrozининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари. -Тошкент., 2009.- Б 169.

Голландияда кичик фирмалар қаторига 10 ўртача фирмага 100 тагача ходими бўлган ишлаб чиқариш корхоналари киради. Жанубий Кореяда саноат ва транспортда 20 тагача ходим банд бўлган фирмалар кичик, 21 тадан 200 тагача кишиси бўлган фирмалар ўрта корхоналар ҳисобланади; Савдо ва хизмат соҳасида шунга мувофиқ ходими 5 тадан кам корхоналар кичик ҳисобланади⁶⁴.

Ўзбекистонда эса дастлаб кичик корхона ишчилари сони ўртача 100 нафардан ошмаслиги белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги қарорига мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ихтинослашган корхона ишчилари сонини 200 нафарга етказишга руҳсат берилган⁶⁵.

Тадқиқотнинг юқоридаги бандларида биз **ўрта тадбиркорлик** ҳакида ҳам сўз юритдик. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тарихи ва назарияси борасидаги изланишларимизга кўра, тадқиқотлар шуни кўрсатдик, республикамизда ўрта бизнес тилимизда кўп ишлатилсада, ушбу соҳа ҳали обдан такомиллашганича йўқ. Бунинг исботи сифатида 2019 йил 17 декабрда “Ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси янги таҳрирда эълон қилинди. Унада 2020 йилнинг 1 апрелидан ўрта тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига мулк шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш соҳасида 100 дан 150 нафаргача, қурилишда 70 дан 100 нафаргача, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида, улгуржи савдода 30 дан 40 нафаргача, чакана савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 20 дан 30 нафаргача ўз ходимига эга бўлган ўрта корхоналар кириши белгиланди⁶⁶.

Агар ўрта бизнес ривожи хусусида жаҳон тарихий тажрибасига назар ташланса, ривожланган мамлакатларда ўрта қатламга мансуб кичик корхоналарнинг ЯИМ (Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш) даги улуши тахминан 50% га тўғри келади⁶⁷. Масалан, АҚШ ва Истроилда тадброрларнинг салкам 50%, Шимолий Европа давлатларида 70 % ни ўрта тадбиркорлар ташкил қилади⁶⁸. Яна бир маълумотга кўра ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 50–67 %и кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобига тўғри келади. Бу кўрсаткич АҚШ да 50–52 %ни, **Европа Иттифоқи** мамлакатларида 63–67 %ни, Японияда 52–55 %ни ташкил этади. МДҲ мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ривожланган мамлакатларга нисбатан анча паст⁶⁹.

⁶⁴ Эгамбердиев Э, Хўжақулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. -Тошкент., 1999 – Б 55.

⁶⁵ Рашидова Ф. Зарубежные инвестиции в формировании и развитии малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан (Исторический аспект). Дисс.докт. философии (Phd) по историческим наукам. -Ташкент., 2019.- С 134.

⁶⁶ <https://kun.uz/news/2019/12/17/orta-biznes-togrisidagi-prezident-qarori-loyihasi-yangi-tahrirda-elon-qilindi>

⁶⁷ Рашидова Ф. Зарубежные инвестиции в формировании и развитии малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан (Исторический аспект). Дисс.докт. философии (Phd) по историческим наукам. -Ташкент., 2019.- С 134.

⁶⁸ Ўша жойда.

⁶⁹ Эшов М. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлар. / Монография. –Тошкент. 2017.-Б 20.

Тадқиқотларга кўра Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам ўрта бизнес афсуски, жуда паст кўрсаткичда. Яъни, ўрта қатлам, бошқача айтганда ўрта мулқдорлар қатламини шакллантириш муаммоси мавжуд ва унга шу пайтгача етарли эътибор қаратилмади, дея қайд қиласидилар Э.Эгамбердиев ва Ҳ.Хўжақуловлар⁷⁰.

Шу боис янги Ўзбекистонда сўнгги пайтларда Президент **Шавкат Мирзиёев** томонидан вазирликлар ва тегишли идораларга ўрта бизнес тоифасини жорий этиш, кичик, ўрта, йирик бизнес мезонларини қайта кўриб чиқиш, уларни алоҳида механизмлар асосида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси юқлатилганлиги⁷¹ бежиз эмас. Бу келажакда республикада ўрта бизнес учун ҳам зарур шарт шароитлар яратилишига туртки беришига шубҳа йўқ. Рақамларга кўра 2021 йил августгача бўлган даврда Ўзбекистонда тадбиркорлар сони 1,5 миллион кишини ташкил этган. Ушбу тадбиркорларга қарашли корхоналарда 5 миллионга яқин киши меҳнат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқотларга кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш амалга ошираётган ислоҳотларнинг асосий бўгини ҳисобланади. Яъни, тадбиркорликнинг моҳиятини таҳлил этиш шундан далолат бермоқдаки, унинг моҳияти ва мазмунига турли даврларда турлича ёндошувлар бўлганлигини кўриш мумкин. Бу эса унинг умумэътироф этилган ягона таърифи ҳали мавжуд эмаслигини, аммо маҳсулот ишлаб чиқариб, қўшимча даромад олиш, пировардида аҳоли турмуш тарзини юксалтиришнинг муҳим мезони эканлигини тасдиқлади. Дарҳақиқат, мазкур соҳа ўз тарихий эволюцияси мобайнида ҳар бир тарихий давр, ҳар бир мамлакат ва жамиятларнинг ўзига хос иқтисодий ва ижтимоий мезонлари, шарт шароитлари ҳамда талабларига боғлиқ ҳолда шаклланганлигини тасдиқлади.

Тадқиқотлар асосида бизнес ва тадбиркорликнинг назарияси ва моҳиятига кўра, унинг тарихан шаклланиши ва мустақиллик йилларидағи ривожланиш босқичларининг қўйидаги З та муҳим омилларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, кичик бизнес ва тадбиркорлик кишилар турмуш тарзининг бир бўлаги сифатида тарихан узоқ ўтмишга бориб тақалсада, фақат совет тузуми ҳукмронлик қилган кезларда давлатнинг хусусий мулкка нисбатан олиб борган тескари сиёсати натижасида унутилди, ўз моҳиятини йўқотди. Аммо XX аср 90-йилларининг бошлари, аниқроқ қилиб айтганда, Ўзбекистон мустақиллиги остонаси ва мустақилликнинг илк йилларидан эътиборан ушбу соҳанинг қайта тикланиши ва ривожи учун кенг имкониятлар яратилди. Аждодларимиз турмуш тарзига хос анъанавий хусусий мулкка

⁷⁰ Эгамбердиев Э, Хўжақулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. -Тошкент., 1999 – Б 55.

⁷¹ Тадбиркорликни ривожлантириш ва давлат бюджетига кафолатланган тушумларни таъминлаш таҳлил қилинди. (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2019 йил 11 сентябр куни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳамда Давлат бюджетига кафолатланган тушумларни таъминлашга бағишланган видеоселектор йигилиши бўлиб ўтди. //Халқ сўзи. 2019 йил 19 сентябрь, №189 (7419).

эгалик қилиш ҳисси пайдо бўлди, кишиларда тадбиркорлик кўнималари шаклана бошлаганлигини тасдиқлади;

Иккинчидан, тадбиркорликнинг назарий жиҳатларини тарихий нуқтаи назардан илмий тадқиқ этиш, нафақат унинг мазмун-моҳиятини тўғри англаб олишга унダメоқда, балки унинг ижтимоий-иктисодий функцияларини тушуниш учун ҳам имконият яратди;

Учинчидан, масалани тарихий йўналишда илмий тадқиқ этишнинг яна муҳимлиги шундаки, тарихий тадқиқотлар доимо тарихий методологиянинг “қиёсий таққослаш усулига” таянган ҳолда иш олиб боришни тақоза этади. Бу эса тадқиқотчидан, ўтмиш ва бугунги кун ўртасидаги диалектик алоқадорликнинг тарихий-таҳлил услубига асосан иш юритишни, тарихий реалликдан тўғри хulosалар чиқаришни, воқеаларга нисбатан тўғри муносабат билдира олиш кўнималарига эга бўлишни кўрсатди.

I. 2. Ўзбекистонда бизнес ва тадбиркорликнинг тарихий негизлари ва эволюцияси

Ўзбекистонда мулкка эгалик қилиш, хусусий мулкчилик ҳамда тадбиркорликнинг дастлаби илдизлари ва шаклланиши анчагина қадимги даврларга бориб тақалади. Минтақада азалдан аждодларимиз ер ва мол мулкнинг ҳақиқий эгалари сифатида довруғ таратганлар, ўзларига тегишли ерлардан сифатли маҳсулот етиштириб, мўл-кўл ҳосил олганлар. Яъни, хусусий ер ва мулкнинг ҳақиқий хўжайинлари ҳисобланганлар. Бу қадимги даврларда ёқ Ўзбекистон худудларида тадбиркорликнинг дастлабки илдизлари шаклланишига туртки бўлган. Бу борадаги дастлабки мулкка эгалик, хусусий мулк ва унинг аҳамияти хусусидаги фикрлар қатор тадқиқотчиларнинг ишларида учрайди⁷².

Тарихдан маълумки, қадимги даврларда мулк дастлаб маълум бир жамоага тегишли бўлиб, у жамоа аъзолари орасида teng тақсимланган. Яъни, ибтидоий даврнинг матриархат босқичида мулк ижтимоий характер касб этиб, бундай жамоаларнинг иқтисодий асосини ўзлаштирувчи хўжалик ташкил этган. Ибтидоий аждодларимиз томонидан дехқончилик ва чорвачилик ҳамда хунармандчилик кашф этилгач, хусусий мулкчилик шакллана бошлаган. «Ибтидоий уруғчилик жамоаси» заминида юз берган **биринчи ижтимоий меҳнат тақсимоти** (дехқончилик ва чорвачилик хўжаликларининг ихтисослашуви) ва ундан кейин юз берган иккинчи ижтимоий меҳнат тақсимоти (хунармандчиликнинг дехқончилиқдан ажраб чиқиши) натижасида ота уруғининг (патриархатнинг) узил-кесил қарор топишига олиб келди.

⁷² Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины СПб. 1882., Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. -СПб. 1882.; Массон В.М. Поселение Джайтун (Проблема становления производящей экономики). –Ленинград. 1971.; Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. –Москва-Ленинград, 1962.МИА №118.; Спришевский В.И Чустская стоянка эпохи бронзы в Узбекистане СЭ № III. - Москва 1954.; Латинин Б.А. Вопросы ирригации и орошаемого земледелия древней Ферганы.. // КСИИМК, 1956. Вып 64.

Патриархатда мулк матриархатнинг қатор ижтимоий хуқуқий нормаларини сақлаган ҳолда, хусусийлаша бошлади⁷³.

Агар Ўзбекистон ҳудудларида қадимда дастлабки хусусий мулкчилик ва илк тадбиркорлик илдизларининг шаклланишига эътибор қаратилса, хусусий мулк ва унинг таъсири катта бўлганлигини ўтроқлик турмуш тарзи устун бўлган дехқончиликда кўпроқ кузатиш мумкин. Яъни, дехқончиликда хусусий мулкка эгалик қилиш соҳа тараққиётини тубдан ўзгаришига олиб келди. Ўлкамизда ўша даврга оид илк хусусий мулкчилик асосларининг шаклланиш тарихи таҳлили шуни кўрсатдик, қадимги дехқончилик маданияти минтақаларининг чегараси Ўрта Осиёning шимолий-шарқий минтақалари томон кенгая бошлаганлигини, жанубий Ўзбекистонда сунъий суформа дехқончилик ва юксак даражада ривож топган **хунармандчилик хўжалигининг** бронза даврига оид Сополли маданияти шакллана бошлаган⁷⁴лигини кўрсатди.

Милоддан аввалги I-минг йиллик бошларидағи Амиробод ёдгорлиги, Чуст маданияти кабилар қадимги тадбиркор ва ишбилармон зироатчи оиласарнинг бронза даври охирларидағи манзилгоҳи⁷⁵ ҳисобланиб, бу даврда хусусий мулкдорлар ўртасидаги товар айрибошлиш, савдо- сотиқ ва бошқа этник жараёнлар кенгайиб, шимол ва жануб аҳолисининг дастлабки консолидациялашув жараёни юз беради⁷⁶. Демак, тарихий манбаларни ўрганиш шундан далолат берадики, хусусий мулк, унга эгалик қилиш ҳамда тақсимлашнинг куртаклари дехқончилик ва чорвачилик хўжаликларнинг каашф этилиши жамиятнинг иқтисодий асоси, ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтиши билан боғлиқ бўлганлигини тасдиқлади. Ўлгадаги узоқ тарихий тараққёт жараёнида ишлаб чиқариш муносабатларининг ўсиши ва ўзгариши натижасида майда дехқон хўжаликлири, майда хунарманд хўжаликларнинг инқирозга учрашига олиб келди. Аста-секин уларнинг ўрнини йирик хусусий ер ва мулк эгалари эгаллай бошлади.

Масалан, Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи қадимги хўжалик ҳаётининг айрим излари **Қадимги Сўғдиёна ва Бақтрия** тарихий-маданий минтақалари доирасида юз берди⁷⁷. Яъни, сўнгги бронза ва илк темир даврида яна бир маданий хўжалик маркази, Сўғдиёна вилояти таркиб топиб,

⁷³ Аскаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. - Тошкент.: Ўзбекистон. 2015. – Б 78.

⁷⁴ Аскаров А. Сапаллитепа..., 1973.; Аскаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан. 1977.

⁷⁵ Спришевский В.И Чустская стоянка эпохи бронзы в Узбекистане // СЭ. 1954 № 3. Кузмина Е.Е К вопросу о формировании культуры северной Бактрии (“Бактрийский мираж” и археологическая действительность) ВДИ №1 1972., Аскаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан. 1977.; Ўша муаллиф: Ранняя гордская культура эпохи бронзы юга Средней Азии.- Самарканд 1993.

⁷⁶ Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. -Москва-Ленинград, 1962.МИА №118. Ўша муаллиф: Чустская культура Ферганы и памятники раннежелезного века Средней Азии. Автореф. дисс. докт исит. наук. - Москва,1978., Аванесова Н.А Новые материалы эпохи бронзы Зерафшанской долины.“Археологические исследования в Узбекистане-2001 год”.Ташкент., - С 20-21.

⁷⁷ Буряков Ю. Культурно-хозяйственные процессы. -Ташкент., 1974. А. Сагдуллаев, Оседлые области юга средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально-экономическая динамика). Атореф. дисс. докт. ист. наук. – Москва. 1989.

кейинчалик ўлкада юз берган урбанизация жараёнлари натижасида қадимги Чоч заминида ерли ўтроқлашаётган аҳолининг қадимги хусусий дехқончилик хўжалиги таркиб топади. Бу масканларда қадимги шаҳарсозлик маданиятига хос белгилар милоддан аввалги III-II асрларда ривожланган ҳунармандчилик марказлари ташкил топиб, хусусий устахоналар илк тадбиркорлик марказлари бўлганлигини кўрсатди⁷⁸.

Бу жамият тараккиётида юз берган туб ижтимоий - иқтисодий ўзгаришлар, жумладан тадбиркорликка, хусусий мулкка ва уни тақсимлашга бўлган муносабатнинг ўзгаришига олиб келиб, натижада бой табақа вакиллари ўзларининг йирик хусусий мулкларига эга бўлганлигини тасдиқлади⁷⁹. Шу тариқа хусусий мулкнинг келиб чиқиши ва тадбиркорликнинг илк кўринишлари туфайли ўз навбатида минтақада мулкий табақаланиш шаклана бошлади.

Шу ўринда Марказий Осиё минтақасида хусусий мулкчилик ва тадбиркорликнинг дастлабки кўринишлари минтақада салкам III минг йиллик тарихга эга Зардуштийлик дини ҳукмронлик қилган даврга ҳам хослигини таъкидлаш ўринли. Бу борадаги илк қарашлар ушбу таълимотининг асоси бўлмиш “Авесто” га оид манбаларда учрайди⁸⁰. Унда қайд қилинишича, «Инсон уй тиклаб, оиласига, хотини ва фарзандларига, подаларига ўрин ажратиб берса, ем-хашак кўп бўлиб, чорваси ва итлари тўқ яшаса, уйида нознеъматлар муҳайё бўлиб, хотин ва фарзандлари фаровон яшаса, ўша манзил муҳтарамдир»⁸¹.

А. Асқаров тарихнинг илк ер эгалиги давридаги хусусий мулкка асосланган тадбиркорликнинг дастлабки аослари хусусида, “Туронзамин ҳудудларида илк ўрта асрларда илк ер эгалигининг шаклланиши жамиятда турли тоифадаги фуқароларнинг ер ва мулкка бўлган муносабатларини ўзгартиришига олиб келди. Натижада илк ўрта асрлар даврида эркин дехқон жамоа аъзоларидан маҳаллий хусусий мулк эгалари – “**қишлоқ дехқонзодалари**” шаклана бошалайди, кейинчалик улар негизида қишлоқ ҳокимлари вужудга кела бошлаган. Ерга, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш узил-кесил хусусийлашади, мулкчиликда хусусий мулк ва эркин жамоа мулки таркиб топади», дея қайд этади⁸². Шаҳар аҳолиси асосан хусусий тадбиркорликнинг ҳунармандчилик ва савдо-сотик турлари билан машғул

⁷⁸ Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. - Ташкент-1982. – С 108-115.

⁷⁹ Усмонов К, Содиков М ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. (Олий ўқув юртлари барча бакалавр босқичи талабалари учун дарслер). -Тошкент., 2005. Б 30.

⁸⁰ Маковельский А.О. Авеста. - Баку, 1960. – С. 89-92; Бойс М. Зороастрйцы: Верования и обычаи. - -Москва.: “Наука”, 1988. – С. 200-201; Дорошенко Е.А. Зороастрйцы в Иране. - Москва.: Наука, 1982. – С. 84-99; Махмудов Т. Авесто ҳақида. – Тошкент.: Шарқ, 2000. – Б. 13; Тохир Карим. Муқаддас Авесто изидан.- Тошкент., 2000; Ҳомидов Ҳ. Авесто файлзлари. -Тошкент., 2001. – Б. 57-61; Авесто яшт китоби / Исҳоқов М. таржимаси.- Тошкент.: Шарқ, 2001; Авесто тарихий бадиий ёдгорлик / Асқар Маҳқам таржимаси. – Тошкент.: Шарқ, 2001.

⁸¹ Толипов Ф.С. Оила-жамоа муносабатлари: Авесто фалсафасининг ўзига хослиги. // Фалсафа ва тарих фанлари ўртасидаги диалектик алоқадорликнинг илмий-назарий асослари. Республика илмий- назарий конференцияси материаллари. -Тошкент., 2004. – Б 134.

⁸² Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. -Тошкент. : Ўзбекистон.. 2015. - Б 82.

бўлганлар. Шунинг учун бу вақтда тадбиркорликнинг илк шакллари металлсозлик, заргарлик, кулолчилик, дурадгорлик, қуролсозлик, тўқимачилик, шишасозлик, кончилик кенг ривож топа бошлаган.

VII аср охири – VIII аср бошларига келиб, Мовароуннахрда араб халифалиги ҳукмронлиги ўрнатилгач, илгариги дехқонзодалар тасарруфидаги қишлоқ жамоаларининг хусусий мулклари ҳам араб ҳукмдорлари ва ноиблари қўлига ўтади. Маҳаллий ҳукмдорлар фақатгина айrim солиқ турларни тўлаш орқали аввалги ҳукмдорликларини давом эттираётган эдилар. Араб халифалиги даврида хусусий ва жамоа мулкидан ташқари “вакф” мулклари ҳам мавжуд бўлган. Бундай мулклар давлат ҳукмдорлари томонидан жорий қилинган, шунингдек, айrim кишилар томонидан диний муассасалар, масжидлар, мадрасалар ихтиёрига даромаддан фойдаланиб туриш, аммо сотмаслик шарти билан ўtkазилган ёки васият қилиб қолдирилган давлатга қаршли ёки хусусий мулк, яъни ер-сув, мол-мулк, бино ва бошқалар ҳисобланган. Вакфдан келган даромадлар ўша диний муассасалар фаолиятини яхшилаш ва уларда хизмат қиласидан дин пешволарига берилган⁸³.

Ўрта асрларда шартли хусусий ер ва мулкка эгалик «иқта» тизими кенг ёйилади. Ер ва мулк муайян муддатга тухфа қилиниб «иқта» эгалари маҳсус Фармон билан белгиланган тартибда дехқонлардан солиқ ундирганлар. Нафақат ер, балки хусусий тегирмон, ҳаммом, бозордаги дўкон ва бошқа кўчмас мулклар ҳам иқта тарзида берилиб, даромад ва унга белгиланган солиқ ҳам «иқта» миқдоридан келиб чиқиб белгиланган⁸⁴.

Хусусан, XII - XIII асрларда ва ундан сўнг фақат ҳукмрон сулола вакиллари, йирик ҳарбий арбоблар иқта эгалари (иқтадор) ҳисобланганлар. Бундай ер ва мулклар ўша заминдорларга ҳукмдорлар томонидан хусусий қилиб берилиб, иқта соҳиби, гарчанд асосий солиқлардан озод бўлсада, хирож ва айrim солиқларни йиғиши ҳуқуқига эга бўлган. Сомонийлар, Қораҳонилар, Газнавийлар ва Мўғуллар даврида иқта миқдори инъом этилаётган шахснинг жамиятда тутган ижтимоий-сиёсий мавқеи билан боғлиқ бўлган. Иқта хирожнинг маълум қисмини марказий давлатнинг хазинасига топшириб туриш ва ҳарбий хизмат кўрсатиш шарти билан ҳам берилиган⁸⁵.

Амир Темур ва темурийлар даврида мамлакат осойишталигини ва мўл-кўллигига эркинлик тадбиркорлик фаолиятига устуворлик берилиши алоҳида аҳамиятга моликдир. Зеро, ҳукмдор у орқали ҳар бир инсон роҳат ва фароғатга эришиш мумкинлигини чуқур идрок этган ва унинг тамойиллари машхур

⁸³ Ўрта Осиёда вакф мулклари ва улар билан боғлиқ маълумотлар олиш учун қаранг: Наливкин. В.П. Положение вакфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания // Ежегодник Ферганской области. Том. III. – Новый Маргелан. 1904. – С. 3-16., Чехович О.Д. Самаркандинские документы в XVI-XVI вв. (о владениях Ходжи Ахрара в Средней Азии и Афганистане) факсимиле, критический текст, перевод, примечание и указатели.- Москва., 1974. Кутибаев. З.А. К истории вакуфных владений Ходжи Ахрара и его потомков. Автореф. дисс.. канд. ист. наук. -Ташкент., 1970. - С. 22. Болтабоев С.Д. Вакфное имущество в Туркестанском крае во второй половине XIX и в начале XX веков. Автореф... дисс... канд. ист. наук. - Ташкент., 1995. Маллабоев. Б. Чоризмнинг Туркистонда вакф мулкчилик сиёсати (Хўжа Ахрор Валий авлодлари вакф мулклари мисолида). тарих. фан. номз. дисс. автореферати. -Ташкент, 2004. -Б. 13-21.

⁸⁴ Обломуродов Н, Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. -Ташкент., 2009. – Б 34.

⁸⁵ Ўша асар 34-бет.

“Темур тузуклари” да маълум тизимга солинганлигини кўриш мумкин. Тузукларга кўра: “Амр этдимки, кимки бирон сахрони обод қилса ёки кориз қурса, ё бирон боғ қўкартиrsa, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ени обод қилса, биринчи йили улардан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса қонун-қоидага мувофиқ хирож йигсинлар”, - деган фикрни илгари сурганлиги ўз даврида мол- мулк эгаларига маълум имтиёзлар берганлигидан далолатdir⁸⁶.

Шунингдек, темурийлар даврида ер ва мулкка эгаликнинг “суюргол” тизими ҳам кенг тарқалган. **Суюргол** бу, инъом этилган, совға, марҳамат қилинган ер, сув, мол-мулк бўлиб, ўрта асрлардан бошлаб, айниқса, Амир Темур ва темурийлар ҳамда хонликлар даврида давлат ва хукумат олдидаги алоҳида хизматлари учун бой-бадавлат кишилар, амалдорлар, юқори лавозим эгаларига ҳукмдорлар томонидан инъом этилган ер, мол-мулк ҳисобланган. Бундай тоифа кишилар олаётган даромадлари учун барча солиқ ва мажбуриятлардан озод этилган бўлиб, мол-мулқдан ўз ихтиёрларича фойдаланиб келганлар. Ҳатто улар эгалик қилган бойликлар аждодлардан авлодларга мерос тарзида ўтган⁸⁷.

XVI – XVIII асрларда шайбонийлар, аштархонийлар хукумронлиги даврига келиб, тадбиркорликнинг ilk шакллари янада ривож топган. Хусусан, бу даврда Марғилон ва Самарқандда замонавий қўринишдаги тадбиркорлик корхоналарининг ilk қўринишлари шаклана бошлаган. Кўқон ива Самарқандда қофоз ишлаб чиқариш, Наманганде металсозлик, Бухорода чўян буюмлар тайёрлаш тобора ўсиб борди. Масалан, Кўқонда Маллахон даврида (1858-1862 йй) ilk замбарак тайёрловчи хусусий корхонага асос солинганлиги фикримиз далилидир⁸⁸.

Тадқиқотларга асосан сўнгги ўрта асрларда бугунги кундаги касаначиликнинг дастлабки қўринишлари сифатида уй хунармандчилигига ilk цех уюшмаларининг дастлабки шакллари пайдо бўла бишаган. Бу биринчи навбатда, хунармандларнинг маълум соҳага ихтисослашувини англатган. **Цех тизимиға кўра унинг низоми-“Рисола”** лар мавжуд бўлган. “Рисола”ларда ўша уюшмани юритишининг тартиб-таомиллари, қоидалари ва унинг хуқуқий расмийлаштириш нормалари акс этган⁸⁹.

Шаҳарларда тадбиркорликнинг ушбу шакли, яъни уй хунарандчилиги ривож топганлиги боис, аҳоли шаҳар маҳаллаларида ўз касб-корига қараб

⁸⁶ Амир Темур. “Темур тузуклари”. -Тошкент., 2020. -Б. 141.

⁸⁷ Обломуродов Н, Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. -Тошкент., 2009.- Б 45.

⁸⁸ Раззоқов А. Иқтисодий тафаккур сарчашмалари. -Тошкент.: “Ўзбекистон”. 2011. - Б 181.

⁸⁹ Ўрта асрларда хунармандларнинг цех уюшмалари фаолиятининг хуқуқий, иқтисодий ва молиявий асоси бўлган, “Рисола” лар ҳамда уларнинг моҳияти ҳакида маълумот олиш учун қаранг: Петровский И.О. Шелкоматание и шелкоткачество в Средней Азии // Приложение-туземное сказание о шелковичном черве. – Ташкент., 1873., Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. -СПб., 1882. С. 354., Комаров П.А. Несколько слов о рисола // Туркестанские ведомости. 1901. №45., Гаврилов М.Ф. Рисола сартовских ремесленников. -Ташкент., 1912., Гаврилов М.Ф. О ремесленных цехах Средней Азии и их статусах-рисола// Известия Среднеазиатского комитета по делам музеев и охраны памятников древности, искусства и природы. Вып. III. -Ташкент, 1928. С. 354-357., Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла Самарканда и Бухары. – Ташкент., 1976. - С 25.

жойлашганлар. Яъни, ҳар бир йирик шаҳарлардаги маҳаллалар тадбиркорлар ишлаб чиқараётган махсулотлар тури, яъни аҳолининг касб-корига қараб номланган. Самарқандда XVI асрда 61 хил ҳунар бўлган. Мато тўқувчилар (бофандагон), рўмол тўқувчилар (чаҳор-гулбафон), салла тикувчилар (футабарон), бўёқчилар (саббафон), дегрезлар (оҳангарон), кулоллар (кулолгарон), пичоқсозлар (кордагарон), қофозгарлар ва бошқалар⁹⁰. Бухоро, Тошкент, Термиз, Хўжанд, Нурота, Кўкон шаҳарларида Тақачи, Дегрез, Сўзангарон, Косагарон, Совунгарон, Бўйрабофон, Пўстиндўзон, Мурдашўён, Писташиканон маҳаллалари бўлган⁹¹.

Туркистонда замонавий тадбиркорлик XIX аср охири - XX аср бошларида шаклана бошлаган. Бунга Россиядан капитал ва сармояларининг кириб келиши, дастлабки кичик корхоналар ва фабрикаларнинг вужудга келиши, илк молия муассасалари ва банкларнинг фаолияти, ўлкада миллий буржуазиянинг шаклланиши, асосий ишлаб чиқариш манбаларининг сармоядорлар қўлига ўтиши каби омиллар сабаб бўлган.

Зеро, бундай корхоналар асосан йирик тадбирколар қўлида тўпланиб, улар асосан пахта, жун, ипак ва терини қайта ишлаш билан шуғилланиб, махсулотнинг асосий қисми Россияга жўнатилганлиги тарихдан аён. Масалан, ўлкада дастлабки хусусий корхоналар, жумладан чорвачиликда жун ишлаб чиқариш, айниқса ипак жунлари асосида ундан тайёр махсулотлар тайёрлаш технологияси таъсисчиларидан бири бўлган Князь Ўрусов 1868-1870 йилларда Зарафшон округида **хусусий кичик корхоналар** ташкил қилиш ташабbusи билан чиқиб, уни янада кенгайтирганлигини қайд этиш мумкин⁹².

Албатта бундай дастлабки хусусий тадбиркорлик ишлаб чиқариш корхоналарининг доимий ишлашини таъминлаш мақсадида уларга сармоя ва кредитлар жуда зарур эди. Бунинг учун Туркистонда илк банклар ҳам ташкил этилиб, улар Туркистон хом ашё базасида савдо-саноат юритиш, завод-фабрикалар қуриш истагида бўлган тадбиркорларга турли пул маблағлари ёки қарзлар бериб турганлар. Бундай банклар қаторида “Рус-Осиё банки”, “Москва савдогар банки”, “Россия давлат банки” каби банкларни келтириб ўтиш мумкин. Бу эса турли соҳаларга ихтисослашган бир қатор хусусий тадбиркорлик марказлари, заводлар, савдо шохобчалари, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил топишига турки бўлган. Биргина 1900 йилда Туркистонда 195 та хусусий саноат корхоналари бўлиб, уларда 10 мингдан ортиқ одам ишлаган⁹³ лиги фикримиз далилидир.

Маълумки, 1887 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ва яна учта маҳаллий вилоят ҳарбий губернаторларни ҳузурида Статистика қўмитаси тузилади⁹⁴. Ушбу қўмитанинг жойлардаги вазифаларини вилоят статистика

⁹⁰ Агзамова Г. Сўнгти ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо.-Тошкент., 2000.

⁹¹ Толипов Ф. Общественные традиции в семейной жизни населения Нуратинского оазиса// Автореферат дисс. канд. ист. наук.-Ташкент., 2006.- С 14

⁹² Ўз Р МА. М-5 фонд, рўйхат-1, йигма жилд-12, 101-117 вараклар.

⁹³ Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. VI, отд IV- СПб. 1911.- С 491.

⁹⁴ Лунин Б.В. Из истории деятельности статистического комитета Туркестана// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1962. №.6., Б 34

бошқармалари бажариб, мазкур қўмита ва бошқармалар томонида Туркистон ўлкасидағи аҳоли яшаш жойлари, ахолининг турмуш тарзи, машғулоти билан бирга, фаолият олиб бораётган хусусий корхоналар (дўконлар, тегирмонлар, бозорлар, хусусий майда ишлаб чиқариш корхоналари, заводлар, хусусий банклар ва савдо тижорат объектлари хусусида маълумотлар бериб борилган⁹⁵.

Мазкур маълумотларнинг тақдим этилиши, шубҳасиз маҳаллий ва европалик тадбиркорлар фаолиятини давлат томонидан мунтазам назорат қилиниши учун талай енгилликлар яратсада, империя маъмурларининг асосан маҳаллий тадбиркорлар фаолиятига аралашиб, уларга турли соликлар солиш, солик ва тушумларни бошқариш, кейинчалик мазкур мол-мулк объектларни тугатиш чора тадбирларини қўришда қулайликлар туғдирган.

Масалан, 1898 йилда М.Вирский томонидан «Туркистон тижорат манзилли календари», “Туркестанский коммерческий календарь» тузилганлиги ўлқадаги савдо ва тижорат корхоналари ва бошқа тадбиркорлик объектлари хусусида маълумотлар олишда анчагина қўмак беради. Унда ўша даврда Самарқанд, Фарғона, Сирдарё вилоятлари ва Бухоро амирлигидаги рус капитали (сармоялари) иштирокидаги барча хусусий савдо-саноат фирмалари, тижорат корхоналари, дўконлар, бозорлар, банклар, реклама тарқатувчи фирмалари рўйхати, уларнинг манзили, ишлаб чиқариш ва даромад манбалари акс этган⁹⁶.

Яна шунингдек, XX ср бошларида Туркистон ўлкасидағи саноат тармоқлари, жумладан хусусий саноат корхоналари тўғрисидаги маълумотлар В. В Заорская, К.А Александрларнинг “Промышленные заведения Туркестанского края” номли асарида маҳсус келтириб ўтилган. Мазкур асар биз учун анчагина салмоқли бўлиб, унда ўлқадаги бундай хусусий тадбиркорлик корхоналари ҳақидаги маълумотлар худудлар кесимида бериб ўтилган. Унда ўлқадаги жами 220 та хусусий пахта тозалаш заводидан 117 таси, шу жумладан, Фарғона областида 94, Самарқандда 15 та ва Сирдарё областида 8 та завод миллий буржуа вакиллари қарамоғида бўлган, 75 та кўнтири заводидан 54 таси, 34 совун тайёрлаш заводидан 20 таси ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган. Бу борада муаллифларнинг келтирган маълумотларига қараганда, Туркистондаги барча саноат корхоналарида 20925

⁹⁵ Материалы для статистики Самаркандской области 1887 - 1888 гг. Вып 1. – Самарканд., 1890. – С. 219; Гиршфельд и Галкин. Военно-статистическое описание Хивинского оазиса. Часть 2. – Ташкент, 1903. – С. 169–171. Скворцов А. Кустарные промыслы // Сборник материалов для статистики Сыр-Дарыинской области. Т. 4. – Ташкент, 1910. Краткая статистическая записка // Средняя Азия. Ежемесячное литературно-историческое издание. Книга I. – Ташкент, 1911. –С 93. Материалы Всероссийских переписей 1920 года. Перепись населения Туркестанской Республики. Ч. 1, вып. 5. Поселенные итоги Самаркандской области. – Ташкент., 1924. – С. 35-37; Материалы по районированию Средней Азии. Кн 1. Территория и население Бухары и Хорезма. Ч. 1. Бухара. – Ташкент., 1926. – С. 192. 201, 215-216, 231.

⁹⁶ Вирский М. Сведения о Зерафшанском округе. // Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник. Вып. IV. 187. -Ташкент., - С 10-122.

ишли бўлиб, улардан ўзбеклар 12702 киши, тожиклар 1142, қирғизлар ва қозоқлар 944 киши эди⁹⁷.

Ўлкада пахтачиликка ихтисослашган, яъни пахтани қайта ишлашга йўналтирилган хусусий корхоналар ҳақида шуни қайд этиш жоизки, 1913 йилда тузилган «Бешбош» хусусий пахта-ёғ ширкати Туркистонда 29 та хусусий пахта заводи куриб, ушбу корхона ўлкада етиштирилган пахтанинг 30 %ини харид қилган. Ёки, катта сармоядор Водъяевлар Туркистонда «Водъяевлар 200 савдо уйи»ни ташкил этиб, 30 та хусусий пахта заводлари ташкил қиласидилар⁹⁸.

Чет эл сармояларини Туркистонга киритиш учун энг манфаатли соҳа бу – пахтани қайта ишлаш ва сотиш ҳисобланган. Бу борада “Л. Кноп”, “Ака-ука Шлосберглар”, “Гергард ва Гей”, “Ака-ука Крафтлар” каби савдо уйлари ўлкага чет эл маблағларининг кириб келишини тезлаштирган эди⁹⁹. Умуман, тадқиқотлар кўра XIX аср охири- XX аср бошларига келиб, ўлкада европалик ва маҳаллий буржуазия орасида кичик ва ўрта тадбиркорлар қатлами шаклана бошлаганлигини тасдиқлади. Аммо бундай тизимнинг вужудга келиши ўлкада тарихан шаклланган хусусий мулкка эгалик қилиш, уни сотиш, тасарруф этиш каби ижтимоий-иктисодий муносабатлар негизига таъсир этмасада, унинг замонавий моҳиятига ва бошқарув асосларини ўзгаришига таъсир кўрсатди.

Шуни қайд этиш лозимки, ушбу даврда Туркистонда дастлабки замонавий тадбиркорлик шаклидаги савдо уйлари ва саноат объектлари ҳам пайдо бўла бошлади. Агар инқилобдан аввалги давр хўжалик ҳаётига назар солсак, унда XX аср бошларида соҳа кенг кўламда ривож топиб, тадбиркорликнинг дастлабки шакли бўлган ширкатлар фаолияти алоҳида қизиқиши уйғотади. Бундай тадбиркорлик субъектлари XX аср бошида турли соҳаларни қамраб олиб, кенг кўламда ривож топган эди.

Аммо 1917 йилда большевикларнинг ҳокимият тепасига келиши натижасида, ҳокимиятнинг хусусий мулкчиликка қарши олиб борган сиёсати туфайли асрлар мобайнида шаклланган тадбиркорлик анъаналарига чек қўйила бошланди, хусусий мулк бекор қилинди. Мулкка нисбатан давлат монополияси ўрнатилиб, давлат мулкчилиги шаклланди. Давлат хусусий тадбиркорлар, бой заминдорлар ер ва мулкини тортиб олиб, мусодара қила бошлади.

Бунинг исботи сифатида 1918 йил 26 февралда “Ўлкада пахтани мусодара қилиш тўғрисида” ги декретни мисол қилиш мумкин. Натижада, Туркистонда мавжуд хусусий ширкатлар ва ерлардаги пахта хом ашёси ва маҳсулотлари мусодара қилинди. Гўёки улар кишиларнинг эмас, балки, давлатнинг, Туркистон ўлкаси “ишли-дехқон ҳукуматининг мулки”, деб эълон

⁹⁷ Заорская В.В, Александр К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. -Ташкент., 1915. Том 2. – С 39.

⁹⁸ Мўминов Т. Туркистон икки аср гирдобида. -Ташкент., 2013. -Б 56. Яна маълумот олиш учун қаранг: Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари.-Ташкент.: Шарқ, 2000.

⁹⁹ Мўминов Т. Ўша жойда

қилинди¹⁰⁰. Масалан, 1918 йилги декрет асосида маҳаллий ва европалик тадбиркорларга тегишли хусусий 140 дан ортиқ завод ва йирик пахтачилик фирмалари, 400 га яқин хусусий кичик корхоналар мусодара қилиниб, давлат тасрруфига ўтказиб юборилган. Шунингдек, 2 млн. 657 пуд пахта толаси, 413,09 пуд уруғлик чигит, 476,8 пуд гўшт ва бошқа нарслар қўлга олинган¹⁰¹. Муҳим муаммолардан бири, озиқ-овқат масаласи бўлиб, 1918 йилда Туркистон Xалқ Комиссарлигининг озиқ-овқат бўлими очилади. Шу мақсадда 1918 йил июнь ойида озиқ-овқат масалаларини ҳал этиш учун “Озиқ-овқат директорияси” ташкил этилади¹⁰².

XX асрнинг 20-йилларида келиб Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-иктисодий жараёнлар ушбу даврда содир бўлган давлат ва жамият ҳаётидаги ҳарбийча бошқарув, мавжуд инқироздан чиқиши учун қатъий ижтимоий-иктисодий, молиявий чоралар кўришга оид 1919 йилда жорий қилинган «Ҳарбий коммунизм» сиёсати билан боғланиб кетди. Бунда асосий эътибор большевиклар томонидан саноатнинг **национализация** қилиниши, **хусусий мулкларни конфискация** қилиниши, реквизиция этилиши ва асосий бойликларни ҳарбийча назорат остида армия манфаатларига бўйсундиришида ўз ифодасини топди. Бу “Ҳарбий коммунизм” номини олди¹⁰³.

Шундай шароитда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, энг аввало, уларни озиқ-овқат билан таъминлаш муҳим муаммолардан бирига айланди. Ҳукумат эса аҳоли (асосан бой-бадавлат тадбиркорлар) қўлидаги ғаллани ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб ола бошлади. Натижада шу йилларда ўлкадаги ҳарбий иқтисодий вазият анча мураккаблашди. Ўша даврдаги вазиятдан келиб чиқиб таҳлил этилса, мавжуд иқтисодий ҳаёт издан чиқди, хўжалик чуқур инқироз ҳолатида қолди, ишлаб чиқарилган ва етиштирилган маҳсулотнинг катта қисми армия ва марказ манфаатларига бўйсундирилди.

Буни айrim тарихий далиллар ҳам исботлайди. Яъни, биргина 1917 йилдан 1919 йилгача натурал солиқ сифатида ундирилган камидা 1 млн. пуддан ортиқ дон Россияга жўнатилган¹⁰⁴. Худди Россиядагидек ўлкада савдо-сотиққа қарши маъмурий чоралар кўрила бошланди, “Ҳарбий коммунизм” талаблари асосида тез орада бозорлар бутунлай бекитилди. Ахолининг кўп асрлик тадбиркорлик, хусусий мулк эгалиги, савдо анъаналари ҳисобга олинадиган бўлса, иқтисодий жиҳатдан унчалик тўғри келмайдиган бу

¹⁰⁰ Кулиев X. Мустабид жамиятнинг иқтисодий пойдеворини шакллантириш (1917-1924 йиллар). -Тошкент., 1996, 12-13 бетлар. Яна маълумот олиш учун қаранг: Зиёев X. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларининг тарихи. -Тошкент.: Шарқ. 2001. - Б 333.

¹⁰¹ Мўминов Т. Туркистон икки аср гирдобида. -Тошкент., 2013. – Б 97.

¹⁰² Ўз РМА. М-25 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-6, 273- вараг.

¹⁰³ Лысенко Ю. А. Омирова Ж.О Степной край и Туркестан в условиях “Военного коммунизма” и ее последствии. (1918-1922гг).// Безопасность и интеграция в странах Азиатского региона.№3. 2018. Ҳайдаров М. Туркистон иқтисодиётида “Ҳарбий коммунизм” сиёсати. // Ўзбекистон тарихи. 2003. № 3. Б 36.; Кулиев X. Мустабид жамиятнинг иқтисодий пойдеворини шакллантириш (1917- 1924 йил). - Тошкент, 1996, - Б 12- 13. Яна қаранг: Ражабова Р.Ё, Каримов Р.Х ва бошқалар Ўзбекистон тарихи. (1917-1993 йй) //Дарслик. -Тошкент., 1993.- Б 43-45.

¹⁰⁴ Кулиев X. Мустабид жамиятнинг иқтисодий пойдеворини шакиллантириш (1917- 1924 йил). - Тошкент, 1996, - Б 12-13 . Зиёев X. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларининг тарихи. -Тошкент,: Шарқ., 2001.- Б 333.

чоралар мутлақо тўғри келмас эди. Хусусий тадбиркорлик ва савдони йўқ қилишга ҳатто ишчиларнинг бир қисми қарши чиқдилар.

Юқорида қайд этилганидек, XX аср 20-йилларидан бошлаб совет тузуми тартиб таомилларига кўра, хукумат олдида турган энг муҳим масалалардан бири, хусусий мулкни мусодара қилиш, ер-сув масаласини ҳал қилиш эди. Бу борада Қ. Ражабовнинг ёзишича, масалан, 1920 йил 30 сентябрда Бухоро Марказий Ревкоми «Ер тўғрисида» ги декретни қабул қилганлиги бунга мисолдир. Декретга мувофиқ собиқ Бухоро амири, унинг қариндошлари ва амалдорлари қўлида тўпланган хусусий ер, мол-мулк мусодара қилина бошланди. Муаллифнинг қайд этишича ва бошқа манбаларда келтирилишича, фақатгина эски Бухор ва Чоржўй беклигига собиқ амир ва бекларга қарашли 10000 таноб хусусий ер мусодара қилинган¹⁰⁵. Бу даврда амирга тегишли бошқа хусусий мол-мулклар ҳам ташиб кетилганлиги ҳакида маълумотлар мавжуд¹⁰⁶.

Агар тарихий рақамларга мурожаат қилинса, озиқ-овқат развёрсткаси ахолини очиқдан-очиқ талашга айланиб кетди. Жумладан, Туркистон Республикасидаги “Озиқ-овқат тўпловчи маҳсус отряд” (“прод отряд”) лар фақат 1920-1921 хўжалик йилида хусусий мулкдорлар қўлидан 9708703 пуд ғалла, 6358144 пуд ем-хаشاқ, 1606210 пуд гўшт ва бошқа маҳсулотларни тортиб олганлар¹⁰⁷. Буни Бутунrossияда бошланган ғалла монополияси ва озиқ-овқат развёрсткаси натижасида Туркистоннинг маҳаллий ахолисидан қўйидаги турдаги ва миқдордаги маҳсулотлар натурал солиқ сифатида йиғиб олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди:

- а) 1918-1919 йилларда зўрлик ва товар айрибошлаш (аслида деҳқонга ҳеч нарса берилмаган эди) йўли билан 4500000 пуд ғалла;
- б) 1920-1921 йилларда товар монополияси ва товар айрибошлаш йўли билан 5,250000 пуд ғалла;
- в) 1920-1921 йилларда озиқ-овқат развёрсткаси воситасида белгиланган 2, 200000 пуд ўрнига 9, 700000 пуд ғалла;
- г) 1921-1922 йилларда озиқ-овқат солиғи ҳисобланган 125 00000 пуд ўрнига 4000 0000 пуд ғалла тортиб олинган¹⁰⁸.

Аммо ҳарбийча назорат натижасида кўрилган чоралар ўзининг ижобий натижасини бермади. Узоқ йиллар мобайнида шаклланган хусусий мулкчилик ва тадбиркорликнинг бекор қилиниши, мол-мулкнинг мусодара қилиниши, бозорларнинг ёпилиши, озиқ-овқат развёрсткасининг жорий этилиши айниқса

¹⁰⁵ Ражабов Қ. Бухоро Халқ Совет Республикаси: монархиядан демократия сари дастлабки қадамлар (1920-1924 йиллар) // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига чизгилар.// Тўплам. – Тошкент.: Шарқ – Б 153. Яна қаранг: Мўминов Т. Туркистон икки аср гирдобида. -Тошкент., 2013.- Б 159-160.

¹⁰⁶ Наимов Н. Амирнинг хазинаси.- Тошкент.:”Фан”. 2005. Мўминов Т. Туркистон икки аср гирдобида. - Тошкент., 2013., Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойилкларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари.-Тошкент.: Шарқ, 2000.

¹⁰⁷ Ҳайдаров М. Туркистон иқтисодиётида “Ҳарбий коммунизм” сиёсати. // Ўзбекистон тарихи. 2003. № 3. 36-бет. Яна қаранг: Нуруллин Р.А. Советы Туркестанской АССР в период гражданской войны. -Ташкент.: Фан, 1965 - С. 130.

¹⁰⁸ Ҳайдаров М. Туркистон иқтисодиётида “Ҳарбий коммунизм” сиёсати. // Ўзбекистон тарихи . 2003. № 3. - Б 37.

тадбиркорлар ва хусусий мулкдорларга оғир юқ бўлиб тушди. Натижада 1921 йилда РКП (б) Марказий Кўмитасининг X съездиде «Янги иқтисодий сиёсат тўғриси»даги янги дастур ишлаб чиқилди¹⁰⁹.

Албатта, "Янги иқтисодий сиёсат"га ўтилиши мавжуд ижтимоий-иқтисодий вазиятни бир оз бўлсада юмшатди. Хусусан, Туркистон иқтисодий ҳаётида жонланиш содир бўлиши билан бирга, аҳоли ижтимоий турмушида бирмунча ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади. Аммо хусусий мулкчилик ва тадбиркорликнинг бекор қилиниши давом этди ва мулкларнинг давлат тасарруфига ўtkазилиши натижасида тўлиқ "**давлат мулки**" шаклана бошлади. Яъни, ўша даврдан бошлаб социалистик типдаги деҳқон хўжаликларини ташкил этиш йўлга қўйилди. Хусусий заминдор хўжаликлар ўрнида "Совет хўжаликлари" шаклана бошлади. Жумладан улар тармоғи 1921-1923 йилларда 74 та дан 161 тага етказилди¹¹⁰. Бу жараён бутун Россия худудларида амалга оширилди¹¹¹.

Гувоҳи бўлганингиздек, XX аср биринчи чорагида дастлаб Россия империяси, сўнгра большевиклар ҳукуматининг олиб борган ижтимоий-иқтисодий тадбирлари ҳамда мазкур тузумнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлатнинг хусусий мулкдор ва тадбиркорларга нисбатан олиб борган сиёсати Туркистон халқлари миллий бойликларини метрополия манфаатлари учун фойдаланишнинг муҳим воситаларидан бирига айланди. Мол-мулкни мусодарар қилиш ва уларга оид муносабатларни янги шароитларга мослаштириш, давлат аҳамиятидаги тадбирлардан бири бўлиб қолди ҳамда у ўзининг иқтисодий ва молиявий оқибатларини кўрсата бошлади .

Қайд этилганидек, озиқ-овқат развёрткасининг озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг иқтисодий рағбатларини вужудга келтирди ҳамда деҳқон ҳосилнинг қатъий белгиланган қисмини топширгач, унга ўз меҳнати ҳисобига яратилган маҳсулотга эгалик қилиш ва сотиш ҳукуқи берилди¹¹².

Бу албатта "Янги иқтисодий сиёсат" даврида тадбиркорга яратилган қисман эркинлик бўлиши билан бирга, давлат ва хусусий тадбиркорликнинг аралаш сектори юзага кела бошлаганлигини англатар эди. Ушбу жараён бутун Туркистон ўлкасини қамраб олиб, ўлка янгича иқтисодий муносабатлар таъсирида қолиб, ушбу жараён давлат ва хусусий мулкнинг ўзаро синтезини

¹⁰⁹ Қаранг: Жуков Ю. Оборотная сторона НЭПа. Экономика и политическая борьба в СССР. 1923-1925 годы. – Москва.: Аква терм. 2014.- С70-74. Аминова Р.Х Аграрная политика советской власти в Узбекистане (1917-1920 гг) -Ташкент., 1963., Ўзбекистон ССР тарихи. З-том.- Т.. 1968., Ўзбекистон тарихи. // Р.Х Муртазаева масъул мухаррирлигига (Олий ўқув юрти номутахассислик йўналиши талabalари учун дарслик). -Тошкент., 2003., Яна қаранг: Шамсутдинов. Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. -Тошкент., 2001., Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Руководитель проекта д.и.н Д.Алимова. // Коллектив авторов.: Р.М. Абдуллаев, С.С. Агзамходжаев, И.А. Алимов и.др. -Тошкент., 2000., Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937. -Ташкент.: Фан. 1992.

¹¹⁰ Мўминов Т. Туркистон икки аср гирдобида. -Тошкент., 2013. – Б 159-160.

¹¹¹ Жуков Ю. Оборотная сторона НЭПа. Экономика и политическая борьба в СССР. 1923-1925 годы. – Москва.; Аква терм. 2014. -С 70-74.

¹¹² Нуруллин Р.А. Советы Туркестанской АССР в период гражданской войны. -Ташкент., "Фан", 1965 -С.137.

юзага келтирди. Маҳаллий тадбиркорлар эса ушбу шарт шароитларга мослашишга мажбур эди.

Масалан, 1922 йил июн ойида Самарқандда пиво тайёрлаш саноатини ташкил қилиш бўйича хусусий савдо-саноат ширкати ташкил қилиниши¹¹³ Янги иқтисодий сиёсат даврида корхоналарнинг аралаш-хусусий сектори негизида уларни ижарага берилши учун имкон яратилди. Ана шундай ширкатлар қаторида 1922 йил охирлариға келиб ўлкада “Туркистон”, “Тижорат”, “Экспорт-импорт”, “Уч бош”, “Воситачи”, “Карвон” ва бошқаларни келтириш мумкин. Ўша даврда биргина Фарғона вилоятининг ўзида 24 та савдо ва ижара ширкатлари мавжуд бўлган¹¹⁴. Аммо совет давлати мол-мулкка ва саноат ишлаб чиқаришига нисбатан хусусий ташаббусни чеклашга интилсада, ўлкада кооперациялар фаолияти ҳамон фаолият юритиб, улар умумий тадбиркорларнинг салкам 30 % ни ташкил қилган бўлса, 1921 йилда ТАССР да 86 та корхона ижарга берилган¹¹⁵.

1923 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалик кредит ширкатлари ташкил қилинишига муваффақ бўлинib, шу йили Бухорода улардан 7 таси тузилиб, улар сони 1924 йил ўрталариға келиб 64 тага етди, уларга 9688 киши аъзо бўлган, пахта ширкатлари сони эса 26 та бўлган. Бу ширкатлар томонидан берилган кредитлар миқдори 1924 йил баҳорида олтин ҳисобида 80 мингга етади¹¹⁶.

Умуман, тадқиқотларга кўра Янги иқтисодий сиёсатнинг ижобий томони шу бўлдики, давлатнинг хусусий мулк эгалари ва хўжаликлар билан муносабатлари бир оз юмшатилди. Аммо мавжуд иқтисодий омиллар ҳамда давлатнинг солиқ сиёсати ўлкадаги аҳолининг ижтимоий мавқеидан келиб чиқсан ҳолда белгиланиб, солиқларни ундиришда синфий ёндашувга амал қилиниши сақлаб қолинди. Яъни, солиқларнинг энг оғир юки савдогарларга, хусусий тадбиркорларга ва катта ер эгалари зиммасига тушди. Бундай сиёсат орқали тадбиркорлардан 1920-1921 йилларда давлат хазинасига 100 млн. сўм пул туширилганлиги фикримиз далилидир¹¹⁷.

Умуман, **Янги иқтисодий сиёсат** (НЭП) шароитида Туркистонда, кейинчалик Ўзбекистон ССР да хусусий тадбиркорликка бирмунча йўл берилган. Ёлланма меҳнатдан фойдаланишга қисман руҳсат берилган эди. Бунинг натижасида товар-пул муносабатлари ривожланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли кўпайган, ўз навбатида якка тадбиркор ва деҳқонлар айрим табақаларининг даромадлари ҳам бирмунча ошган эди.

Тарихнинг кейинги даврларида, яъни 1925-1929 йиллардаги ер-сув ислоҳоти натижасида барча ер ва ресурсларининг умумдавлат монополиясиға олиниши, ер-сув билан боғлиқ ишларни қатъий ривожлантиришга интилиш собиқ Иттифоқнинг хом ашё базаси сифатидаги ўрнини сақлаб қолиш

¹¹³ Ўз Р МА. М-43 фонд, рўйхат-1, йигма жилд-11, 2, 3, 19, 29, 30 вараклар.

¹¹⁴ Ўз Р МА. М-43 фонд, рўйхат-1, йигма жилд-11, 2, 3, 19, 29, 30 вараклар.

¹¹⁵ Ўз Р МА. М-43 фонд, рўйха-1, йигма жилд-126-127, 1-3 вараклар.

¹¹⁶ Ўз Р МА. М -48 фонд, рўйхат-1, йигма жилд-292, 43-варак

¹¹⁷ Ўз Р МА. М -48 фонд, рўйхат-1, йигма жилд-292, 43-варак.

йўлидаги муҳим қадамлари эди. Ваҳоланки тарихдан аёнки, Туркистонда ерсув ислоҳоти 20 – йилларда асосан икки босқичда ўтказилган: Биринчи босқич: 1921-1922 йиллар; Иккинчи босқич эса 1925-1929 йилларда¹¹⁸.

Ушбу оммавий тадбирлар қишлоқда кўплаб жиддий мураккаблик ва зиддиятликларни келтириб чиқарганлигини ҳам таъкидлаш ўринли. Авваломбор у аҳоли турмуш тарзининг асосий негизи бўлган қишлоқ хўжалигига сезиларли зарба берди, мулк дахлсизлигини тугатди. Қишлоқ хўжалигида ернинг ҳақиқий эгаси бўлган якка тартибдаги дехқон хўжаликларини тугатиш эса солиқ воситалари орқали амалга оширила бошланди. Масалан, 1929 йилда бутун хўжаликларининг 35 %ини ташкил этган камбағал хўжаликлар солиқлардан тўла озод этилгани ҳолда, 4 %ни ташкил этган бой қулоқ хўжаликлари бутун солиқ йифимларининг 45 %ини тўлардилар. Бу даврда бой қулоқ хўжаликлари даромадларидан 70 %гача солиқ тўлаган бўлсалар, 1932 йилда қабул қилинган "Якка хўжаликлар солиғи" тўғрисидаги қонунга биноан улар катта миқдорда солиқ тўлайдиган бўлдилар¹¹⁹.

Шу тариқа қулоқ хўжаликларига бўлган муносабат тобора қаттиқ тус олди. Иқтисодий чоралар сифатида ҳукумат дехқонлар ғалласини зўрлик билан тортиб олиш, уларнинг хўжаликларини тинтуб қилиш чораларига ўтади. Шу тарзда қулоқ тушунчаси 20-йиллар давомида аста-секин кенгая боради, дастлаб хусусий тадбиркор ва мулкдор ер эгалари қулоқ ҳисобланган бўлса, кейинчалик эса, барча ўзига тўқ дехқонлар ҳам қулоқ деб ҳисобланган.

1931 йилга келганда кўпгина мулқдор қулоқ хўжаликлари катта миқдордаги қишлоқ хўжалик солиқларини тўлаш ва турли мажбуриятларни бажаришга қурби етмай хўжаликларни ташлаб кета бошлаганлар. 1931 йил февраль ойида ЎзССР Молия халқ комиссарлигининг маҳсус бригадаси Қашқадарё, Сурхондарё округлари бўйича текширув ўтказганида бу округлардаги туманларда рўйхатга олинган тадбиркор «кулоқ» хўжаликларининг кўпчилиги Тожикистонга қочиб ўтганлиги аниқланган¹²⁰.

XX аср 30-40 йилларида сабиқ Иттифоқда хусусий тадбиркорлик бутунлай чекланди, ишлаб чиқариш воситаларига деярли тўлиқ давлат мулки ўрнатилди. Давлат томонидан режалаштириш асосида маҳсулотни ишлаб чиқаришда ва тақсимлашда тўлиқ назорат остига олиниши иқтисодий сиёсатда зўравонлик томон йўл олишга, иқтисодий омиллар ўрнига маъмурий чоралар

¹¹⁸ Маълумот олиш учун қаранг: Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Руководитель проекта д.и.н Д.Алимова. // Коллектив авторов.: Р.М. Абдуллаев, С.С. Агзамходжаев, И.А. Алимов и.др. -Ташкент., 2000. С 436-472 и др., Абдураҳимова Н. Ўзбекистон Россия империяси таркибида.// Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Тўплам. -Тошкент., 2001.- Б 128-133., Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937. -Ташкент.: "Фан". 1992., Шамсутдинов. Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. - Тошкент., 2001., Обломуродов Н, Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. -Тошкент., 2009.

¹¹⁹ Обломуродов Н, Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. -Тошкент., 2009.- Б 147.

¹²⁰ Шамсутдинов. Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. - Тошкент., 2001. Б 21-241. Яна қаранг: Обломуродов Н, Ҳазратқулов А, Толипов Ф ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. (Олий ўкув юрти номутахассислик йўналиши талабалари учун ўкув кўлланма). -Тошкент., 2011, 234 бет.

кенг қўлланишга имкон берди. Ишлаб чиқариш ривожланишидаги давлат мулки, колхоз кооператив мулкчилиги ва асосан хом ашёни дастлабки қайта ишлаб чиқарувчи давлатга қарашли бўлган саноат ва енгил саноат корхоналари сақлаб қолинди.

Тўғри, ўша пайтда республика саноатида амалга оширилган “тезкор ўзгаришлар” ижобий ҳодиса бўлган бўлсада, айни пайтда, у дехқонлар оммасини талаш эвазига амалга оширилиб, уни ривожлантириш эса бир ёқлама хусусият касб этди. Хўжалик ҳаётида республика асосан хом ашё етказиб берувчи минтақага айланиб, иқтисодиётнинг барча соҳаларида ишлаб чиқариш бир ёқлама хусусият касб этиб, саноатнинг барча сосҳалари паст даражадалигича қолаверди. Ўзига тўқ, хусусий мол-мулкига эга бадавлат хўжаликлар кузатув ва тазийқ остига олинди, давлат ва партия органларида иш олиб бораётган кишилар давлат ва жамият хоини сифатида қамоқقا олинди, сургун қилинди. Бундай кишилар орасида тадбиркор ва ишбилармонлар ҳам бўлиб, улар бой табақалар тоифасига мансуб ҳисобланиб, асоссиз қамалиб, жиноий жавобгарликка тортила бошланди. Албатта улар орасида партия, совет, хўжалик ходимлари, ҳарбийлар, зиёлилар ва бой дехқонлар ҳам бор эди.

Агар тарихий фактларга мурожаат қилинса, фақатгина 1930-1933 йилларда 5,5 минг дехқон хўжаликлари қулоқ қилиниб ўз юртларидан ўзга юртларга сургун қилинадилар, уларнинг кўпчилиги ўша жойларда ўлиб кетдилар. Ўша пайтда Ўзбекистондан тахминан 3 минг, Ўрта Осиё Республикаларидан эса 10 мингга яқин оила Херсон вилояти худудидаги Скадовск, Каховка ва чўл худудларидағи зоналаридағи бошқа зоналарга кўчирилган¹²¹.

Демак, XX аср 30 йилларида ўлкада бошланган оммавий жамоалаштириш ва қулоқ хўжаликларини тугатиш тўғрисидаги ҳукумат қарорлари ва унга доир амалга оширилган давлат сиёсати, бевосита хусусий мулк ва ернинг ҳақиқий эгаси бўлган бой заминдорлар ва катта ер эгаларининг мол мулкини мусодара қилиш, давлат тасарруфига ўtkазиш ва давлат сиёсатига қарши чиққанлар эса маъмурий жазога тортилиши, сургун қилиниши кабиларда яққол намоён бўлган эди. “Қулоқ” ларга қарши никоби остида асосан тадбиркор, ишбилармон дехқонларга нисбатан тазийқ эълон қилиндию Мол мулк хўжайини, ер эгаси бўлгани учун, марказ маъмуриятининг ҳатти ҳаракатига норзилик бидиргани учун қулоқ қилиш тобора қучайтирилди.

Айниқса қулоқ хўжаликлари ўз экин майдонининг 80 % га пахта экмасалар ёки мажбуриятда белгиланган нормадаги пахтани топширмасалар, турли жазоларга тортилганлар. Бу борадаги маълумотлар, яъни жарима, қамоқقا олиш, ерини, мол-мулкини тортиб олиб, яшаб турган жойидан кўчириб юбориш каби жазоларни қўллаш орқали амалга оширилган. Хусусан, 1930 йилда Ўзбекистонда 2648 та қулоқ қилинадиган хўжаликлари

¹²¹ Шамсутдинов Р. Кишлок фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун.–Тошкент., 2003.–Б.47

рўйхатга олиниб, бадарға қилинган. Масалан, 1930 йилда 1585 хўжалик, 1931 йилда 1795 хўжалик, 1932 йилда 3591 хўжалик сургун қилинган. Булар Ўзбекистондан Россия ва Украинанинг турли туманларига юборилган. 30-йиллар охирида Ўзбекистонда олиб борилган индустрлаштириш сиёсати қишлоқ ҳисобига амалга оширила бошланди¹²².

XX аср 50-60 йилларидан бошлаб сабиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларида бўлгани каби, Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантириш тўла давлат монополиясига асосланган бошқарув тизимига ўtkазилди. Совет Иттифоқи Компартиясининг 1961 йилдаги коммунистик тузум қуришга оид Махсус Программасига мувофиқ, мамлакатда тадбиркорлик ва бизнес фаолияти бутунлай тўхтатилди, кейинчалик улар фақат статистик маълумотларда акс эта бошлади¹²³.

XX аср 80-йиллари охирларида бутун мамлакатда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам хусусий мулк ва кичик бизнес секин-аста қайта жонлана бошлади. Бу борада 1986 йилда СССР Олий Советининг «Иккиламчи хом ашё ва саноат чиқиндилари» ишлов бериш бўйича ширкатлар ташкил қилиш» тўғрисидаги қарори эълон қилинди¹²⁴. Унга мувофиқ СССР Олий Совети қарори билан 1987 йилда «Индивидуал меҳнат фаолияти тўғрисида» ги, 1988 йилда «Ширкатлар тўғрисида» ги, 1990 йилда «Корхоналар тўғрисида» ги ва «Тадбиркорлик фаолияти тўғрисида» ги қонунлар қабул қилинди¹²⁵. Сабиқ иттифоқ тугатилгандан сўнг, мустақилликни қўлга киритган кўпгина мамлакатлар бу соҳадаги ўз қонунларини қабул қилдилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилувчи «Корхоналар тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти ҳақида», «Қимматбаҳо қофозлар ва фонд биржалари ҳақида», «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш» ҳақидаги қонунларни келтириш мумкин¹²⁶.

XX аср 90 йиллари бошида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётiga ўтиш муносабати билан ўтказилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг имкониятлар очилди. Хусусий бизнес йўлга кўйила бошланди. Дастреб савдо, умумий овқатланиш, аҳолига хизмат курсатиш корхоналарининг хусусийлаштирилиши муносабати билан хусусий тадбиркорлик қайтадан тиклана бошлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида иштирок этиши, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш муаммосини ҳал этишга жиддий аҳамият қаратила бошланди.

¹²² Мўминов Т. Туркистон икки аср гирдобида. -Тошкент., 2013. Б 143. Бу хусусда янада тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Шамсутдинов. Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. -Тошкент., 2001. - Б 23-161.

¹²³ Третья Программа КПСС принятая XXII съездом КПСС в 1961 году Часть 2. «Задачи Коммунистической Партии Советского Союза по строительству коммунистического общества». «Политиздат». -Москва., 1974. Б

¹²⁴ Фуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. -Тошкент., 2002. – Б 12.

¹²⁵ Ўша жойда.

¹²⁶ Фуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. -Тошкент., 2002. -Б 12-13.

Умуман олиб борган тадқиқотларимиз асосида тадқиқотнинг мазкур параграфи якуни бўйича қуйидаги умумий хулосаларга келиш мумкин:

-тадқиқотлар узоқ тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган ва ривожланган хусусий мулкчилик ҳамда тадбиркорликнинг дастлабки илдизлари инсоният тарихининг анчагина қадимги даврларига бориб тақалишини тасдиқлади. Унинг шакли ва мазмuni ҳар бир тарихий даврда ўзгарганлиги ва ривожланганлиги билан изоҳланди. Илк ўрта асрларда ва ундан сўнг минтақада барча мулклар хусусийлашганлигини ҳамда мулкчиликда хусусий мулк ва эркин жамоа мулки таркиб топганлигини тасдиқлади. Бундай мулкка эгалик қилиш, уни тасарруф этиш, сотиш мулк эгасининг ваколати бўлиб, у нафақат ўзини, балки бозорни маҳсулот билан тўдлирувчи ҳақиқий неъмат яратувчи мақомига эга бўлганлигини кўрсатди.

-Туркистон Россия империяси томонидан босиб олингандан сўнг тадбиркорлик янада тарқкий этиб, уларнинг тармоғи кенгайиб, кейинчалик минтақада даромад ва фойда олишнинг асосий манбаи бўлганлигини кўрсатди. Собиқ совет тузуми ҳукмронлиги йилларида ушбу соҳа давлат монополияси назорати остида давлат мулки, совхоз мулки ёки колхоз кооператив мулкига айлантирилиб, ўз моҳиятини йўқотди. Узоқ вақт мобайнида шаклланган совет тузуми ўз умрини тутатгач, XX аср 80-йиллари охиридан бошлаб, жамоа мулки, колхоз кооператив мулкидан ташқари ширкат, хусусий мулк ва тадбиркорлик асослари юзага кела бошлади.

-XX асрнинг 90-йиллари бошларига келиб, собиқ совет тузуми, давлат мулкининг монополистик характеристи ҳамда марказлашган режали бошқарув тизими ҳукмронлиги ўз умрини тутатиб, хусусий мулк ва тадбиркорлик, яъни, бозор иқтисодиётiga хос хусусий мулкчиликнинг роли орта бошлади. Фақатгина Ўзбекистоннинг мустақиллигининг қўлга киритилишигина мулкчилик муносабатларининг қайта тикланишига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожланишига туртки берди.

I.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришнинг норматив-хуқуқий асослари

Тарихдан аёнки, ҳар бир давлат ва жамиятда мавжуд ижтимоий, иқтисодий муносабатлар тизими ўзига хос шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларига эга бўлиб, ушбу қонуниятлар давр талабларини ўзида акс эттирувчи турли қонунлар ва бошқа хужжатларда акс этган. Уларда ўша халқ манфаатларини ўзида ифода этган хуқуқий нормалар ўз ифодасини топган. Ўзбекистонда ҳам бошқа соҳалар қатори кичик бизнес ва тадбиркорлик ўз тарихий тараққиёти жараёнида маълум қонунлар ва меъёрий хужжатлар билан мустаҳкамланди. Айниқса, XX аср 90-йиллари бошларида республикада бозор муносабатлари тобора ривожланаётган бир шароитда эски тузум давридаги қонунлар ўз аҳамиятини йўқотиб, мазкур соҳага таалуқли қонунлар ҳамда бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилина бошлади. Энг муҳими, мустақиллик остонаси ва унинг дастлабки йилларида бизнес ва тадбиркорлик

йўналишларида қатор дастлабки норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди¹²⁷.

Айниқса, собиқ Иттифоқ давридаги давлат мулкини босқичма-босқич тугатиш, уларни ҳақиқий мулкдорларга бериш, хусусий мулк манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида, хусусий мулк обьектлари, бизнес ва тадбиркорлик асосларига оид дастлабки қатор қонунлар қабул қилинганини бунинг исботидир¹²⁸.

Бу йилларда бозор инфраструктурасининг асоси яратилиб, норматив хуқуқий базаси, банк кредит механизми, солиқ сиёсати, хусусий секторни ислоҳ қилиш олиб борилди. Кичик бизнес ва тадбиркорликни шакллантириш, давлат мулкини хусусийлаштириш чора тадбирлари кўрилди¹²⁹. Яъни жамият ўтиш босқичидаги қийин шароитларда айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодиётни тезкор таркибий ислоҳ қилишни, шунингдек бозорни рақобатбардош истеъмолчилар ва истеъмол товарлари билан таъминлаш мумкинлигини англай бошлади. Шу боис, Ўзбекистон раҳбарияти дастлаб тадбиркорликни ривожлантиришнинг хуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратди¹³⁰. Жумладан, тадбиркорликнинг илк хуқуқий асоси сифатида 1991 йил 15 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Конуни алоҳида ўрин тутди¹³¹.

Албатта эндиғина давлат мулкчилигига асосланган жамиятдан янгича бозор иқтисодий муносабатларига таянган тузумга ўтиш ҳеч қачон осон кечмаган. Ваҳоланки, узоқ совет тузуми кишилар онгида мулкнинг эгаси давлат, давлат корхоналари асосий ишлаб чиқарувчи ва маҳсулот етиштириб берувчи асосий куч, деган тушунча шаклланиб қолганлиги барчада янгича бозор психологиясини шакллантиришга тўсиқ бўлиб келаётган эди. Шу боис

¹²⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги конуни. 1990 йил// Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. -Тошкент., 1991., Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистонда тадбиркорлик тўғрисида”ги Конуни. // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. -Тошкент., 1991 йил. “Иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. -Тошкент., 1994., «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. -Тошкент., 1995., Яна қаранг: Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустакиллик йилларидағи (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. -Тошкент., 2011. - Б 95- 97.

¹²⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Конуни. – Тошкент.: 1991. Ўзбекистон Республикасининг конун хужжатлари тўплами. -Тошкент.: 1991., Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Конуни. 1994 йил 14 апрель., Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Конуни. 1999 йил 14 апрель., Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Конуни. -Тошкент, // Халқ сўзи. 2000 йил 25 май. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Конуни (янги таҳрирда). Ўзбекистон Республикасининг конун хужжатлари тўплами. -Тошкент.: 2003 йил..

¹²⁹ Development Cooperation Uzbekistan //Development Cooperation Report, 1996, P 5- 7.

¹³⁰ Абдуллаев Р. М, Раҳматуллаев Ш. М. Становление и развитие малого и среднего предпринимательства в Республике Узбекистан (1991-2000) // Ўзбекистон тарихи. 2008. №3.–С 27-28.

¹³¹ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Конуни // Ўзбекистон Республикасининг конун хужжатлари тўплами. -Тошкент.: №1. 1991 йил.

ушбу қабул қилинган қонунлар тадбиркорлик билан боғлиқ барча муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишини тўла қамраб олмасада, унда тадбиркорликни ташкил этиш, унинг амал қилиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари, тадбиркорлик тўғрисидаги умумий ҳамда асосий тартиб қоидаларни кўзда тутар эди. Шу маънода Ўзбекистон мустақиллиги остонаси ва мустақилликнинг илк кезларида қабул қилинган ушбу қонунлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида келгусида қабул қилинажак янги қонун хужжатлари учун асосий ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Масалан, бу борада айниқса **1991 йил 19 ноябрдаги** Ўзбекистон Республикасининг “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида” ги қонуни¹³² муҳим аҳамият касб этди. Унга кўра, мулкчилик шаклларини ўзгартириш соҳасидаги ишлар республика ҳамда ҳудудий миқёсда босқичма-босқич, маҳсус дастур асосида амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилди. Албатта, ушбу қонуннинг қабул қилиниши мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида соҳани босқичма-босқич ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Мазкур қонун асосида республика мустақиллигининг дастлабки йилларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдаги айрим муаммоларни қонуний асосда ечиш ва тадбиркорлар фаолиятига тўсик бўлаётган масалаларни бартараф этиш борасида 1994 йилда қабул қилинган “Иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Президент Фармони ва 1995 йил 5 январда эълон қилинган «Хусусий тадбиркорликда ташабbus кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Президент Фармонлари мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга, мулкдорлар табақасини ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга ва уларнинг қонуний фаолиятларини йўлга қўйишга туртки берди¹³³. Мазкур хужжатларга биноан давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушаётган маблағларнинг 50% кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтирилди. Айниқса 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида»ги Конуни иқтисодиётнинг мазкур секторига давлат ва минтақавий даражада рағбатлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди¹³⁴.

Унга асосан соҳани янада жадаллаштириш мақсадида хусусийлаштирилган корхоналар давлат активларининг бошланғич нархларини секин-аста пасайтириб бориш ҳамда давлат, иқтисодий начор

¹³² Ўзбекистон Республикасининг “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Конуни. – Т.: 1991. Ўзбекистон Республикасининг қонунлар тўплами. -Тошкент.: 1991.

¹³³Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. -Тошкент., 1994., «Хусусий тадбиркорликда ташабbus кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони// Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами.-Тошкент., 1995.

¹³⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида»ги конуни // Ўзбекистон Республикасининг конун хужжатлари тўплами. -Тошкент. , 1995.

корхоналарни ва паст ликвидли объектларни нол даражадаги харид қиймати бўйича танлов асосида инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан инвесторларга сотиш тартиблари тасдиқланди¹³⁵.

Бу борада **1995 йил 5 январда** эълон қилинган «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Президент Фармони мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга, мулкдорлар табақасини шакллантиришга янада туртки берди¹³⁶. Бу даврда давлат даражасида хусусий тадбиркорлик фаолияти учун ҳуқуқий-норматив асослар, зарур инфратузилма ва шарт-шароитлар яратилди. Минтақавий (вилоят, шаҳар, туман) даражада эса тадбиркорларга маҳаллий солиқ ва йигимлар солищда енгилликлар берилди, ушбу секторни ривожлантириш учун ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга ошириш тадбирлари белгиланди. Умуман, мустақилликнинг дастлабки кезларида 400 дан ортиқ қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди¹³⁷.

Ушбу қонунлар орасида шубҳасиз, Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни (1996) ҳам муҳим аҳамият касб этди. Ушбу қонунда Ўзбекистонда эркин фаолият юритувчи иқтисодий зоналар ташкил этишнинг ҳуқуқий механизмлари ва улар негизида кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил этишнинг негизлари асослаб берилди¹³⁸.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида тадбиркорлик асосида ўз фаолиятини бошлаган барча шахслар учун банк-кредит муаммоларини ҳал қилиш, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш масалалари ҳам муҳим тадбирлардан бири эди. Бундай чора тадбирлар асосида республикада қулай инвестицион муҳитни шакллантириш борасида ички ва хориж инвестицияларини жалб қилиш учун унинг норматив-ҳуқуқий асос бўлиши, уларнинг амал қилиниши учун барча шарт шаоитлар яратилиши зарур эди. Шу боисдан “Ўзбекистон Республикасида хориж инвестициялари тўғрисида” ги қонуни мамлакатимиз ҳудудида хориж инвестицияларини жорий қилишнинг ҳуқуқий, ташкилий жиҳатларини ҳамда тартибини белгилаб берди¹³⁹. Мазкур қонун 1998 йилда янгича асосларда қабул қилинди¹⁴⁰.

¹³⁵ Валижонов А.Р. Особенности современного этапа разгосударствления и приватизации. // Восемнадцатые Международные Плехановские чтения «Реформирование и модернизация национальной экономики – стратегический курс на демократизацию и обновление общества»: Тезисы докладов профессорско-преподавательского состава и специалистов-практиков (26 марта 2005г). Выездная сессия в г.Ташкенте. -- Москва.: «РЭА», 2005, - С 22-23.

¹³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. - Тошкент., 1995.

¹³⁷ Рўзиев Р. Ж. Мамлакатда янги иқтисодий муносабатлар ҳуқуқий асосининг шаклланиши. // Мусаткил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари. -Тошкент., 2000. - Б 33.

¹³⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, -Т., 1996 й., 5-6-сон., Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, -Тошкент., 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, -Тошкент., 2005 й., 49-50-сон.

¹³⁹ Миренский Б. Новое инвестиционное законодательство Республики Узбекистан.// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.-Тошкент., 1998. №7. - С 12.

¹⁴⁰ Миренский Б. Новое инвестиционное....- С 13

Қабул қилинган ушбу норматив-хуқуқий хужжатлар асосида 1998 йил 9 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги янги Фармони эълон қилинди¹⁴¹. Ушбу Фармонда кичик ва хусусий корхоналарни ташкил этиш ва руйхатдан ўтказишнинг умумий шартлари ва принциплари, кичик ва хусусий корхоналарни рағбатлантиришборасидаги, тадбиркорларнинг асосий хуқуқий манфаатлари белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2001 йил 22 августдаги қарори ва яна бир қанча бошқа қонун хужжатлари ушбу йўналишдаги муҳим хуқуқий хужжатлар эди.

Мазкур Фармон ва қарорларга биноан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгashi ташкил этилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига Республика товар-хомашё биржаси, Агросаноат биржаси, «Ўзулгуржисавдо» орқали моддий-техника ресурслари сотилди¹⁴². Тадбиркорларнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик субъектларида «Текширишларни рўйхатга олиш дафтари» жорий этилди. Адлия вазирлиги томонидан жорий қилинган бундай дафтарларнинг қўлланилиши натижасида, тадбиркорларни режадан ташқари текширишлар сони 2000 йиллар бошига келиб олдинги даврларга қараганда анчагина камайиб, улар фаолиятига давлат ва назорат қилувчи органлар фаолитини қонуний тартибга солишга хизмат қилди.

Шу боис, бунинг исботи сифатида 2000 йил 25 майда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. **1995 йил июлда** Тадбиркорликни ривожлантириш фонди тузилди¹⁴³. Қабул қилинган қонунларда бозор тизимини, баҳо ва рақобат омилини, рақобатнинг бозор механизми тизимини инобатга олган ҳолда тадбиркорларга молиявий ёрамлар кўрсатиш белгиланди.

Ушбу соҳанинг хуқуқий механизмини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2000-2003 йилларда “Кичик ва хусусий корхоналарни ташкил этиш ва руйхатдан ўтказишнинг умумий шартлари ва принциплари тўғрисида”ги, “Акционер жамиятлари тўғрисида”ги, “Кичик ва хусусий корхоналарни рағбатлантириш тўғрисида”ги, қонунлари¹⁴⁴ ва Ўзбекистон Республикаси

¹⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони. . // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. -Тошкент., 1998.

¹⁴² Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида (Усмонов Қ., Фаниев Д). Т.: «Ўзбекистон», 1994 й., Ўзбекистон тарихи (қисқача маълумотнома).-Тошкент.: «Шарқ», 2000 й.

¹⁴³ Каримова Т. Особенности процесса разгосударствления и приватизации в Узбекистане. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. №9 – Б 13.

¹⁴⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Кичик ва хусусий корхоналарни ташкил этиш ва руйхатдан ўтказишнинг умумий шартлари ва принциплари тўғрисида”ги, “Акционер жамиятлари тўғрисида”ги, “Кичик

Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2001 йил 22 августдаги Қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида тартибга солина бошланди¹⁴⁵.

Улар асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш муддати улар жойлашган манзилдаги шаҳар, туман ҳокимиятлари ҳузурида ташкил этилган Инспекцияга ҳужжатлар топширилгандан сўнг, 7 иш кунидан 1 ойгача белгиланди.** Бу, шубҳасиз тадбиркорлар фаолиятида имкон қадар очиқлик ва ошкорликни таъминлаб, уларни рўйхатга олиш жараёнидаги сансалорликларни оз бўлсада тартибга солишга хизмат қилди. Ушбу қарорнинг мантиқий давоми сифатида 2011 йилдан бошлаб кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти эркинлаштирилди, улар ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотларни нақд хорижий валютага экспорт қилишга қисман бўлсада рухсат берилди¹⁴⁶.

Лекин хусусий бизнесни амалга ошириш жараёнида қонунчиликда янги муаммолар пайдо бўла бошладики, шу боисдан қонунларнинг кўпчилигига хусусий ва кичик бизнеснинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиш чоралари, шарт-шароитлари, шакллари акс эттирила бошланди. Энг муҳими бозори қтисодиёти шароитида тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишлари муҳим аҳамият касб эта бошлади.

Аммо олиб борилган қатор ташкилий ишлар ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг таъсирчан механизмини яратиш борасидаги ишларга қарамасдан, тадбиркорларнинг кичик ва ўрта бизнес субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишида қатор муаммолар мавжуд бўлган. Масалан, 2001 йилда республиканинг Андижон, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатдан ўтказиш бошқа худудларга нисбатан анча суст ташкил этилган¹⁴⁷. Бу эса келажақда мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришни муҳим вазифа сифатида кун тартибига қўйди.

Шу ўринда тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти хусусида қайд эиш лозим. Бу борада **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги**

ва хусусий корхоналарни рағбатлантириш тўғрисида”ги, қонунлари. // Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -Тошкент.. 2000-2003 йиллар.

¹⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори. // Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -Тошкент.. 2001. – Б. 71.

¹⁴⁶ Обломуродов Н. Ҳазаратқулов А, Толипов Ф ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. -Тошкент., 2011.- Б 281.

¹⁴⁷ Ўз РМА. М-37 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-6298, 273-варак

“Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонида солиқ органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш бинолари, савдо шохобчалари қаерда жойлашганидан ва хизматлар кўрсатиладиган (ишлар бажариладиган) жойдан қатъи назар, уларнинг молияхўжалик фаолиятини текшириш тақрорланишига йўл қўйилмаган ҳолда, тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган жойдаги тегишли солиқ органлари билан бир вақтда амалга оширилиши белгиланди. Фармонда

-тадбиркорлик субъектлари текшириш натижалари бўйича назорат органларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек етказилган заарни белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда ихтиёрий равишда қоплаган, шу жумладан пеняни тўлаган тақдирда уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмаслиги;

-назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари рухсатсиз текширилганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашилганлиги учун етказилган иқтисодий заарнинг ўрни қопланган ҳолда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортилиши кўрсатиб ўтилди. Унга мувофиқ прокуратура, бошқа назорат ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга белгиланган тартибда, текширишларни тайинлаш ва ўтказиш вазифалари юкланди¹⁴⁸.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланишини рағбатлантиришни кучайтириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор фаолият юритишида унинг ролини ошириш, янги иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш учун қўшимча равишда қулай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантариш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2009 йил 15 майдаги қарори қабул қилинганлиги** эътиборга моликдир.

Унда кичик корхона ўз уйларида ишлаётган (касаначилик билан шуғулланаётган) фуқаролар билан, қонун ҳужжатларида белгиланган ходимлар сонининг чекланган нормативидан кўп билан 30 % ошган миқдорда меҳнат шартномалари тузганда, кичик корхоналар учун назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар мазкур корхона учун сақланиб қолиниши белгиланганди¹⁴⁹. Бу эса тадбиркорлик субъектлари, айниқса касаначилик билан шуғилланаётган тадбиркорларга бирмунча енгилликлар берди. Албатта мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тадбиркорлар сафини янада кенгайтириш, шу асосда мамлакатда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли

¹⁴⁸ (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 40-сон, 303-модда; 2008 й., 20-21-сон, 170-модда; 2010 й., 1-2-сон, 1-модда, 17-сон, 130-модда; 2011 й., 14-сон, 133-модда; 2012 й., 8-9-сон, 76-модда; 2013 й., 13-сон, 163-модда; 2017 й., 18-сон, 310-модда, 27-сон, 606-модда; Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2018 й., 06/18/5329/0846-сон, 30.07.2018 й., 06/18/5490/1584-сон

¹⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, -Тошкент., 2009 й., 21-сон. Шу тўплам. 2010 й., 17-сон. Яна қаранг; Шу тўплам. 2014 й., 45-сон.

даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида талай ишлар амалга оширилди. Буларнинг барчаси қонуний жиҳатдан мустаҳкамланиб, уларнинг хуқуқий асоси янада кучайтирилди.

Жумладан, бу борада **2011 йил 24 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** ги Фармони қабул қилингалиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фармонда келтирилишича, сўнгти ўн йилда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес улуши 31,1 %дан 52,5 %га ўсган, ушбу соҳада бандлик даражаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли умумий сонининг 49,7 %идан 74,5 %игача ошган. Аҳоли даромадларининг 47 %дан зиёди тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромадлар ҳиссасига тўғри келган¹⁵⁰.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди ҳамда бу жараён янада очиқлик касб этди. Рўйхатга олиш учун давлат божи ставкаси икки баробарга қисқартирилди. Ишчиларнинг йиллик ўртacha сони 100 кишигача кўпайтирилган кичик корхоналар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати сезиларли даражада кенгайтирилди. Кичик бизнес субъектларини давлат харидлари жараёнига кенг миқёсда жалб қилиш механизми ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”** ги Фармони¹⁵¹, 2013 йил 8 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори¹⁵², 2014 йил 3 июлдаги “Давлат мулки обьектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори ҳам муҳим норматив-хуқуқий хужжатлар сифатида соҳанинг хуқуқий механизmlарини янада мустаҳкамлаб, кичик бизнес ва тадбиркорлар манфаатларини қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятига тўсиқ бўлаётган ғовларни бартараф этиш, товарларни сотиш, инвестициялар билан ишлаш тизмини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди.

¹⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 344-модда; 2012 й., 52-сон, 586-модда; 2013 й., №45-сон, 584-модда.

¹⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони // Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами –Тошкент. 2012 №29-сон.

¹⁵² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори. // Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами –Тошкент. 2013. №33-сон

Бу борада айниқса Президентнинг **2015 йил 15 майдаги** “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, соҳа вакилларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг ривожи йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича тўртта муҳим йўналиши, асосан, 2015 йилда амалга оширилиши назарда тутилган ўттиз учта аниқ чора-тадбирни кўзда тутувчи комплекс дастур тасдиқланди¹⁵³. Ушбу дастурда хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларни ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш тартибини янада соддалаштириш, маъмурий ва жиноий қонунчиликни либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш масалаларига устуворлик берилган.

Мазкур дастур асосида республикада тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартибини тубдан такомиллаштириш, замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш асосида уларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида бевосита мулоқот қилмайдиган шаклларидан фойдаланишини жадал ривожлантириш кўзда тутилди.

Унга мувофиқ, 2016 йилда “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди. Ушбу қарорга қўшимча равишда 2017 йил 1 апрелдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан Ўзбекистон Республикаси “**Давлат интерактив хизматлари Ягона портали**”га (Ягона портал) интеграциялашган интернет тармоғидаги тизим орқали кечаю-кундуз ўтказиш ва ҳисобга қўйиш таъминланиши белгиланди¹⁵⁴. Бу эса тадбиркорларга ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилаётган электрон давлат хизматларининг сифатини ошириш, тадбиркорларнинг мурожаатларини тез, қулай ва сифатли бажаришда қўл келмоқда. Бу албатта хизматлар шаффофлигини таъминлашга имкон яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2016 йила), “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017 йил)

¹⁵³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони:// Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. -Тошкент., 2015.

¹⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. -Тошкент., 2016.- Б 8

қарори ва ушбу соҳага тегишли бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларда мазкур ҳудудларда эркин ишлаб чиқариш зоналари ва тадбиркорликни рағбатлантириш, истиқболли технологияларни жорий этиш мақсадида хўжалик-молиявий фаолиятнинг алоҳида тартиботи жорий этиладиган ҳудудлар эканлиги белгилаб берилди¹⁵⁵.

Ваҳоланки, 2018 йилгача мамлакатимизда **16 та эркин иқтисодий зона** фаолият юритган эди¹⁵⁶, 2019 йил якунига келиб улар сони 21 тага етган бўлса¹⁵⁷, 2021 йил охирида улар 23 тага етган ва 348 та кичик саноат зонаси фаолият олиб борган. Эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 2,6 млрд долларлик 453 та лойиҳа амалга оширилиб, 36 мингга яқин иш ўрни яратилган. Кичик саноат зоналарида эса 5 трлн сўмлик 1497 та лойиҳа ишга туширилиб, 36 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланган¹⁵⁸. Хусусан, “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”, “Фиждувон”, “Кўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 486 миллион долларга teng 62 та лойиҳа амалга оширилган, 4,6 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган. Мамлакатимизда кичик саноат зоналари қарийб 100 тага етди. Бугунги кунгача ушбу ҳудудларда умумий қиймати 535 миллиард сўмга teng 1021 та лойиҳа амалга оширилган. Янги корхоналар ишга тушиши туфайли 9,6 мингдан зиёд иш ўрни яратилган¹⁵⁹.

Айниқса тадбиркорлик соҳаларига хорижий инвестицияларнинг жорий қинишини тартибга солиш юзасидан кўрилган чора тадбирларга муҳим норматив ҳуқуқий ҳужжат сифатида хорижий инвестициялар жалб қилиш сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилишни янги босқичга кўтарди. Бу борада хусусан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини кенгайтириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг йиллик инвестиция дастурлари ва ҳудудий инвестиция дастурларини, жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишда иштирок этиш, хорижий инвестициялар, кредитлар ва молиявий-техник кўмаклашишга қаратилган маблағларни жалб этиш учун инвестиция таклифлари бўйича ягона базасини юритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон

¹⁵⁵ Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон)

¹⁵⁶ Бозоров С. Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишини такомиллаштириш:// Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. -Тошкент., 2018. -Б 5.

¹⁵⁷ Рашидова Ф. Зарубежные инвестиции в формировании и развитии малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан (Исторический аспект). Диссертация доктора философии (Phd) по историческим наукам. -Тошкент., 2019.- С 22.

¹⁵⁸ <https://www.gazeta.uz/uz/2021/04/28/eiz/>

¹⁵⁹ Бозоров С. Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишини такомиллаштириш:// Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. -Тошкент., 2018. -Б 5.

Республикаси инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” ги Фармони¹⁶⁰ муҳим аҳамиятга молик бўлди.

“Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки обьектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида фойдаланилмаётган давлат мулки обьектларини ўз вақтида топиш ва рўйхатини аниқлаш ҳамда уларни танлов савдоларига тезкорлик билан қўйиш, тадбиркорларга сотиш чоралари кўриш белгиланди. Унда фойдаланилмаётган давлат мулки обьектларини сотиб олувчилари - ташкилотлар олди-сотди шартномаси имзоланган пайтдан бошлаб 12 ой муддатга янги сотиб олинаётган давлат мулки обьектлари бўйича мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўлашдан озод қилиниши, хусусийлаштирилган обьектларни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда уларни ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтирилиши белгиланди¹⁶¹.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ғоя ва «Ҳар бир давлат хизматчиси ҳар куни ўзининг меҳнати билан эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини исботлаши шарт» деб бежиз таъкидламаган¹⁶². Мазкур ғоя асосида Олий Мажлис томонидан қабул қилиниб, 2017 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида” (“Бизнес Омбудсман”) ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни тадбиркорларнинг хуқукларини ҳимоя қилишда янги даврни бошлаб берди. Қонунга мувофиқ қуидагилар вакилнинг ваколатлари сифатида белгиланди:

-тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

-давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этиш юзасидан умумий назоратни амалга ошириш;

-тадбиркорлик субъектларининг текшириш амалга оширилаётганда уларни хуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

-тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилишини ўрганиш ва етказиш;

¹⁶⁰ Ўзбекитсон Республикаси Президентининг Фармони: Ўзбекистон Республикаси инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида://Маърифат. 2017 йил 1 апрел, №26 (8987).

¹⁶¹ “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”. –Тошкент., 2017 йил 23 январь, 3-сон, 41-модда.

¹⁶² Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2016. -Б 20

-қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга таъсири самарадорлигини баҳолаш;

-тадбиркорлик субъектлариинг хуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга, уларни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва ҳ.к¹⁶³.

Аммо шу ўринда бизнингча, соҳанинг ҳалқаро миқёсда жаҳон андозаларига мос ҳолда тарақкий этишини ҳам инобатга олмоқ зарур. Ваҳоланки, Ўзбекистон қатор йиллар жаҳон миқёсида бизнес юритиш ва унга имкониятлар яратиб бериш борасидаги параметрлар бўйича бирмунча орқада қолиб келди. Агар рақамларга мурожаат этсак, 2000 йиллар бошида хусусий корхоналарни рўйхатдан ўтказиш борасида 54-ўрин, ишчиларни ёллаш бўйича 67 ўрин, шартномалар ижроси бўйича 48-ўрин, бизнес эркинлиги бўйича 66-ўринни эгаллаган¹⁶⁴. 2013 йилга келиб кўрсаткич янада салбий томонга ўзгарган. Шу йили дунёнинг 190 давлати орасида Ўзбекистон “бизнес юритиш енгиллиги” индекси бўйича 103 ўринни эгаллаган. 2016 йилга келиб эса ушбу параметр бўйича 87-ўринга тушган¹⁶⁵.

Шу боис 2018 йилда илк маротаба Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки ва ҳалқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботда Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди¹⁶⁶. Унда Ўзбекистондаги бизнес юритиш учун мавжуд шарт-шароитларни янада яхшилаш, ҳалқаро нормалар ва стандартлар талабларига ҳанузгача жавоб бермаётган тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар бериш, айрим давлат органларининг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини олдини олиш, мутасадди ташкилотлар ва давлат органларининг соҳани янада ривожлантириш борасидаги ислоҳотларнинг амалдаги ижросини етарли даржада таъминлаш юзасидан аниқ топшириқлар берилган.

Ўз навбатида, 2018 йилнинг Ўзбекистонда «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-кувватлаш йили» деб эълон қилиниши тадбиркорлар фаолиятини такомиллаштириш йўлида яна бир катта амалий қадам бўлди ҳамда иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида инновацион жараёнларни жадаллаштиришга катта туртки берди.

Бунда 2018 йил 11 арпелдаги “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва

¹⁶³ “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.//Халқ сўзи. 2017 йил 30 август, №172 (6866).

¹⁶⁴ Махмудов Э. Прямые иностранные инвестиции в экономику Узбекистана: достижения, проблемы и перспективы. -Тошкент., 2007.

¹⁶⁵ Рашидова Ф. Зарубежные инвестиции в формировании и развитии малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан (Исторический аспект). Диссертация доктора философии (Phd) по историческим наукам. -Ташкент., 2019.- С 39.

¹⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки ва ҳалқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботда Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида” ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -Тошкент., 2018. -Б 8.

соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Фармонда ваколатли давлат органлари ўртасида лицензия ва руҳсат беришга оид хужжатларни тубдан қисқартириш, маъмурий тартиб-таомилларини янада соддалаштиришда муҳим рол йўнади. Яъни, бизнес юритишдаги ортиқча бюрократик тўсиқларни тубдан қисқартириш, хусусий мулкнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш ва кафолатлашнинг ҳуқуқий механизмларини мунтазам равишида изчил мустаҳкамлаб боришида ушбу Фармон аҳамиятга эга бўлди¹⁶⁷.

Албатта, қатор йиллар аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш, давлат дастурларини амалиётга тадбиқ этиш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, аҳоли, айниқса тадбиркорларнинг ташабbusларини янада қўллаб қувватлаш, уларнинг мулк ҳуқуқи билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш борасида қатор муаммолар мавжуд эди. Бунда уларни ҳал этишнинг ҳуқуқий механизми бўлсада, улар кутилган натижаларни бермади.

Шу боис янги Ўзбекистонда тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этишни бошқариш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсати комплекс тарзда амалга оширилди. Бу жараённи муваффақиятли юритиш учун республикада қатор Фармонлар, қонунлар ва меъёрий хужжатлар қабул қилинди. Улар орасида Президентнинг **2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5495-сонли Фармони ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди**. Ушбу меъёрий хужжат мамлакатда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун энг қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, товарлар дан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, худудларда зарур инфратузилмани яратишни таъминлайдиган ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлади¹⁶⁸.

Ушбу Фармонда нафақат хорижий инвестицияларни жалб этиш, балки хорижий тадбиркорлар билан ўзаро тажриба алмашиш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш чора тадбирлари ҳам белгиланиб, ёш тадбиркорларнинг хорижий мамлакатлардаги тадбиркорлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш ва тадбиркорликка оид халқаро кўргазмаларда иштирок этишларига кўмаклашиш Дастури ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ, ёш тадбиркорларнинг ХХР, Англия, Германия каби давлатлардаги халқаро кўргазмаларда иштирок этишлари таъминланган¹⁶⁹.

Қабул қилинган яна бир муҳим хужжат, бу, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар

¹⁶⁷ Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.04.2018 й., 06/18/5409/1059-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон

¹⁶⁸ Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. -Тошкент., 2018 йил.

¹⁶⁹ Ўз МА. М-137 фонд, йиғма жилд-226, 63-64 вараклар.

тўғрисида”ги 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йилдаги қарорида тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга ва зонани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган тартибот ўрнатилиши мумкинлиги белгилаб берилди¹⁷⁰.

2019 йил июн ойидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида **2020 йил 1 январдан** бошлаб тадбиркорлик фаолияти- юридик шахсларни ихтиёрий тугатишида, бир ёки бир нечта даврий босма нашрларда корхонанинг тугатилиши тўғрисида эълонлар бериш талаб этилмаслиги, бунда тегишли маълумотлар рўйхатдан ўтказувчи органнинг расмий сайтига жойлаштирилиши белгиланди¹⁷¹.

Фармонда давлат рўйхатидан ўтказилгандан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини амалга оширгмаган ҳамда солиқ қарзи мавжуд бўлмаган корхоналарнинг молия хўжалик фаолияти текширилмаслиги, давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказиладиган, тугатиладиган корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини текширишнинг энг узоқ даврийлиги 3 йилни ташкил этиши белгиланди. Фармонга мувофиқ молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун ваколатли давлат органларидан корхона тўғрисидаги мавжуд маълумотларни олиш тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими орқали амалга оширилиши белгиланди.

Тадбиркорларнинг муаммоларини қонуний ҳал қилиш, соҳада самарали тизими яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида” ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳукуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар”, шунингдек “Тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида” ги Фармони¹⁷² қабул қилинди.

Фармонга кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳар ҳокимликларига қўйидагиларни амалга ошириш тақиқланиши белгиланди:

¹⁷⁰ Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон)

¹⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони://Тошкент оқшоми. 2019 йил 10 июнь, №92 (13.939).

¹⁷² Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида” ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. -Тошкент., 2019. Яна қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳукуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора- тадбирлар”, “Тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида” ги фармони. // Халқ сўзи. -Тошкент., 2019 йил. 14 август.

-тадбиркорларни ўз фаолиятидан ташқари, шу жумладан, хомийлик ва хайрия ёрдами кўрсатиш, худудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига жалб қилиш;

- тадбиркорларни қишлоқ хўжалигидаги мавсумий ишларга (экин экиш ва йиғиб олиш) ва меҳнат ресурслари, пул ва бошқа моддий бойликларни йўналтириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

-тадбиркорлар иштирокида мажбурий тартибда, шу жумладан, уларга нисбатан маъмурий ва бошқа чораларни кўллаш таҳдида остида ортиқча йиғилишлар ва тадбирларни ўtkазиш¹⁷³.

Энг муҳими янги тартибга кўра, 2020 йил 1 январидан эътиборан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйиш ва бир фермер хўжалигидан бошқасига ўтказиш ҳамда жисмоний вам юридик шахслар эгалигига бўлган, улар фойдаланадиган, уларнинг мулки бўлган ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ваколатлари халқ депутатлари кенгашларига бериладиган бўлди¹⁷⁴.

2020 йил 19 марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Короновирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони¹⁷⁵ эълон қилинди. Мазкур Фармонга кўра Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги хузурида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил қилинди. Барча тармоқлар сингари жамғарманинг вазифалари қаторида қуидагилар тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлашга қаратилди. 2021 йил 1 январга қадар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ аудитидан ўтказиш жараёнини тўхтатиб туриш вазифалари белгиланди¹⁷⁶.

2021 йил 7 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонида тадбиркорларнинг муаммо ва таклифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича 2022 йил 1 январдан бошлаб камерал солиқ текшируви натижалари бўйича аниқланган хуқуқбузарликлар учун молиявий санкциялар қўлланилмаслиги ва тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ ҳисботини белгилangan муддатларда тақдим этмаганлик учун молиявий санкциялар бекор қилиниши белгиланди¹⁷⁷.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314 сон “Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва

¹⁷³ Ўша фармон.

¹⁷⁴ Ер участкалари қай тартибда хусусийлаштирилади? // Хукуқ . 2019 йил 22 август №34 сон.

¹⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Короновирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони// Халқ сўзи. 2020 йил, 20 март.

¹⁷⁶ Ўша фармон.

¹⁷⁷ Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2021 йил 8 сентябрь. "Халқ сўзи", 2021 йил 8 сентябрь.

солиқ юкини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими니 такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонига кўра, якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан солиқ органларига солиқ ҳисботини топшириш мажбурияти, божхона декларацияси расмийлаштирилган санадан кейин 12 ой ўтгач сотувга қўйилиши ҳамда чакана савдода реализация қилинишига қўйилган тақиқ бекор қилинди. Шу асосда 2022 йил 1 январдан 2023 йил 1 январга қадар фаолият юритувчи якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларига белгиланган ижтимоий солиқ ставкаси икки бараварга пасайтирилди¹⁷⁸. Бу эса Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизимининг норматив-хуқуқий асосини янада бойишига хизмат қилди.

Умуман, тарихий таҳлиллар соҳани қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ва унинг норматив-хуқуқий асосларининг такомиллаштирилиши давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми эканлигига гувоҳ бўлдик. Яъни, тадқиқот даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини таъминлайдиган ва кафолатлайдиган хуқуқий-меъёрий асос ва уларнинг ривожланишига кўмак берувчи қонунлар яратилди. Бу эса имтиёзли солиқ, давлат ва бюджетдан ташқари фонdlардан бериладиган имтиёзли кредитлар, халқаро молия институтлари кредитлари жалб этишга оид норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар асосида тадбиркорларга микрокредит беришнинг унификация (соддалаштирилган) лашган механизми ишлаб чиқилгани ва хуқуқий жиҳатдан такомиллашганини тасдиқлади. Мухими, давлатнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни норматив-хуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини таъминлайдиган бозор инфратузилмаси яратилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси** 2017- йилнинг 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича **Ҳаракатлар стратегияси** тўғрисида»ги Фармони асосида қабул қилинди. Фармонда белгиланган стратегия лойиҳаси ва унда кўзда тутилган муҳим стратегик масалалар республикамиз эксперtlари ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтди.

Стратегия лойиҳаси ўта долзарб, яъни аҳолинининг турмуш тарзини янада яхшилаш масалаларини комплекс ўрганиш, давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, мамлакатда қонунчилик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти ва хорижий тажрибани таҳлил қилиш якунлари бўйича ишлаб чиқилган эди. Ҳаракатлар стратегиясини келажакда бешта устувор йўналиш бўйича амалга ошириш кўзда тутилди. Улар қуидагилар:

¹⁷⁸ <https://lex.uz/docs/5635417> <https://lex.uz/docs/5635417>

Унинг учинчи устувор йўналишида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш кўзда тутилиб, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтиришни кўзлайди. Стратегияда хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш масалалари ҳам кенг ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони асосида Тараққиёт стратегиясининг қабул қилиниши ҳамда унинг учинчи устувор йўналиши “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш”, деб номланганлигининг ўзиёқ, иқтисодиётнинг таркибий қисми ҳисобланган тадбиркорлик соҳасини ҳуқуқий мустакамлашда алоҳида аҳамият аҳамияতга молик бўлди.

Стратегиянинг 21-мақсадида иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни — 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик инфляция даражасини 2023 йилгача босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш белгианганд. Унга мувофиқ, давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш, ҳар бир туман бюджетининг камида 5 фоизини «Фуқаролар бюджети» дастури доирасида аҳолининг таклифлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфлашни ташкил қилиш, давлат қарзини бошқаришда йилига янги жалб қилинган ташқи қарз миқдори 4,5 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетмаслигини таъминлаш кўзда тутилди.

Дастурнинг 22-мақсадида эса, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушкини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш белгиланди.

Стратегиянинг 29-мақсади “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушкини 80 фоизга ва экспортдаги улушкини 60 фоизга етказиш тасдиқланган. Унга мувофиқ:

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан «Очиқ мулоқоти»ни ўтказиш;

Худудларда 200 та янги саноат зоналарини ташкил этиш ва бизнес-инкубаторлар тизимини ривожлантириш. Шароити оғир бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш.

Илгор хорижий тажриба асосида факторинг амалиётини ривожлантириш;

2026 йил бориб тадбиркорлик субъектларига солик юкламасини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камайтириш;

Худудларда тадбиркорликни қўллаб-куватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш;

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бошлиши учун зарур маълумотларни эркин фойдаланишга чиқариш. Қурилиш фаолиятида курилиш нуқсонлари ёки муаммоларининг олдини олиш;

Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий секторга кенг йўл очиш. Иқтисодий муносабатларда эркин бозор тамойилларини жорий этишини кенгайтириш қўзда тутилганлиги тадбиркорликни янгича асосларда ривожлантиришга туртки берди.

Умуман, тарихий тадқиқотларга кўра Ўзбекистон тарихида хусусий мулкка эгалик, бизнес ва тадбиркорликнинг турли шакл ва формалари ҳамда у билан шуғилланиш тарихнинг қадимги даврларига бориб тақалишини тасдиқлади. Тарихий таҳлилларга кўра, уларнинг шакли ва мазмуни ҳар бир тарихий даврда ўзгарганлиги ва ривожланганлиги билан изоҳланди. Хусусан, илк хўжалик ва ишлаб чиқариш муносабатларининг шаклланиши қадиги даврларда юзага келган бўлсада. Унинг ривожланиши ўрта асрларда ва ундан сўнг минтақада барча мулклар хусусийлашганлигини ҳамда тарихнинг кейинги даврларида янада тараққий этганлигини тасдиқлади. Бу эса ишлаб чиқариш муносабатларининг таркиб топиши кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларига Ўзбекистон мустақиллиги йилларида янада кенг имкониятлар яратилганини тасдиқлади. Тадқиқотларга кўра, мазкур боб якуни бўйича қуидаги умумий хуносаларга келинди:

-биринчидан, тарихий таҳлилларга кўра, кичик бизнес ва тадбиркорлик ўз моҳиятига кўра ҳар бир фуқаронинг ўз имкониятларидан келиб чиқиб, даромад олиш мақсадида амалга оширадиган иқтисодий ва интелектуал фаолияти бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқариб, қўшимча даромад олиш, пировардида аҳоли турмуш тарзини юксалтиришнинг муҳим мезони эканлигини кўрсатди. Ушбу соҳа ривожланган жаҳон иқтисодиётининг таркибини ташкил этувчи муҳим тармоқ ҳисобланар экан, унинг фаолияти нафақат кичик ва ўрта бизнеснинг, балки бутун дунё иқтисодиётининг у ёки бу тарзда ривожланишига бевосита таъсир қилишини тасдиқлади. Соҳа ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдирилиши ва аҳолига турли хизматлар кўрсатиши, экспорт салоҳиятининг ўсиши, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг реал даромадларини кўпайтириш масалаларининг ечими ҳам ана шу

тармоқнинг нечоғлик барқарор ривожланишига боғлиқ эканлигига гувоҳ бўлдик;

-иккинчидан, ушбу соҳа шаклланиш тарихи узоқ тарихга эга бўлиб, у ўрта асрларда минтақада барча мулклар хусусийлашганлигини ҳамда хўжалиқда хусусий мулк ва эркин жамоа мулки таркиб топганлигини, ривожланган ўрта асрларда мулкка эгалик қилиш, хусусий мулк ва ер эгалигининг тобора ривожланиши натижасида кейинчалик унинг негизида бизнес ва тадбиркорликнинг такомиллашган шакллари юзага кела бошлаганлигини тасдиқлади. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиши тенденцияларига кўра, замонавий кичик бизнес ва тадбиркорлик тарихнинг янги даврида янада тарққий этганлигини ва даромад олишнинг асосий манбаи бўлганлиги билан изоҳланди. Туркистон ўлкасида XIX аср охири – XX аср бошларида тадбиркорлик бирмунча тараққий этиб, ўлкада маҳаллий буржуазия шаклдана бошлагач. ўлкани Россия империяси босиб олгандан сўнг эса соҳа империя манфаатлари учун хизмат қилганлигини кўрсатди;

-учинчидан, узоқ йиллик совет ҳокимияти йилларида хусусий мулкчилик, бизнес ва тадбиркорлик соҳалари тўла тугатилганлиги, давлат ва жамият ҳаётида давлат монополистик капитализмига асосланган ишлаб чиқариш муносабатларининг таркиб топиши, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларининг унутилишига, аммо Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши натижасида анъанавий бозор ва мулкчилик муносабатларининг қайта тикланишига туртки берганлиги билаан характерланди;

-тўртинчидан, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизимининг тархий таҳлили соҳани қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ва унинг норматив-хуқуқий асосларининг шакллантирилиши давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми эканлигига гувоҳ бўлдик. Яъни, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини таъминлайдиган ва кафолатлайдиган хукуқий-меъёрий асос, яъни уларнинг ривожланишига кўмак берувчи қонунлар яратилди. Бу эса имтиёзли солиқ, давлат ва бюджетдан ташқари фондлардан бериладиган имтиёзли кредитларга оид, халқаро молия институтлари кредитлари жалб этишга оид норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилиниб, улар асосида тадбиркорларга микрокредитлар беришнинг соддалаштирилган механизми ишлаб чиқилгани ва хукуқий жиҳатдан такомиллашгани билан изоҳланди;

-бешинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оида қонунлар асосида хорижий инвестициялар ва инвесторларнинг ваколатлари тўғрисидаги меъёрий хужжатлар, мақсадли Давлат давлат дастурлари ишлаб чиқилди ва амалда жорий этилиб, унинг ривожланишига устувор аҳамият қаратилди. Ўтган тархий даврда ЎзЛиДеп ўз куч ва имкониятларини ишга солган ҳолда тадбиркорлик ривожига кенг йўл очиб бериш ва халқнинг тадбиркорлик йўлидаги интилишларини қўллаб-

кувватлашга қаратилган ҳаракат дастурини ишлаб чиққанлиги ва амалиётга тадбиқ этишда сиёсий куч сифатида фаолият олиб борганилигига гувоҳ бўлдик.

II Боб. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тикланиши ва ривожланиш босқичлари

II.1. Ўзбекистон мустақиллиги остоаси ва унинг дастлабки йилларида тадбиркорликнинг ахволи: танглиқдан либераллаштириш томон

XX асрнинг сўнгти йилларида собиқ иттифоқда эски тузум ўз умрини ўтаб бўлган бир шароитда Ўзбекистон ҳам бошқа иттифоқдош республикалар қатори ўта кескин ҳамда оғир ижтимоий-иктисодий вазиятда бозор иктисодиётига ўта бошлади. Давлатнинг барча соҳаларида “бозор”, “бозор иктисодиёти”, “хусусий мулкчилик”, “бизнес”, “тадбиркорлик”, “ишбилармонлик”, тушунчалари ва принциплари шакллана бошлади. Узоқ вақт мобайнида шаклланган совет тузуми ўз умрини тугатгач, жамоа мулки, колхоз кооператив мулкидан ташқари ширкат, хусусий мулк ва тадбиркорлик асослари юзага кела бошлади. Яъни, давлат мулкининг мавқейи пасайиб, бозор иктисодиётига хос хусусий мулкчиликнинг роли орта бошлади. Қайта қуриш, демократия ва ошкоралик шиори остида кечган ўша даврда ҳукуматнинг мулкчилик ва меҳнат фаолияти хусусидаги қатор қонун ва ҳукуқий ҳужжатлари қабул қилинди¹⁷⁹.

СССР нинг парчаланиши натижасида собиқ иттифоқдош республикалар ўртасидаги алоқалар батамом узилиб қолди, бу эса инқироз ҳолатларини кучайтирди, бутун ишлаб чиқариш тўхтаб қолди, материал ресурслар, хом ашё, асбоб анжомлар етишмаслиги келиб чиқди, инфляция жараёнлари, ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш шароитларининг пасайиши содир бўлди¹⁸⁰. Узоқ йиллар мобайнида мулкка бўлган давлат монополистик муносабат мулк ва унинг эгаси, инсон ўртасидаги номутаносибликни келтириб чиқарди.

Агар тарихий фактларга эътибор қаратилса, ўша пайтда ишлаб чиқариш тармоқлари доирасида Ўз ССР Министрлар Кенгаши тармоғида ишлаётган давлат корхона, ташкилот ва хўжаликлар сони 4796 тадан 2104 тага қисқарди.

¹⁷⁹ “Закон об индивидуальной трудовой деятельности”. Библиотека нормативно-правовых актов СССР. М., 1986. Қаранг: Электронный сайт: <http://libussr.ru>, Яна қаранг: Закон о государственном предприятии (объединении) принят Верховным Советом СССР 30 июня 1987 года. Ведомости Совета народных депутатов и Верховного Совета СССР, 1989, № 9, ст.214., Закон о кооперации в СССР 1988 года № 8998-XI. Библиотека нормативно-правовых актов СССР. Қаранг: Электронный сайт: <http://libussr.ru>, Закон о собственности в СССР 1990 года № 1305. Библиотека нормативно-правовых актов СССР. Электронный сайт: <http://libussr.ru>.

¹⁸⁰ Рахимов М.А., Рахматуллаев Ш., Турсунова Р., Назаров Р. Очерки новейшей истории Республики Узбекистан. -Ташкент.: «Адабиёт Учкунлари», 2016.-С 90-101. Яна қаранг: Рахматуллаев Ш.М. Состояние и проблемы развития экономики Узбекистана на начальном этапе реформ: исторический анализ // Sharqshunoslik. Востоковедение. Oriental studies. 2014. № 2. С. 117-126.

Натижада заар билин ишлаган корхоналар сони республикада 1515 тани ташкил қилган, бунда кўрилган заар 152,6 млн сўмга ёки 23% га ортди¹⁸¹.

Ваҳоланки, 80-йиллар иккинчи ярмида республикада хукм сурган инқироз ҳолати натижасида қайта қуриш сиёсати йилларида мулкчилик борасида, давлатга қарашли корхоналар инқироз ҳолатга тушиб қолди, қўплаб корхона ва ташкилотлар ўзларига бириктирилган йиллик режаларни бажара олмадилар. Жумладан, биргина 1986 йилда республикадаги 321 та корхона ва ташкилот режада белгиланган вазифаларни уддасидан чиқа олмаган, 347,7 млн рубль миқдоридаги маҳсулот етказиб берилемади. 225 та энг муҳим маҳсулот турларидан 86 таси бўйича давлат режаси бажарилмай қолди¹⁸².

Чунки, эндиғина бозор муносабатлари шаклдан бошлаган бир пайтда корхоналарни тўлиқ хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш ўзини оқламади. Бунинг боиси бутун мамалакатда хукмронлик қилган социализмнинг иқтисодий қонун қоидалари, маъмурий буйруқбозлик тизими хусусий мулк анъаналарини ва бозор психологиясини шаклланишига тўқсинглик қилиб келди. Шу боисдан мустақилликнинг дастлабки йилларида аввало республикада сабиқ тузум давридан мерос бўлиб қолган давлат мулкчилиги, “социалистик хўжалик ишлаб чиқариши” ва бошқаруви оқибатларини тугатиш, кишилар онгиди бизнес ва тадбиркорлик психологиясини вужудга келтириш, мулкнинг дахлсизлиги, хусусий мулк ва тадбиркорликка бўлган тўғри муносабатини шакллантириш зарур эди.

Биз мазкур тадқиқотда илмий тадқиқотнинг тарихий хронологияси таҳлилидан келиб чиқиб, Ўзбекистон мустақиллиги арафаси ва мустақиллик йилларида кичик бизнес ва тадбиркорликни шаклланиши ва ривожланишини қўйидаги 4 та муҳим тарихий босқичга бўлган ҳолда таҳлил қилишни лозим топдик. Улар қўйидагилар:

Биринчи босқич, (1990-1995 йиллар) мустақиллик остонаси ва мустақилликнинг дастлабки йилларида республикада кичик бизнес ва тадбиркорликнинг шаклланиш ва тикланиш даври;

Иккинчи босқич, (1996-2000 йиллар) республикада кичик бизнес ва тадбиркорлик учун зарур шарт шароитларнинг яратилиши даври;

Учинчи босқич, (2001-2016 йиллар) республикада кичик бизнес ва тадбиркорликнинг барқарор ривожланиш даври;

Тўртинчи босқич, (2017-2021 йиллар) янги Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг янги тараққиёт стратегияси даври.

Айрим тадқиқотчилар эса соҳанинг ривожланиш тарихини ўзига хос тарзда алоҳида тарихий даврларга ажратадилар. Масалан, 2005 йилда бир гурӯҳ муаллифлар томонидан чоп этилган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш” номли дарсликда *1991-1998 йиллар*, “Қайта уйғониши даври”, *1999-2000 йиллар* “Тикланиш

¹⁸¹ Ревун В. Убыточные предприятия: быть или не быть? // “Экономика и жизнь” 1990. №2. –С. 37

¹⁸² Исаков Б.Н Ўзбекистонда 80-йилларнинг иккинчи ярми - 2000 йиллардаги тарихий ўзгаришларнинг демографик жараёнларга таъсири. // Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. атореферати. -Тошкент., 2010. -Б 13.

даври" (оёққа туриш даври), 2000 йиллардан кейинги давр "Бақарорлашии ва юксалиш даври", деб аталғанлиги уни тарихий даврлаштиришда маълум ёндашувлар мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди¹⁸³.

Умуман, Ўзбекистон мустақиллиги арафаси ва унинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик ўзининг янги тарихий даврига қадам қўйди. Бозор муносабатларига ўтаётган Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб минтақаларнинг ривожланиш хусусиятларига эътибор берилди. Бу хусусда, ишлаб чиқариш марказлари ўзларида мавжуд бўлган табиий бойликлар, қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш ҳисобига иқтисодий ривожланиш даражасини янада кўтариш имконига эга бўлди, дея қайд этади А.Марозиков¹⁸⁴.

Собиқ социалистик жамиятнинг инқирози шароитда бозор ислоҳотларини тадбиқ этиш, давлат мулки ва товарларини босқичма-босқич хусусийлаштириш, уларни тадбиркорларга бўлиб бериш ҳамда сотиш ишлари амала оширилди. Жумладан, биргина 1990 йилда қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик тасарруфидаги мол мулклар, хусусан 61,5 минг қорамол, 384 минг бош қўй, 34 минг эчки ва чўчқа, 7,8 млн товуқ етиштирувчи субъектлар хусусийлаштириш шарти билан шахсий хўжаликлар (тадбиркорлар) га сотилган¹⁸⁵. Аграр соҳада амалга оширилган ислоҳотлар натижасида 1989-1990 йилларда 1,5 миллиондан кўпроқ оиласа қўшимча ер ажратилиб, 700 минг оиласа янги томорқа ерлари берилган¹⁸⁶.

Тўғри, ҳали ўша паллада собиқ совет тузуми, давлат мулкининг монополистик характеристи ҳамда марказлашган режали бошқарув тизими ҳукумронлик қилар, хусусий мулк ва тадбиркорлик ҳақида сўз юритиши мураккаб эди. Шундай шароитда ислоҳотларнинг тизимли амалга оширилиши учун аввало унинг ҳуқукий механизми бўлиши зарур эди. Шу боисдан, "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида" ги қонуннинг қабул қилиниши давлат мулкчилигини босқичма-босқич тугатиш ва хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим воқеа бўлди. Мазкур қонуннинг мантиқий давоми сифатида 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган "Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида" ги қонуни ҳам муҳим аҳамият касб этди¹⁸⁷. Ушбу қонунга мувофиқ дастлаб хизмат кўрсатиш, савдо, тижорат, умумий овқатланиш, транспорт, тайёрлов ва қайта ишловчи

¹⁸³ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. (Муаллифлар жамоаси)// Дарслик. - Тошкент.. 2005.-Б 10-11.

¹⁸⁴ Марозиков А. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Фарғона вилоятида тадбиркорлик: эришилган натижалар ва мавжуд муаммолар таҳлили// Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари. Республика илмий анжумани материаллари -Наманганд. 2020., -Б. 619.

¹⁸⁵ Ҳазраткулов А. Социальные проблемы Узбекистана и пути их решения. (1971-1990 гг // Монография. - Ташкент., 1991. -С 143.

¹⁸⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Ташкент. "Ўзбекистон". 2011. -Б 12. Яна каранг: Туляганова С. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қишлоқларида мулкчилик муносабатларининг ўзгариши ва эришилган ютуқлар тарихи// Рисола. -Ташкент., 2015. -Б 7.

¹⁸⁷ Ўзбекистон Республикасининг "Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикасининг қонунлар тўплами. -Ташкент., 1991.

корхоналар хусусийлаштирилиб, ушбу давр “**кичик хусусийлаштириш**” босқичи (1992-1993 йиллар) номини олди¹⁸⁸.

Ушбу мураккаб тарихий даврда барча соҳалардаги чуқур инқизорзли ҳолат, шубҳасиз республика иқтисодиётига салбий таъсирини қўрсатди. Мулк шакллари ўртасида тенгсизлик юзага келди, ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетди. Жумладан, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида енгил саноатнинг улуши кейинги 50 йил ичидаги энг паст кўрсаткич сифатида 54 %дан 37 %га, озиқ-овқат саноатининг улуши 30 %дан 14 %га тушиб қолган, умумий ишлаб чиқаришда қишлоқ хўжалик машинасозлигининг улуши атиги 5 % га ўсиб, 11 %ни ташкил этган эди¹⁸⁹. Хўжаликнинг эскирган колхоз-совхоз тизими чорвачилик соҳасига айниқса салбий таъсири кўрсатди. Масалан, 1990-1992 йилларда мамлакат хўжаликларида гўшт ишлаб чиқариш йилига ўртача 15-17% га тез пасайиб борди¹⁹⁰.

XX асрнинг 90-йиллар бошида совет ва коллектив хўжаликлари мулкларини тугатиш ва фермер хўжаликларига бўлиб беришдаги камчиликлар, кооператив ширкатлар ташкил этилишидаги оқсаншлар, қишлоқ хўжалигига хусусийлаштириш жараёнларидағи сусткашликлар, бу борада бошқарувнинг ҳали яхши ташкил этилмаганлигини кўрсатди. Айниқса инвестицияларнинг етишмаслиги, ишчиларнинг етарли молиявий таъминланмаганлиги каби муаммолар айrim хорижий тадқиқотчилар ишларида ҳам қайд этилган¹⁹¹. Ўша кезларда Ўзбекистонда фермерликнинг асосан 3 тури ширкат хўжалиги, дехқон хўжалиги ва хусусий фермерлик ташкил этилиб, ширкат хўжалиги ва дехқон хўжалиги давлат учун асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўлган пахта ва қисман буғдой етиштириш билан шуғулланар эди¹⁹².

Масалан, Питер Краумернинг “Rural and Agricultural Development in Uzbekistan” тадқиқотида муаллиф, 90-йиллар бошида Ўзбекистонда аграр соҳадаги ўзгаришларни собиқ иттифоқ республикалари билан таққослаган ҳолда ўрганар экан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорлик йўналишларидағи муаммоларни собиқ иттифоқ давридан қолган мулкка бўлган нотўғри муносабат сифатида баҳолаб, ушбу иллатларнинг одамлар психологиясига салбий таъсирига ургу беради¹⁹³.

¹⁸⁸ Каримова Т. Особенности процесса разгосударствления и приватизации в Узбекистане. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. №9. -Б 11.

¹⁸⁹ Социальное развитие и уровень жизни населения Узбекистана: Статистический сборник. -Ташкент . 1994.

¹⁹⁰ Рахимов М.А., Рахматуллаев Ш., Турсунова Р., Назаров Р. Очерки новейшей истории Республики Узбекистан. -Ташкент.: «Адабиёт Учкунлари», 2016.- С 109.

¹⁹¹ Ellen Qiaolun Ye. The Second Stage of Agriculture Sector Reforms in the Central Asian Republics // Central Asia2010. Prospects for human development, Regional Bureau for Europe and the CIS, UNDP, 2010. P.80-84; Yelena Kalyuzhnova. An Assessment of Industrial Policy and Employment Prospects in Central Asia // Central Asia-2010. Prospects for human development, Regional Bureau for Europe and the CIS, UNDP, 2010. P.96-110; Uzbekistan's Reform Program: Illusion or Reality // International Crisis Group, Asia Report No46, 18 February, 2003. P.38.

¹⁹² Uzbekistan's Reform Program: Illusion or Reality // International Crisis Group, Asia Report No46, 18 February, 2003. P.38.

¹⁹³ Peter Kraumer. Rural and Agricultural Development in Uzbekistan //Former Soviet south Project, The Royal Institute of International Affairs, 1995. P. 31-53.

Яъни, узоқ йиллар мобайнида асосан аграр соҳага ихтисослашиб қолган республикада, ижтимоий-итқисодий инқироз шароитида, кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чукурлаштириш, аграр муносабатларнинг янги типини яратиш жараёнлари амалга оширилиши зарур эди. Зеро, ўша пайтда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 26 %, шу жумладан, гўштнинг 49 %, сутнинг 65 %, жуннинг 66 % ва сабзавотнинг 43 % шахсий томорқалар ҳиссасига тўғри келган. 1990 йилнинг ўзида якка хўжаликларда етиштирилган қишлоқ, хўжалиги маҳсулотининг умумий ҳажми 300 миллион сўмдан ошганлиги¹⁹⁴нинг ўзиёқ хусусий мулкнинг аҳамиятини яққол намоён этади.

Бунда асосий эътибор мулкни ислоҳ қилиш ва мулкчиликнинг турли шаклларига ўтиш масалалари мухим бўлган бир пайтда, республикада тобора хусусий сектор салоҳиятини қўтариш мухим масалалардан бирига айланди. Яъни, барча хўжалик мулкларини хусусийлаштириш, яъни давлат мулки монополиясини чеклаган ҳолда **хусусий мулкка** айлантириш шароитда ишсизлар сони қўпаяётганлиги, ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва аҳолининг даромадлари камайиб, пировард натижада халқ фаровонлиги пасайиб кетаётганлигини қайд этиш зарур.

Аммо секин-аста барча соҳаларда давлат мулки ва бошқаруви ўз ўрнини кичик бизнес ва тадбиркорликка бўшатиб бера бошлади. Жумладан, агар тарихий рақамларга мурожаат қилинса, 1990 йилда давлат мулки ўз доирасида барча меҳнаткашларнинг 78,6 %ини бирлаштирган бўлса, 1991 йилга келиб бу кўрсатгич 72,7 %га тушди. 1991 йилда жамоа хўжалиги соҳасида барча меҳнаткашларнинг 12 %, қўшма корхоналарда 0,2 %, ижара корхоналари ва ширкатчилик уюшмаларида 7,3 %, хусусий ва якка соҳибкорлик соҳасида 4,8 % фаолият кўрсатдилар¹⁹⁵. Яъни, хусусий сектор улуши ортиб, унда 1990 йил барча ишловчиларнинг 21,3 % банд бўлган бўлса, улар 1991 йил бошларида 27,1 % ни ташкил этган¹⁹⁶. Бу эса шубҳасиз ўша кезларда давлат ва хусусий мулк ўртасида соғлом рақобат шаклана бошлаганлигини кўрсатади.

Бу борада А. Головановнинг фикрича, “Бу давр ўта мураккаб, моҳиятан бўхронли давр бўлиб, ўша пайтда мамлакатнинг иқтисодий аҳволи, бир томондан, ижтимоий-иктисодий беқарорлик ва хўжаликнинг издан чиқиши, иккинчи томондан ҳукуматнинг ҳамма нарсани ўз назоратида сақлаб туриш ва жараённинг тартибсизликка айланиб кетмаслиги учун интилиши ўртасида зўрға мувозанат сақлаб турар эди”¹⁹⁷.

Албатта ўша пайтда жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг тарихий тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистонда хусусий мулкчиликни шакллантириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга

¹⁹⁴ Фуломов С ва бошқалар. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. -Тошкент., 1996. -Б 46.

¹⁹⁵ Тухлиев Н. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли.-Тошкент., 1999. -Б 90.

¹⁹⁶ Обломуродов Н, Толипов Ф. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида мулкчилик ва тадбиркорликнин аҳволи: ютуқлар, муаммолар ва ечимлар. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар -Тошкент., 2019. №2-3 сон. -Б 23.

¹⁹⁷ Голованов А. Мустақил иқтисодий сиёsat стратегияси. // Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. -Тошкент., 2001. -Б 84.

иқтисодий ислоҳотларнинг ҳал қилувчи, стратегик аҳамиятга эга бўлган устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор берилди. Унга кўра, мулкчилик шаклларини ўзгартириш соҳасидаги ишлар республика ҳамда ҳудудлар доирасида маҳсус дастур асосида амалга оширилиши белгилаб кўйилди.

Халқ хўжалигидаги барча соҳа тармоқларини оммавий хусусийлаштириш учун кенг имконият яратилди, барча чеклашлар олиб ташланди. **1994-1995 йиллардаги хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичида** асосан очиқ типдаги акционерлик жамиятлари фаолиятини кенгайтириш, корхоналар акцияларини тадбиркорларга аукционлар орқали сотиш, оммавий хусусийлаштириш ва кичик бизнеснинг ролини ошириш учун қимматли қоғозлар бозорини шакллантиришга эътибор қаратилди¹⁹⁸.

Тарихий таҳлиллар асосида, ўша пайтда тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш учун қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш зарур эди. Биринчидан, кичик бизнес ва тадбиркорликни шакллантириш учун зарур шарт шароитлар яратиш, соҳани сифат жиҳатдан янги босқичта олиб чиқиш; Иккинчидан, давлат мулки объектларини сотиш орқали қимматли қоғозлар ва акцияларни савдо оборотига жалб қилиш; Учинчидан, ушбу маблағлар тушуми корхоналарни жиҳозлаш ва кадрларни қайта тайёрлаш ишларига жалб этилиши зарур эди. Натижада 1994 йил охиригача 54.000 корхона ўз мулк шаклини ўзгартирган. Хусусан, 34% хусусий, 48% акциядорлик, 16% жамоа, 1 % ижара хўжалигига айланган¹⁹⁹.

Бу борада халқаро Development Cooperation Uzbekistan фонди ҳисоботида Ўзбекистонда 1994 йилда 9.774 та корхона хусусийлаштирилиб, улардан 2.884 таси ўрта ва кичик бизнес компанияларини ташкил этиши, 1995 йилга келиб 20 минг хусусий корхоналар ташкил этилгани ҳақида маълумот келтирилиб, 1995 йилда Ўзбекистон экспорти 16% ўсганлиги таъкидланади²⁰⁰.

Яна шуни қайд этиш лозимки, мулкни хусусийлаштириш жараёни нафақат давлат мулк объектларига нисбатан, балки савдо, хизмат кўрсатиш, уй-жой фондига нисбатан ҳам олиб борилди. Яъни, аҳолига майший хизмат кўрсатиш, кичик савдо шахобчалари, кичик бизнес корхоналари, бозорлар очишга рухсат берилиб, давлат мулки объектлари хусусийлаштирила бошланди. Фикримизни қуйидаги тарихий рақамлар ҳам исботлайди.

Масалан, 1992-1993 йилларда 28 минг 846 та юридик шахс 53 минг 902 та хусусий объект эгаси бўлган. Бу жараён вақт ўтган сари кўпайиб борган. 1994 йилда 9744, 1995 йилда 8584 та, 1996 йилнинг биринчи ярмида 933 та юридик шахс хусусий объект эгаси бўлган. Бир сўз билан айтганда, биринчи босқичда, яъни 1992-1993 йилларда 1 миллион квартира хусусийлаштирилган ёки Ўзбекистон шаҳарларидағи ҳар оиласда ўртacha 4,7 киши бўлган бўлса,

¹⁹⁸ Каримова Т. Особенности процесса разгосударствления и приватизации в Узбекистане. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. №9 -Б 11.

¹⁹⁹ Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси// Масъул муҳаррир Р.Х Муртазаева. (Олий ўкув юртларининг номутахассислик талабалари учун дарслик). -Тошкент., 2003. -Б 580.

²⁰⁰ Development Cooperation Uzbekistan // Development Cooperation Report, 1996. P 6.

қарийиб 5 миллионга яқин кишининг квартиралари хусусийлаштирилиши натижасида мулқдорга айланганлар²⁰¹.

Аммо ўша кезларда соҳада қатор муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг мавжуд ҳолати бир неча йиллар соҳа тараққиётига тўсиқ бўлиб келди. Хусусан, рўйхатдан ўтган кичик ва ўрта бизнес корхоналари салмоғи коммунал хўжаликда 42,9 %, майший хизмат соҳасида 85,0 %, қурилишда 89,3 %, қишлоқ хўжалигига 89,9 %, саноатда 93,5 %, савдода 95,3 %, умумий тижоратда 96,6 %ни ташкил этган бўлсада, амалда эса рўйхатдан ўтиб, ўз фаолиятини давом эттираётган корхоналар улуши 20 % ни ташкил этган холос²⁰². Қолганлари эса турли сабалар билан ёпилиб кетган.

Тарихий тадқиқотларга асосан муаммоларнинг асосий сабаблари шубҳасиз қуидагилар бўлган:

- хусусийлаштириши жараёнида тадбиркорларга тўлиқ имкониятларнинг берилмаганлиги;
- ноқонуний ва ортиқча текширишларнинг кўпайиб кетганлиги;
- банк кредитларини олишдаги муаммолар ва сансалорликлар;
- мулқдорлар синфини шакллантириши ўйладаги айrim тўсиқлар;
- соҳанинг мавжуд шарт шароитлар ва стандартлар талабига жавоб бермаганлиги;
- айrim давлат органлари тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қонуний таъминламаганлиги каби омиллар билан изоҳланади.

Бу эса ҳали тегишли мутасадди ташкилотлар республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига панжа ортидан қараб келганлигини, уларда ушбу соҳани қўллаб-қуватлаш учун етарли салоҳият ва тажрибалар етилмаганлигини англатар эди. Шу боисдан, кўпгина тадбиркорлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишдан аста-секин узоқлашганлар ёки иш бошлаб қўйиб, уни охиригача етказмасдан, жавобгарликни давлатга ташлаб қўйишга мажбур бўганлар. Бу эса шубҳасиз, уларда тадбиркорлик кўникмаларини сўнишига олиб келган.

Масалан, фақат Тошкент шаҳар бўйича тугатиш жараёнида турган кичик бизнес субъектлари 4666 та бўлиб, улардан 54,7 %и ёки 2552 тасида таъсисчилар бўлмаган. Тугатилиш ҳолида турган жами корхоналардан тугатилганлари 25,6 % ни ташкил қилган ёки 1194 тага етган²⁰³.

Сўровлар шуни кўрсатдики, бундай салбий ҳолатларнинг вужудга келганлигининг бош сабаби сифатида тадбиркорлар қуидагиларни қайд этдилар (% ҳисобида):

- тадбиркорларга тўлиқ эркинликлар берилмаганлиги - 18 %;
- уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувлар -21%;
- солиқ ва бошқа тўловларнинг ошириб юборилганлиги-23 %;
- банк кредитлари олишдаги муаммолар - 29 %;

²⁰¹ Ўша манба. -Б 331.

²⁰² Эгамбердиев Э, Хўжақулов X. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. -Тошкент., 1999 -Б 79.

²⁰³ Собиров X, Фаттахов А и другие. Налогообложение предприятий малого и среднего бизнеса Республики Узбекистан. // Бизнес инкубатор техномаркет. -Тошкент., 2000. -С 27.

-тадбиркорлар фаолиятини айрим мутасадди ташкилот ёки органлар тўлиқ назорат қилмаганлиги - 9%²⁰⁴.

Тадқиқотларга кўра тадбиркорлик соҳасида фаолият олиб борган кичик корхоналар ва субъектларнинг дастлаб ташкил қилиниб, кейинчалик тўхтатилишининг асосий сабаблари қўйидагилар эканлигини кўриш мумкин. Яъни, тадбиркорлик субъектларини ташкил этишдаги, яъни ҳужжатларни тайёрлаш, уларни рўйхатдан ўтказишдаги турли-туман бюрократик тўсиқлар, найранглар натижасида сарф-харажатлар, вақт ва имкониятларнинг бекор кетиши, пировард натижада тадбиркорнинг бундай ишни бошлашдан совиб кетиши, иштиёқнинг йўқолиши кабилар асосий сабаблар бўлган.

Жумладан, бундай корхоналар 1996 йили жами ташкил қилинган 7400 корхонадан 20 % ни ташкил қилган, - 3700 тадан 70 % ана шундай корхоналар сирасига кирган. Республика бўйича ташкил қилиниб, кейинчалик бутунлай тўхтатилган корхоналар **19,5 % ни ташкил этган** ёки 34752 та бўлган. Фақат Тошкент шаҳрида 26 мингта кичик ва ўрта бизнес корхоналаридан 6 мингтаси фаолиятсиз, деб топилган. Шулардан 4300 таси ёки 71 % тугатилиш арафасида турган, 1850 та хусусий корхона эса ўз соҳаси бўйича фаолият юритмаган²⁰⁵.

Мазкур муаммоларни олдини олиш борасида вазирликлар, бошқармалар, маҳаллий давлат ҳокимият органлари томонидан тадбиркорлар манфаатига, давлат қонунларига зид бўлган, тадбиркорлик субъектларини ташкил этишида қийинчиликларни туғдирадиган, кўпинча кераксиз ҳужжатлар талаб қиласидаги қўлланмалар, меъёрий актларни қабул қилинишига қарамасдан бундай салбий ҳолатлар учраб турган. Жумладан, 1992-1996 йиллар таҳлили бўйича прокуратура органлари тадбиркорлик соҳасига таалуқли ноқонуний ҳукукий-меъёрий ҳужжатларининг 137 тасига протест келтирғанлар²⁰⁶. Бунинг сабаблари қўйидагича бўлган:

-солиқ ташкилотлари томонидан тадбиркорлар уюшмасига мажбурлаб киргизилиши, акс ҳолда молиявий хисоботни қабул қиласлик тўғрисидаги талабнинг қўйилиши;

-тадбиркорларнинг манфаатларини солиқ инспекцияси вакиллари, санитар ва бошқа хизматчиларнинг қонунга зид харакатларидан ҳимоялашнинг самарали механизми етишмаслиги;

-кичик бизнес субъектларини рўйхатдан тушириш ва тугатиш тўғрисида амал қилаётган тартибнинг мураккаблиги кабилардир²⁰⁷.

Бу ўша пайтларда республикамиздаги айрим кичик бизнес корхоналарини ташкил этишдан кўра, уларнинг тугатилиши қўпроқ муаммолар туғдиранлигини қўрсатади. Дарҳақиқат, ўша пайтда аҳоли турмуш фровонлигининг асосий манбаи сифатида кичик ва ўрта бизнеснинг республика ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 24,5 % ни ташкил этган.

²⁰⁴ Маълумотлар Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё вилоятлари ҳамда Жиззах шаҳрида фаолият юритган тадбиркорлардан олинди.

²⁰⁵ Эгамбердиев Э, Хўжакулов X. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. -Тошкент., 1999. -Б 63.

²⁰⁶ Абдусаломов М, Отаконов Ф. Контрактация шартномалари, талабнома ва даъво аризалари. -Тошкент., 1998. -Б 67.

²⁰⁷ Эгамбердиев Э, Хўжакулов X. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. -Тошкент., 1999. -Б 63.

Тараққий этган мамлакатларда эса бу қўрсаткич 50—60% ни ташкил этган. Мехнат билан банд бўлган аҳолининг 65—70 % худди шу соҳада хизмат қўрсатганини тасдиқлайди²⁰⁸.

Шу боис ўтган йилларнинг аччиқ тажрибасидан келиб чиқиб, ушбу соҳадаги муаммолар ҳақида гапирган Президент Шавкат Мирзиёев “...хусусий мулк ва тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уларнинг таъсиричан ҳимоясини таъминлаш зарур. Тадбиркорлар билан бўлиб ўтган учрашувларда шахсан ўзим шунга қаттиқ ишонч ҳосил қилдимки, муаммоли саволларни беришга уларнинг тўлиқ ва қонуний хуқуки бор. Бу хуқуқни улар турли маълумотнома, рухсатнома ва сертификатлар, кредит олишда неча кунлар навбатда туриш, ноқонуний текширувлар, бой берилган иқтисодий ва молиявий фойда ҳисобидан қўлга киритган. Шу билан бирга, тадбиркорларнинг қўпчилиги ҳақиқий фуқаролик позициясида туриб, етим болалар ва ночор оиласарга, маҳаллалар ва ижтимоий соҳа муассасаларига беғараз ёрдам бермоқда. Бунинг эвазига улар нима оляпти? Биринчиси – фақат қўрқув, яна текширишни ва сиқувга олишни бошлашади, эркин меҳнат қилишга, оиласарга, бола-чақамни боқишига яна имконият бермайди, деган қўрқув. Шу сабабли улар ўз ишида камчилиги ва қонунбузарлик ҳолати бўлмаса ҳам турли даражадаги амалдорлар билан «келишиб олишга» мажбур бўлмоқда”²⁰⁹, дея қайд этади.

Тўғри, ўша пайтда давлат томонидан мазкур соҳани юмшатишга, соҳани қонуний фаолиятини тартибга солишига нисбатан оз бўлсада интилишлар бўлган. Аммо уларнинг аксарияти қоғозда қолиб кетган. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг ишлашини таъминлаш, уларга қатъий амал қилиш ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорликка давлат ва минтақавий даражада эътибор қаратилиши натижасида соҳада бирмунча сифат ўзгаришларга эришилди.

Жумладан, давлатга қарашли бўлмаган, нодавлат, яъни хусусий секторнинг иқтисодиётдаги улуши орта бошлади. Бу сектор 1995 йилда саноат маҳсулотларнинг 44 % ни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг эса 97 % ни берди. Барча капитал маблағларнинг 44 % дан ортикроғи улар ҳиссасига тўғри келди. Ваҳоланки 90 йиллар охирига келиб, халқ хўжалигига банд бўлганларнинг 64 % ана шу секторда меҳнат қилган²¹⁰. Биргина 1997 йилда мамалакатда **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик** корхоналарининг сони 105 мингтадан ошди²¹¹.

Бу эса эндиғина бозор муносабатларига ўтаётган Ўзбекистонда “ўзбек модели” га асосан, давлатнинг бош ислоҳотчилик мавқеини сақлаб қолган ҳолда мавжуд муаммоларини синчковлик билан ўрганиб, уларни ҳал этишда эҳтиёткорлик билан ёндашишга эътибор қаратишни, бозор иқтисодиётига

²⁰⁸ Луценко Л. “Пути решения, проблемы ликвидации предприятий”, малый и средний бизнес. // Экономический вестник Узбекистана, №8, 2000. -С 20.

²⁰⁹ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик -ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. -Тошкент., 2017. -Б 39.

²¹⁰ Тухлиев Н. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли.-Тошкент., 1999. -Б 145.

²¹¹ Ўз Р МА. М-37 фонд, рўйхат-1, ийғма жилд-2522, 7-варак.

сакрашларсиз, шошма-шошарлик билан эмас, балки босқичма-босқич ўтишни тақоза этар эди. Яъни, бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг миллий моделига мувофиқ, Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб қувватлашнинг ўзига хос тизими, яъни “Давлатнинг бош ислоҳотчилик йўли” танланган эди. Албатта, иқтисодий адабиётлар тарихий таҳлилидан ангалшиладики, жаҳон тажрибасида ҳам кичик бизнесни ривожлантириш амалиётида соҳани қўллаб қувватлаш шартларида давлат патернализми (оталиққа олиш) принципи мавжудлигини кўрсатди.

Унинг моҳиятига кўра протекционистик (муҳофазачилик) модели муҳим бўлиб, ривожланган давлатларнинг инқироздан чиқишида кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг мақсадли дастурларини ўзида акс эттиради. Иккинчи яна бир ёндашувга кўра, давлат протекционистик усусларни қўлламайди. Жаҳон тажрибасида бундай ёндашув Францияда мавжуд бўлиб, агар XIX аср биринчи ярмида ушбу мамлакатда кичик ишлаб чиқариш соҳалари давлат муҳофазасида бўлиб, охири оқибат, йирик саноат ишлаб чиқариши ривожланишини қийинлаштирган бўлса²¹², бугунги кунда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган йирик қўламли дастурлар қабул қилинmasлигини кўрсатиб ўтиш мумкин, дея қайд этади С. Абдулҳакимов²¹³.

Бундай тизим АҚШ тадбиркорлигига ҳам кўзга ташланади. Тадқиқотчи Ха Нгок Хонг маълумотларига кўра, доимо ҳам давлатнинг молиявий қўллаб-қувватламаслиги натижасида ҳар 4 кичик бизнес субъектидан 1 таси ўз фаолиятининг биринчи йилидаёқ банкротликка учрайди, 90 % эса яшаб қолади. Америка бозори кўпинча бошланғич кичик бизнесни қўллаб қувватлашга қаратилган. Буюк Британияда эса ўз фаолиятининг 4-йилига келиб фақат 40% кичик корхоналар сақланиб қолади, холос. Шундай экан, фаолиятнинг дастлабки йили кичик корхоналар учун ўтиш даври бўлиб, кейинчалик уларнинг teng ярми бўлинниб кетади. Европа Иттифоқи давлатларида эса ҳар 10 та кичик корхонадан ўртача 7 таси учун дастлабки 3 йил синов даври ҳисобланади²¹⁴. Япония кичик ва ўрта бизнеси қатор имтиёзлардан ташқари кичик корхоналарга кредит берувчи хусусий банкларга бериладиган кафолат тизимидан унумли фойдаланади. Бу ерда кичик саноат фирмаларининг 60 % дан кўпроғи йирик фирмалар билан субподряд²¹⁵ асосида ишлайди.

Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда айнан,

²¹² Роберт Макинтайр. Малые предприятия в экономике переходного периода: анализ проблем и экономическая политика // Экономическая политика современной России. М.,2002. №1, -С 128.

²¹³ Абдулҳакимов С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиёти. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. №3. -Тошкент., 2019. -Б 8.

²¹⁴ Ха Нгок Хонг. О специфики малого бизнеса (На примере экономически развитых стран) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -Тошкент., 1998. -С 37.

²¹⁵ Субподряд-турлии масштабдаги йирик компанияларга кирувчи компанияларнинг ярим мустақил аъзолари бўлиб, бу субподряд компаниялар ўз навбатида марказий компаниялар атрофида гурухланган ишлаб чиқариш корхоналари бирлашмасини ташкил қиласди. Қаранг: Рузметов А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб- қувватлашнинг жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. -Тошкент., 2019 №3. -Б 32.

патернализмга асосланган протекционистик усулни қўллади, дейиш мумкин. Яъни хусусийлаштириш ва бизнес юритишни давлат назорат қилгани ҳолда, маълум ислоҳотлар асосида босқичма-босқич амалга ошриб келди.

Масалан, давлат назорати остида асосий эътибор хусусийлаштиришдан тушган деярли барча маблағлардан иқтисодиётнинг нодавлат секторини мустаҳкамлаш учун, яъни уни турли соҳаларга йўналтиришга қаратилди. Зоро, ўша пайтларда хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг 50 % мамлакат “Бизнес Фонди” га йўналтирилди. Масалан, тарихий маълумотларга кўра, 2001 йилнинг 4-кварталида ушбу фонд ҳамкорлигида 8 та тижорат банкларининг эндиғина тадбиркорлик фаолиятини бошлиётган тадбиркорлар учун бошланғич капитали 520 млн сўм бўлган маблағ йўналтириш кўзда тутилган²¹⁶.

Ўз навбатида, мазкур фонд фуқароларнинг ўз маблағига асосланган кичик ва ўрта бизнесга, тадбиркорликка кредитлар ажратди. Унинг 30 %и ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатураси, ассортиментини жадал суръатда алмаштираётган ва инвестицияларга муҳтожлик сезаётган хусусийлаштирилган корхоналарга кредит ажратиш учун Давлат мулк Кўмитасининг маҳсус рақамига келиб тушган. 20 %и эса ижтимоий эҳтиёжлар учун ҳокимиятларга келиб тушган ва у мактаблар, касалхоналарнип таъмирлаш, янги автомобил йўллари қуриш ва ҳоказолар учун, яъни маориф, соғлиқни сақлаш, муҳандислик хизматлари ва бозор инфраструктураси кўринишида тадбиркорларга қайтариб бериладиган йўналишларга сарфланган. Қолган 10 %и эса хусусийлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат дастуриини амалга оширишга ишлатилган²¹⁷.

Албатта, бизнес ва тадбиркорликни бошқаришни ва қўллаб-қувватлашнинг юқоридаги усулларининг ижобий жиҳатлари анчагина. Аммо давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ҳар доим ҳам кутилган ижобий натижани беравермаслиги мумкин. Чунки ҳар қачон ҳам соҳага давлат аралашуви тадбиркорларда эркин фаолият ва ташаббаусларни йўққа чиқариб, бу маҳсулот миқдори ва сифатига салбий таъсир кўрсатади, эркин рақобат йўқолади.

Ваҳоланки, тарихий тажрибанинг гувоҳлик беришича, давлатнинг тадбиркорлик ва бизнес юритишга ортиқча аралашуви бозор механизмига зид келиши, субъектларнинг рақобатбардош бўлишига салбий таъсир кўрсатиши ва инновацион тараққётга халал бериш мумкин²¹⁸.

Бу борада Президент Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, “... шу пайтга қадар соҳа вакилларини асоссиз равишда текшириш ҳолатлари кўп бўлди. Очигини айтганда тадбиркорликнинг эркин ривожланишига давлат идоралари йўл қўймади. Ҳеч кимга керак бўлмаган тартиб-

²¹⁶ Ўз Р МА. М-37 фонд, рўйха-1, йиғма жилд-6298, 248-варак

²¹⁷ Мустақил Ўзбекистон тарихи. // Ўзбекистоннинг янги тарихи. -Тошкент., 2000. -Б 340-341.

²¹⁸ Колесникова Л. Порядок для хаоса: государство и предпринимательство в переходной экономике. – М.: 2001. -С 77. Яна қаранг: Абдулхакмов С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиёти. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. №3. -Тошкент., 2019. -Б 9.

тамойиллар ҳамон сақланиб қолмоқда, жойларда кўпгина амалдорлар фақат ўз шахсий манфаатини ўйлаб иш кўрмоқда. Бундан буён бу соҳани қўллаб-кувватлаш, бизнес субъектларини жадал барқарор ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилади²¹⁹”

Бизнингча, мустақилликнинг дастлабки йиллари ва ундан сўнг эндиғина бозор психологияси одамлар онгига шаклланиб келаётган бир шароитда республикада биринчи навбатда майший хизмат, умумий овқатланиш, савдо-сотик, маҳсулотни қайта ишловчи кичик корхоналарни очиш муҳим масала эди. Аммо бу борада ҳам талай муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, тадқиқотлар асосида, дастлаб бундай субъектларни ташкил қилишнинг долзарблиги қуидаги омиллар билан изоҳланди:

Биринчидан, собиқ совет тузумининг сўнгги йилларида иқтисодий инқироз ҳолатига тушиб қолган корхоналарнинг кўпчилиги кам рентабелли ёки зарар кўрадиган корхоналар бўлиб, уларни хусусийлаштириш қўшимча даромадларга эга бўлишнинг тўла имконини бермади;

Иккинчидан, аслида бундай майда шоҳобчалар хусусий мулк қилиб берилгандан сўнг, уларнинг тўлақонли қонуний фаолияти билан 90-йиллар бошида тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар етарли даражада шуғулланмадилар;

Учинчидан, ишлаб чиқаришни жонлантириш учун майший хизмат, умумий овқатланиш, савдо-сотик, маҳсулотни қайта ишловчи кичик корхоналарни очиш масаласида ҳали молиявий муаммолар кўп эди²²⁰.

Шу боисдан республика ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида, кичик бизнесга кўмаклашиш мақсадида 1995 йил июль ойида “Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-кувватлаш фонди”, яъни **Бизнес фонд** ташкил этилди²²¹. 1995 йил декабрдан бошлаб мазкур фонд Германия, Малайзия, Канада каби давлатлар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, хориж инвестицияларини жалб қила бошлади²²². Ваҳоланки, 1996 йилга келиб кўрилган барча чоралар натижасида республикада 70 минг кичик бизнес корхоналари фаолият юритган²²³.

Шунингдек, «**Мадад**» сұғурта агентлиги (1995 йил 26 июнь), Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси (1996 йил март) ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига “Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси”, «**Хунарманд**» уюшмаси, “**Тадбиркор аёл**” ишбилармонлар

²¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - Тошкент., 2019.

²²⁰ Обломуродов Н, Толипов Ф. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида мулкийлик ва тадбиркорликнин аҳволи: ютуқлар, муаммолар ва ечимлар. // “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журнали. - Тошкент., 2019. №2-3 сон. -Б 28-29.

²²¹ Ўз РМА. М-67 фонд, рўйхат-1. 15-16-вараклар.

²²² Ўз РМА. М-67 фонд, рўйхат-1. 18-варак.

²²³ Новейшая история Узбекистана. (Учебник для ВУЗ ов). Колл. автор -Тошкент., 2018. – С 161.

Ассоциацияси ташкил сафарбар этилди²²⁴, бу борада аёлларга ҳам тегишли шарт шароитлар яратиб берилди²²⁵. Жойларда уларнинг худудий бўлимлари ташкил қилинди. Буларнинг барчаси мамлакатда тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мазкур тадқиқотда соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан биргаликда, тадбиркорлик ва бизнес соҳаси ҳали эндиғина шаклана бошлаган, бозор иқтисодиётига ўта бошлаган пайтларда соҳадаги мавжуд муаммоларнинг вужудга келишини қўйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, тадбиркорлик субъектларини ташкил этишдаги, яъни хужжатларни тайёрлаш, уларни рўйхатдан ўтказишдаги турли-туман бюроқратик тўсиқлар натижасида сарф-харажатлар, вақт ва имкониятларнинг бекор кетиши ва пировард натижада тадбиркорлар фаолиятида турли инқизорзли ҳолатларнинг пайдо бўлиши;

Иккинчидан, вазирликлар, бошқармалар, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тадбиркорлар манфаатига, давлат қонунларига зид бўлган хатти ҳаракатларнинг кўпайганлиги, тадбиркорлик субъектларини ташкил этишда кўпинча кераксиз хужжатларнинг талаб қилинганлиги²²⁶;

Учинчидан, солиқ органлари томонидан тадбиркорлар фаолиятининг ортиқча текширишларнинг кўпайганлиги, ёки уларни тадбиркорлар уюшмасига мажбурлаб киргизилиши, акс ҳолда молиявий ҳисботни қабул қиласлик тўғрисидаги талабларнинг кўйилиши;

Тўртинчидан, тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи қонуний механизмларнинг ўз вақтида ишламаганлиги, ваколат берилмаган органлар томонидан ноқонуний текширишлар сонининг ортиб кетганлиги (Санитария-эпидемология, МХХ, ҳокимият, прокуратура органлари ва бошқалар);

Бешинчидан, кичик бизнес субъектларини рўйхатга олиш ва тугатиш бўйича амал қилаётган тартибининг мураккаблиги ва. ҳ.к

Натижада мустақилликнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқариш билан боғлиқ катта ҳажмдаги моддий бойликлар ишлатилмасдан ҳаракатсиз қолиб кетди, кўплаб турдаги хом ашё ва материаллар, шунингдек, айланма маблағларнинг бехуда сарф этилишига йўл қўйилган. Бир қатор компания ва уюшмаларда ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланиш даражаси

²²⁴ 2018 йилгача Ўзбекистон “Тадбиркор аёл” ишбилармонлар асосицияси таркибида 24 минган зиёд аёллар мавжуд бўлган. Маълумот олиш учун қаранг: Аёллар тадбиркорлиги равнақи йўлида // Халқ сўзи. 2017 йил, 7 январ.

²²⁵ Ганиева Г. Женский вопрос и проблемы женщин в Узбекистане (1991-2005) // Атореферат на сосикание ученой степени кандидата исторических наук. -Ташкент., 2006. -С 14. 2018 йилгача Ўзбекистон “Тадбиркор аёл” ишбилармонлар асосицияси таркибида 24 минган зиёд аёллар мавжуд бўлган. Маълумот олиш учун қаранг: Аёллар тадбиркорлиги равнақи йўлида // Халқ сўзи. 2017 йил, 7 январ.

²²⁶ Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 27 майдаги «Кичик ва ўртача тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида тадбиркорлик субъектлари учун макбул бўлмаган кўлланмалар, меъёрий актларни талаб қилишни ман қилиш қайд қилинган. Бу борада республика бўйича 2000 йилда прокуратура органлари томонидан талаб қилинган ноқонуний хукукий меъёрий хужжатларнинг 37-тасига протест келтирилган.

пастлигича қолган. Бундай корхоналарнинг молиявий аҳволи, айниқса, мураккаб эди. Улардан кўпчилигининг рентабеллиги паст, иқтисодий жиҳатдан ночор ёки зарар қўриб ишлаб келди, ўз ўрнида меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланилмади²²⁷.

Ушбу рақамларнинг ўзиёқ ўша кезларда иқтисодиётнинг муҳим соҳаси ҳисобланган тадбиркорлик, кичик бизнес ривожи учун фойдаланилмаётган анчагина имкониятлар мавжуд бўлганлигини ва улардан оқилона фойдаланиш зарурлигини яққол кўрсатиб турибди.

Бунинг ечими сифатида халқаро ҳамкорлик негизида дунёдаги нуфузли ташкилотлар Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро Тиклаш ва Тараққиёт Банки, Халқаро валюта жамғармаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки қаби ташкилотлар билан тенг хуқуқли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди²²⁸.

Соҳага инвестицияларни жалб қилиш мақсадида Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Германия тикланиш банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ва бошқа халқаро молия ташкилотларининг кредит ресурслари жалб этилди. Тадбиркорлар ва бизнесменларга маслаҳатлар билан кўмаклашиш мақсадида Немис техникавий кўмаклашув жамияти Ўзбекистонда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш марказини, Европа ҳамжамияти комиссияси эса Амалий алоқалар марказини очдилар. Марказий Осиёдаги Америка тадбиркорлик фонди ва Марказий Осиёдаги Буюк Британия инвестиция фонди ўзбекистонлик тадбиркорларга зарур маслаҳатлар билан кўмаклашдилар²²⁹. Кичик бизнес субъектларининг ташки иқтисодий фаолияти эркинлаштирилди, улар ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотларни нақд хорижий валютага экспорт қилишга рухсат берилди.

Энди яна бир жиҳатга эътибор қаратиш муҳим. Яъни, мамлакатимиздаги демографик вазиятнинг ўзига хос хусусиятини инобатга оладиган бўлсак, республикада аҳоли, айниқса, меҳнатга қобилиятли ёшларнинг сони тез ўсиб бормоқда. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига ҳам жиддий таъсир кўрсатиши турган гап.

Агар аҳолининг ўсиш динамикасига эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатда аҳоли сони сўнгги 35 йил ичida 1,4 баробарга кўпайган. Аҳолининг тақсимланиши бўйича бир квадрат километрга ўртacha 56,1 киши тўғри келади²³⁰. Шу нуқтаи назардан қараганда, ишчи кучларини иш билан таъминлаш, ишсизлик масаласини ҳал этиш — мамлакатимиздаги энг долзарб иқтисодий ва ижтимоий муаммолардан биридир.

Бу вазифани ҳал этишнинг энг самарали йўналишларидан бири — кичик бизнес корхоналари сонини кўпайтириш, хусусий тадбиркорликни ҳар

²²⁷ Рахимова Д. Рынок труда и использование трудового потенциала в Узбекистане. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -Тошкент., 1998 №3. -С 10-13.

²²⁸ Нуриддинов Э. Становление и приоритетные направления внешней политики Республики Узбекистан. // Ўзбекистон тарихи. 2002 №4. -С 7.

²²⁹ Рахимова Д. Рынок труда и использование трудового потенциала в Узбекистане. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -Тошкент., 1998 №3. -С 10-13.

²³⁰ Ўзбекистон Республикаси. (Энциклопедик маълумотнома). -Тошкент., 2002. -Б 48.

томонлама қўллаб-кувватлашдир. Бундан ташқари, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми, яъни салкам 60 %и қишлоқ жойларида яшайди. Айнан қишлоқ жойларида одамларни иш билан банд қилиш, даромад манбалари билан таъминлаш, кескин муаммо эди. Табиийки, бу масалани қишлоқ хўжалигига ўз ҳолича ҳал қила олмайди. Бу эса ўз навбатида қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш борасида бир қанча муаммоларни келтириб чиқарган эди²³¹.

Тадқиқотларга кўра мустақилликнинг дастлабки йилларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка шарт шароитлар яратилиши баробарида умумий аҳоли салмоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан банд бўлган аҳоли ҳам муттасил ўсиб борган. Уларнинг асосий қисми хизмат қўрсатиш, тижорат, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳаларига тўғри келган. Шу асосда аҳоли турмуш тарзи ҳам яхшилана бошлаган.

Умуман, 90-йилларнинг дастлабки йилларида мулкчиликнинг аҳволи, хусусийлаштириш, тадбиркорликнинг ривожи каби масалаларнинг таҳлили шуни қўрсатмоқдаки, давлат мулкчилиги босқима- босқич тугатилиб, хусусий мулк ва давлат мулки ўртасидаги зиддиятларга барҳам берила бошланган. Натижада, кишилар онгига тадбиркорлик борасидаги тушунчаларнинг тўла шаклланмаганлиги ҳамда мустақилликнинг дастлабки йилларида бизнес ва тадбиркорлик соҳасида хусусий мулк механизмларнинг юзага келиши ва ундаги айрим муаммолар иқтисодий тангликни келтириб чиқарсада, кичик бизнес ва тадбиркорлик секин аста ўз йўлини топиб, бозор муносабатларига жавоб берадиган йўналишга айлана бошлади.

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимиз мустақиллиги арафаси ва унинг дастлабки йилларида кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш амалга оширилажак ислоҳотларнинг муҳим бўғини сифатида қаралди. Унинг шакллантирилиши ва ривожлантирилиши қўйидаги омиллар билан изоҳланди:

- биринчидан Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка давлат аҳамияти даражасида эътибор қаратилишининг муҳим омили, нафақат собиқ Иттифоқнинг парчаланиши ва бозор иқтисодиётига ўтилиши, балки унга ривожланган жаҳон иқтисодиётининг таркибий қисми ва жаҳон тарихий тажрибасида синааб кўрилган соҳа сифатида қаралди. Чунки унинг фаолияти нафақат кичик бизнес ва тадбиркорликни, балки бутун мамлакат иқтисодиётидаги бошқа соҳаларнинг муваффақиятли ривожланишига ҳам бевосита таъсир қилди;

-иккинчидан, ички бозорнинг истеъмол товарлари билан тўлдирилиши ва аҳолига турли хизматлар қўрсатилиши, экспорт салоҳиятининг ўсиши, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг реал даромадларини қўпайтириш масалаларининг ечими ҳам ана шу тармоқнинг нечоғлик барқарор ривожланишига боғлиқ эди.

²³¹ Мазкур йўналишда батафсил маълумот олиш учун қаранг: Туляганова С. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қишлоқларида мулкчилик муносабатларининг ўзгариши ва эришилган ютуклар тарихи.// Рисола. -Тошкент., 2015. - Б 78-98.

П.2. Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш йилларида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг тарихий ривожланиш тенденциялари (2000-2021 йиллар)

Ўзбекистон 2000 йиллар бошидан эътиборан ўз мустақиллигини янада мустаҳкамлаб, барқарор ривожланиш босқичига кирди. Барча соҳаларда тараққиёт ва ислоҳотларнинг янги босқичига ўтилди. Бошқа соҳаларда бўлгани каби кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида ҳам қулай ишбилармонлик муҳити яратилди. Республикада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани боис, одамлар онгида бозор психологияси, мулк ва унга бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди.

Тадқиқотнинг ушбу параграфида 2000 йилдан кейинги тарихий даврда республикада кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиш тарихи хусусида фикр юритилади. Бу даврни биз Ўзбекистонда “**Тадбиркорликнинг барқарор ривожланиши даври**”, деб аташни лозим топдик.

Албатта, биринчи навбатда иқтисодиётнинг ва ишлаб чиқаришнинг тараққиёти унда банд бўлган аҳоли салмоғи ҳамда мамлакат ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмида ўша соҳанинг тутган ўрни билан изоҳланади. Буни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар мисолида кўриб чиқсан, тарихий рақамларга кўра 2000 йилга келиб республика бўйича 140 мингдан ортиқ кичик корхоналар рўйхатга олиниб, микрокомпанияларнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 80% га, кичик корхоналар улуши 14%, га тенг бўлганлигини кўриш мумкин. Хусусан, 2001 йил 1 июлга келиб Ўзбекистонда 189,5 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинган²³².

Яъни, мамлакатимиз мустақиллигининг барқарор ривожланиш босқичига келиб, биринчидан бизнес ва тадбиркорлик ўзининг миллий тараққиёт йўлига кирди, тадбиркорларга ўзлари исталаган соҳани эркин танлаш имконияти берилди. Иккинчидан, соҳага хориж инвестицияларини фаол жалб қилишда кенг имкониятлар яратилди, солиқ маъмурчилиги йўлида, кредит олиш масалаларида қулайликлар вужудга келди.

Ваҳоланки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ушбу ривожланиш босқичига келиб, хорижий сармояларни соҳага жалб қилиниши даражаси ҳам олдинги даврларга нисбатан ошган эди. Масалан, 2000 йиллар бошига келиб республикада хорижий сармоядорлар иштирокидаги 3301 та корхона фаолият юритиб, уларнинг мамлакат ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришидаги улуши бирмунча яхшиланган²³³.

Юқорида қайд этилганидек, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг барқарор ривожланиш босқичида мустақилликнинг дастлабки йилларига қараганда, кичик бизнес ва тадбиркорликда иш билан банд бўлган аҳоли сони ҳам йил сайн ортиб борганлигини кўриш мумкин. Жумладан, фаолият

²³² Ўз РМА, М-37 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-6298, 135-варак

²³³ Ўз РМА. М-20 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-11, 158- варак

кўрсатаётган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг Ўзбекистон Республикаси умумий бандлигидаги улуши 2001 йил 53% дан 2004 йил 57,2% га ва 2007 йил 76,7% гача кўтарилган²³⁴.

Муҳими, илгари давлат мулки ҳисобланиб, давлат тасарруфида бўлган корхоналарни хусусийлаштириш ва монополиядан чиқариш борасида комплекс чора-тадбирлар кўрилиб, қатор давлат субъектлари хусусийлаштирилган. Уларнинг акциялари тадбиркорларга сотилган, хорижий инвесторларни жалб этиш чоралари кўрилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида 2001 йилда “Наманган мебель”, “Ўз БУМ”, “Денов ароқ”, “Конвин” корхоналарига ва “Зарафшон” акционерлик компанияларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш вазифалари юклатилган. “Шарқ ипаги” уюшмасининг 43% акциялари хорижий инвесторларга сотилиши ҳукумат қарорида белгилаб берилган²³⁵. Қарорга кўра “Фарғона сут”, “Бухоро сут”, “Бухоро қоракўли” уюшмаларининг акцияларидан тушган қарздорлик маблағларини қоплаш бўйича чоралар кўрилган²³⁶.

Шунингдек, 2000 йиллар оралиғида яна бир қанча, хусусан “Ўзбек мебель”, “Ўзбеклегпром”, “Ўзбекчармпоябзали”, “Ўзбек ипаги”, “Ўзгўштсаноат”, “Озиқ-овқатсаноат” уюшмаларини хусусийлаштириш ва уларнинг акцияларини тадбиркорларга сотиш бўйича чоралар кўрилган²³⁷. Яъни давлат мулки обьектларини босқичма-босқич тадбиркорларга бериш, улар учун бизнес муҳити яратиб бериш масалалари долзарб ҳисобланган. Муҳими давлат мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш орқали, тадбиркорлик соҳасида давлатнинг яккаҳокимлигини тугатишга қаратилган. Ваҳоланки, бу халқаро тажрибада синаб кўрилган бозор иқтисодиётининг муҳим талаби эди.

Аммо ўша кезларда тадбиркорлар учун яратиб берилган шартшароитлар ва имкониятларни республика миқёсида, барча худуларда бирдек талаб даражасида бўлган, деб бўлмайди. Буни айниқса кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, уларга лицензиялар ҳамда солиқ имтиёzlари бериш, тадбиркорлар ўртасида эркин рақобат муҳтини яратиш, хорижий инвесторлар учун етарли шарт шароитлар яратиш каби масалалар шулар жумласидан эди. Агар биргина тадбиркорлик корхоналарини давлат рўйхатидан ўтказиш масаласига эътибор қаратилса, бу борада вилоятлар ўртасида сезиларли тафовутлар бўлганлигини кўриш мумкин.

Масалан, архив маълумотларига кўра, 2001 йилгача кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича вилоятлар кесимидағи кўрсаткичлар қуидагича бўлган: Жиззах вилоятида 19%; Тошкент вилоятида

²³⁴ Акбаров Д, Мадазимов Ш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти. // Жаҳон молиявий иқтисодий инқизорзининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари. -Тошкент., 2009. -Б 89.

²³⁵ Ўз Р МА. М-37 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-6299, 41-варак.

²³⁶ Ўз Р МА. М-37 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-6299, 41-варак.

²³⁷ Ўз Р МА. М-37 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-6299, 39-варак.

22%; Сирдарё вилоятида 30%; Сурхондарё вилоятида 34%; Бухоро вилоятида 35%; Навоий вилоятида 43% ни ташкил этган²³⁸.

Бироқ тадбиркорлик ва кичик бизнес вакиллари ўртасида алоқаларни рағбатлантириш, савдо-иқтисодий муносабатларни янада либераллаштириш юзасидан чоралар ишлаб чиқилганлиги боис, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг мамлакат умумий ялпи ишлаб чиқаришидаги улуши орта бошлигани. Чунки, тарихий таҳлилларга кўра, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг мамлакат умумий ялпи ишлаб чиқаришдаги улуши ҳам соҳанинг ривожланиши қай даражада эканини кўрсатадиган омилдир.

Масалан, кичик бизнес ва тадбиркорликдаги ишлаб чиқилган маҳсулотнинг ва хизматларнинг жами Ўзбекистон Республикаси ялпи ишлаб чиқаришидаги улуши 2001 йил 33,8 % ни 2004 йил 35,6% ни 2007 йил 46% ни ва 2008 йил 48,2% ни ташкил қилган²³⁹. **2013 йилга келиб** ушбу кўрсаткич, 2010 йилдагига қараганда 2,5 баробар ошган”²⁴⁰.

Шу ўринда мазкур тарихий даврда соҳада банд бўлган аҳоли улушкига ҳам эътибор қаратиш муҳим. Масалан, **2010-2016 йиллар** оралиғидаги тарихий даврда соҳада банд бўлганлар салмоғи 78% ни ташкил қилиб, 90-йиллар бошида аҳолининг ушбу соҳалардан олаётган умумий даромади бор йўғи 10 % бўлган бўлса, 2016 йилда 52 % ни ташкил қилган бўлиб, ушбу кўрсаткич МДҲ давлатларидағидан анча юқори бўлган²⁴¹. Бу эса мос равища бундай субъектлар сони тобора ошиб борганлиги билан ҳам белгиланади. Жумладан, рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналари сони 2008 йил бошига келиб республика миқёсида 2000 йилдагига нисбатан 2,6 баравар ўсган²⁴².

Демак, тарихий рақамларга кўра ўша пайтдаги мамлакатдаги кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг ўсиш динамикасига эътибор қаратилса, 2010 йилга келиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони қарийиб 2 баробардан ошикроққа кўпайган. 2010 йилга келиб Ўзбекистон аҳолисининг ҳар 1000 нафарига 15,2 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти тўғри келган. Мазкур кўрсаткич собиқ Иттифоқ давлатлари бўйича Молдовада 12,3 та, Қозоғистонда 6,9 та, Россияда 11,3 та, Украинада 7,5 та, Белорусияда 7,3 та, Озарбайжонда 1,6 тани ташкил қилган²⁴³.

²³⁸ Ўз РМА. М-37 фонд, рўйхат-1, йифма жилд-6299. 7-варак.

²³⁹ Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. -Тошкент., 2011. -Б 66.

²⁴⁰ Инсон манфаати, хукуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. // Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 8 декабрь.

²⁴¹ Экономическое развитие Республики Узбекистан за годы независимости. -Ташкент., 2016. -С 21.

²⁴² Инсон манфаати, хукуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. // Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 8 декабрь.

²⁴³ Толипов Ф. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиш тарихининг айrim жиҳатлари хусусида. // “Ўтмишга назар”. -Тошкент., 2019. №12 сон. -Б 80.

Тўғри, ўша паллада мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлган аҳоли ривожланган хориж давлатлари билан солиштирганда, кутилган натижани бермаган, аммо соҳа ўзининг ривожланиш босқичига кирган эди. Агарда ўша пайтда соҳада банд бўлган аҳоли салмоини хориж давлатлари билан қиёсласак, ҳар 1000 кишига тўғри келадиган кичик бизнес корхоналари сони АҚШ да 74,2 тани, Японияда 49,6 тани, Европа Иттифоқи мамлакатларида ўртacha 45 тани, шу жумладан, Францияда 35 тани, Германияда 37 тани, Буюк Британияда 46 тани, Италияда 68 тани ташкил этади²⁴⁴. Маълумотларга кўра, АҚШ да кичик фирма ва компанияларда умумий банд аҳолининг салкам 53% меҳнат қиласиди, Европа Иттифоқи давлатларида эса бу кўрсаткич 70-90 % ни ташкил қиласиди²⁴⁵.

Кўрсатилган тарихий рақамларни Европа давлатлари билан солиштиrsак, ушбу минтақада мазкур соҳаларга эътибор бошқа давлатларга қараганды бирмунча юқори бўлганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Германияда 2009 йилга келиб кичик бизнес субъектлари сони 3,4 млн тани ташкил қиласиди банд аҳолининг 70,2 % ни хусусий бизнес вакиллари ташкил қиласиди²⁴⁶. Бу кўрсаткич Россияда 5,6 тани ташкил этган ҳолда, Ўзбекистонда 2005 йилда 9 тага етди. Ваҳоланки, 2002 йилда 1000 кишига 5,1 та корхона тўғри келар эди²⁴⁷.

Энди соҳада аҳоли бандлигига эътибор қаратилса, масалан, 2008 йилда ушбу секторда банд бўлганлар сони 2000 йилга нисбатан 1,8 баравар ўсган бўлса, бу 1992 йилдагига нисбатан 28,9 баравар га қўпайган. Натижада, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганларнинг умумий банд бўлганлар сонидаги улуши ортган²⁴⁸. Жумладан, бу улуш **2000 йилда 49,7% ни ташкил қиласиди**, **2008 йилга келиб 72,7 % га етган**. Агар бу кўрсаткични республикамиз мустақиллигининг дастлабки палласи, яъни 1992 йилга нисбатан таққосланса, у ҳолда ўсиш деярли 19,6 бараварни ташкил қиласиди²⁴⁹.

Аммо соҳанинг тарихий ривожланиш тенденцияси фақат тарихий рақамлар, ёки унинг ўсиш динамикаси билан баҳоланмаслиги керак. Ваҳоланки, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётган корхоналар маҳсулотнинг сифати ва истеъмоли борасида бир-бири билан етарли даражада ўзаро рақобатлаша олмасалар кутилган натижага эришиб бўлмайди. Бундай ҳолатни маҳсулотлар сифати ва экспортида, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида тузилаётган шартномаларнинг

²⁴⁴ Ўша жойда

²⁴⁵ Финк Т.А. Малый и средний бизнес: зарубежный опыт развития. // «Молодой учёный». 2012. №4, -С 177-180.

²⁴⁶ Абдуллаева Г. Германияда кичик бизнесни қўллаб-кувватлаш. -Тошкент., 2008. -Б 168.

²⁴⁷ Абдуллаева Г. Германияда кичик бизнесни... -Б 168.

²⁴⁸ Ортиков З, Артиқходжаева Г.Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари. // Жаҳон молиявий иқтисодий инқизорозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари.-Тошкент.,2009.-Б 96.

²⁴⁹ Ўша жойда.

бажарилмаслигига, етказиб беришдаги камчиликларда, инвестицияларни жалб этиш ва хорижга маҳсулот сотиш каби ҳолатларда кўриш мумкин.

Бизнингча, авваломбор бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик субъектлари эркин фаолият юритишлари, ишсизликни бартараф этишга кўшаётган ҳиссалари, маҳсулот кўлмаи ва сифатини оширишлари, мустақил равишда ташқи иқтисодий алоқаларни кучайтиришлари муҳим омиллардир. Аслида мулкни хусусийлаштириш, яъни давлат тасарруфидан чиқаришнинг моҳияти-барча соҳаларда давлатнинг яккаҳокимлигини тугатишдир. Бу борада 2000 йилларнинг ўрталарига келиб республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида маълум силжишларга эришилди, тадбиркорликка давлат аралашуви камайиб, маҳсулот сифати ортиб, кичик бизнеснинг ЯИМ (Ялпи чики маҳсулот) даги улуши орта бошлаган.

Ушбу тарихий даврдаги маълумотлардан кўринадики, мамлакатда кичик бизнеснинг ЯИМ даги улуши йиллар давомида барқарор суръатларда ўсиб борган. Яъни, бундай ўсишнинг асоси сифатида кичик тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича амалга оширилган кенг қамровли чора тадбирлар, хусусан, эркин фаолият учун кафолатларнинг таъминланганлиги, уларни давлат томонидан рўйхатга олиш тартибининг ихчамлаштирилиши, кредит маблағларидан фойдаланиш доирасининг кенгайиши каби омиллар майдонга чиқсан. Бугунги кунда эса соҳадаги янгиланишлар асосан биржа савдоларида кўчмас мулки обьектларини тадбиркорларга сотилиши, улар учун таъминот шароитларининг яхшиланиши, рақамли технологиялардан унумли фойдаланиш, давлат аралашувининг қисқартирилиши кабиларда акс этмоқда.

Албатта, мустақиллик йиллари тарихида ўз ўрнида кичик бизнес томонидан яратилаётган ялпи ички маҳсулот таркибида кичик корхона ва микро фирмалар улушининг сезиларли даражада ортиб борганлиги ҳам диққатга сазовордир. Агар 2000 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан яратилган ЯИМнинг атиги 31,0 % кичик корхона ва микро фирмалар томонидан яратилган бўлса, 2009 йилга келиб ушбу кўрсаткич 61,2% ни ташкил қилди ёки 2007 йилга нисбатан 1,3% га ошган²⁵⁰, яъни барқарор суратда умумий 8,2 % да сақланиб қолганлиги эътиборга моликдир²⁵¹. Чунки, ислоҳотларнинг мазкур босқичида тадбиркорлик соҳаси ўзининг хукуқий, ижтимоий-иқтисодий, моливий барқарор босқичига кирди. Муҳими соҳанинг хукуқий механизмлари кучайтирилди, давлат органлари уларнинг манфаатларини ишончли кафолатлаш, тадбиркорлар ўзларининг хукуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга маълум маънода эришдилар.

Аммо соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар ва ишларнинг амалий натижасини таҳлил қилиш асосида шундай мулоҳаза пайдо бўлди, бизнингча, тадбиркорлик билан шуғилланаётган юридик ва жисмоний шахсларга давлат биргина қонунда кўрсатилган ҳолда маълум хукуқлар

²⁵⁰ Статистическое обозрение Республики Узбекистана за 2007 год // Статсборник “Госкомстат” Узбекистана.- Ташкент., 2008.

²⁵¹ Шакирова Ф. Развитие экономики Узбекистана на основе инновационной деятельности // Проблемы современной экономики. -Ташкент., 2015. №3, -С 300.

бериши етарли эмас. Балки, шу ҳуқуқ ва кафолатлардан тўла фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиши муҳимроқдир. Ёки тадбиркорларни рағбтлантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва кўпайтришдан манфаатдорликни оширилиши, соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш, давлат монополиясига чек кўйилиши кабилар кутилган самара беради.

Бунда ҳудудларнинг мутаносиб ривожланиши ҳам муҳим омиллардандир. Тадқиқот даврида Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни ўсиши ва ривожланишини ҳудудлар, яъни вилоятлар кесимида олсак, масала янада ойдинлашади. Масалан, 1999 йилдан 2007 йилгача бўлган даврда ушбу соҳа вилоятлар кесимида кўринишда бўлган:

Сурхондарё вилоятида 19,2% га, Наманган вилоятида 17,1% га, Самарқанд вилоятида 16,1% га, Хоразм вилоятида 15,7% га, Бухоро вилоятида 13,5% га, Тошкент вилоятида 11,9% га, Андижон вилоятида 10,0% га, Қашқадарё вилоятида 9,4% га, Сирдарё вилоятида 9,1% га ошган²⁵².

Тарихий таҳлиллар ва тадқиқотларга кўра ҳудудларда кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожланишидаги диспропорция (фарқлар) нинг асосий сабаби, ушбу минтақаларнинг табиий шароити, демографик ҳолати (аҳоли зичлиги), меҳнат ва хом ашё ресурсларининг қайд даражада эканлиги каби омиллар таъсир кўрсатиши аниқланди. Бундай омиллар Ўзбекистоннинг барча минтақаларига хос хусусият бўлиб, масалан Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё вилоятларида фойдали қазилмлар ва минерал хом ашё ресурслар кам. Навоий, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси фойдали қазилма ва минерал хом ашё ресурсларга бой. Жиззах, Самарқанд вилоятлари ҳам ушбу ресурслар етарли ҳудудлар қаторига киради²⁵³.

Шу боис, биз мазкур тадқиқотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳолатининг республика минтақалари ўртасидаги тафовутларини қўйидаги омиллар билан таснифладик:

1) Табиий шароити қулай, меҳнат ресурслари етарли аммо хом ашё ресурслари етарли бўлмаган ҳудудлар (Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳри);

2) Табиий шароити қулай, хом ашё ресурслари етарли аммо меҳнат ресурслари етарли бўлмаган ҳудудлар (Сирдарё, Жиззах вилоятлари);

3) Табиий шароити бирмунча қулай, хом ашё ва меҳнат ресурслари етарли ҳудудлар (Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятлари);

²⁵² Ортиков З, Артиқходжаева Г.Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари. // Жаҳон молиявий иқтисодий инқизозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари -Тошкент.,2009,-Б 97.

²⁵³ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. -Тошкент., 2017. -Б 264.

4)

Табиий шароити ноқулай, хом ашё ресурслари етарли аммо меҳнат ресурслари етарли бўлмаган ҳудудлар (Навоий, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси).

Тарихий таҳлиллар асосида кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг ҳудудлар кесимида ҳолатига урғу бериш унинг республикадаги ўсиш тенденциясини кўрсатиб беради. Яъни, ҳудудларнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишида кичик бизнес ва тадбиркорлик муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ахолини иш билан таъминлаш даражаси юқори бўлган фаолият туридир. Биз кичик бизнес субъектларини ташкил этилишининг ҳудудий тақсимотини кўриб чиқар эканмиз, уларнинг асосий қисми Ўзбекистоннинг хом ашё ресурслари ва ишчи кучига бой ҳудудларда ташкил этилаётганини кўриш мумкин.

Масалан, 2008 йилнинг 1 январига қадар биргина Қашқадарё вилоятининг ўзида 75 мингга яқин кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинган. Бу Ўзбекистон бўйича энг юқори кўрсаткичdir. Юқорида қайд этилганидек, бу шундан далоат берадики, Қашқадарё вилояти меҳнат ресурслари етарли, хом ашёга бой ҳудуд ҳисобланади. Кейинги ўринларни Фарғона, Тошкент шаҳри, Андижон вилоятлари эгалламоқда²⁵⁴. Бу ушбу минтақаларда меҳнат ресурслари етарли бўлсада, табиий шароити ва географик жойлашувига кўра хом ашё ресурслари бирмунча тақчил эканлигини кўрсатади.

Вилоятлар кесимида соҳанинг турлича бўлишининг яна бир сабаби, айрим тадбиркорлик субъектларида шундай тенденция бўлганки, улар рўйхатга олингани билан келажакда фаолиятини давом эттира олмасдан тезда синар эди. Масалан, 2007 йилда 58 мингта оиласвий кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинган бўлса, уларнинг 22 мингги тутатилган²⁵⁵. Юқоридаги маълумотлар кўрсатадики, республикамизнинг баъзи ҳудудларида тадбиркорлик соҳаси самарали ташкил этилмаган эди. Демак, келажакдаги асосий вазифа уларнинг самарали ишлашини таъминловчи иқтисодий тизимни яратишдир.

Энди тадбиркорлик фаолиятининг вилоятлар ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улушкини таҳлил этилса, соҳа йилдан йилга ошиб борганлигини кўриш мумкин. Бу жиҳатдан энг юқори ўринларни Наманганд, Жиззах, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари эгаллаб, уларда кичик бизнеснинг ҳиссаси 60 % дан юқори кўрсаткичга эга бўлган²⁵⁶. Демак, тарихий маълумотлар асосида олинган натижалар шуни кўрсатмоқдаки, ҳудудлар бўйича ижтимоий иқтисодий ривожланиш даражаларида фарқлар бор. Шундан келиб чиқсан ҳолда келгусида бажариладиган ишларни белгилаб олиш лозим, яъни қандай

²⁵⁴ Мажидов Н, Наматов Э . Ҳудудларни ижтимоий иқтисодий ривожланишида кичик бизнеснинг роли. // Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиши омиллари ва уни бартараф этиш йўллари. -Тошкент., 2019. -Б 74.

²⁵⁵ Ўша жойда.

²⁵⁶ Ўша жойда

чора тадбирлар амалга оширилганда худудлар ўртасидаги мутаносибликка эришиш мумкинлигини аниқлаш зарур.

Бу борада солиштирма-қиёсий маълумотларга эътибор қаратилса, соҳанинг ўсиш натижаларини 2007-2011 йилларда республика бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган, лекин лицензияга эга тадбиркорликда банд бўлганлар сони 140,8 минг кишидан 698,4 минг кишига ёки 4,96 марта кўпайганлигида ҳам кўриш мумкин. Ёки дехқон хўжаликларида иш билан банд бўлган аҳоли сони 1472,5 минг кишидан 1745 минг кишига ёки 18,5 % га ортган²⁵⁷лиги эътиборга моликдир. Бу эса ўша тарихий даврда мамлакатда оиласи тадбиркорлик, айниқса ҳунармандчилик, касаначилик каби турлари тобора ривожланганлигини англатмоқда.

Бунда ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, улар орасида ўқув-тренинглар ташкил этиш ҳам долзарб масалалардан эди. Айниқса қишлоқда кичик бизнесни ривожлантириш бўйича бош омил бўлган маҳсус ўқув тренинглар, семинарлар ташкил этиш юзасидан қатор чоралар кўрилган. Яъни, ёшларни ушбу соҳага қизиқишиларини орттиришда олиб борилган бундай чора тадбирлар ўз самарасии бера бошлаган. Шу маънода биргина 2000-2001 йилларда 30 та ўқув дастурлари орқали 30 651 киши ўқитилган, бу режадагидан 1,3 марта ортиқ бўлган. 10 та ўқув дастурлари, 15 хилдаги ўқув-методик материаллар орқали тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун дастлабки кўнималар шакллантирилиб, бозор иқтисодиётiga асосланган фанлар ўқитилиши юзасидан 110 дан ортиқ тренерлар жалб қилиниб, республикада 23 та “Бизнес инкубатор” лар ташкил қилинган²⁵⁸.

Шу билан бирга соҳада қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилиб, айниқса тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишдаги таниш билишчилик, порахўрлик, ортиқча текширувлар ва қофозбозликларни келиб чиқишига сабаб бўлган. Уларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилсада, биз уларни етарлича бўлган, дея олмаймиз. Масалан, тегишли ҳукуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қуватлаш ҳамда уларнинг ривожи учун қулай шароит яратишга қаратилган фаолиятини ўрганиш мақсадида 2009-2011 йилларда Тошкент шаҳрида мониторинг ўтказилган.

Мониторинг давомида тадбиркорлар қуйидаги муаммоларга дуч келганликлари аниқланган:

-тадбиркорлар фаолиятидаги асосий муаммолар қаторида соликқа тортиш соҳаси бўйича сўралганларнинг 12,9 %;

-банк ҳисоб-китоб операциялари бўйича 12,9 %, рухсатномалар олиш ва келишувларга эришиш юзасидан 22,5 %;

- ноқонуний текширишлар юзасидан 29,5%, рўйхатга олиш бўйича 3,2%, экспорт-импорт операциялари бўйича 12,9%;

²⁵⁷ Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. -Тошкент., 2011. -Б 95-97.

²⁵⁸ Ўз РМА. М-37 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-6298, 205-варак.

-лицензиялаш бўйича 6,4%, сертификатлаш ва стандартлаштириш юзасидан 19,3% тадбиркорлар маълум тўсиқларга учраётганликларини кўрсатганлар²⁵⁹.

Тадбиркорлар билан ўтказилган анкета, ижтимоий сўров хуносаларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, Тошкент шаҳридаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг барчаси амалда бир-бирига ўхшаш қийинчиликларга дуч келганлиги аён бўлди. Тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текширишларнинг кўплиги 13,0%, хуқуқни ҳимоя қилиш органлари мансабдор шахслари ва ходимларининг қўпол муносабати 11,0%, солиқлар миқдорининг катталиги 10,0%, ҳисботнинг мураккаблиги 8,0%, бюрократизим 7,0% кабилар ишбилармонлик муҳитига салбий таъсир ўтказадиган омиллар қаторида тилга олинган²⁶⁰.

Шу ўринда биз аҳоли ва тадбиркорларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қайси соҳасига қизиқишлиари юқори эканлигини аниқлаш масаласида улар орасида айрим ижтимоий сўровлар ҳам ўтказилди. Таҳлиллар шуни кўрстдики, аксарият тадбиркорлар қўпроқ хизмат қўрсатиш, сервис, умумий овқатланиш, ресторон хизмати каби соҳалар билан шуғулланишини маъқул кўрадилар. Яъни ишлаб чиқариш билан боғлиқ кичик бизнес ва тадбиркорлик турлари эмас, балки хизмат қўрсатиш, савдо тижорат билан боғлиқ турларига интилиш юқорироқ эканлигига гувоҳ бўлдик.

Дарҳақиқат, хизмат қўрсатиш соҳаларига қизиқиши нафақат республикамизда, .балки хорижий давлатларда ҳам кузатилади. Масалан, МДҲ бўйича иш банд бўлган аҳолининг асосий қисми хизмат қўрсатиш соҳасида фаолият юритади. Ушбу соҳада иш билан бандларнинг улуши 2000 йилда 53 фоиздан 2014 йилга келиб 61 фоизга ўсган бўлишига қарамай, Еврпоа ҳамжамияти (73 %) ҳамда АҚШ (81%) га нисбатан анча паст²⁶¹.

“Нима учун ишлаб чиқарииш билан боғлиқ тадбиркорлик билан шугилланмайсиз ?”, деган саволга 74 % тадбиркорлар асаосан бу “кўп вақт талаб қилишини”, “хужжатбозлик ва қофозбозликлар кўплигини”, “кредит муаммолари мавжудлигини”, “ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдаги муаммолар бўлиши” кабиларни қайд қилдилар. Қолган 26% тадбиркорлар “Ота-бобларимиз тадбиркорликнинг шу соҳаси билан шуғилланиб келганлар», дея жавоб бердилар²⁶².

Тадқиқотлар давомида тадбиркорлик ва бизнес соҳалари орасида савдо тижорат, хизмат қўрсатиш, умумий овқатланиш, ресторон юритишдан сўнг, кейинги ўринда, мева-сабзовот ва полиз маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш моллари, мебел ишлаб чиқариш, саноат ва транспорт соҳаларидаги

²⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуклари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисида хисбот. -Тошкент., 2012. -Б 32.

²⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуклари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисида хисбот. -Тошкент., 2013. -Б 229.

²⁶¹ Насимов Д. Эгилувчан бандлик шаклларининг иқтисодий тараққиётга таъсири// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Тошкент., 2016 №3. –Б 45.

²⁶² 2018 йилдаги Тошкент шаҳри ва Жиззах вилоятлари тадбиркорлари орасида ўтказилган социологик сўровлар натижалари.

кичик бизнес соҳалари туришига амин бўлдик. Шунингдек, бу борада ҳанузгача кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларига ёшларнинг етарлича жалб қилинмаганлиги ҳам асосий муаммолардан бири бўлиб келган. Чунки, Ўзбекистон иш кучининг жадал ўсувчи мамлакат ҳисобланади. Республиканинг ўзига хос хусусияти шундаки, мамлакатда меҳнат ресурслари ўртacha тезлиқда йилига 2,2% ўсишни ташкил этади²⁶³. Бу вазият жойларда иш билан тъминлаш бўйича жиддий муаммоларни келтириб чиқариши табиий.

Ушбу масалада тадқиқотчилар томонидан ёшлар орасида ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра, “Сиз келажакда бизнес ва тадбиркорлик билан шугилланишини ҳоҳлайсизми?”, деган саволга уларнинг салкам ярми, яъни 43,8 % “ҳа”, деб жавоб берган бўлсалар, 15,7 % “ҳозирги кунда шуғилланмоқдаман”, деб жавоб берган. “Келажакда Сиз бизнеснинг қайси тури билан шугилланишини ҳоҳлайсиз”, деган саволга, сўралганларнинг 46,4 % савдо-тижорат, хизмат қўрсатиш соҳаларини танлаганлар 26,8 %, қурилиш, енгил саноат, озиқ-овқат ишлаб чиқариш билан 16,4 %, мева-сабзовотни қайта ишлаш соҳасидаги бизнес тури билан 7,9 % ва фақатгина 2,5 % эса интеллектуал бизнес билан, деб жавоб бердилар²⁶⁴.

“Бу борада Сизнинг молиявий имкониятларингиз қай даражада”, деган саволга 15% “ҳа имкониятларим бор”, 11,7% “бу борада имкониятларим йўқ”, деган бўлсалар, 73,3 % “келажакда бунинг имкониятларини топаман”, деб жавоб бердилар²⁶⁵. Ваҳоланки, бу шубҳасиз, келажакда ёшларнинг бизнес ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш юзасидан олиб бориладиган ишларни такомиллаштиришни назарда тутади.

Яна бир муҳим муаммо бу, ёшларнинг бизнес ва тадбиркорлик соҳалари ҳақида етарли билимларга эга эмаслигидир. Уларни ўз ҳудудларидағи ушбу соҳадаги муаммолар деярли қизиқтирумайди. Шу мақсадда бу борада ёшларнинг фикр ва мулоҳазаларини билиш учун, Тош ДТУ 4-курс талabalari орасида “Сиз яшаётган ҳудудда кўпроқ қайси муаммоларни бартарф этишига эътибор қаратган маъқул?”, деган саволга жавоблар олиш учун 5 та йўналиш бўйича ижтимоий сўров ўтказилди. Сўровда 60 га яқин талаба қатнашди ва қуидаги натижалар олинди:

- “Ободонлаштириши, коммунал майорий хизматларга оид муаммоларни ҳал этган маъқул”, деганлар 31% ни ташкил этди;
- “Спорт-согломлаштириши соҳасини ривожлантириши зарур”, 27% ни ташкил этди;
- “Ижтимоий ҳимоя, тиббий ёрдам соҳасини ривожлантириши зарур” 25% ни ташкил этди;
- “Майорий хизмат қўрсатиши марказлари очиш зарур”, 11% ни ташкил этди;

²⁶³ Толипов Ф. Некоторые аспекты малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане.//International journal of innovative technologies in economy. Scientific edition. Poland. 2(22), March 2019.

²⁶⁴ Социологик сўровлар 2018 йилда Тошкент давлат техника университети талаба ёшлари орасида ўтказилди.

²⁶⁵ Каюмов У. Вопросы занятости молодёжи Узбекистана. // Стратегия дальнейшего повышения коекрентоспособности национальной экономики. -Ташкент., 2012. -С 236.

- “Тадбиркорларга бизнес учун шарт шароит яратиш керак” 6% ни ташкил этди²⁶⁶.

Бу эса ҳали талаба ёшлардаги тадбиркорликка қизиқиши, унинг давлат ва жамият ривожидаги ўрни борасидаги билим ва қўнималарини ижобий, деб бўлмаслигини тасдқилади. Тарихий тадқиқотларимизга кўра, соҳага ёшларни жалб қилишдаги яна бир муҳим муаммо бу уюшмаган ёшлар билан ишлаш ва уларни кичик бизнесга йўналтиришдир²⁶⁷. “Хозир қайси касб эгаси бўлиб ишиламоқдасиз”?, деган саволга респондентларнинг 13% ёшлар ўқитувчи, 8,3 % бухгалтер, 6,5% фермер хўжаликларида, 5,4 % тиббий ҳамшира, 4.3 % тадбиркор, 2.7 % тарбиячи, 4,3 % ишчи, 3,8 % савдо ходими, 2% ошикроғи илмий фаолият билан (олим бўлиб) 2,4 % врач, тикувчи, хунарманд, ёлланма ишчи бўлиб, дея қайд этганлар²⁶⁸. Маълумотлардан кўринадики, ўша кезларда тадбиркорлик билан шуғилланаётган ёшлар салмоғи бозор иқтисодиёти шароитида камчиликни ташкил қилган.

Соҳанинг ўсиш тенденциялари асосида тарихий рақамларга мурожаат қилинса, республикамизда 2010-2015 йилларда соҳани ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати натижасида хизматлар кўрсатиш ҳажми 15,7 %га ўсди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 2016 йилгача 56 % дан ошиб, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50 %дан ортиғи ушбу тармокда меҳнат қилмоқда²⁶⁹. 2015 йилда эса республикада 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлаган бўлиб, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 200 мингтага етган²⁷⁰, 2016 йилга келиб кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган умумий аҳолининг 78% ни ташкил қилган²⁷¹.

Бизнингча, кичик бизнес ва тадбиркорликда қанча тадбиркор бандлиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг салмоғига қараб эмас, балки соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури, унинг сифати ва мавжуд муаммоларни ҳал қилиш механизмлари бош мезон бўлмоғи керак. Тўғри, Ўзбекистонда аҳолининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги билан бандлиги инобатга олсак, кичик корхоналар сонининг кўпайиши ҳисобига 2007 йилда ялпи ички маҳсулотнинг катта улуши қишлоқ хўжалиги соҳаларига тўғри келган бўлса, 2016 йилга келиб қишлоқ хўжалигига банд бўлган аҳоли сони сезиларли даражада камайганлигини кўришимиз мумкин²⁷². Бу эса аҳоли орасида тадбиркорликнинг транспорт, саноат, миллий хунармандчилик соҳаларида шуғилланувчилар сони ошганлигини тасдиқлайди.

²⁶⁶ Социологик сўровлар 2018 йилда Тошкент давлат техника университети талаба ёшлари орасида ўтказилди.

²⁶⁷ Социологик сўровлар 2018 йилда Тошкент вилояти, Юқори чирчик туманининг 18-25 ёшдаги ёшлари орасида ўтказилди.

²⁶⁸ Каюмов У. Вопросы занятости молодёжи Узбекистана. // Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики. -Ташкент.. 2012. -С 236.

²⁶⁹ Экономическое развитие Республики Узбекистан за годы независимости. -Ташкент.,2016. -С 21.

²⁷⁰ Проблемы и ограничения государственного вмешательства в экономику.-<http://econtool. Com>.

²⁷¹ Экономическое развитие Республики Узбекистан за годы независимости. -Ташкент., 2016. -С 20

²⁷² Норматов Н. Всеобщая декларация прав человека и предпринимательская деятельность// Демократизация общества и обеспечение прав человека-опыт Узбекистана. –Ташкент., 2008, -С 375.

Масалан, 2016 йилда бандликни таъминлашга қаратилган ҳудудий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида, фақат иқтисодиётнинг барча тармоқларида 3,8 миллионта янги иш ўрни яратилган. Уларнинг 74 % идан зиёди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келади. Қайд этиш жоизки, биргина 2017 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини ошириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун ҳар йили тижорат банклари томонидан 1 триллион сўмдан ортиқ микдорда кредит маблағлари берилган. Масалан, 2017 йилгача республикада хусусий хизмат кўрсатиш ва қурилиш соҳаларида иш билан банд бўлганлар сонини ҳали талаб даражасида, деб бўлмайди²⁷³.

Шу боисдан кейинги йилларда тадбиркорликда янги усул “Кластер” тизими ҳам кичик бизнесга жадал кириб келмоқда. Мутахассислар ҳисобкитобларига кўра, бугунги кунда дунёдаги илгор давлатлар иқтисодиётининг қарийб 50 %и кластер усулига ўтган. Жумладан, Европа Иттифоқи давлатларида 2 мингдан зиёд кластерлар мавжуд бўлиб, уларда ишчи кучининг 38 %и қамраб олинган²⁷⁴. 2017 йилдан бошлаб янги Ўзбекистонда мамлакатнинг мукаммал инновацион қиёфасини яратишида тадбиркорлик соҳасида *кластер* усулидан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада агротадбиркорлик негизида “Агрокластер” ларининг ўрни муҳим бўлиб, мазкур тузилмалар экинни экишдан тортиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгacha бўлган жараёнларни қамар олиши аҳамиятлиdir.

Тадқиқотлар асосида қуйида биз Ўзбекистонда фаолият юритаётган айрим агрокластерлар фаолиятини келтириб ўтамиз:

«Бухоро қоракўли кластери»- уюшмаси қоракўлчилик хўжалик субъектлари билан кооперация тарзида барпо этилган. Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ барпо этилган корхонанинг лойиҳа қиймати 8 миллиард сўм. Бу ерда йилига 250 минг дона қоракўл терини қайта ишлаш имконияти мавжуд. Кластер усулида ишловчи корхона жаҳон бозорида қоракўлчилик маҳсулотларига талаб ва эҳтиёжни ўрганиш, наслчиликни яхшилаш, ҳосилдорлигини ошириш каби долзарб масалалар ечимида ҳам муҳим ўрин тутади. «Бухоро қоракўл кластери»да ҳозир 50 киши иш билан банд.

“Фориш аграр Нурафшон” агрокластери- узумчиликка ихтисослашган бўлиб, 200 нафардан ортиқ ёшлар мавсумий иш билан таъминланмоқда. Агрокластерга ажратилган 3176 гектар ер майдонига 4 млн. 233 минг донадан зиёд ток қўчатлари экилган. Ушбу агрокластерда иш билан банд бўлмаган ёшларга ток қатор ораларида турли озиқ-овқат экинлари

²⁷³ Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. -Тошкент.: “Ўзбекистон” 2017, -Б 34.

²⁷⁴ Зарипов Б. Кластер-янги усул, янгича ёндашув ёхуд интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш мезони//Маҳалла кўзгуси. 2018-йил. 11-12 сонлар. - Б 58.

етиштириш учун 1 гектардан ер майдони ажратиб берилмоқда. Агрокластер 700 нафардан зиёд ёшларни мавсумий иш билан таъминламоқда²⁷⁵.

“Рус Узбектекс” МЧЖ га қарашли катта пахта агрокластери- Фарғона вилояти, Риштон туманинда пахта тўқимачиликка ихтисослашган кластер. Ушбу кластер вилоятдаги 332 та фермерларни, пахта тозалаш заводини ва пахтани қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича бир неча корхоналарни бирлаштиради. Агар илгари мазкур корхона фақат калава ип ишлаб чиқариш билан шуғулланган бўлса, эндиликда хомашё шу ернинг ўзида қайта ишлашнинг барча босқичидан ўтиб, экспортбоп тайёр маҳсулотгacha жараённи қамраб олган.

“Кўкча текстил МЧЖ” пахта тўқимачилик агрокластери- Тошкент вилояти, Ўрта Чирчик туманида жойлашган бўлиб, 2019 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 декабрдаги 1037-сонли қарори билан тасдиқланган. Фаолият йўналишлари, ип-газлама саноати -турли хил газламалар ишлаб-чиқариш ва матога гул чизиш -тикув-йигирув маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни сотиш -чакана ва улгуржи савдо-сотиқ фаолиятини юритиш, -триката ж маҳсулотларини ишлаб-чиқариш ва сотиш, тикувчилик фаолияти (туй қўйлаклари ва бошқа тантаналарга кийим кечак тикиш), болалар, аёллар ва эркаклар кийим-кечагини тикиш ва сотиш, пардалар ва бошқа уй жихоз анжомларини тикиб сотиш, тикувчилик, кашталар тикиш, гиламлар тўкиш, матоларни бўяш, гул солиш ва ранг бериш фаолияти ва бошқалар.

“Export Fish Product” МЧЖ га қарашли балиқчилик кластери- Навоий вилояти, Кармана туманида жойлашган балиқчиликка ихтисослашган кластер бўлиб, лойиҳанинг умумий қиймати 37 миллиард сўм. Бу ерда усти ёпиқ сув ҳавзалари, 500 тонна сифимга эга музлаткичли омборхона, шунингдек, аҳолининг ҳордиқ чиқарши учун умумий овқатланиш шохобчаси ва сайлгоҳ қурилган, 50 та иш ўрни яратилган. Корхона бир йилда 500 тонна балиқ, 100 миллион дона балиқ чавоқлари етиштиromoқда. Келажакда корхона 800 та аҳоли хонадонида ҳам интенсив усулда балиқ боқишини режалаштирган. Натижада 900 га яқин киши иш билан таъминланади. Корхонада етиштириладиган балиқ кластер усулида қайта ишланиб, ундан балиқ уни, мойи, филеси, консерваси, ярим тайёр ҳолатда балиқ котлети ва дудланган балиқ тайёрланади. 600 тонна тайёр маҳсулот хорижга экспорт қилинади²⁷⁶.

Умуман, **2021 йил 1 январ ҳолатига кўра**, республика бўйича жами 345 та агросаноат кластерлари мавжуд бўлиб, уларга жами 1 млн 201 минг гектар ер майдонлари бириктириб берилган: Пахта-тўқимачилик кластерлари – 97 та, бириктирилган ер майдони 927 068 гектар; ғаллачилик кластерлари 77 та, бириктирилган ер майдони 142 800 гектар; мева-сабзавотчилик кластерлари 147 та, бириктирилган ер майдони 122 394 гектар; шоличилик

²⁷⁵ Маълумотлар муаллиф томонидан агрокластер фаолияти билан танишиш жараённида тўпланган.

²⁷⁶ <https://president.uz/uz/lists/view/2424>

кластерлари 16 та, бириктирилган ер майдони 8 060 гектар; бошқа кластерлари 8 та, бириктирилган ер майдони 1 150 гектар²⁷⁷.

Тадқиқотлар шуни күрсатдикі, 2017 йилнинг июль-декабр ойлари давомида Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган халқ билан фаол мулоқот олиб бориш мысадида ташкил этилган “Сайёр қабуллар” жараёнида 58 мингдан ортиқ фуқаро ва тадбиркорлардан турли масалаларга оид 32 минг 176 шикоят, ариза ва таклифлар ўрганилган.

Эътиборли томони шундаки, мурожаатларнинг энг кўпи, яъни 8 мингдан зиёди, ёки 25 % асосан тадбиркорларнинг банк кредитлари билан боғлиқ муаммолардир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаси билан боғлиқ муаммолар 7 мингдан ортиқ-22%, бандлик ва иш ҳақи тўловлари 3 минг 973 та-12 %, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар 3 минг 350 та-10%, одамларга участка ва уй жой ажратиш 2 минг 473 та-8 % ни ташкил этган²⁷⁸. 2019 йилгача тадбиркорларга тегишли мурожатларнинг 96 %и, яъни 30 минг 876 таси ҳал этилган. Улардан 8 минг 326 таси соҳалар фаолиятига оид таклиф ва тавсиялардан иборат бўлган²⁷⁹.

Бандлик ва иш ҳақи тўловлари 3 минг 973 та-12 %, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар 3 минг 350 та-10%, одамларга участка ва уй жой ажратиш 2 минг 473 та, яъни 8 % ни ташкил этган. 2018 йил апрелгача тадбиркорларга тегишли мурожатларнинг 96 %и, яъни 30 минг 876 таси ҳал этилган. Улардан 8 минг 326 таси соҳалар фаолиятига оид таклиф ва тавсиялардан иборат²⁸⁰. Шунга қарамасдан, Республикада молия, бандлик, касаба уюшмалари, банк ва бошқа мутасадди идоралар томонидан мамлакат бўйича аниқланган кредит олиб бизнес юритиш истагини билдирган кам таъминланган 5 минг 771 оиласга 33,3 мллиард сўм миқдорида имтёзли кредитлар ажратилиши тамилланган²⁸¹.

Тадқиқот даврида кичик бизнесни ривожлантиришга тўсиқ бўлиб келган муаммолар қаторида “Муҳим 10 муаммо” нинг 8 таси сифатида қўйдагилар келтирилган: тадбиркорлик субектларини рўйхатга олиш, лицензия бериш, назорат ва тафтиш борасидаги, солик тўловлари, хориж валютасини конвертация қилиш, кредитлар олиш ёки солик ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг ноқонуний ҳатти ҳаракатлари ва х.к²⁸².

2018 йил Ўзбекистонда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”, деб номланиши ва маҳсус

²⁷⁷ <https://kun.uz/news/2021/03/17/klasterlar-sohasidagi-tizimli-muammolar-aytildi-ulardan-biri-fermerlarning-majburiy-tartibda-biriktirilishi>

²⁷⁸ Адолат ҳукмрон жойда шикоятга ўрин йўқ. (Сайёр қабуллар: натижа ва хуносалар) // “Ҳуқуқ” газетаси. 2018 йил 12 апрел. № 15.

²⁷⁹ Толипов Ф. Некоторые аспекты малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане./Intenational journal of innovative technologies in economy. Scientific edition. Poland. 2(22), March 2019.

²⁸⁰ Ўша жойда.

²⁸¹ Адолат ҳкумрон жойда шикоятга ўрин йўқ. (Сайёр қабуллар: натижа ва хуносалар) // “Ҳуқуқ” газетаси. 2018 йил 12 апрел. № 15. .

²⁸² Женщины в Республике Узбекистан. // Краткий информационный доклад Департамента программ социального развития и окружающей среды (Восток) Азиатского Банка Развития. -Ташкент., Февраль. 2001. -С 13.

Фармонга кўра муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барча тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш 2 йилга тўхтатиладиган бўлди. Айниқса тизимнинг муҳим асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ қабулхона”лари ва “Виртуал қабулхона”си фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос “миллий модели” сифатида амалда ўзини оқлай бошлади.

Яъни тарихий рақамларга эътибор берсак, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган чора тадбирлар натижасида 2019 йилнинг сўнгги 3 ойи мобайнида Президентнинг “Халқ қабулхоналари” га 12 мингдан зиёд тадбиркорлардан мурожаатлар келиб тушган²⁸³. Маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида “Обод қишлоқ” мақсадли жамғармалари тузилиб, улар ҳам жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўмаклашиб келмоқдалар. «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Ёшлар – келажагимиз» каби дастурлар доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалари амалга оширилган²⁸⁴.

Янги Ўзбекистон тарихида тадбиркорлик соҳасидаги муҳим янгиликлардан бири, бу 2017 йил 5 майдаги маҳсус Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил” – **Бизнес-омбудсман** ташкил қилинган. Ўзбекистонда 2019 йилнинг 1 декабрь ҳолатига 761 248 нафар тадбиркор рўйхатга олинган бўлиб, Бизнес-омбудсман манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ишини тўхтатган 47 304 нафар тадбиркор фаолиятини тиклашга эришган²⁸⁵. Агар тарихий рақамларга мурожаат қилинса, биргина 2019 йилда «Бизнес-омудсман» га тадбиркорлардан жами 3 202 та мурожаат келиб тушган, 2 706 та шикоятда кўтарилиган масалалар ечимини топган. Мурожаатларнинг 33 %и маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари (хатти-ҳаракатлари), 12,3 %и ер ажратиш, 12 %и назорат қилувчи органлар, 10 %и банклар фаолияти, 7 %и солиқ соҳасига оид қонун хужжатлари, 6,3 %и суд қарорлари ва уларнинг ижроси билан боғлиқ, шунингдек, қолган 19,4 %ида бошқа турли йўналищдаги масалалар баён этилган. Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини тиклаш юзасидан 134 та тақдимнома, 11 та хулоса, 66 та

²⁸³ Тадбиркорликни ривожлантириш ва давлат бюджетига кафолатланган тушумларни таъминлаш таҳлил килинди. (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 11 сентябр куни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳамда Давлат бюджетига кафолатланган тушумларни таъминлаш масалаларига бағишлиланган видеоселектор йигилиши бўлиб ўтди). “Халқ сўзи”. - Тошкент., 2019 12 сентябр. №189.

²⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - Тошкент., 2019.

²⁸⁵ Касимов Д. Бизнес-омбудсман: тадбиркор учун энг муҳим нарса уни эшитиш ва амалий ёрдам беришдир. Электронный сайт: <https://m.kun.uz/news/2020.02>. Яна қаранг: Абдурахмонов К. Мамлакатимиз инсон ҳукулари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига содик қолади. // Янги Ўзбекистон. 2021 йил, 24 феврал, №39-сон.

огоҳнома ва 138 та маъмурий баённома расмийлаштирилиб, судларга юборилган²⁸⁶.

Бир қатор ижтимоий ҳимоя талаб оиласлар кам таъминланганлик даражасидан чиқиб, кўрсатилган амалий ёрдамлар орқали оиласлар тадбиркорлик, касаначилик, кредитлар олиш эвазига ўз бизнесини йўлга кўйиш, шахсий томорқа хўжаликларини юритиш ва улардан самарали фойда кўриш орқали ижтимоий-иктисодий ахволлари яхшиланди. Буни ахолини тадбиркорликка жалб қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг бажарилиши ҳамда тадбиркорлик соҳасининг ўсиш динамикасида ҳам кўришимиз мумкин. Куйида биз соҳанинг ўсиш динамикасини қўйидаги жадвалда тақдим этамиз:



Аммо бу борада ечимини кутаётган муаммолар ҳам етарлича эканлиги аниқланган. Масалан, “1+1” дастури доирасида 100 минг нафар ёшни ўқитиб, кейин уларга имтиёзли кредит ажратиш белгиланган бўлса-да, Савдо-саноат палатасининг қуи тузилмалари бу ишларни тизимли ташкил эта олмаган. Масалан, 2021 йилнинг биринчи 3 ойида республика бўйича 21 минг нафар ёш тадбиркорликка ўқитиленган. Тошкент шаҳрида атиги мингта, Намангандаги эса 1100 та сертификат берилган. Бухорода эса бор-йўғи 216 нафар ёш касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиленган, холос²⁸⁷.

Шу ўринда дунё мамлакатлари тарихий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда ҳам бизнес вакиллари ва тадбиркорлар манфаатларини давлат аҳамияти даражасида ҳимоя қилувчи, асосан кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар, фермерларларни ўзаро бирлаштирган ягона сиёсий партия, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ЎзЛиДеп (Ўзбекистон либерал-

²⁸⁶ Касимов Д. Бизнес-омбудсман: тадбиркор учун ... : <https://m.kun.uz/news/2020.02>.

²⁸⁷ Ёшлар сиёсатига оид вазифалар ижроси таҳлил қилинди.// Янги Ўзбекистон. 74 (330), 1 - бет, 2021 йил 14 апрель.

демократик партияси) ташкил топганлигини қайд этиш зарур²⁸⁸. ЎзЛиДепнинг ўз олдига қўйган мақсадлари қўйидагиларда акс этди:

1) ЎзЛиДеп асосий сиёсий куч сифатида бирлашган ҳолда тадбиркорлар ва ишбилиармонларнинг янада кенгроқ фаолият юритишлари учун янги имкониятлар очиш, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳадан асослаб бериш, жамиятнинг ушбу табақаси манфаатларини ҳимоялаш баробарида унинг эртанги кунини таъминлаш;

2) ЎзЛиДеп нинг куч ва имкониятларини бошқа сиёсий партия ва ҳаракатлар билан ҳамкорликда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларни ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш тартибини янада соддалаштириш, тадбиркорларнинг сиёсий ва ҳукуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, худудларда зарур инфратузилмани яратишни таъминлайдиган ҳукуқий асосларни янада такомиллаштириш ҳамда уларни партия аъзолари ва кенг жамоатчилик онгига сингдиришга қаратилган ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш кабилар²⁸⁹.

Хулоса қилиб айтганда, ўрганилаётган тарихий даврда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилиармонлик муҳитини яратиш, хизмат кўрсатиш соҳаларини траққий эттириш асосий вазифага айланди. Тадбиркорликда турли имтиёзлар шакллантирилиб, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ҳам ундан баҳраманд бўла бошлади.

Тарихий тадқиқотлар ушбу соҳалар кўмагида мамлакат соҳани тараққий эттиришда ўзига хос тажриба тўплаганлигини кўрсатди. Бу даврда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат идораларининг (тижорат банки, суғурта компаниялари, солиқ идоралари, туман ва шаҳар ҳокимликлари, давлат бошқарув органлари, мансабдор шахслар ва ҳоказоларнинг) тадбиркорлик жараёнига ва бошқа фаолиятларига аралашуви масалаларида самарали ўзгаришларга эришилганлиги билан изоҳланди. Аммо ўрганилаётган тарихий даврда соҳада ўзига хос муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан қатор чоралар кўрилганлигини тасдиқлади.

П.3. Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликнинг шаклланиш тарихи ва аҳоли бандлигидаги ўрни

Оилавий тадбиркорлик Ўзбекистонда ва жаҳоннинг қўплаб мамлакатларида кенг тарқалган соҳаларидан биридир. Мутахассисларнинг фикрича бугунги кунда оилавий бизнес ва тадбиркорликнинг дунё иқтисодиётидаги ўрни ўртача 70% ни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич Ҳидистонда 95%, Финландияда 94%, АҚШ да 80%, Германияда 36%,

²⁸⁸ Обломуродов Н, Ҳазраткулов А ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. (Ўкув қўлланма). -Тошкент., 2011.

²⁸⁹ Ўша жойда.

Францияда 30 % ни га тенгдир. Ушбу соҳа узоқ тарихий тараққиётга эга бўлиб, Д. Юлдашев “Оилавий бизнес” журнали маълумотларига таяниб, дунёда юзлаб салкам 200 йиллик тарихий тажрибага эга бўлган компаниялар мавжудлигини қайд этади²⁹⁰.

Аслида оилавий тадбиркорлик оилавий мулкка асосланган бўлиб, унда оиланинг барча аъзоларининг мулкий ҳуқуqlари мавжуд бўлади. Яъни бунда оила хўжалигини юритувчи ва оилавий тадбиркорлик фаолиятига раҳбарлик қилувчи шахс тадбиркор ҳисобланади. Оиланинг бошқа аъзолари эса эркин ишчи–хизматчи бўлиб, олинган даромадга эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Шу боисдан Ўзбекистонда уни тартибга солишга йўналтирилган Ўзбекистон Республикасининг “**Оилавий тадбиркорлик тўғрисида**”ги қонуни қабул қилинган бўлиб, унда тадбиркорнинг ўз оилавий тадбиркорлик мулки ва шахсий мулкига эгалик қилиш тартиблари белгиланган²⁹¹.

Масалан, бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик кодексида» ёзиб қўйилганидек, «мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли молмулкка ўз ҳоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиши, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишини талаб қилиши ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир»²⁹².

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эса мулкдор ҳуқуқининг дахлсизлиги билан бирга, унинг масъулияти ҳам белгилаб берилган. Хусусан, унда «мулкдор мулкига ўз ҳоҳишига кўра эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқукларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт»²⁹³, деб таъкидланган. Бу шубҳасиз, барча мулкларга эгалик қатори, оилавий мулк миқёсларининг кенгайиб боришига ҳам олиб келади.

Оилавий тадбиркорликда тадбиркорлик эркинлиги оила аъзолари, қариндошлар ва айрим шахслар ҳамда уларнинг уюшмалари, гурухларининг фойда, даромад олиш мақсадида маълум соҳада хўжалик, иқтисодий фаолият юритиш эркинлигини билдиради. Бу шунингдек, у ёки бу тармоқда тадбиркорларнинг ўз ҳоҳишлирига кўра фаолиятини ва ундан чиқишини ҳам англатади.

Албатта 90-йиллар бошида мамлакатда шахсий томорқа хўжаликларининг кенгайиши ҳисобига мазкур соҳа 1995 йилда сутнинг 75 %ини, гўштнинг 70 %ини, сабзвотнинг 65 %ини, меваларнинг 60 %ини, картошканинг 43 %ини етиштириб берган²⁹⁴. Жумладан, 1996 йил

²⁹⁰ Юлдашев Д. Т. Совершенствование экономического механизма развития семейного предпринимательства. Автореферат диссертации доктора философии (Phd) по экономическим наукам. Ташкент – 2019. 54 с.

²⁹¹ Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни// Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. -Тошкент., 1998 й.

²⁹² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. -Тошкент., 19, 164-модда.

²⁹³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент., Ўзбекистон, 2019.

²⁹⁴ Убайдуллаева Р.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиш шароитида аёллар ва меҳнат // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар . 1995. -Б.23.

маълумотларига кўра, оилавий тадбиркорликдан бир оиласга тўғри келадиган даромад Қорақалпоғистон Республикасида-470,3 сўм, Андижон- 545,7 сўм, Бухоро-373,6 сўм, Жиззах-2432,4 сўм, Қашқадарё-326,4 сўм, Навоий-1720,2 сўм, Наманган-210 сўм, Самарқанд-785 сўм, Сурхондарё-100,5 сўм, Сирдарё-502,9 сўм, Тошкент-465,7 сўм, Фарғона-3566,6 сўм, Хоразм-417,2 сўм, Тошкент шаҳри-2443,4 сўм бўлган²⁹⁵. Шу йили тадбиркорлик қилувчи оиласарнинг ўртача даромади 9470 сўм бўлган бўлса, ишчи хизматчи оиласарнинг ушбу соҳадан топаётган даромади 4614 сўмага тенг бўлган²⁹⁶.

Яъни, ушбу соҳа орқали одамлар турмуш тарзида сезиларли ижобий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Республика ялпи ички маҳсулот салмоғида оилавий тадбиркорлик улуши ортган. Бу ҳолат Ўзбекистонни Марказий Осиё Республикалари орасидаги ўрнини бирмунча оширди. Яъни, бу борада Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистон алоҳида ўринга эга бўлиб, А.Акимовнинг ёзишича, “Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ахоли жон бошига тўғри келиши 1991 йилда 31.96 % ташкил этган бўлса, 1994 йилга келиб ўсиш %ларда 37.31 ни ташкил этди. Қозогистонда эса бу кўрсатгич 46.31%, 1994 йилда эса уни камайган ҳолатини 36.91% кўришимиз мумкин. Бошқа Марказий Осиё республикаларидағи аҳволни таҳлил қилсак, Тожикистонда энг паст кўрсатгич 1991 йилда 6.53%, 1994 йилда 4.60% ташкил этган. Faқат Туркманистондаги ялпи ички маҳсулот ўсиши кузатилиб, 1991 йилда 7.42%, 1994 йилда 15.54% га ошган²⁹⁷.

Айниқса мамлакатимизда касаначилик²⁹⁸ни ҳукумат дастури доирасида ривожлантиришга кенг йўл очилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2996-сонли қарорига асосан республика “Касаначиликни қўллаб-қувватлаш бўйича Консорциум” масъулияти чекланган жамияти тузилди. Мазкур жамият томонидан ажратиладиган заёмлар эвазига ташкил этиладиган касаначилик турлари рўйхати қўйидагилардан иборат:

1. Тўқима ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
2. Галантерея (атторлик) маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
3. Қандолат ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
4. Мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
5. Электротехника маҳсулотларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш.
6. Боғдорчилик ва ободонлаштириш хизматлари²⁹⁹.

²⁹⁵ Ўлмасов А. Оила иқтисоди. -Тошкент.: Мехнат. -Б 24.

²⁹⁶ Ўша жойда.

²⁹⁷ Alexandre Akimov. Central Asia as a region in the World Economy //Central Asia Conflict Resolution and Change. Published by Douglas Goudie US, editors Roald Z. Sagdeev and Susan Eisenhower. 1995. P.275- 293.

²⁹⁸ Касаначилик бу- касаначининг яшаш жойи бўйича ёки унга ёки унинг оила аъзоларига тегишли бўлган бошқа биноларда иш берувчининг буюртмалари бўйича товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича касаначи томонидан амалга оширилаётган ишни англатади. Қаранг: Касаначилик тўғрисидаги Низом. // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сон қароғига илова. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 2-сон.

²⁹⁹ Касаначилик тўғрисидаги Низом. // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сон қароғига илова. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, -Тошкент., 2006 й., 2-сон.

Демак, касаначилик рўзгор ишлари билан уйда банд бўлиб қолган эркак ва аёлларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш тадбирларидан бири. У иш берувчи билан шартнома тузган қунданоқ, меҳнат дафтарчасига эга бўлади, ўз уйда ишлайди ва маошни корхонадан олади. Касаначи тўлақонли ишчи билан меҳнатда, ижтимоий имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишда ҳам тенг ҳукуқга эга бўлган шахсдир.

Маълумки, Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоят ва туманлари маълум объектив қонуниятлар асосида ривожланиб, бунда кичик бизнес, тадбиркорлик, айниқса оилавий тадбиркорлик ривожланишига ҳудудларнинг табиий-географик жойлашуви, демографик ҳолати, иқлими, сув ва табиий ресурслар салоҳияти ҳам таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир. Яъни оилавий тадбиркорлик, касаначилик ва уй хунармандчилиги айrim турларининг ўша ҳудудларда маълум соҳаларга ихтисослашуви ўз навбатида аҳоли бандлигига муҳим рол ўйнамоқда.

Биз ушбу тадқиқотда оилавий тадбиркорлик ва касаначиликнинг мавжуд ҳолатини республика минтақалари мисолида таҳлил этиб, ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, аҳолининг уларда бандлигини қуидаги этноҳудудий хусусиятлар асосида таҳлил қилдик:

1) Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари: (асосан қандолатчилик, мато тўқиши, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариши, ёғоч ўймакорлиги, мебелсозлик, каишачилик, дўппидўзлик, пойабзал, атлас ва адрас матолар ишлаб чиқариши, чилангарлик, кулолчилик, темир ўймакорлиги, пичоқчилик, асаларичилик ва ҳ.к.);

2) Бухоро, Самарқанд ва Навоий вилоятлари: (асосан гиламдўзлик (Нурота, Ургут), каишачилик, заргарлик, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариши, мато тўқиши, дўппидўзлик, жун тўқиши, қоракўл маҳсулолари (Бухоро қоракўли), ёғочсозлик, мебелсозлик, парранда маҳсулотлари тайёрлаш, қандолатчилик ва.ҳ.к.);

3) Жиззах ва Сирдарё вилоятлари (асосан тўқимачилик, балиқ маҳсулотлари тайёрлаш, жун ва қурилиши маҳсулотлари ишлаб чиқариши. мебелсозлик ва.ҳ.к.);

4) Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари (асосан гиламдўзлик, қандолатчилик, трикотаж ва қурилиши маҳсулотлари ишлаб чиқариши, жун ва қоракўл тери маҳсулотлари ишлаб чиқариши, ёғочсозлик, мебелсозлик, заргарлик, каишачилик ва.ҳ.к.);

5) Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси (асосан балиқ ва парранда маҳсулотлари тайёрлаш, гиламдўзлик (Хива гиламдўзлиги), жун ва қоракўл тери маҳсулотлари тайёрлаш, мева-сабзовотни қайта ишилаш, мебелсозлик ва.ҳ.к)³⁰⁰.

Демак, юқоридаги таснифларга кўра мустақиллик йилларида ҳудудларнинг маълум соҳаларга ихтисослашуви содир бўлди. Мазкур ҳолат таҳлилидан аён бўладики, оилавий тадбиркорликнинг турли минтақаларда

³⁰⁰ Маълумотлар вилоятларда тадбиркорлар билан олиб борган мулокотлари жараённида тўпланди.

бир-биридан фарқланишининг асосий сабаблари, биринчидан ушбу минтақаларнинг табиий-географик шароити асосий омил бўлса, иккинчидан, аҳолининг асосий қисмининг азалдан шу минтақаларга мос машғулот турлари билан шуғилланиб келганлиги, яъни соҳаларнинг ихтисослашувидир.

Масалан, **Фарғона водийси** вилоятлари водийда жойлашганлиги боис, табиий-географик омилга кўра, ҳудуднинг табиий шароити қулай, сугорма дехқончилик яхши ривожланган ва аҳоли азалдан ўтрок дехқончилик ҳамда ҳунармандчилик билан шуғилланиб келган. Бундай анъана бугунги кунда аҳоли тадбиркорлигига ҳам акс этган. Тадқиқотларга кўра Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида оиласи тадбиркорлик ва касаначиликда атлас, адрес ва ипак матолар ишлаб чиқариш (*Марғилон шаҳри*), кулолчилик (*Риштон*), пичоқчилик, (*Чуст*) дўппидўзлик (*Андижон, Наманган, Фарғона шаҳри*), асаларичилик (*водийнинг барча туманлари*), ёғоч ўймакорлиги (*Қўқон, Косонсой, Наманган, Андижон шаҳри*) ривожланиши ушбу минтақаларда аҳоли азалдан тадбиркорликда маълум соҳаларга ихтисослашганлигидан далолатdir.

Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кичик тадбиркорликда мева-сабзовотни қайта ишлаш, тўқимачилик, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш (*Айдар-Арнасой кўллари, Сирдарё, Катта Мирзачўл канали*) нинг бирмунча ривожланганлиги бу ерда сув ресурслари ва табиий-географик омиллар таъсири ҳамда аҳолининг асосан пахта, ғалла, мева-сабзовот етиштириш билан шуғилланиб келаётганлигидир (масалан, Мирзачўл, Пахтакор, Зафаробод, Арнасой, Дўстлик, Оқ Олтин, Боёвут туманлари асосан пахтачиликка ихтисослашган). Ёки Жиззах вилоятининг Зомин, Бахмал, Фориш туманлари тоғли, тоғолди, дашт-адир минтақалар бўлганлиги боис, бугунги кунда кичик бизнес ва оиласи тадбиркорлик соҳалари шу ҳудудларга хос тарзда ривожланмоқда.

Навоий вилоятининг Нурота, Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Жарқўрғон, Музработ, Қашқадарё виоятининг Чироқчи, Якқабоғ туманлари ушбу минтақаларда аҳоли асосан ҳунармандчилик (*бешикчилик, сандиқ тайёрлаш, заргарлик, бўйрачилик, каиштачилик, чинни идшилар*), жун маҳсулотлар тайёрлаш (*гилам, сўзана, кигиз ва.ҳ.к*), қандолатчилик (*новвом, ҳолва, қанд*) турлари билан шуғилланиб келмоқдалар. Бухоро вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида жун маҳсулотлари тайёрлаш, гиламдўзлик соҳаларининг ривожланганлиги ушбу минтақанинг катта қисми чўл ва дашт-адир минтақаларидан иборат эканлиги (*Қизилқўм чўллари. Устюрт*) билан боғлиқ бўлиб, аҳолининг маълум қисмининг чорвачилик ва лалми дехқончилик билан шуғилланиши тадбиркорликда ҳам акс этган³⁰¹.

Бугунги кунда республикада оиласи тадбиркорлик ва касаначилик билан шуғилланиб, ўз меҳнати эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулотларини маҳаллий ва дунё бозорларига олиб чиқаётган тадбиркорлар кўпчиликни

³⁰¹ Муаллифнинг Наманган, Тошкент, Хоразм, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри тадбиркорлари билан олиб борилган сухбатлар натижалари.

ташкил этади. Шу боис тадқиқотда уларнинг айримларини келтиришни лозим топдик.

Масалан, бундай тадбиркорлар қаторида Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги “R-PLYS KORON” масъулияти чекланган жамият³⁰², Термиз туманидаги “Остона хунарманд” номли гиламчилик корхонаси, Термиз шаҳридаги “Турон” номли кичик корхона, Бойсун туманидаги “Работ” жамоа хўжалигидаги гилам тўқиши ва кигиз тайёрлаш цехи, ёки Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги “Шойим” хунармандчилик корхонаси кабиларни мисол қилиш мумкин. Шерободдаги “Дилафрўз” хусусий корхонасида жунни қайта ишлаш йўлга қўйилган бўлиб, ушбу корхона 264 тонна сифатли жун ип ишлаб чиқариб, кичик тўқимачилик корхоналарига етказиб бермоқда³⁰³.

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги “Воҳа машъали” кичик корхонаси, Чироқчи туманлик гиламдўз Азиза Шарипова, Бухоро вилояти Шофрикон туманидан кашта тикувчи хунармандлар Зухро Облобердиева, Ойсара Рўзиеваларнинг номларини қайд этиш мумкин³⁰⁴. Бугунги кунда Қарши шахри, Ғузор, Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи, Қамаши ва Муборак туманлари бўлимларида рўйхатдан ўтган 600 дан ортиқ хунарманд фаолият олиб бориб, вилоятда хунармандчиликнинг заргарлик, миллий чолғу асбоблари ясаш, чокли буюмлар, каштачилик, зардозлик ва бисер тикиш устахонлари ташкил этилган³⁰⁵.

Ўзбекистонда оиласи тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида республика Хунарманд” уюшмаси ташкил этилган бўлиб, 2008 йил 5 майда Уюшманинг Низоми тасдиқланди. Ўзбекистон “Хунарманд” уюшмаси 2009 йилда Жаҳон “Хунармандлар” уюшмасига аъзо бўлди. Ўзбекистоннинг барча вилоят ва туманларида уюшманинг бошқарма ва бўлимлари ташкил этилди. Республика бўйича 13 та бошқарма, 153 та бўлим фаолият кўрсатди³⁰⁶. Ҳар йили республикамида “Хунарманд” уюшмаси ташаббуси билан “Мустақил юрт хунармандлари”, “Ўзбекистон халқ амалий санъати-дунё нигоҳида”, “Мустақиллик нафасида камол топган хунармандлар”, “Қайта тикланган хунар”, “Ташаббус”, “Ипак ва зираворлар фестивали”, “Дўппи тикдим ипаклари тиллодан”, “Қўли гулдир ўзбек аёлин”, “Хунарим гавҳарим”, “Қўғирчоғим-овунчоғим” анъанавий қўғирчоқбозлик санъати танловлари ва байрамлари муносабати билан ўтказиладиган 27 дан олртиқ турли қўргазмалар, қўрик-танловлар, фестиваллар ўтказилади³⁰⁷.

³⁰² Марозиков А. Риштон куличилик мактаби.// Ўтмишга назар. 2019. №16. –Б. 76.

³⁰³ Давлатова С. Мустақиллик йилларида Сурхон воҳаси аҳолиси анъанавий хунармандчилигининг ривожланиш хусусиятлари. // “Бойсун-баҳори” очик фольклор фестивали. “Жаҳон цивилизациясида бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси илмий маколалар тўплами. -Тошкент. 2019. Б 83-84.

³⁰⁴ Мирзаев О. Ўзбекистон халқ амалий санъатини қайта тиклаш ва ривожлантириш омиллари. // “Бойсун-баҳори” очик фольклор фестивали. “Жаҳон цивилизациясида бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси илмий маколалар тўплами. -Тошкент. 2019. -Б 201-202.

³⁰⁵ Ўша тўплам.-Б 83-84

³⁰⁶ Ўша жойда.

³⁰⁷ Давлатова С. Ўзбек анъанавий хунармандчилиги тарихий жараёнлар котекстида. -Тошкент., 2018. 225 ва 236 бетлар.

Биргина 2019 йил 1-чоракда уюшма аъзолари Германия, Белгия, Хитой, Ҳиндистон, Россия, Нидерландия ва Люксембург мамлакатларида ўтказилган ҳунармандчиликка оид кўргазма ва тадбирларда иштирок этди ва унда 22 230 АҚШ долл. миқдоридаги ҳунармандчилик маҳсулоти сотилди. Республика миқиёсида 15 дан ортиқ кўргазма, ярмаркалар ўтказилди³⁰⁸.

Қўйида биз республикамизда ташкил этилган машхур ҳунармандчиликка ихтисослашган тадбиркорлик корхоналарининг айримлари ҳақида маълумотларни келтириб ўтамиш:

Марғилон ҳунармандчилик маркази- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ташаббуси билан 2007 йилда Атлас ва Адрас тўқиши анаъналарини давом эттириш ва келажак авлодга етказиш мақсадида, ЮНЕСКО ҳамкорлигида Марғилон шаҳридаги Сайид Ахмад Хўжа мадрасасида ташкил этилган. Марказда Расулжон ва Рахимжон Мирзаҳмедовлар (9 авлод вакиллари), Алишер Ахмадалиев ва Махмуджон Турсунов (3 авлод вакиллари) ҳамда Шерзоджон Гозиев (2 авлод вакили) лар атлас, адрас, бекасам ва шойи тўқиши билан 500 дан ортиқ тадбиркор усталар шуғулланиб келадилар. Уларга ёрдам берувчи оила аъзолари ва шогирдлари билан ҳисоблаганда 3000 ортиқ одам шу касб билан ишлайдилар.

Нурота “Чашма” ҳунармандчилик маркази- 2020 йилнинг 10 декабрида Навоий вилоятининг Нурота туманидаги Нурота “Чашма” мажмуаси худудида 0.5 гектар майдонда 9 та устахонадан иборат ташкил этилган каштачилик ва гиламдўзликка ихтисослашган оиласи тадбиркорлик маркази. Бугунги кунда марказда 45 нафар янги иш ўринлари яратилган.

Жиззах ҳунармандчилик ва каштачилик маркази- ҳунарманд Гавҳар Астанақулова раҳбарлигида ташкил этилган марказда рўжа, сўзана, манглайқош, зардевол, миллий либослардан желак, ридо, паранжи, сўзаналар, бўғжама, бўхчалар, рўмолчалар, куёвбелбоғлар, жойнамозлар, оддий олачалар, гажариқ олачалар, холи гилам, зулбароқ, тақинчоқлар, кашта ва бошқа миллий ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқарилади.

Риштон ҳунармандчилик маркази- 2009 йилда- “R-PLUS KORAN” масъулияти чекланган жамият якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти сифатида ташкил этилган. Дастрслаб ташкил этилган корхонада 4 та иш ўрни яратилиб сопол буюмлар ишлаб чиқариш билан иш бошлаган. Ҳозирда ушбу корхонада 200 хилдан ортиқ ҳар хил турдаги уникал сопол буюмлар, плиткали сопол буюмлар ишлаб чиқармоқда. 60 дан ортиқ иш ўрни ташкил этилган. Ушбу корхонада ишлаб чиқариш маҳсулотларни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларига, Европа давлатларида хусусан, Германияга экспорт қилиш йўлга қўйилган. Тадбиркорлар 2018 йилда Россиянинг қrim ўлкасида ташкмил этилган “Оловли гуллар” VIII фестивалда ўз маҳсулотлари билан иштирок этган³⁰⁹.

³⁰⁸ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2019 йил I ярим йиллик фаолияти юзасидан хисоботи. <https://chamber.uz/uzk/news/4789>

³⁰⁹ Марозиков А. Риштон кулочилик мактаби// Ўтмишга назар. 2019. №16. –Б. 76.

Умуман, тарихан аждодоларимиздан мерос бўлиб қолган ҳунармандчиликни жойларда ривожлантириш ва шу асосида кўпгина салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, “Уй меҳнати” тўғрисидаги Низомнинг қабул қилинганини янада аҳамиятли бўлди. Унга мувофиқ касаначилик бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бормоқда. Айни вақтда касаначилик фуқароларни, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобиляти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилиш учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда³¹⁰.

Умуман, республикада оилавий тадбиркорликнинг муҳим тури касаначиликнинг йўлга қўйилиши натижасида қўйидагилар муҳим аҳамият касб этди:

- 1) Касаначи оилалар бюджети даромадларини оширишдек муҳим муаммони ҳал этади;
- 2) Иш билан банд бўлган аҳоли сонини қисқартириб, унинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради;
- 3) Касаначи фаолияти даври (агар у якка тартибдаги касаначи бўлса ҳам), иш стажи ҳисобланиб, пенсия, ижтимоий суғурта бўйича нафақа олиш ҳукуқи билан таъминланади;
- 4) Касаначи ўз уйида худди оилавий пурратдек вақтдан унумли фойдаланадиган бўлди;
- 5) Касаначи (айниқса, хотин-қизлар) уйда ҳам ишлаб чиқариш билан шугулланиши билан бирга, фарзандлари тарбияси билан машғул бўлиш имконига эга бўлади³¹¹.

Айниқса бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони³¹² аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш борасида катта имкониятлар эшигини очди. Касаначилик меҳнати турлари қаторига замон талабларига мос – қайта ишлаш ва электрон саноати, телекоммуникация, сервис ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқлари юмушлари ҳам кириб келмоқда.

Бунда оилавий тадбиркорларнинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Дарҳақиқат, тадбиркорнинг қонунларда назарда тутилган, яъни солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиши натижалари бўйича давлат солиқ

³¹⁰ Назарова X, Мамадалиева М. Аҳоли бандлиги ва фарновонлигини ошириш-инкиrozга қарши чоралар дастурида белгиланган асосий вазифалардан бири сифатида.// Республика илмий назарий конференцияси материллари. Тошкент., 2009. -Б 25.

³¹¹ Касаначилик кони фойда. // Жамият газетаси, 2007 йил 24 август.

³¹²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. -Тошкент., 2006 №1-сон.

хизмати органининг қарорини олган кундан эътиборан 30 кун ичидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан, пеняларни тўлиқ тўласа, жавобгарлиқдан озод қилиниши белгилаб қўйилган³¹³.

2000-йиллар бошига келиб оиласи тадбиркорлик соҳасида сезиларли сифат ўзгаришларга ҳам эришилганлигини қўйидаги рақамлар ҳам исботлайди. Масалан, 2001 йилга келиб республикада 180 мингдан ортиқ кичик оиласи бизнес субъектлари ва 200 мингдан ортиқ шахсий иш юритувчи тадбиркорлар фаолият юритган бўлса³¹⁴, 2008 йилга келиб уларнинг умумий ишлаб чиқаришдаги кўрсаткичи 48,2 % ни, 2009 йилда 50,1 %ни, 2010 йилда 52,5 %ни, 2011 йилда эса 54 % ни ташкил этди ёки 2000 йилга нисбатан 23 %га ўстган³¹⁵.

Кичик бизнес субъектларининг фаолияти оиласи бизнес субъектлари билан бирга таҳлил қилинса, 2010-2016 йиллар давомида тадбиркорлик соҳасида республика бўйича ташкил этилган иш ўринлари сони 3,9 %га ортган. 2017 йилда эса дастурга мувофиқ саноатни (5440 та лойиҳа 131 мингта иш ўрни билан), қишлоқ хўжалигини (8430 лойиҳада 55,8 мингта иш ўрни билан) ва хизмат кўрсатишни (11 мингта лойиҳа 69,5 мингта иш ўрни билан) ривожлантириш бўйича вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаолияти қучайтирилди. 25 минга яқин инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига, 256, 4 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этишга эришилиши кўзланган³¹⁶.

Аммо бундай тадбиркорлик субъектларининг фаолият олиб боришини янада эркинлаштириш, кўллаб-куватлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай, соҳада талай камчилик ва муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда. Хусусан, Ҳ. Абулқосимов, А. Қулматов ларнинг қайд қилишларича, ўтган тарихий даврда хусусий секторда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар иш олиб бориш жараёнида қўйидаги муаммо ва камчиликларга дуч келганлар. Яъни,

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлиги борасида муаммоларнинг мавжудлиги;

Нақд пулни узлуксиз олиш имконияти чеклангани;

Кичик бизнес субъектларининг экспорт-импорт операцияларини амалга оширишларидағи муаммолар;

Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий ва ўзини-ўзи тутатишдаги камчиликлар шулар жумласидандир³¹⁷.

³¹³ Сафаев А. Тадбиркорлар ҳуқуки ҳимояланмоқда. // Ҳуқуқ ва бурч. №01(121)2016. -Б 6.

³¹⁴ Голованов А. Мустақил иқтисодий сиёsat стратегияси. // Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. -Тошкент., 2001. -Б 96.

³¹⁵ Толипов Ф. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиш тарихининг айrim жihatлари хусусида. // “Ўтмишга назар”. -Тошкент., 2019. №12 сон. -Б 78.

³¹⁶ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манбаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури. -Тошкент., 2017. -Б 167.

³¹⁷ Абулқосимов Ҳ, Қулматов А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оиласи тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. -Тошкент., 2014.

Шу ўринда оилавий тадбиркорлик, касаначиликда аёллар иштирокига тўхталиш муҳим. Чунки оилавий тадбиркорликда аёллар ўрнининг муҳимлиги биринчидан, аёлларнинг бир қисми чекка қишлоқларда ишсизлик муаммосига дуч келсалар, иккинчидан аёлларнинг катта қисми ўз уйда уй хунармандчилиги ва касаначилик билан шуғилланишни маъкул кўрадилар. Тарихий рақамларга кўра, 2020 йилга келиб мамлакатда тадбиркор аёллар сони олдинги даврларга нисбатан 45 минг нафарга кўпайганини қайд этиш мумкин³¹⁸.

Аммо ҳамон республикада аёлларни тадбиркорлик, умуман ижтимоий фойдали меҳнатга, ишлаб чиқаришга жалб қилиш борасида муаммолар етарлича. Бу борадаги муаммоларни ҳал қилиш борасида республикамиз олимлари томонидан амалга оширилган қатор илмий тадқиқотлар мавжуд. Мазкур тадқиқотларда муаллифлар аёлларнинг ижтимоий иқтисодий муаммоларига, гендер муаммоларига оид масалалар билан биргаликда, аёлларнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларига жалб қилинишидаги масалаларини таҳлил қилиб, тегишли таклифларни ҳам бериб ўтганлар³¹⁹.

Юқорида қайд этилганидек, қишлоқ жойларида аёллар ҳаётида ишсизлик муаммоси мавжуд. Масалан, 2000 йиллар ўрталарида республикада умумий аҳолига нисбатан ишсизларнинг 18,2 мингини аёллар ташкил этган, уларнинг 43,3 %и 18-30 ёшдагилар, 39,2 %и 30-50 ёшдагилар, 11,7 %и 16-18 ёшдагилар, 5,7 %и эса пенсия олди ёши ва ундан каттароқ ёшдагилар. Расмий ишсизлар деб рўйхатдан ўтган эркаклар сони 14,0 минг кишини ташкил этган. Уларнинг 40,5 %и 18-30 ёшдагилар, 36,7 %и 30-50 ёшдагилар, 11,7 %и 16-18 ёшдагилар, 11,1 %и пенсия олди ёши ва ундан катта ёшдагилар ташкил этган³²⁰.

Н.Рахимованинг тадқиқотларига асосан, 18 ёшдан 55 ёшгacha бўлган аёллар ўртасида оилавий тадбиркорлик билан шуғилланиш истагини билдирган респондентлар умумий аёллар салмоғининг жами 45, 4 % ни ташкил қилган. Муаллифнинг ёзишича, уларни келажакда ўз касбий карьерасини ошириш учалик қизиқтирмайди, яъни уларни кўпроқ тадбиркорлик асосида иқтисодий манфаатдорлик қизиқтиради. Бу ҳақда

³¹⁸ Абдураҳмонов Қ. Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳалқаро мажбуриятларига содик қолади. // Янги Ўзбекистон. 2021 йил, 24 феврал, №39-сон.

³¹⁹ Алимова Д.Женский вопрос в Средней Азии: история изучения и современные проблемы. – Тошкент.: Фан, 1991.С.132; Рахимова Н. Конкурентоспособность женской рабочей силы // Бозор, пул, кредит .-2002 2.-С.84., Немировская О . Экономическое поведение сельских женщин: ориентации, установки , действия .-Ташкент. 2001.-С.2. Баумгертнер В. Ўзбек бизнесида “аёл киёфаси” // Ижтимоий фикр .-1998.-1.-Б.106-113. Убайдуллаева Р.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиш шароитида аёллар ва меҳнат // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар .-Тошкент, 1999.-Б.24-25., Муртазина Р.Б. Основные направления углубления экономических реформ в сфере занятости и социальной защиты населения // Ўзбекистон галабалари ва гуллаб –яшнаш йўлида .-Тошкент.:Ижтимоий фикр ,2000.-Б.194-201., Ганиева Г. Женский вопрос и проблемы женщин в Узбекистане (1991-2005) // Атореферат диссертации канд. ист. наук. -Ташкент., 2006. -С 14-15.; Жўраева Н.Д. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий, маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни. Автореф.т.ф.н.-Т., 2004.Б.32.;

³²⁰ Ата-Мирзаев О, Убайдуллаева Р ва бошқалар. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон аҳолисининг бандлиги// Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. Тошкент, 2006 йил. -Б 33. Яна қаранг: Ганиева Г. Женский вопрос и проблемы женщин в Узбекистане (1991-2005) // Атореферат на сосикание ученой степени кандидата исторических наук. -Ташкент., 2006. -С 14-15.

сўралаганда, 47,9 % аёллар, хусусан ҳар икки респодентдан биттаси айнан шундай жавобни берган. Истиқболда ўз касбий малакаси, лавозими ва даражасини ошириш қўпроқ шаҳар аёлларини қизиқтиради, бу 52,1 %), қишлоқ аёлларида бундай тушунча кам, 44,2 %, бу кўрсаткич 20-24 ёшли аёллар орасида 57,9 % ни, 24-29 ёшли аёллар орасида 59,7 % бўлиб, турмушга чиқмаган аёллар орасида бу кўрсаткич 60,9% ни ташкил қилади. Айнан шундай тушунча соғлиқни саклаш ходималари орасида 60,0%, бошқарув аппарати ходималари орасида 70,6 %, тадбиркор аёллар орасида 60, % дир³²¹.

Бу шундан далолат берадики, сўралган аёлларнинг аксарияти 68,2 % оиласвий тадбиркорлик орқали иқтисодий мустақил бўлишни истайдилар³²². Буни биз олиб борган тадқиқотлар ҳам исботлайди. Яъни, ўзларининг муайян касбига эга бўлсада, қўшимча равишда тадбиркорлик билан шуғилланишни ҳоҳловчилар сўров ўтказилган аёлларнинг салкам 70 % ни ташкил этди, 21 % аёллар олди-сотди билан шуғилланишни ҳоҳлашса, 9 % аёллар кўпроқ уйда фарзанд тарбияси билан шуғилланган маъқулроқ, деб ҳисоблайдилар³²³. Ваҳоланки, умумий аҳолига нисбатан аҳолининг иқтисодий фаол қатлами сифатида кўрсаткич 3 977,0 аёллар, 5 041,4 ни эса эркаклар ташкил қилган³²⁴.

Албатта кейинги йилларда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг иш шароитларини яхшилаш, қулай бўлган меҳнат турлари, яъни касаначиликни ривожлантириш борасида маълум даражада тажриба тўпланди. Бундан ташқари хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш юзасидан Республика хотин-қизлар қўмитаси, Республика “Тадбиркор аёл” уюшмаси билан ҳамкорликда иш олиб борилиши натижасида 2000 йилга келиб тадбиркор аёллар сони 20 мингдан ортган³²⁵. Аёлларни тадбиркорликка жалб қилиш борасида ушбу кўрсаткич 2005 йилда 49,8% дан, 2008 йилга келиб 67,7 % га ўсган. Аммо “Ижтимоий фикр жамоатчилик” маркази маълумотларига кўра, шу йилларда 57, 4 % аёллар доимий иш жойига эга бўлмаган, шунинг учун уларни уй меҳнатига жалб қилиш муҳим, дея ҳисобланган³²⁶.

Уларда тадбиркорлик ва бизнесга оид билимларини шакллантириш мақсадида 2010 йилгача 18 минг нафардан зиёд хотин-қизга бизнес юритиш асослари ўргатилиб, аввал ишсиз бўлган 12 минг нафар хотин-қизнинг касб-хунар эгаллашига кўмак берилган³²⁷.

³²¹ Рахимова Н. Повышение экономической активности женщин на рынке труда Узбекистана. // Автореферат на соискание ученой степени доктора экономических наук. -Ташкент., 2007. -С 26.

³²² Ўша манба. -Б 26.

³²³ Маълумотлар муаллиф томонидан Тошкент вилояти тадбиркор аёллари берган маълумотлар асосида тўпланди.

³²⁴ Ганиева Г. Женский вопрос и проблемы женщин в Узбекистане (1991-2005) // Атореферат на соискание ученой степени кандидата исторических наук. -Ташкент., 2006. -С 14.

³²⁵ Ғуломова Д. М Ўзбекистон хотин- қизлари мустақиллик йилларида. // Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари. (Даврий тўплам). Масъул муҳаррир Д.Алимова. -Ташкент., “Шарқ”.2000. -Б 143.

³²⁶ Ўз Р МА. М-170 фонд, рўйхат-1, йигма жилд-63, 37-38 вараклар

³²⁷ Шамсиева М. Х. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни (1991-2010 йй). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. -Ташкент., 2019. -Б 17.

Тадқиқотда республика “Тадбиркор аёл” уюшмаси ва унинг худудий бўлимлари томонидан аёлларни иш билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ўрганилди. Бу борада жумладан, 2000 йилда Андижон вилояти бўлимида 1000 нафар аёл касблари бўйича қайта тайёргарликдан ўтказилиб, 3000 аёл ишга жойлаштирилган ва 50 киши ўзларининг тадбиркорлик фаолиятини бошлаганлар. Бухоро вилояти бўлимида 222 ишчи ўрни яратилиб, 120 нафар аёл иш билан таъминланган, 90 та аёлнинг мустақил иш фаолияти билан банд бўлишига кўмаклашилди. Қашқадарё вилояти бўлимида 1500 аёлга ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини бошлашларига кўмак берилди, 500 нафар аёл эса касбга қайта тайёргарликдан ўтиб ва малакаларини оширганлар. Хоразм вилояти бўлимида 240 ишчи ўрин ташкил этилди ва 150 нафар аёл ишга жойлаштирилган, 300 аёл қасбга қайта тайёрланган³².

Умуман, 1991-2009 йилларда республикада тадбиркор аёллар 120 мингдан ортиқ кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини бошқарганлар³²⁸. Бу шубҳасиз, республика ички бозорини маҳсулотлар билан тўлдириш, шу билан бирга аёлларга янги иш ўринларини яратиш борасида талай ижобий ишлар амалга ошириб келинганлигини кўрсатди.

Сўнгги йилларда оилавий тадбиркорларга ўз оилавий бизнеси, касаначилик ва ҳунармандчilikни ривожлантириш борасида қўшимча ваколатлар берилди. Республикада оилавий бизнес, хусусан, унинг асосий йўналиши бўлган қишлоқ хўжалиги тармоғи жадал ривожланиши учун имкониятлар юзага келди. Бу 2016 йилда республикамизда 4,5 миллиондан ортиқ оиланинг ўз қишлоқ хўжалиги томорқасига эга эканлиги, уларнинг ихтиёрида 412 минг гектардан зиёд ер майдони мавжудлиги ҳам фикримиз тасдиғидир. Мустақиллик йиллари тарихида томорқа ва дехқон хўжаликларида етириштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдори тобора ошиб борган. Бунда қишлоқ маҳаллалари томонидан томорқадан самарали фойдаланиш юзасидан кўрилаётган амалий чоратадбирлар муҳим омил бўляпти³²⁹. Бугунги кунда айниқса жойларда ҳар бир оиланинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-куватлаш, “**Ҳар бир оила тадбиркор**” тамоилини амалга оширишга, хусусий мулк манфаатларини ривожлантиришга туртки берди. Бу шубҳасиз, ушбу соҳада меҳнат қилувчилар салмоғини ошишига эътибор қаратилаётгани боис, бу

³² Асминкин Я. П.ва бошқалар. Ўзбекистон аёллар нодавлат нотижорат ташкилотлари. Маълумотнома. "Очиқ Жамият" Институти - Кўмак Жамғармаси. – Ўзбекистон. – Тошкент., 2000. -Б 54-60-78-85-93-99.

³²⁸ Годовой обзор состояния экономики и основных направлений внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан за 2016 год.// Торговое представительство Российской Федерации в Республике Узбекистан. -Ташкент., 2017. -С 174-175.

³²⁹ Маҳалла- аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш институти.//Фуқаролик жамияти. 2016 йил. №3 (47).

соҳада иш билан банд бўлган аҳоли сони йил сайн ортиб бормоқда. 2007-2011 йилларда республика бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган, лекин лицензияга эга тадбиркорликда банд бўлганлар сони 140,8 минг кишидан 698,4 минг кишига ёки 4,96 марта қўпайган. Дехқон хўжаликларида иш билан банд бўлган аҳоли сони 1472,5 минг кишидан 1745 минг кишига ёки 18,5 % га ортган³³⁰.

Бу эса республикада амалга оширилаётган оқилона иқтисодий тизим туфайли бандликнинг касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик каби аҳолининг тадбиркорлик қобилияти ва бунёдкорлик меҳнати салоҳиятини намоён қилишга кўмаклашувчи самарали шакллари ривожланаётганлигини англаатмоқда. Бу шубҳасиз, оилавий тадбиркорлик асосида аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида соҳани фаол ривожлантиришга кўмак беради.

Масалан, 2006-2010 йилларда мамлакатимиз корхоналари билан фуқаролар ўртасида тузилган касаначилик ва ижара шартномалари асосида 674 мингта иш ўрни ташкил этилди. Бундан ташқари, аҳолининг иқтисодий фаоллиги ошиши, ўзини ўзи бандлигини таъминлаши учун қулай шартшароитлар яратилиши натижасида миллий хунармандлик ва оилавий тадбиркорлик соҳаларида 302,1 мингта иш ўрни очилди³³¹.

2011-2016 йиллар давомида **оилавий тадбиркорлик** орқали Республика бўйича ташкил этилган иш ўринлари сони 3,9 %га ортган. 2017 йилда эса дастурга мувофиқ саноатни (5440 та лойиҳада 131 мингта иш ўрни билан), қишлоқ хўжалигини (8430 лойиҳада 55,8 мингта иш ўрни билан) ва хизмат кўрсатишни (11 мингта лойиҳа 69,5 мингта иш ўрни билан) ривожлантириш бўйича вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаолияти кучайтирилди. Келажакда мамлакатда 25 минга яқин инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига, 256, 4 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этишга эришилиши белгиланди³³².

Мамлакатимиз ўзининг табиий ва иқтисодий шарт шароитларига қўра аграр-индустрисиал республика бўлгани боис, жойларда бандлик муаммосини ҳал этишда асосий эътибор қишлоқ хўжалиги соҳаларига эътиборни кучайтириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўналишда қишлоқ ҳудудларида аҳолини иш билан таъминлашнинг яна бир йўналиши бу, оилавий тадбиркорликнинг муҳим тармоғи шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларида қорамол, қўй, эчкилар боқишини кўпайтириш муҳим. Бу эса нафақат қишлоқ хўжалиги, балки ишлаб чиқариш имкониятларини ҳам кенгайтиради.

³³⁰Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. -Тошкент., 2011. -Б 95-97.

³³¹ Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. -Тошкент., 2011. -Б 100.

³³²2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манбаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. -Тошкент., 2017. -Б 167.

Аммо ҳанузгача айникса чекка ҳудудларда ёшларни оилавий тадбиркорликка жалб қилиш, яъни уларни иш билан таъминланмагани асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бунда уларни кредит мабалағлари билан ишлашга ўргатиш, уларда банклардан кредитларни осон ва қулай олиш механизмларини шакллантириш ҳам муҳимдир. Шу боисдан республикада молия, бандлик, касаба уюшмалари, банк ва бошқа мутасадди идоралар томонидан мамлакат бўйича аниқланган кредит олиш истагини билдирган кам таъминланган 5 минг 771 оиласга ёш оиласга 33,3 миллиард сўм миқдорида имтёзли кредитлар ажратилиши таминланган. Мамлакатимизнинг барча туманларида ўтказилган хатлов натижасида бўш турган 1 минг 832 бино ва иншоат аниқланиб, улардан мақсадли фоидаланиш бўйича ташаббускорлар ва банк кредитлари хисобидан 734 миллиард сўмлик 1 минг 485 лойиҳа ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда лойиҳалардан 415 таси бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиб, ҳокимлар томонидан тасдиқланган. Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 95,8 миллиард сўм бўлгани ҳолда 63,7 миллиард сўми ташаббускорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб олинган³³³. Республиkaning 28 та йирик шаҳарларида «Микробизнес ва оилавий тадбиркорликни бошлишга кўмаклашиш марказлари» ташкил этилган³³⁴.

Албатта шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда янги Ўзбекистонда бу борадаги натижаларда янада ижобий силжишлар қўзга ташлана бошлади. Хусусан, 2017 йилга келиб республикада оилавий тадбиркорликда хусусий хизмат кўрсатиш ва қурилиш соҳаларида иш билан банд бўлганлар сони ўсиб, 36 %дан 52 %га етган. Бандликни таъминлашга қаратилган худудий дастурларнинг амалга оширилиши, тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш натижасида 3,8 миллионта янги иш ўрни яратилган. Уларнинг 74 %идан зиёди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келади³³⁵.

Шу ўринда оилавий тадбиркорлик кички бизнес субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш хусусида тўхталиш ўринли бўлади. Унга мувофиқ “Тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ҳукумат қарорини келтириш мумкин. Мазкур ҳужжат ҳам юқоридаги маслалалар ижросини таъминлашга қаратилган бўлиб, унга биноан туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида “Ягона дарча” марказлари ташкил этилди. Улар 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсата

³³³Ўша жойда.

³³⁴Ўша жойда.

³³⁵ Махалла-хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази. -Тошкент., 2015.-Б 47.

бошладилар.³³⁶ Бу, шу жумладан оиласын тадбиркорлик фаолияти билан шуғилланаётган тадбиркорларга катта имкониятлар яратди.

Бунинг яққол исботи сифатида 2018 йил якунига келиб мамлакатда бизнесни юритиш ва инвестиция қўламларида “Ягона дарча” тизими фаолиятининг янада фаоллашуви туфайли кичик бизнес субъектларининг эркин фаолият юритиши бўйича сезиларли ўсиш тенденциялари намоён бўлди. Яъни, Ўзбекистон тадбиркорликнинг шаффоғлиги негизида халқаро талабларга жавоб берадигна мезонларга яқинлаша бошлади. Бу борада бизнес юритишнинг халқаро рейтингидаги анчагина ижобий ўзгаришларини келтиришимиз мумкин. Хусусан, Жаҳон банки “**Doing Business**” (DB) гуруҳининг йиллик ҳисоботларида ишбилармонлик мухитининг ривожланиши бўйича Ўзбекистонга тегишли рейтинг қўрсаткичлари сезиларли ўзгариб бормоқда. Масалан, “*Doing Business*” (DB) гуруҳининг 2010 йилдаги ҳисоботида (DB-2010) Ўзбекистон рейтинги 150-ўринда деб белгиланган бўлса, DB-2019 ҳисоботида жаҳоннинг 190 та мамлакатлари орасида Ўзбекистон рейтинги 76-ўринга тўғри келмоқда. Жаҳон банки “*Doing Business*” (DB) гуруҳининг тадқиқотларида Ўзбекистонда Ўзбекистонда фаолият қўрсатаётган “ягона дарча” марказларининг самарали фаолияти алоҳида қайд этилди. “*Doing Business*” (DB) гуруҳининг 2018 йилга тегишли ҳисоботларига кўра (DB-2018) корхоналарни рўйхатга олиш индикатори (11-ўрин) 14 поғонага кўтарилган³³⁷.

Айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳар бир оила-тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисидаги»ги ПҚ-3777-сонли қарорига асосан мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида, энг аввало олис ва табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлашга қаратилган маҳсус дастур амалга оширилмоқда.

2019 йилдан бошлаб аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш орқали янги иш ўринлари яратиш, бандликни таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларга амалий ёрдам қўрсатиш мақсадида тизим изчили давом этирилди. Унда кўзда тутилган вазифаларни молиявий таъминлаш мақсадида 7,2 триллион сўм йўналтирилди. Биргина Андижон вилоятининг ўзида 21 543 нафар фуқарога банклар томонидан 358 миллиард 350 миллион сўм имтиёзли кредит берилиши натижасида шунча хонадон барқарор даромад манбаига эга бўлди³³⁸.

³³⁶ Давкараев Б. Хусусий тадбиркорлик- иқтисодий тараққиётнинг мухим таянчи. // Ҳуқуқ ва бурч. №01(121)2016. -Б 18-19.

³³⁷ Арипов. О. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ишбилармонлик мухитини яратиш.// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2019 йил. -Б 4. 2/2019 (№ 00040) www.iqtisodiyot.uz

³³⁸ Арипов. О. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ишбилармонлик мухитини яратиш.// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2019 йил. -Б 4. 2/2019 (№ 00040) www.iqtisodiyot.uz

Бандлик муаммосини ҳал қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилиб, биргина 2019 йилда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга ажратилган 100 миллиард сўмдан жорий йил 6 ойида 41 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилиб, 1755 та лойиҳа амалга оширилган ва 2240 та янги иш ўрни яратилганлиги³³⁹ эътиборга моликдир.

Хусусан, қишлоқ хўжалигида хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга ажратилган 100 миллиард сўмдан 2019 йилнинг 6 ойида 41 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилиб, 1755 та лойиҳа амалга оширилди ва 2240 та иш ўрни яратилган³⁴⁰. Бу ўз ўрнида иқтисодий фаол аҳолининг 27 %и банд бўлган аграр соҳа ва озиқ-овқат саноатининг барқарор ривожланиши маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламининг кенгайишига имкон берди. Бунда, аввало, фермерлар манфаатдорлиги ва даромадларини оширишга қаратилган механизмларнинг жорий этилиши муҳим омил бўлди. Натижада бугун истеъмол маҳсулотларининг 70 %и аграр соҳа ва озиқ-овқат саноати тармоғида яратилди. Асосий эътибор экспортбоп мева-сабзавот, озиқ-овқат, ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга, кичик ишлаб чиқариш шаҳобчаларини ташкил этиш ва сервис хизматлари кўрсатишга қаратилган бўлиб, 180 дан зиёд турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 80 та мамлакатга экспорт қилинмоқда. 2020 йилгacha 94 та туманда 76 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилган. 15 минг гектар интенсив боғ ва 11 минг гектар токзор барпо қилинган³⁴¹.

2019 йилнинг 13 августида тадбиркорларнинг муаммоларини қонуний ҳал қилиш, соҳада самарали тизими яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида” ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулқдорлар хукуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташабbusларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида” ги Фармони³⁴² қабул қилинди.

Фармонга кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳар ҳокимликларига қўйидагиларни амалга ошириш таъқиқланди:

³³⁹ Каримов Т. Таракқиёт пойдевори://XXI ASR. 2019 йил 22 август, 33 (823)-сон.

³⁴⁰ Ўша жойда.

³⁴¹ Хайтов А. Натижадорлик ва хисобдорлик муҳим мезонга айланди:// XXI ASR. 2019 йил 22 август, 33 (823)-сон.

³⁴² Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида” ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. -Тошкент., 2019. Яна қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулқдорлар хукуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташабbusларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора- тадбирлар, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида” ги фармони. // Халқ сўзи, 2014. 14 август.

-тадбиркорларни ўз фаолиятидан ташқари, шу жумладан, хомийлик ва хайрия ёрдами кўрсатиш, худудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига жалб қилиш;

- тадбиркорларни қишлоқ хўжалигидаги мавсумий ишларга (экин экиш ва йиғиб олиш) ва меҳнат ресурслари, пул ва бошқа моддий бойликларни йўналтириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

-тадбиркорлар иштирокида мажбурий тартибда, шу жумладан, уларга нисбатан маъмурий ва бошқа чораларни кўллаш таҳдида остида ортиқча йиғилишлар ва тадбирларни ўtkазиш³⁴³.

Энг муҳими янги қонун ва Фармонга мувофиқ, 2020 йил 1 январидан эътиборан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйиш ва бир фермер хўжалигидан бошқасига ўтказиш ҳамда жисмоний вам юридик шахслар эгалигига бўлган, улар фойдаланадиган, уларнинг мулки бўлган ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ваколатлари маҳаллий халқ депутатлари кенгашларига бериладиган бўлди³⁴⁴. Айниқса **Республика Президентининг “Ўзини ўзи банд қилган аҳоли даромад солигидан озод этилади”**, деган даъвати бу йўлда оилавий тадбиркорлар, ҳатто оддий фуқароларга ҳам кенг имкониятлар яратди³⁴⁵.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида мамлакатда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятларнинг яратилиши ва ривожлантирилиши, биринчидан, бугунги кунда мамлакат ижтимоий иқисодий тараққиётини, кичик бизнес ва тадбиркорликни янада кенгайтириш имконини берди. Иккинчидан, оилавий тадбиркорлик ва унинг ёрдамчи соҳаси ҳисобланган касаначиликнинг шаклланиши ва тараққий топиши жойларда ишсизлик муаммосини ҳал қилиб, аҳоли бандлигини таъминлашга ёрдам бераётганлиги билан изоҳланди.

Асосийси мустақиллик йиллари тарихида ушбу соҳанинг яна қайтадан тикланиши мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, бандликни таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастури изчил давом эттирилгани ҳамда кўзда тутилган вазифаларни молиявий таъминлаш мақсадида давлатнинг маълум миқдордаги маблағлари йўналтирилгани муҳим ўзгаришлардан бири эканлигини тасдиқлади.

Олиб борилган тадқиқотларимиз натижалари ҳамда ўрганишларга асосан, бизнингча, оилавий тадбиркорликда тараққиётга эришиш учун энг аввало қўйидаги масалаларга алоҳида этибор бериш лозим:

-оилавий кичик бизнес субъектларининг техник ва технологик имкониятларини ошириш. Оилавий кичик бизнес корхоналарининг халқаро алоқаларини ривожлантириш;

³⁴³ Ўша фармон.

³⁴⁴ Ер участкалари қай тартибда хусусийлаштирилади. // Хукуқ. 2019 йил 22 август №34- сон.

³⁴⁵ Ўзини ўзи банд қилган аҳоли даромад солигидан озод этилади. (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 19 май куни тадбиркорликни кўллаб-қувватлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар бўйича видеоселетор йиғилиши ўтказилди. // Халқ сўзи. 2020 йил 20 май. №105.

-касаначилик тўғрисдаги қонунни ишлаб чиқиш чора тадбирларини кўриш;

-корхоналарда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш, қишлоқ жойларда ташкил этиладиган оилавий корхоналар учун лизинг ва қўшимча молиявий имтиёзлар яратиш кабилар.

Умуман, Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожининг 2000 йиллардан кейинги тарихий даврида соҳани янада кенг ривожлантириш учун қулагай ишбилармонлик муҳитини яратиш, қишлоқ хўжалиги, оилавий тадбиркорлик, касаначилик турларини ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини тараққий эттириш янги босқичга кирганлигини тасдиқлади. Мазкур боб юзасидан умумий хулосалар қуидагиларда ўз аксини топди:

- тадқиқот даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик маълум тарихий анъаналар негизида қайта тикланиб, барқарор тараққиёт босқичига кирганлигини тасдиқлади. Унинг қўмагида мамлакат келажакда тараққиётнинг юқори босқичига чиқиш учун кичик бизнес эгаларининг давлат жойларини ижарага олишда, коммунал ва бошқа тўловларни тўлашдаги манфаатларининг кўпчилик ҳолларда камситилишига йўл қўймаслик чораларини кучайтириш, шартнома тузишдаги ва уни бажаришдаги ҳукукий механизмни кучайтириш зарурати пайдо бўлганлигини кўрсатди;

- тадқиқотларга кўра, бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг рвожланиши иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёнида рақобат янада кучайишига туртки беради. Бундай шароитда айнан кичик бизнес йирик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан қапитал маблағ сарфини кам талаб қилиши, ихчамлиги билан бир қаторда, бозор конъюктурасининг ўзгарувчан талабларига ҳамда вақт-вақти билан бўлиб турадиган иқтисодий инқизозларга тезроқ мослаша олиши, ишлаб чиқариш қувватларини жадал модернизация қилиш имкониятларини яратади олиш имконияти мавжудлигини тасдиқлади;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш масалалари кенг ўрин олганлиги истиқболда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада тараққий эттириш вазифасини муҳим эканлигини кўрсатди.

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқда оилавий тадбиркорлик борасида мустаҳкам норматив-ҳуқуқий асос ва уларнинг ривожланишига қўмак берувчи қонуний механизм яратилиши республикамиз шарт шароитларига мос келувчи оилавий тадбиркорликнинг Ўзбекистонга хос тизим шаклланишига қўмаклашганлигини тасдиқлади;

-қишлоқ хўжалигида “Агробанк” АТБ ва унинг бўлимлари қўмагида “Агрокластер” лар тизимини кенгайтириш, соҳада илмий тадқиқот ва илмий ишланмаларни молиялаштириш ҳажмини кўпайтириш, уларнинг инвестициявий ташқи лойиҳаларда иштирок этиши, илмий-педагог кадрлар

тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги имкониятларини яратиш зарурлиги билан белгиланди;

- оиласвий тадбиркорлик билан шуғилланувчи жисмоний шахслар, умуман ўзини-ўзи банд қилган аҳоли қатламлари учун қатор солиқ имтиёзлари жорий қилингани, яъни, оиласвий тадбиркорларга кредит ва ер ажратиш ва бошқа масалалар билан боғлиқ масалалар ечими борасида қатор имтиёзлар берилганлиги соҳа тараққиётининг асоси эканлиги билан изохланди;

- ҳозирги короновирус пандемияси ва карантин даврида якка тартибдаги тадбиркорларнинг реал даромад ва имкониятларидан келиб чиқиб, кредит тўловларига имтиёзли давр бериш ҳамда якуний тўловлар муддатларини берилган имтиёзли даврга мос равишда узайтириш ҷоаларини кўриш лозимлигини тасдиқлади.

III Боб. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожида банк-кредит соҳаси ва солиқ тизимининг ўрни

III.1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини молиялаштириш-иқтисодий тараққиёт асоси

Республикада мустақил банк тизими фаолиятини шакллантириш, банк тизимида соғлом рақобат муҳитини юзага келтириш ва уни фаоллаштиришнинг қонуний тизимини яратиш йўлидаги муҳим қадамлар қўйилиши мамлакатда тадбиркорлик ва хусусий бизнес учун қулай муҳит яратди. Бу борада мустақил банк тизимини яратиш бўйича муҳим норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банкларининг ривожланишига ёрдам беришга қаратилган чора дабирлар кўрилди.

Агар дунёning илғор, ривожланган давлатлари тарихий тажрибасига эътибор қаратилса, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларини молиялаштириш давлат иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Масалан, кичик бизнес ҳақидаги тадқиқотларда ушбу соҳани молиялаштиришнинг бир неча манбалари, хусусан, алоҳида жисмоний шахслардан қарз олиш, тижорат банклари кредитлари, қарзларни кафолатлаш маҳсус дастурларидан фойдаланиш, лизинг, давлат ва хусусий грант дастурларидан ёки стратегик ҳамкорлар ёрдамидан фойдаланиш кабилар қайд этилган³⁴⁶.

Бу борада кичик бизнес соҳаси энг юқори даражада ривожланган мамлакатлардан бири бўлган Япония ушбу масалада илғор тажрибага эга эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу мамлакатда жами корхоналарнинг 99,7 %и банк кредитлари асосида жами банд аҳолининг 70 %и, жами ишлаб чиқарилган қўшимча қийматли маҳсулотларнинг 50 %дан ортиғи кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади³⁴⁷.

Кичик бизнес корхоналари молиявий ҳолатини ўрганиш тарихига эътибор қаратилса, Н. Ольве, Ж. Рой, М Ветерларнинг ёзишича, америкалик олимлар Р.Каплан ва Д.Нортон томонидан “Мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар тизими” (Balanced Score Card-BSC) алоҳида ўрин эгаллаб, бу тизим кичик бизнес ва тадбиркорликнинг самарадорлигини ифодаловчи бир қатор кўрсаткичларни молиявий ўлчаш ва баҳолашга йўналтирилганлигини кўриш мумкин³⁴⁸.

Шу боисдан, мамлакатимизда мустақилликнинг ilk даврларидан бошлаб ушбу соҳани ривожлантириш дастурлари доирасида тадбиркорлар манфаатларини қўллаб қувватлаш учун республика “Ўзжамғармабанки” га

³⁴⁶ Entrepreneurship : successfully launching new ventures / Bruce R. Barringer, R. Duane Ireland.—4th ed. USA, pearson, 2012. P 336-342.

³⁴⁷ Japan’s Policy on Small and Medium Enterprises (SMEs) and Micro Enterprises / Small and Medium Enterprise Agency of Japan and Ministry of Economy, Trade and Industry of Japan. September 2013 // www.chusho.meti.go.jp.

³⁴⁸ Ольве Н.Г., Рой Ж., Ветер М. «Оценка эффективности деятельности компаний. Практическое руководство по использованию сбалансированной системы показателей». –Москва.: Вильямс, 2004.С-37

кредит-молия муассасаси мақоми ҳамда кредит ресурсларидан тадбиркорлар, жисмоний ва юридик шахсларга кредит ресурсларини банклараро пул бозорида ким ошди савдоси орқали сотиш ҳуқуқи берилди. Ушбу банкнинг республиканинг 187 туман ва шаҳрида бўлимлари очилган. 1994 йили ва 1995 йилнинг олти ойида банк томонидан кичик ва ижара корхоналарига, шунингдек ширкатларига ва тадбиркорларга жами 1.223.3 миллион сўм миқдорда кредитлар берилган³⁴⁹.

Айниқса республикада ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банклари – “Агробанк”, “Фаллабанк”, “Мевасабзавотбанк”, “Тадбиркорбанк” (2016 йилдан “Микрокредит банк” га айлантирилган), “Савдогар” ва бошқа банклар тузилди. Бу банклар тадбиркорлик фаолиятига хизмат қилиб, кичик бизнесни ривожлантириш, истеъмол бозорини зарур товарлар билан бойитиш манфаатларини кўзлаб инвестициялар учун маблағ бериб келди³⁵⁰.

Яъни давлат томонидан тадбиркорлик субъектлари учун кредитнинг қуидаги турлари тақдим қилинди:

- тижорат кредити- ишлаб чиқаришда ва савдода фаолият юритаётган тадбиркорлар ўзаро бир-бирларига, сотилган товарни ўтказиш кўринишида фойдаланиш учун;
- банк кредити- хўжалик юритувчи субъектларга молия-кредит муасссалари томонидан бериладиган ссуда кўринишидаги кредитлар;
- истеъмол кредити- аҳолига тижорат кредити (товарларини ҳақини тўлаш муддатини узайтириш орқали сотиш) ёки банк кредити (истеъмол мақсадлари учун ссуда бериш) шаклидаги кредитлар;
- ипотека кредити- узок муддатли ссуда кўчмас мулкни (ер, бино, иншоотлар) ни гаровга қўйиш шарти билан бериладиган кредитлар;
- хўжаликлараро пул кредити- хўжалик юритувчи субъектларнинг бир-бирларига акция, облигация, кредит билетлари ва бошқа турдаги қимматли қофозлар чиқариш йўли билан амалга ошириладиган кредит;
- халқаро кредит- халқаро иқтисодий алоқалар доирасида пул (валюта) ёки товар кўринишидаги кредит тарзида амалга ошириладиган кредитлар³⁵¹.

Банклар томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига маблағлар ажратиш, айниқса тадбиркорларнинг ташаббусларини янада қўллаб қувватлаш, уларнинг мулк ҳуқуқи билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш борасида ажратилган кредитлар ҳажми ошиши баробарида тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этишни бошқариш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсати комплекс тарзда амалга оширилди. Ўзбекистоннинг яқин хориж давлатлари, айниқса МДҲ давлатлари билан савдо алоқалари кенгая бошлади.

Бу борада А. Акимовнинг ёзишича, ушбу давлатларнинг бир – бирлари билан алоқа қилиши, МДҲ мамлакатлари ва МДҲ га кирмаган давлатлар

³⁴⁹ Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси// Масъул муҳаррир Р.Х Муртазаева. (Олий ўқув юртларининг номутахассислик талабалари учун дарслик). -Тошкент., 2003. -Б 581.

³⁵⁰ Ўша жойда.

³⁵¹ Кодиров А. Иқтисодиёт назарияси. -Тошкент., 2009 йил. -Б 49-50.

билин иқтисодий алоқалари, очиқ бозорнинг мавжудлиги, замонавий жаҳон иқтисодига кириш учун дастлабки босқич ҳисобланади. Чунки Марказий Осиё Республикаларидаги ҳар қандай иқтисодий ислоҳотлар уларнинг халқаро иқтисодий алоқалардаги иштирокини белгилаган эди³⁵². Бу жараён минтақа давлатларида соҳани банклар томонидан микрокредитлаш тизимида ҳам яққол кўзга ташланади³⁵³.

Тарихий таҳлилларга кўра, республикада инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш масалалари кенг ўрин олганлиги истиқболда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада тараққий эттириш вазифасини кўйди. Бозор иқтисодиётининг муҳим тамойиллари ва талаблари асосида айниқса давлат аралашувисиз инвестициялардан ташқари кичик бизнес ва тадбиркорлик даромадини янги босқичга кўтарадиган яна бир долзарб вазифа, бу тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг сифатини ҳамда рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш мақсадида иқтисодиётда таркибий-тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш бўлди.

Масалан, республикада банк кредитлари, тадбиркорлар ва аҳолининг пул қўйилмалари ҳисобига бюджет томонидан молиялаштириладиган маблағлар 1994 йилда умумий капитал ҳажмида 1993 йилдагига қараганда 28 % дан 20 % га қисқарган³⁵⁴. Ушбу рақамларнинг ўзиёқ тадбиркорлик, кичик бизнес ривожи учун барча имкониятлардан самарали фойдаланишни тақоза қилганлигини тасдиқлади.

Кичик бизнесни ривожлантиришг учун чет эл инвесторларининг ва дунёдаги нуфузли банкларнинг, жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Германия тикланиш банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ва бошқа халқаро молия ташкилотларининг кредит ресурслари жалб этилди. Биргина 1999 йилнинг ўзида кичик бизнес корхоналарига Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Германия тикланиш банки, Осиё тараққиёт банкининг 200 млн АҚШ долларидан ортиқ кредит маблағлари жалб қилинган³⁵⁵ лиги фикримиз тасдиғидир.

Шунингдек, тадбиркорларга маслаҳатлар билан кўмаклашиш мақсадида “Немис техникавий кўмаклашув жамияти” Ўзбекистонда кичик бизнесни қўллаб-куvvатлаш марказини, Европа ҳамжамияти комиссияси эса Амалий алоқалар марказини очдилар. Марказий Осиёдаги “Америка тадбиркорлик фонди” ва “Марказий Осиёдаги Буюк Британия инвестиция фондиди” ўзбекистонлик тадбиркорларга зарур кўмак бердилар³⁵⁶. 2001 йилнинг ўзида “Ўзбекистон хусусийлаштириш банки” ва Германиянинг КФБ банки

³⁵² Akimov Alexandre. Central Asia as a region in the World Economy //Central Asia Conflict Resolution and Change. Published by Douglas Goudie US, editors Roald Z. Sagdeev and Susan Eisenhower. 1995. P.275- 293.

³⁵³ M. Onita. The Experience of Micro Credit in Kazakhstan, Uzbekistan and the Kyrgyz Republic // Central Asia 2010. Prospects for human development, Regional Bureau for Europe and the CIS, UNDP, 2010. P.130-140.

³⁵⁴ Махмудов Э. Инвестиция и подъём экспортного потенциала Республики Узбекистан. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. №9 -Б 18.

³⁵⁵ Усмонов Қ, Содиков М, Бурхонова С. Ўзбекистон тарихи. -Тошкент., 2016. -Б 388.

³⁵⁶ Обломуродов Н. Ҳазарраткулов А, Толипов Ф ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. -Тошкент., 2011. -Б 286-287.

ўртасидаги келишувга мувофиқ 3,7 млн маркага тенг маблағ ажратилиб, 6 та лойиҳа молиялаштирилган³⁵⁷.

Умуман, 2002 йил 1 январ ҳолатига қўра тижорат банклари томонидан “Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” 213,6 млн АҚШ доллари, “Асака” банк 52,0 мил АҚШ доллари, бошқа банклар эса 34, млн АҚШ долари миқдорида кредитлар ажратганлар³⁵⁸. Бу шубҳасиз, кичик бизнес субъектларини молиялаштириш соҳасида ислҳотларни амалга оширишни янада жадаллаштиришни кўзда тутди. Соҳага алоҳида эътибор натижасида қисқа вақт ичида тадбиркорликни молиялаштиришнинг норматив-хуқукий базаси ва молиялаштириш механизmlарини янада такомиллаштириш, моддий-техник салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган мақсадли комплекс чора-тадбирлар изчил равишда амалга оширилди. Бу борада мамлакатимиз тарихида бирмунча ютуқларга эришилди.

Жумладан, мамлакатимизда 2006 йилда ташкил этилган “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ҳажми 4 баробарга ошган ва бу мақсадларга 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган. Президент Фармони асосида “Микрокредитбанк” устав жамғармасини 72 миллиард сўмга ошириш ва унинг ҳажмини 150 миллиард сўмга етказиш ҳақида қабул қилинди³⁵⁹.

Олиб борилган илмий изланишлар, хорижий мутахассисларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, мамлакат иқтисодиёти йирик ҳажмдаги кредитлаш салоҳиятига эга ҳамда бунинг асосий улуши кичик бизнес субъектларига тўғри келган. Банклар томонидан кичик бизнес субъектларини ноанъанавий кредитлашда олий сифатли, тезкор, оддий, қулай ҳамда замонавий сервис каби тамойилларга таянилди.

Айниқса кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида 2012 йилнинг 9 ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига умумий қиймати 19,4 миллиард сўмлик 55 та давлат активи сотилган, қарийб 17,6 мингта фойдаланилмаётган давлат мулки обьекти ижарага берилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан қиймати 4,2 триллион сўмлик (ўсиш 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробар) кредитлар, жумладан, 857,2 миллиард сўмлик микрокредитлар (ўсиш 1,4 баробар) ажратилган. Кичик бизнес субъектларидан қилинадиган давлат харидлари ҳажми 229,1 миллиард сўмни ташкил қилган, 7 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти ўз товар ва хизматлари билан давлат харидлари тизимида иштирок этди³⁶⁰.

³⁵⁷ Ўз Р МА. М-37 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-6298, 279-варак

³⁵⁸ Ўз Р МА. М-37 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-7594, 3-варак

³⁵⁹ Эгамбердиев Ш. Жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти. // Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари. -Тошкент., 2019. -Б 63-64.

³⁶⁰ Инсон манфаати, хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.// Халқ сўзи/ 2012 йил 8 декабрь.

Бу борада ёшлар тадбиркорлигини қўллаб қувватлаш учун, “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан касб-хунар колледж битирувчиларига ўз бизнесини, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун микрокредит ажратишни йилдан-йилга ошириб борди. Масалан, 2010-2013 йилларда 11253 нафар колледж битирувчиларига 3 млрд 992 млн 5 00 минг сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди³⁶¹. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, тарихий таҳлил даврида, яъни 2013 йилда 2010 йилга нисбатан микрокредит олган колледж битирувчилари сони 4,1 баробарга, ажратилган микрокредитлар миқдори эса 6 баробарга ошган³⁶².

Аммо соҳада юзага келган муаммолар қаторида бандликни таъминлаш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш дастурлари тўлиқ бажарилмади. Шу билан бирга кичик бизнес субъекталарига ажратилаётган маблағларнинг чекланганлиги, тадбиркорлик субъектларига банклар томонидан маблағларнинг етарли даражада берилмаганлиги меҳнат ҳамда мавжуд ресурсларидан тўлиқ фойдаланмасликка олиб келганлигини қайд этиш лозим. Шу боисдан мустақилликнинг барқарор ривожланиш йилларида республикада бандликни таъминлашга қаратилган худудий дастурларнинг амалга оширилиши, оиласвий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш натижасида, фақат 2005-2011 йилларнинг ўзида иқтисодиётнинг барча тармокларида 3,8 миллионта янги иш ўрни яратилган. Уларнинг 74 %идан зиёди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келади. Қайд этиш жоизки, ҳозирги кунда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини ошириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун ҳар йили тижорат банклари томонидан 1 триллион сўмдан ортиқ миқдорда кредит маблағлари берилган³⁶³.

Яна тарихий рақамларга мурожаат қилинса, “Банк-тадбиркор”, “Тадбиркор-банк” тамойили асосида “Агробанк” АТБ ва “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан микрофирма, оиласвий тадбиркорликка, дехқон ва фермер хўжаликларига ажратилаётган микрокредитлар миқдори ҳам йилдан-йилга ўсиб борган. Масалан, 2009 йилда ажратилган микрокредитлар миқдори 90,8 миллиард сўмни ташкил этган бўлиб, у 2008 йилдагига қараганда 120 млрд сўмга кўп бўлган. Ундан ташқари аҳолининг реал даромадлари 26,5 % га ошган³⁶⁴. 2013 йилда бу қўрсаткич 2009 йилда ажратилган 90,8 миллиард сўмдан 245,8 млрд.га етган³⁶⁵. «Микрокредитбанк» томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилаётган

³⁶¹ Абулқосимов X, Қулматов А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оиласвий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. -Тошкент., 2014. -Б 94.

³⁶² Ўша жойда.

³⁶³ Ишқуватов В. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланиш тарихи. -Тошкент., 2020. 151-бе-Тошкент., Яна қаранг: Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва қўрсткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. -Тошкент., 2011. -Б 76-77.

³⁶⁴ Социально-экономическое развитие постсоветских стран: итоги двадцатилетия. (Коллектив авторов). -Москва.: ИЭ РАН., 2012. -С 344.

³⁶⁵ Абулқосимов X, Қулматов А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оиласвий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. -Тошкент., 2014.-Б 92.

микрокредитлар миқдори 2009 йилда 18,4 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу қўрсаткич 56,8 миллиард сўмни ташкил этди, яъни 2,2 баробарга яқин ошган³⁶⁶.

Айниқса аҳолининг қундалик турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган кўпгина масалалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали ҳал этилаётганлиги тадбиркорларнинг маҳалла билан ҳамкорлигига муҳим ўрин тутди. Улар аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш, тегишли худудда қонун хужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, тадбиркорлар қўмагига гузарлар барпо этиш, ночор оиласларнинг коммунал тўловларини тўлашга кўмаклашиш, кам таъминланган тўй тадбирларини ўтказишида моддий ёрдам қўрсатиш каби хайрли ишларга қўл урдилар.

Шу мақсадда аҳолини ва тадбиркорларнинг банкларга бўлган муносабатини билиш мақсадида 2018 йилнинг ўтган 9 ой якунлари бўйича ижтимоий сўровнома ўтказилди. Мазкур социологик сўров “Оилавий бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда банк тизимининг ўрни”, “Худудларда аҳоли ва ишбилармонлик муҳити вакилларининг банк тизимига бўлган ишончи ҳақида жамоатчилик фикри” мавзуида ўтказилди. Сўровларнинг иштирокчилари бу соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорлар, шу жумладан қишлоқ жойлари ва чекка ҳудудларнинг аҳолиси бўлган. Ўз фикрини билдираётган респондентларни танлашда оилавий тадбиркорлик субъектлари, дехқон ва фермер хўжаликлари, якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик корхона ҳамда микрофирмаларнинг қамраб олиниши таъминланди. Айни чоғда касб-хунар коллежлари ёш мутахассислари, тадбиркор аёлларга эътибор қаратилди.

Сўровларни ўтказиш жараёнида “Тижорат банкларининг фаолиятига Сизнинг муносабатиниз қандай” ?, - деган савол юзасидан сўровнома ўтказилди. Унга кўра, “Тадбиркорбанк”, “Халқ банки”, “Агробанк”, “Миллий банк”, “Микрокредитбанк”, “Ипотека-банк”, “Қишлоқ қурилиш банк”, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Асака” банки, “Савдогарбанк” лари ва уларнинг филиалларининг фаолияти ҳудудларда кўпроқ эътиборга моликлиги маълум бўлди³⁶⁷.

Агар банкларнинг молиявий имкониятлари ва тадбиркорлар билан ўзаро ҳамкорлиги таҳлил қилинса, тадқиқотчи О.Ариповнинг ёзишича, 1999 йилдаги сўровномаларга асосан респондентларнинг 54,2 % асосан “Тадбиркорбанк” билан алоқа боғлаган бўлса, 2003 йилдаги худди шундай сўровномада 38,1 % респондентлар иштирок этиб, асосан ушбу банк билан ўз алоқалари борлигини қайд қилишган. Агар 1999 йилда уларнинг 14,2 % мазкур банкнинг хизматларидан қониқмаганлигини тасдиқлаган бўлсалар, 2003 йилда бу қўрсаткич бир оз ошиб, 15,9 % ни ташкил этганлигини кўриш мумкин. “Мадад” суғурта компанияси билан алоқада бўлган кичик ва хусусий бизнес

³⁶⁶ Абулқосимов X, Қулматов А. Ўзбекистонда кичик бизнес... -Б 93.

³⁶⁷ Маълумотлар 2018 йилда Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё ва Жizzах вилоятларида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижаларига таянилди.

корхоналарининг аввалги сўровнома бўйича (улар 11,4 %) 8,5 % ушбу молиявий муассаса хизматидан қониқмаётганлигини билдиришган³⁶⁸.

Демак, тадқиқот натжаларига кўра, тадбиркорларнинг банклар билан ўзаро алоқаларида барча банкларни ҳам фаолиятини қўнгидагидек, деб айта олмасакда, айрим банклар фаолияти ва уларнинг молиявий ҳамкорлиги тадбиркорларга кўпроқ манфаат келтираётганлигини қайд қилиш ўринли бўлади. Буни юқорида қайд қилинган ижтимоий сўровномалар якунлари ҳам тасдиқлаб турипти.

Шу билан бирга, банкларнинг имтиёзли микромолиявий хизматлари кўпчилик респондентлар томонидан алоҳида таъкидланиб, ушбу хизмат турлари бизнес фаолиятини бошлаш учун катта имконият яратадигани алоҳида эътироф этилди. Банк тизими микрокредитлаш асосида тадбиркорликка ёшларни, хотин-қизларни кенг жалб этиш ва уларни иш билан таъминлаш борасида давлат сиёсатини фаол қўллаб-куватлаётганлиги ҳам сўровларда ўз аксини топди. Сўровда иштирок этганлар орасида кредит олиш учун банкка мурожаат этган тадбиркорлар 95,5 %ни ташкил қилди, бу ишбилармонларнинг банкларнинг кредитлаш фаолиятидан фойдаланишдаги фаоллиги тобора ортиб бораётганидан далолатдир³⁶⁹.

Бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг ривожланмаганлиги туфайли тадбиркорлар моддий-техника ресурслари, молиявий маблағлар, кредитлар олишда қийинчиликка учарар эдилар. Ушбу нохуш ҳолатлар иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш, тадбиркорлик ва иқтисодий фаолият эркинликларини кенгайтириш, хусусий мулқдорлар мавқеини янада кўтаришни тақозо этди. Олиб борилган кечиктириб бўлмас чора тадбирлар натижасида республикада банклар томонидан тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришнинг янги даврига ўтилди.

Бунда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхона ва тармоқлари инвестиция лойиҳаларини кредитлаш ҳажми 2011-2015 йилларда 2,8 баробар ўсади ва 12 миллиард доллардан ошди. 2011-2015 йилларда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳияларини, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари ва бошланғич капитални шакллантириш учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш, “Микрокредитбанк” тарафидан берилаётган имтиёзли кредитлашнинг кенгайишини молиялаштириш ҳажми 2,7 баробар ортди³⁷⁰.

Бу борада Ўзбекистон Марказий Банки томонидан 2011-2012 йилларда банк назорати бўйича «Базель қўумитаси»нинг янги тавсияларини, шунингдек, банқдан ташқари кредит ташкилотларининг фаолияти устидан назоратни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни босқичма-босқич жорий этиш

³⁶⁸ Арипов О. Кичик ва хусусий бизнесни давлат томонидан тартибга солиш муаммолари. // Иқтисод фанлари номз. диссертация автореферати. -Тошкент., 2006. -Б 16.

³⁶⁹ Маълумотлар 2019 йилда Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижаларига таянилди.

³⁷⁰ Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларида (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. -Тошкент., 2011. -Б 124.

кўзда тутилди. Бундан ташқари, тижорат банклари ва бутун молия-банк тизими фаолиятини баҳолаш учун молиявий институтлар фаолиятини баҳолаш ва таҳлил этишнинг етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланадиган мезон ва стандартларига асосланган янги тизим ишлаб чиқилди³⁷¹.

Хусусан, тикжорат банклари томонидан тадбиркорларнинг кредит олишлари билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилиш борасида кейинги йилларда анчагина енгиликлар юзага келди. Масалан, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида маҳсус ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-куватлаш жамғармасининг роли эса бу борада ошиб бормоқда. Жамғарма томонидан тадбиркорлик субъектларига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича хуқукий, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатилган. Ўзаро тузилган шартномалар асосида 2015 йили қиймати 840 миллион доллардан зиёд товарлар экспорт қилинган. Жамғарма кўмагида 2016 йилда тадбиркорлик субъектлари томонидан 1 миллиард 250 миллион доллар миқдоридаги экспорт шартномалари тузилган³⁷². Мазкур шартнома талабларини амалга ошириш мақсадида республикада комплекс чора тадбирлар кўрилган эди.

Унга мувофиқ, 2016 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини ошириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун ҳар йили тижорат банклари томонидан 1 триллион сўмдан ортиқ миқдорда кредит маблағлари берилган³⁷³. Банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-куватлаш мақсадида 2016 йилда 12,1 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, ушбу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 1,3 баробарга, ажратилган микрокредитлар эса 2,5 трлн. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ҳам 2015 йилга нисбатан 1,3 баробарга ўсган³⁷⁴.

Албатта, юқорида қайд қилинган мулоҳазалар асосида келгусида бажариладиган ишларни белгилаб олиш, яъни қандай чора тадбирлар амалга оширилганда тадбиркорларга зарур инвестицион мухит яратиш мумкин бўлиши хусусидаги вазифаларни аниқлаш лозимлигини уқдиши зарур бўлади. Бунинг учун амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар қаторида валюта сиёсатини либераллаштириш, миллий валюта сўмнинг эркин конвертацияланишини таъминлаш ҳамда унинг қадрсизланишини олдини олиш, тадбиркорлар учун, умуман фуқаролар учун банклардан кредитлар олишда имкониятларни янада кенгайтириш кабиларни келтириб ўтиш мумкин.

³⁷¹ Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. -Тошкент., 2011. -Б 125.

³⁷² Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги байрами муносабати билан “Мустақиллик дарслари” машғулотларини ўtkазиш бўйича ўқув қўлланма. -Тошкент., 2016. -Б 52.

³⁷³ Маҳалла-хусусий тадбиркорлик ва оиласий бизнесни ривожлантириш маркази. “Маҳалла” газетаси. - Тошкент.. 2015. -Б 38.

³⁷⁴ Каримова К. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик-мамлакат иқтисодий таянчи// “Халқаро молия ва хисоб” илмий электрон журнали. №1, февраль, 2017.- Б 8.

Айнан шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонини ижро этиш асносида 2017 йил сентябридан бошлаб миллий валюта айирбошлиш курсини аниқлашнинг бозор механизми жорий этилди, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун валюта маблағларини сотиш, сотиб олиш ва тасарруф этишга қўйилган чекловлар олиб ташланди³⁷⁵.

Бунинг натижасида 2017 йилда тижорат банкларининг жами капитали 2,3 баравар ортган ва 20,7 триллион сўмга етган. Капиталнинг етарлилик кўрсаткичи 18,8 %га ошди, бу эса халқаро нормалардан 1,8 баравар ортиқдир. Тижорат банкларининг жалб қилинган депозитлари умумий ҳажми 1,6 баравар ортиб, 58,7 триллион сўмни ташкил этди. Банклар активларининг умумий ҳажми 2 баравар кўпайди ва 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра 166,6 триллион сўмни ташкил этди³⁷⁶. Натижада янги Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичида «Кичик бизнес субъектларига кредит бериш» деб номланадиган кўрсаткич бўйича дунёда сўнгги 3 йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилиди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади³⁷⁷.

2018 йилда эса банклар ўз кредит сиёсатини амалга оширишни давом эттириши натижасида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг жами ҳажми 2,1 баравар ортди ва 110,6 триллион сўмни ташкил қилди. Хусусан, тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 16,1 триллион сўмлик кредитлар ажратилди, бу эса 2016 йилга нисбатан 1,3 баравар кўпроқ бўлган³⁷⁸. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми эса 2015 йилга нисбатан 27,3 % кўпайиб, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 42,7 трлн. сўмдан ортганлигини³⁷⁹ кўришимиз мумкин. Хорижий сармоялар негизида эса 2018 йил май ойидан бошлаб Халқаро Молия Корпорацияси (ХМК) Ўзбекистондаги кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит беришни кенгайтириш учун 240 миллиард сўмни (30 миллион АҚШ долларига тенг) жалб қилган ҳолда уч марта ўзбек сўмида облигациялар жойлаштириди. Ушбу ҳамкорлик “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятида яққол намоён бўлди. Банк 2019 йил ноябрь ойида Лондон фонд биржасида 300 миллион АҚШ доллари миқдоридаги евробондларни жойлаштириди. Бу халқаро молия институтлари

³⁷⁵Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати маълумотлари. // Маърифат. 2018 йил 31 март, №26 (9091).

³⁷⁶Ўша жойда.

³⁷⁷Очилов Ж.Ж. Кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш йўналишлари. // Иқтисод ва молия. // Экономика и финанссы. -Ташкент., 2017. №10. -Б 41.

³⁷⁸Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати маълумотлари. // Маърифат. 2018 йил 31 март, №26 (9091).

³⁷⁹Каримова К. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик-мамлакат иқтисодий таянчи.// “Халқаро молия ва хисоб” илмий электрон журнали. №1, февраль, 2017.- Б 9.

билин ҳамкорликда жаҳон фонд бозорида ютуққа эришган биринчи ўзбек банкидир³⁸⁰.

Умуман, молия ва банк тизимлари фаолиятини барча чоралар билан такомиллаштириш, бозор инфратузилмасини, унинг бизнесга ҳизмат кўрсатиши билан боғлиқ барча институтларни - консалтинг, маркетинг, инженеринг, лизинг, сугурта ва бошқа тизилмаларни тўлақонлик ривожлантиришга устувор аҳамият берилганлигини кўрсатди.

Тарихий ракамларга мурожаат қилинса, бу борада **2016-2018 йиллар** мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида “Банк-тадбиркор”, “Тадбиркор-банк» тамойили асосида тижорат банклари томонидан 19,6 триллион сўмлик кредитлар, шу жумладан, 4 триллион сўмлик микрокредитлар ажратилган. Жумладан, аёлларнинг тадбиркорлик фаолияти ривожланишини рағбатлантириш мақсадида 2,8 триллион сўмлик, ҳизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 3,6 триллион сўмлик ҳамда оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 490,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. 2016 йилда 24 мингдан ортиқ хотин-қизлар бизнес асосларига ўқитилгани, 16 мингдан зиёд вақтинча ишсиз аёллар меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарларга йўналтирилгани, натижада 130 мингдан отиқ янги иш ўринлари ташкил қилингани бунинг яққол далилидир³⁸¹.

Бизнингча, олиб борилаётган ушбу ислоҳотлар банклар фаолиятини янги босқичга олиб чиқиб, мамлакатда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларини Ўзбекистоннинг бугунги имкониятлари нуқтай назаридан янада кенгайтиришни тақоза этмоқда. Шу боисдан, Президент ўзининг “Танқидий таҳлил қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик -ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” номли китобида муҳим вазифалардан бири сифатида – «Ўзтадбиркорэкспорт» ва «Ўзсаноатэкспорт» акциядорлик жамиятлари, шунингдек, Миллий банк ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси йўналиши бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорти билан боғлиқ камида 1 миллиард 500 миллион долларлик экспортни таъминлаши кераклигини уқдирган эди³⁸².

Банкларнинг тадбиркорлик борасидаги халқаро кўрсаткичига асосан ҳам бу борада ўтган йиллар тарихида халқаро доирада қатор муаммолар ҳам етилиб келди. Хусусан, статистик маълумотлар ва соҳада олиб борилган чора тадбирларни халқаро ташкилотлар томонидан белгиланишича, 2015 йилда Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг **“Бизнес юритиш-2016:** сифат ва эфектив бошқарувни баҳолаш” дастурига мувофиқ Ўзбекистон

³⁸⁰ Ходжикулова С. Н. Халқаро молия институтлари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлашни такомиллаштириш. Иктисолиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) дисс. Автореферати. –Тошкент., 2020. –Б 19.

³⁸¹ Аёллар тадбиркорлиги равнаки йўлида // “Халқ сўзи”. 2017 йил, 7 январ.

³⁸² Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик -ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. -Тошкент., Ўзбекистон. 2017.

дунёдаги 189 давлат орасида 87 ўринни эгаллаган бўлиб³⁸³, 2012 йилда бу кўрсаткич 2011 йилдаги 166 ўриндан 14 ўрин юқорига қўтарилигини ижобий натижа деб, бўлмайди³⁸⁴.

Мамлакат мустақиллик йилларида ишбилиармонлик ва инвестицион муҳитнинг халқаро параметрлари доирасида “Иқтисодий эркинлик индекси”, “Коррупцияга қарши курашиш индекси”, “Логистика эффективлиги индекси”, “Инсоният тараққиёти индекси”, “Глобал рақобатбардошлиқ индекси”, “Дунё мамлакатлари хусусий мулк ҳимояси индекси”, “Дунё мамлакатларини халқаро савдога жалб қилиш индекси” ларида умуман иштирок этмади. Маълумоларга кўра, халқаро инвестицион муҳит жозибадорлиги доирасида «Fitch Ratings, Moodys, Standart & Poors» халқаро ташкилотлари рейтингида умуман иштирок этмаётган бўлса, Консенсус «ОЭСР ва COFACE» да қўйи ўринларни эгаллаб келмоқда³⁸⁵.

Бу, шубҳасиз мамлакатимизда тадбиркорлар учун имкониятларни яратиб беришда ҳали кўплаб муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Масалан, Ўзбекистон Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” соҳасидаги рейтингида, қурилиш бўйича 134-ўринни эгаллаган. Шунингдек, Ўзбекистонда бизнес юритишда қурилиш соҳасида рухсат беришга оид 17 та тартиб мавжуд бўлиб, уларни олиш учун ўртача 246 қун сарфланар экан³⁸⁶. Албатта, бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорларни бизнес юритишларидаги яратилган имкониятлар ва шарт шароитларнинг жорий ҳолати хориж давлатлари билан таққослаш учун етарли эмас.

Шу боис, кейинги 4 йил ичида бу борадаги ишлар танқидий кўриб чиқилиб, ушбу муаммоларни бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўрлмоқда. Хусусан, 2018 йилда Республика Президентининг “Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботда Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора тадбирлари тўғрисда” ги қарори қабул қилинди³⁸⁷.

Унда Ўзбекистондаги бизнес юритиш учун мавжуд шарт-шароитлар халқаро нормалар ва стандартлар талабларига ҳанузгача жавоб бермаётганлиги, айрим давлат органлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларнинг амалдаги ижросини етарли даржада таъминламаётганлиги қайд қилинган. Айниқса давлат раҳбари томонидан Вазирлар Маҳкамасига ушбу соҳага доир норма ва қоидаларни

³⁸³ Экономическое развитие Республики Узбекистан за годы независимости. -Тошкент., 2016.-С 21.

³⁸⁴ Каримов И. Боз мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом этириш. -Тошкент., 2013. -Б 29.

³⁸⁵ Рашидова Ф. Зарубежные инвестиции в формировании и развитии малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан (Исторический аспект). Диссертация доктора философии (Phd) по историческим наукам. -Тошкент., 2019. – С 134.

³⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - Тошкент., 2019. -Б 20.

³⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботда Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора тадбирлари тўғрисда” ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. -Тошкент., 2018.

такомиллаштириш юзасидан зарур чораларини кўриб чиқиш вазифаси юкланганлиги³⁸⁸, бежиз эмас.

Айниқса мамлакатга тўғридан тўғри хориж инвестицияларни жалб қилиш учун қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-тамойилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш мақсадида 2018 йил 1 августда “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Президент Фармони эълон қилинди. Фармонда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвестицияларнинг бу борадаги давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончини мустаҳкамлашга асосий ургу берилган³⁸⁹.

Унда шунингдек, қатор йиллар мобайнида соҳадаги долзарб муаммолар кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар қуидагиларда ўз ифодасини топди:

- жойларда, инвесторларнинг банклардан етарлича маблағларни ўз вақтида ола олмаслкилари ёки қўллаб-қувватланмаслиги;

-бу борада тегишли вазирлик ва идоралар фаолияти аниқ мувофиқлаштирилмаганлиги билан боғлиқ бюрократик тўсиқ ва ғовлар ҳали ҳам мавжудлиги;

-солиқ юкини камайтириш ва инвесторлар учун соликқа тортиш тизимидағи муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш кабилар³⁹⁰.

Фармонда айниқса Микрокередитбанкининг молиявий барқарорлиги ва даромадлигини ошириш борасида қатъий назорат ўрнатилиши белгиланган. Шу мақсадда олиб борилган кенг қамровли ислоҳотлар туфайли банк активлари 2019 йил давомида 1 972,0 млрд. сўмга ёки 60 % ошди³⁹¹.

Бундан ташқари, йил давомида аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилишга қаратилган дастурлар ижросида ушбу банк ва унинг филиаллари энг фаол иштирокчиларидан бири бўлди. Пировардида 38305 mijozga 906 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Уларни тармоқлар бўйича таҳлил қиласиган бўлсак, ҳунармандчилик учун 626 mijozga 22,0 млрд. сўм, “Ҳар бир оила- тадбиркор” дастури доирасида 32553 mijozga 650,0 млрд. сўм, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича 2938 mijozga 69,0 млрд. сўм, фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш учун 814 mijozga 16,7 млрд. сўм, “Ёшлар- келажагимиз” Давлат дастури ва “Банк-тадбиркор”, “Тадбиркор-банк» тамойили асосида 362 mijozga 125,0 млрд. сўм молиявий кўмак берилган³⁹².

³⁸⁸ Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини юритшдаги муаммо ва камчиликлар борасида батафсил маълумот олиш учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. -Тошкент., 2019. -Б 20.

³⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Президент Фармони. // Халқ сўзи -Тошкент., 2018.

³⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Президент Фармони. // Халқ сўзи -Тошкент., 2018.

³⁹¹ Муродов Д. Тадбиркорлар ҳар томонлама кўллаб-қувватланмоқда.//Халқ сўзи. 02. 2020 йил.

³⁹² Ўша жойда.

Маслан, “Ҳар бир оила- тадбиркор” дастури доирасида барча тижорат банклари томонидан жумладан, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик тадбиркорлиги билан шуғулланувчи 4397 та юридик ва жисмоний шахсга қарийб 101,1 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган. Яъни, республикада наслли қуёнларни кўпайтириш мақсадида ўтган даврда жами 4570 бош наслли қуён олиб келинди. Жумладан, “Микрокредитбанк” томонидан ушбу соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш учун жами 1316 mijozga 62,4 млрд. сўмлик кредитлар берилди³⁹³.

Соҳадаги мавжуд муаммоларнинг аниқ далили сифатида хусусан, Бош вазирнинг “Халқ қабулхона”лари ташкил этилгандан буён 2019 йил сентябргacha 12 мингдан зиёд мурожаатлар келиб тушган, буларнинг аксарияти тадбиркорларга кредит ва ер ажратиш ва бошқа масалалар билан боғлиқдир. Бу борада мурожаатларнинг аксарияти Тошкент, Қашқадарё. Андижон, Самарқанд вилоятларига тўғри келган. Улардан 9 мингтаси ёки 75 % и жойида, шундан 40 % и бевосита туманлар даражасида ҳал бўлган. Бу ҳолат илгари қуий бўғин раҳбарлари тадбиркорлик соҳасидаги муаммолар билан умуман шуғулланмаганидан далолат беради, дея қад қиласи Президент³⁹⁴.

2020 йил 15 майга қадар Бош вазир қабулхоналарига келган мурожаатларнинг 55 % тадбиркорларнинг банк кредитлари билан боғлиқ муаммолардир. Аукционларга қўйилган ер участкалари ва кўчмас мулк обьектларининг 53 % кўпдан бери сотилмаган. Республиканинг 57 та туман ва шаҳрида 2020 йил январидан май ойига қадар бўлган 4 ой ичida тадбиркорлар учун бирорта ер учасикаси аукционга чиқарилмаган. Жойларда давлат улуши бўлган 552 та обьект бўш турибди³⁹⁵.

Шу боисдан Президентимизнинг ҳудудларга ташрифи давомида берган топшириқлари асосида умумий қиймати 2,0 трлн. сўмлик жами 847 та лойиҳага 757,4 млрд. сўмлик кредитлар йўналтирилиб, 714 та лойиҳа ишга туширилган, 6423 киши даромад бошланғич манбаига эга бўлган³⁹⁶. Яна шунингдек, ҳукумат кафолатисиз банк ташабbusi билан 8 та халқаро молия институтининг 9 млн. АҚШ доллари ҳамда 197 млн. евролик кредит лицензиялари жалб қилинганини шундай саъй-ҳаракатларнинг амалий самараси дейиш мумкин.

Жумладан, АҚШ нинг “Cargill Inc” компаниясидан 55 млн. евро, Германиянинг “Beriner Sparkasa” банкидан 30 млн. евро ва “ODDD BHF” молия муассасидан 50 млн. евро, Россиянинг “Азия Инвестбанк” идан 4 млн. доллар ҳамда “Транскапиталбанк” дан 5 млн. евро, Хитой Эксимбанкидан 5 млн. АҚШ доллари, Австриянинг “Raiffeisen Bank International” идан 10 млн.

³⁹³ Ўша жойда.

³⁹⁴ Ўзини ўзи банд қилган аҳоли даромад солигидан озод этилади. (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 19 май куни тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар бўйича видеоселетор йиғилиши ўтказилди. // Халқ сўзи. 2020 йил 20 май. №105.

³⁹⁵ Ўзини ўзи банд қилган аҳоли даромад солигидан озод этилади. (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 19 май куни тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар бўйича видеоселетор йиғилиши ўтказилди. // Халқ сўзи. 2020 йил 20 май. №105.

³⁹⁶ Ўша жойда.

евролик кредитлар жалб қилиниб, тадбиркорлик ривожи учун йўналтирилган³⁹⁷. Ёки **2020 йил май** ойига қадар 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектлари ва 8 миллиондан ортиқ фуқароларга қарийиб 30 триллион сўмлик имтиёзлар берилган. 2020 йил 18 майда қабул қилинган “Короновирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармонига кўра келажакда 100 минга яқин аҳолига қўшимча 1,7 триллион сўмлик кўмак берилиши кўзда тутилган³⁹⁸.

Бу борада тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам бериш мақсадида уларга тижорат банклари ўзига хос бизнес-ҳамкор бўлишини таъминлаш бўйича янги концепция амалиётга жорий қилинди. Бундай тизимли амалий чоралар натижасида 2019 йилнинг ўтган 8 ойида 70 мингта янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2 баробар кўпdir³⁹⁹.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, шу билан бирга, ҳудудларда банк кредит масалалари юзасидан ишлатилмаётган резерв ва имкониятлар етарли эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Буни тадбиркорларнинг ўзлари ҳам тасдиқлайдилар. Жумладан, соҳани ривожлантириш бўйича янги тизим қандай ишлаши кераклигини жойларда кўпчилик раҳбарлар ҳали чуқур англаётмаяпти. “Халқ қабулхона” ларига 2020 йил май ойига қадар эса келиб тушган мурожаатларнинг 55 % ни банк кредитлари билан боғлиқ муаммолар ташкил этган. Уларнинг ижроси юзасидан олинган натижага кўра банк хизматлари бўйича тадбиркорларнинг мурожаатлари “Миллий банк” АЖ да 10 % га, “Микрокредитбанк” АТБ да 11 %, “Агорбанк” АТБ да 13 % ижобий ҳал қилинган, холос⁴⁰⁰.

Аммо кейинги йилларда тадбиркорликнинг бошқа соҳалари, хусусан қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик соҳаларида ҳам сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланган. Масалан, 2019 йилда чорвачилик соҳасида тадбиркорлик билан шуғилланаётган фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлаш учун хорижий молия институтлари сармоялари ҳисобидан 711 лойиха 99,2 млн. АҚШ долларидан ошиқроқ маблағлар йўналтирилди. Шунинг 80 млн. АҚШ доллари қорамол сотиб олишга қаратилган 567 та лойихага берилган бўлса, 2,4 млн. АҚШ доллари 18 та лойихага қўй боласи сотиб олиш учун тақдим этилди⁴⁰¹.

³⁹⁷ Бўриев Ю. Халқ банки туфайли тадбиркор бўлдим. //Халқ сўзи. 2020 йил 16 январь.

³⁹⁸Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мизиёевнинг “Короновирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони://Халқ сўзи. 2020 йил 19 май. № 104.

³⁹⁹ Тадбиркорликни ривожлантириш ва давлат бюджетига кафолатланган тушумларни таъминлаш таҳлил килинди.//Халқ сўзи. 2019 йил 19 сентябрь, №189.

⁴⁰⁰ Ўзини ўзи банд қилган аҳоли даромад солигидан озод этилади. (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 19 май куни тадбиркорликни қўллаб-куватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар бўйича видеоселетор йиғилиши ўтказилди. // Халқ сўзи. 2020 йил 20 май. №105.

⁴⁰¹ Тадбиркорликни ривожлантириш ва давлат бюджетига кафолатланган тушумларни таъминлаш таҳлил килинди.//Халқ сўзи. 2019 йил 19 сентябрь, №189.

Банклар томонидан кичик саноат соҳасидаги 77 та лойиҳага 146,7 млн. АҚШ доллари, транспорт соҳасидаги 99 та лойиҳага 19,8 млн. АҚШ доллари ҳамда хизмат қўрсатиш соҳасидаги 21 та лойиҳага 5,9 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари йўналтирилганлиги аҳамиятлидир⁴⁰².

Бугунги рақамли иқтисодиёт, айниқса, масофадан онлайн молиявий хизматлар қўрсатишни ривожлантиришни тақоза қилмоқда, ушбу жараённи тезлаштирумокда. Бизнес ва тадбиркорлик соҳаларида ҳам рақамли иқтисодиётнинг тобора ўсиши шароитида “Электрон ҳукумат”, “Ягона интерактив давлат хизматлари портали” ташкил этилган бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари таҳлил шуни қўрсатдики, автоматлаштирилган хизмат қўрсатиш борасида солиқ тўловларининг 15 та тури бўйича, божхона тўловларининг 7 тури бўйича, тадбиркорликнинг эса 20 та тури бўйича хизматлар қўрсатилар экан⁴⁰³.

Агар буни банк соҳасида олиб қарасак, тадбиркорлар кредит маблағларини бирор марта ҳам тижорат банкига келмасдан туриб, масофадан туриб олишларини амалга ошириш имконияти мавжуд. Чунки илгари мижоз ўз ҳужжатларини расмийлаштириш учун ҳеч бўлмагандан бир марта нотариал идорага ташриф буюрган бўлса, ҳозирда барча тижорат банклари гаров шартномасини мижоз билан ўзаро келишиб онлайн расмийлаштирумокдалар.

Агар тарихий фактларга мурожаат қилинса, Ўзбекистонда юридик шахслар ва Якка турдаги тадбиркор (ЯТТ) ларнинг масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 2011 йилда 14241 тани жами юридик шахслар ва ЯТТ ларга инсбатан 1,2 %ни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 4,3 %ни ва 2019 йил якунига келиб масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи юридик шахслар ва ЯТТ лар сони 691509 тани ва жами 34 %ни ташкил этган. Ваҳоланки бу қўрсаткичи АҚШ да 53 %ни, Люксембургда 68 %, Белгияда 69 %, Нидерландия, Финландия ва Данияда 89 % ташкил этади⁴⁰⁴.

Ўзбекистонда ҳам юридик шахсни (тижорат ташкилотини) рўйхатдан ўтказиша тақдим этилаётган ҳужжатлар сони 6 тадан 2 тагача қисқартирилди, яъни фақатгина ариза ва таъсис ҳужжатлари талаб этилади, якка тартибдаги тадбиркорлар учун зарур бўлган ҳужжатлар сони 7 тадан 1 тагача қисқартирилди, яъни фақатгина электрон ариза тақдим этиш талаб этилади. Ягона портал – *my.gov.uz* орқали автоматлаштирилган тизим воситасида рўйхатдан ўтказиш тартиботи жорий этилган⁴⁰⁵.

Биз бу борада келажақда “Микрокредитбанк” томонидан “Оилавий бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлашда банк

⁴⁰² Ўша жойда.

⁴⁰³ Гайбуллаев О. Проблемы и пути решения оказания государственных услуг через интернет// “Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг макроиктисодий баркарорлигини таъминлаш: муаммолар, таҳлиллар ва натижалар. Республика онлайн илмий-масофавий конференция тезислари тўплами. -Тошкент.. 2020.-С 272.

⁴⁰⁴ Мамадиёров З. COVID-19 пандемияси шароитида масофавий банк хизмат турлари ва хизмат қўрсатиш каналларини ривожлантириш истиқболлари // “Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг макроиктисодий баркарорлигини таъминлаш: муаммолар, таҳлиллар ва натижалар. Республика онлайн илмий-масофавий конференция тезислари тўплами. -Тошкент.. 2020. – Б 406.

⁴⁰⁵ Эшов М. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлар. / Монография. –Тошкент. 2017. –Б 173.

тизимининг ўрни” мавзуид ижтимоий сўровлар олиб бориш, “Тадбиркор-банк”, “Банк-тадбиркор” дастурларини ишлаб чиқиши ва шу асосда кичик ва ўрта бизнес вакиллари, тадбиркорлар билан йиллик режа асосида доимий учрашувлар, семинар-тренинглар олиб бориш юзасидан ўз таклифларимизни берамиз.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқотлар шуни кўрсатди, республикада кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳалари тараққиётини таъминлаш, соҳа фаолиятини янги босқичга олиб чиқиши борасида муҳим қадамлар қўйилгани банклар томонидан ажратилаётган кредитлар тадбиркорлик ва кичик бизнесни молиялаштиришда муҳим қадам бўлганлиги аниқланди. Бу мамлакатда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларини янада ривожлантиришнинг молиявий механизмларини шакллантиришда муҳим рол ўйнади.

Айниқса “Банк-тадбиркор”, “Тадбиркор-банк» тамойили асосида банклар томонидан молиявий маблағлар ажаратиш ва қишлоқ хўжалиги тадбиркорлари мурожаатлари билан ишлашнинг янгила тизими шакллантирилгани соҳадаги муаммоларни ечишнинг янгила механизми вужудга келганлигини кўрсатди. Республикада инвестициялар оқимини сезиларли даражада ошириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасидаги муаммоларни ҳал қилишнинг самарали усусларидан бири бу, республиканинг умумэтироф этилган ҳалқаро рейтингларда фаол иштироки таъминланганлигини тасдиқлади.

III.2. Солиқ ислоҳотларининг кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожига таъсири

Ўзбекистон тарихида тадбиркорлик соҳасида изчил солиқ сиёсатининг амалга оширилиши, солиқ юкини камайтиши ва солиқ тўлашда имтиёзларнинг яратилиши билан боғлиқ чора-тадбирларнинг белгиланиши солиқ тўловчиларда амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан ишонч туйғусининг шалланишига туртки берди. Шу билан бирга тадбиркорлар учун ишлаб чиқариши кенгайтишига шароит яратилиши, ишлаб топилган ва ўзларида қолдирилаётган маблағларнинг тежалиши натижасида тадбиркорларнинг қўшимча даромадларга эга бўлиб, ишлаб чиқариш имкониятининг ошишига ҳам олиб келди.

Тадқиқотда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқка тортиш тизими тарихида амалга оширилган ислоҳотлар ва ўзгаришлардан келиб чиқиб қўйидаги уч тарихий босқичга бўлиб таҳлил қилинди:

- биринчи босқич, 1991-1997 йиллар;
- иккинчи босқич, 1998-2004 йиллар;
- учинчи босқич, 2005 йилдан ҳозирги кунга қадар⁴⁰⁶.

⁴⁰⁶ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта усувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ҳалқ билан мулоқот ва инсон манбаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастуринии ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола.-Тошкент., 2017 – Б 198.

Тадқиқот даврида хусусан, 1991 йилдан бошлаб бугунги кунгача тадбиркорлар учун солиқ ставкаларини пасайтириш билан бир қатор солиқлар унификация қилинди, яъни соддалаштирилиб, бир хиллаштирилди ҳамда бир қатор бир-бирини такрорлайдиган ва кам самара берадиган солиқ ҳамда мажбурий тўловлар бекор қилинди. Дастребаки йилларда жумладан, 1992-1994 йилларда корхоналарнинг фойда солиғи ставкаси 45 %ни ташкил қилган бўлиб, 1998 йилдан бошлаб солиқ текширувларини амалга ошириш даврийлиги бир йилда бир маротаба қилиб белгиланди, аҳолининг турли қатламлари, шунингдек хизмат кўрсатиш ва бошқа фаолият турларига имтиёзли шарт шароитлар яратилди⁴⁰⁷. Хотин-қизларнинг ўз- ўзларини банд қилишлари, янги иш жойлари очишлари учун қатор амалий чоралар кўрилди⁴⁰⁸.

Ушбу даврда давлат кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини солиқ имтиёзлари орқали муҳофаза қилиши, улар фаолиятини чеклаши, тугатиши ёки рағбатлантириши зарурлиги, солиқ юкини камайтириш ва инвесторлар учун солиққа тортиш тизимидағи муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифаларни белгилади. Бу борада Б.Р Санакулованинг қайд қилишича, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, иқтисодиётда ялпи таклифга ижобий таъсир этиб, аҳоли ва тадбиркорлар даромадларининг кўпайишига, натижада эса жамғармаларнинг ошишига, солиқ ставкаларининг меъёридан ошиши иқтисодиётда меҳнат ва иқтисодий фаолликнинг пасайишига, жамғармаларнинг иқтисодиётдан чекланишига, хуфёна иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келади⁴⁰⁹.

Ўтган тарихий даврда тизимда давлат солиқ хизмати органлари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўтказилаётган текширувларга оид ислоҳотлар ўтказилди. Айниқса мустақилликнинг дастлабки йилларида режали солиқ текширувларидан ташқари, режасиз текширувларнинг амалга оширилиши оқибатида ушбу ҳолат тадбиркорлар фаолиятига салбий таъсир қилиб келди. Натижада бу ҳол нафақат тадбиркорлар фаолиятига таъсир қилди, балки республикада қўлланилган солиқ тизимини ҳалқаро меъёрлар ва андозаларга мувофиқлаштириш заруратини туғдирди.

Унга мувофиқ, бозор муносабатлари шароитида кичик бизнесни қўллаб-куватлаш, тадбиркорлар ва сармоядорлар манфатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан хорижий сармоядорлар иштирокида очилган корхоналарни солиққа тортишда бир қатор имтиёзлар берилди⁴¹⁰.

Бунинг исботи сифатида, 1996 йилнинг 1 январигача рўйхатдан ўтказилган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга солиққа тортиш тизимида даромад ёки фойдани солиққа тортишни танлаш ҳуқуки тақдим

⁴⁰⁷ Обломуродов Н, Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. -Тошкент., 2009. -Б 166.

⁴⁰⁸ Убайдуллаева. Р. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтиши шароитида аёллар ва меҳнат. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -Тошкент., 1995. №9. -Б 26.

⁴⁰⁹ Санакулова Б. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш.// Монография. - Тошкент.: “Iqtisod moliya”. ТМИ. 2014.- Б 199.

⁴¹⁰ Убайдуллаева. Р. Ўша манба. -Б 26.

этилди. Бошқа барча хўжалик юритувчи субъектлар учун эса даромад солиги тўлаш жорий этилди. Кичик бизнес корхоналари учун солиқقا тортиш, ҳисобга олиш ва ҳисбботларни тақдим қилишнинг соддалаштирилган тизими барпо этилди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ихтиёрий асосда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йифимларни тўлаш жорий этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сонли қарори билан кичик корхоналар учун солиқка тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартиби тасдиқланди. Илгари акцизланадиган товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар соддалаштирилган солиқка тортиш тизимиға кирмаган бўлса, 1999 йилнинг 1 октябридан бошлаб уларга акциз солигини тўлаш шарти билан мазкур тизимни қўллашлари учун имконият яратилди⁴¹¹.

Давлат солиқ сиёсатида маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик бизнес корхоналаридан солиқ юкини янада камайтириш, четга қатъий алмаштириладиган валютада маҳсулотларни экспорт қилган юридик ва жисмоний шахсларга даромадга (фойдага) солиқдан ва мол-мулк солигидан пасайтирилган регрессив солиқ ставкаси жорий этилди. Шу орқали солиқ тизимида тўғри солиқлар салмоғини камайтира бориш ва эгри солиқлар салмоғини оширишга мўлжалланган сиёsat юритиш кўзда тутилди. Шу билан бирга солиқ қонунчилиги такомиллаштирилди, барча солиқлар бўйича зарур йўриқнома ва низомлар қайтадан кўриб чиқилди⁴¹².

Кичик тадбиркорлик субъектларини ягона солиқ тўлови (бошқа солиқлар, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий тўловлар ўрнига) кўринишидаги соддалаштирилган солиқка тортиш тизими жорий этилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантирадиган қўшимча омил бўлди. Ушбу солиқнинг жами ставкаси ялпи тушумнинг 2005 йилдаги 15,2 %дан 2011 йилда 6 %га туширилди⁴¹³.

Агар тарихий далилларга мурожаат қилинса, факат 2000-2007 йиллар мобайнида мамлакатда даромад солиги **38 %дан 10 %га, ягона ижтимоий тўлов 40 %дан 24 %га**, кичик бизнес субъектлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун ягона солиқ 10 %га туширилган. Жисмоний шахслар даромадидан солиқ олиш ставкаси ҳам тубдан қайта кўриб чиқилди ва камайтирилди. Натижада биргина 2000-2007 йилларда иқтисодиётда умумий солиқ юки 40 %дан 27 %га пасайтирилди. Шунга мувофиқ корхоналарнинг молиявий ресурслари ҳам тегишли равишда ошган⁴¹⁴.

⁴¹¹ Обломуродов Н, Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. -Тошкент., 2009. -Б 166-167.

⁴¹² Ўша жойда.

⁴¹³ Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. -Тошкент., 2011. -Б 27-28.

⁴¹⁴ Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. -Тошкент., 2011. -Б 95- 97.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микро фирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар туғрисида» ги ПФ-3620 - сонли Фармонига мувофиқ, 2005 йилнинг 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон солиқ тизимида кичик бизнес субъектларининг баъзи тоифалари учун ягона солиқ тўлови жорий қилинди. У бирхиллаштирилган бўлиб, қуидаги мажбурий тўловлар ўрнига жорий қилинган:

- ягона солиқ;
- бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси;
- республика йўл жамғармаси;
- мактаб таълим мини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар⁴¹⁵. Ягона солиқ тўлови фақат кичик бизнес субъектлари-микро фирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилиши белгиланган. Шу жумладан, солиқ ва бошқа имтиёзлар ҳам берилган⁴¹⁶. Бундай имтиёз республикада ташкил этилган Эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритувчи тадбиркорларга ҳам тақдим этилган бўлиб, эркин иқтисодий зоналарда солиқ ва божхона имтиёзларини ҳисоблаш муддати эркин иқтисодий зона қатнашчисига эркин иқтисодий зона иштирокчиси деган гувоҳнома берилган кундан эътиборан эмас, балки солиқ ва божхона имтиёзлари ЭИЗ (Эркин иқтисодий зона) иштирокчиси ўз корхонасини ишга тушириб, маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаган вақтдан бошланиши асослаб берилган⁴¹⁷.

Агар бундай солиқ имтиёзларидаги кўрсаткич натижаларини хориж давлатлари билан солиштирсак, аксарият ривожланган ва ривожланаётган давлатларда солиқ юки даражаси 29-50 %ни ташкил этади. Хусусан, АҚШ, Италия ҳамда аксарият Европа давлатларида тадбиркорларга солинган солиқ юкининг даражаси республикамиздаги даражадан анча юқори⁴¹⁸. Шундай бўлсада айрим давлатларда кичик бизнес вакиллари давлатнинг рағбатлантирувчи тизимидан унумли фойдаланадилар. Масалан, Хиндистон, Албания, Бразилияда солиқ имтиёзларини бериш, ишсизлик ва қашшоқлик каби ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган бўлса, Франция, Буюк Британия, Белгия, Германия, Канада, Испанияда кичик бизнесда имтиёзлар ўрта синфни таркиб топтиришга, Испанияда рецессияни бартараф қилишга, Мексика, Канада, Сингапур, Японияда янги бозорларни барпо қилишга, Хитой, Польша, Чехия, Венгрияда ислоҳотларни изчил амалга оширишга қаратилган⁴¹⁹.

⁴¹⁵ Жўраев А, Тошматов Ш, Абдурахмонов О. Солиқлар ва солиққа тортиш. -Тошкент., 2009. - Б 116-117.

⁴¹⁶ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2010 год. Ташкент., 2011. - С 56-78. Яна маълумот олиш учун қаранг: Жўраев А, Тошматов Ш, Абдурахмонов О. Солиқлар ва солиққа тортиш. -Тошкент., 2009. - Б 116-117.

⁴¹⁷ Бозоров С. Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишини такомиллаштириш.// Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. -Тошкент., 2018.-Б 10.

⁴¹⁸ Абдулхакимов С.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан кўллаб-куватлаш амалиёти. // “Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар”. №3.2019. -Б 35.

⁴¹⁹ Рўзметов С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлашнинг жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистонда кўллаш имкониятлари. // Таълим тизимида ижтимоий фанлар. №3. 2019 йил. -Б 30.

Ўз ўринда турли мамлакатларда берилаётган солиқ имтиёзларида ҳам бирмунча фарқлар бор. Бу шубҳасиз ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-ифтисодий ҳолати, демографик вазият ва геграфик омиллари билан ҳам боғлиқ бўлишини қайд этиш лозим. Масалан, хориж тажрибасига асосан, С.Абдулҳакимовнинг ёзишича, АҚШ да кичик бизнесни солиқлар орқали рағбатлантириш системаси, ўзгача бўлиб, бундай имтиёзлар тадбиркорларга нисбатан солиқ имтиёзларини қўллашга, шу жумладан, корпорация солиғи ставкасини қисқартиришга, тадқиқот ишларини кенгайтиришга солиқ кредитларини қўллаш каби имтиёзларга, кичик корхоналар учун тезлаштирилган амортизация нормаларини қўллашга асосланганлиги билан характерлидир⁴²⁰. Бугунги кунда бундай солиқ имтиёзлари Ўзбекистондаги кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ҳам жорий қилинган бўлиб, мазкур имтиёзлар қўйидагилардан иборат:

- а) тадбиркорларни текширишга икки йиллик мораторий эълон қилиниши;
- б) лицензия ва рухсат бериш билан боғлиқ талаблар соддалаштирилиб, кўпчилиги бутунлай тутатилиши;
- в) товарлар бўйича бож миқдори ва кўпгина товарлар бўйича акциз солиғи ставкалари камайтирилиши;
- г) республика иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестицияларга яратилаётган имкониятлар ва шу туфайли улар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга сазовордир⁴²¹.

Яна тарихий далилларга мурожаат қилган ҳолда шуни қайд этиш жоизки, 2005 йилдан бошлаб солиқ органлари томонидан режали текширувларнинг даврийлиги микрофирма ва кичик корхоналар учун 4 йилда бир маротабагача, бошқа хўжалик субъектлари учун уч йилда бир маротабагача қисқартирилди. Кичик тадбиркорлик субъектларининг солиқ ҳисботларини тақдим этиш тизими ҳам такомиллаштирилиб, 2005 йилнинг 1 июнидан кичик корхона ва кичик тадбиркорлик субъектларининг давлат солиқ идораларига тақдим этадиган барча солиқ тўловларининг тақдим этиш даврлари ҳар ойликдан чоракликка ўзгартирилиши солиқ кодексида акс эттирилди. Ушбу ўзгаришлар давлат бюджети даромадларининг ягона ва уйғун тизимини шакллантиришда 2008 йилдан бошлаб амалга жорий этилган янги таҳрирдаги Солиқ кодексида ўз ифодасини топди⁴²².

Ушбу кодекс солиқ тўловчиларнинг қонуний хукуқларини таъминлашни янада кучайтириш, уларни назорат органларини қонунга ҳилоф хатти-харакатларидан ҳимояланишини ошириш ва шунингдек, солиқ ҳамда

⁴²⁰ Абдулҳакимов С.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-куватлаш амалиёти. // “Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар”. №3.2019., -Б 35.

⁴²¹ Бу борада яна маълумот олиш учун қаранг: Рўзметов С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлашнинг жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари. // Таълим тизимида ижтимоий фанлар. №3. 2019 йил. -Б 30.; Абдулҳакимов С.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-куватлаш амалиёти. // “Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар”. №3.2019., -Б 35.

⁴²² Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. -Тошкент., “Ўзбекистон”. 2008.

мажбурий тўловларни ҳисоблаш механизми ва тўлаш тартибини такомиллаштиришни кўзда тутди.

Ўтган давр мобайнида, солик ставкаларининг пасайиши ва оптималлаштирилиши халқаро андозаларга биноан даромад солигини ҳисоблаш тизимининг такомиллаштирилиши ҳисобидан тўғридан-тўғри солиқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1995 йилдаги 11,5 %дан 2010 йилда 5,7 %га туширилди⁴²³.

Яратилган солик имтиёзларига кўра, қишлоқда хусусий фермер хўжаликларининг талаблари асосида барча турдаги зарур хизматларни кўрсатиш имкониятига эга бўлган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси жадал ривожланди. Шу давр мобайнида қишлоқларда 1424 та мини банк, 1714 та муқобил МТП, 2324 та ёқилғи мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар сотиши шаҳобчалари, 1711 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 300 та консалтинг маркази ва бошқа инфратузилмалар ташкил этилди. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасида аниқ мақсадга қаратилган ишлар натижасида қўйидаги ютуқларга эришилди: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ялпи ҳажмида асосан деҳқон хўжаликлирида қорамоллар сонининг ошиши ҳисобидан чорва маҳсулотларининг улуши 1990 йилдаги 36,6 %дан 2010 йилда 40,6 %га етди, бу гўшт ишлаб чиқариш ҳажмининг 789,1 тоннадан 1461,4 минг тоннага (1,9 баробар кўп), сутнинг 3034,2 минг тоннадан 6169 минг тоннага (2 баробар кўп), тухумнинг 1231,8 миллион донадан 3061,2 миллион донага (2,5 баробар) кўпайиши учун самарали таъсир кўрсатди⁴²⁴.

Умуман, мустақиллик йиллари тарихида мамлакатда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида солик тизимиuni унификация (соддалаштириш) қилиниши, солик юкининг янада камайтирилиши қўйидаги бир қатор вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилишига моддий замин яратди:

- солик тизимиuni соддалаштириш ва солик ставкаларини пасайтириш ўз навбатида хусусий мулкчилик тармоғини кенгайтирди, бизнес учун қулай муҳит яратади ва унинг кафолатларини мустаҳкамлади;

- солик юкининг камайтирилиши орқали солик имтиёзларининг кенгайтирилиши хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши ва иқтисодиётни модернизациялашни кенгайтиришга имкон яратди.

Тадбиркорлик соҳасида ишлаб чиқаришни юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, соликка тортиш механизmlарининг ошкоралигига, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашга оид фаолиятни соддалаштиришга, шунингдек солик мажбуриятларининг бажарилишини самарали назорат қилишга ёрдам берди. Масалан, **2008 йилда 1 млрд. 700 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилган**. Бу 2007 йилдагига нисбатан 46 %га кўп демакдир. Энг муҳими, хорижий инвестицияларнинг 74 %ини тўғридан-тўғри инвестициялар

⁴²³ Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрстичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. -Тошкент., 2011. -Б 27-28.

⁴²⁴ Ўша жойда.

ташкил этди. Ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг қарийб 54 %ини корхоналар ва аҳоли маблағлари ташкил этади. Бу мамлакатимизда солиқ юкини камайтириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаоллигини рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган солиқ сиёсати қанчалик тўғри эканини яна бир бор тасдиқлади⁴²⁵.

Бундай имтиёзларнинг тақдим қилиниши натижасида кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми 2008 йилда салкам 22 % га кўпайган эди. Бу саноат тармоғидаги ўртacha ўсиш кўрсаткичидан анча кўп бўлган. Натижада 2002 йилда кичик ва ўрта бизнеснинг ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 24,5 % ни ташкил этган бўлса⁴²⁶, 2007 йилда 45,5 % ни, 2008 йилда эса 48,2 % га кўтарилган⁴²⁷.

Агар тарихий рақамларга мурожаат қилинса, 2009 йилнинг 1 январидан саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови савкаси 8 % дан 7 % га камайтирилди, молиявий, майший ва бошқа хизматлар кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягоа солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилди⁴²⁸. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналарни олдиндан дивидендларнинг инвестицияларга, аввал олдиндан кредитларга ҳисоб китоб қилишга йўналтирилган қисми 5 йил муддатга солиқлардан озод этилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга оид дастурларни амалга ошириш натижасида 2008 йилда 37 мингдан ортиқ янги кичик субъектлари 119,6 мингта якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ташкил қилинди. Мамлакатимизда рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари сони 2008 йилда қарийб 400 мингтани ташкил этди, бу эса 2002 йилдаги кўрсаткичдан 1.9 % га кўп демакдир⁴²⁹.

Иқтисодий таҳлилларга кўра, қатор йиллардан буён республикада регрессив солиқ ставкаси амалда қўлланилмоқда. Жумладан, 2008 йилда тадбиркорлик фаолиятларини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида кичик корхоналар ва микрофирмалардан олинадиган ягона солиқ тўловларини 10 %дан 8 %га, 2009 йилдан бошлаб эса 7 %га туширилиши белгиланди. 2009 йил 1 январдан аҳоли даромадларидан олинадиган солиқ ставкалари 6 минимал ойлик маошдан 13 %дан 12 %га, 6-10 минимал ойлик маошдан олинадиган солиқ ставкалари 18 %дан 17 %га ва 10 минимал ойлик маошдан бошлаб солиқ ставкаси 25 %дан 22 %га камайтирилди⁴³⁰.

⁴²⁵ Умаров К.Ю, Муртазаев Ш.М. Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини жалб этиш тамойиллари// Республика илмий- назарий конференцияси материаллари. -Тошкент., 2009. -Б 412.

⁴²⁶ Луценко Л. Пути решения, проблемы ликвидации предприятий, малый и средний бизнес // Экономический вестник Узбекистана. -Ташкент., 2000. №8. -С 20

⁴²⁷ Умаров К.Ю, Муртазаев Ш.М. Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини жалб этиш тамойиллари// Республика илмий- назарий конференцияси материаллари. -Тошкент., 2009. -Б 412-413.

⁴²⁸ Богданова Д, Ташпулатова У Финансовые методы государственной поддержки малого бизнеса// Материалы республиканской научно-теоретической конференции. -Ташкент., 2009. -Б 134.

⁴²⁹ Эгамбердиев Ш. Жаҳон молиявий инқизозининг салбий оқибатларини бартараф этиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти. // Жаҳон молиявий иқтисодий инқизозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари. -Тошкент., 2009. -Б 62.

⁴³⁰ Қодиров А. Иқтисодиёт назарияси. -Тошкент., 2009 йил. -Б 65.

Республикада жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган “**Инқирозга қарши чоралар дастури**”га асосан 2012 йил январигача гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган кичик корхоналар ва микро фирмалар ишлаб чиқаришни техник қайта жихозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан ягона солиқ тўлови ставкаси 50 %га қисқартириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналар бюджетига барча турдаги солиқ ва тўловлардан қўшимча қиймат солиғидан ташқари 2012 йилгача озод қилинди⁴³¹. Бу жиҳат республикада солиқ тизимидағи ўзгаришларни хориж давлатлари билан солишириши имконони берди. Натижада 2009 йилга келиб Ўзбекистон Жаҳон банкининг бизнес юритиш рейтинги (Doing Business) нинг “Солиқ эркинлиги” рейтингида Хитойни ортда қолдириб, 24-ўринни эгаллаган⁴³².

Хусусан, ўша пайтда, яъни 2012 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотга нисбатан солиқ юки 21,9 %ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Италия, Исландия, Гречия давлатларида бюджет тақчиллиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш йўли сифатида солиқ юкини оширишга оид таклифларнинг ушбу мамлакат парламентлари томонидан маъқуллангани жаҳон конъюктурасига яқинлиги билан изоҳланади⁴³³. Шу боисдан, республикамизда ҳам жаҳон андозаларига жавоб берадиган солқи тизимини шакллантириш учун кичик бизнес субъектларига, корхоналарга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тақдим этилган имтиёзлар, энг аввало, ишлаб чиқаришни янада модернизациялаш, тадбиркорликни ривожлантириш, хорижий инвесторларга агар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб борса, ўз маблағларини республика ҳудудида айланиши ва айрибошлиш масаласида имтиёзлар берилди⁴³⁴. соҳага замонавий ахборот коммуникация тизимларини жорий қилиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кенгайтириш ва энг муҳими, аҳоли бандлиги ва даромадлар ўсишини таъминлашга ёрдам бермоқда.

Айниқса соҳада ахборот хизмати самарадорлигини ошириш мақсадида 2012 йил 30 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси солиқ давлат идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазкур тизимни такомиллаштиришда янги босқични бошлаб берди. Яъни, Давлат солиқ хизмати идоралари томонидан Давлат божхона хизмати, Марказий банк, Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда бошқа вазирликлар билан ҳамкорликда электрон ҳужжат айланиши йўлга қўйилганлигини қўришимиз мумкин. Биргина 2016 йилда “электрон

⁴³¹ Ўша жойда.

⁴³² Романенко К. Рейтинг инвестиционной привлекательности Узбекистана.// Материалы республиканской научно-теоретической конференции. -Ташкент. – С 189.

⁴³³ Иқтисодиёт ва молия. №1.2013 йил. -Б 8.

⁴³⁴ Миренский Б. Новое инвестиционное законодательство Республики Узбекистан.// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.-Ташкент., 1998 №7. -С 17.

хизмат” тизими доирасида ишга туширилган қўмитанинг янгиланган “Электрон солиқ хизматлари – my.soliq.uz” портали солиқ органлари фаолиятининг шаффоғлигини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига ва аҳолига солиқ тўлашда қулай шароит яратишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда статистика, солиқ ва бошқа молиявий ҳисботларни тадбиркорлик субъектларидан электрон кўринишда йиғиш ва қайта ишлаш тизими ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, Давлат солиқ қўмитасининг «soliq.uz» сайтидан ҳар қандай солиқ тўловчи – юридик ва жисмоний шахслар – маслаҳат олиши, электрон кўринишда солиқ ҳисботи ёки даромадлар ҳақида декларация топшириши, ўз СТИР ни тасдиқлатиши мумкин⁴³⁵.

Айни пайтда қўмита томонидан кўрсатилаётган электрон давлат хизматларидан 280 мингдан кўп жисмоний шахс ва 275 мингдан ортиқ корхона ҳамда ташкилотлар фойдаланганлиги соҳанинг янги босқичга кўтарилилганлигини тасдиқлади⁴³⁶. Жумладан, солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар, хусусан тадбиркорлар ҳамда кичик бизнес вакиллари учун ҳам онлайн режимда “Шахсий кабинет” орқали солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш имкониятлари яратилганлиги тадбиркорлар томонидан таъкиланди⁴³⁷.

Давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўрнатилган электрон муносабатларга кўра, 2015 йилда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқалига 42800 та тадбиркорлик субъектлари интернет орқали рўйхатдан ўтганлар. Улар 260 та хизмат турларидан фойдаланишлари мумкин. Агар 2013-2014 йилларда тадбиркорлар ва фуқароларга 102 минг хизматлар кўрсатилган бўлса, 2015 йилда ушбу кўрсаткич 420 мингтага етган. Солиқ ва ҳисботларни топшириш бугунги кунда юз фоиз интернет орқали электрон ҳолда амалга оширилмоқда.⁴³⁸

Бундай замонавий хизмат қўрсатиш тизимининг йўлга қўйилгани, шубҳасиз соҳада меҳнат қилаётган тадбиркордар учун етарли имкониятларни яратиб берди, дейиш мумкин. Кейинги йилларда солиқ ставкаларининг тобора пасайиши тадбиркорлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар учун катта имконият бўлганлигини кўриш мумкин.

Жумладан, 2013 йилда ҳам кичик бизнес субъектлари учун солиқ юки даражаси камайтирилиб, ягона солиқ тўлови ставкаси 6 %дан 5 %га

⁴³⁵ Гулямов С, Акбарова М. Ўзбекистонда интерактив давлат хизматларининг ривожланиши// Иқтисодиётнинг реал тармоқларини инновацион ривожланишида ахборот–коммуникация технологияларининг аҳамияти// Республика илмий-техник анжуманининг материаллари. -Тошкент., 2019. -Б 5.

⁴³⁶ Парипиев Б. Солиқ сиёсати: ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг энг муҳим омили// Халқ сўзи. 2016 йил 31 август, №170.

⁴³⁷ Маълумотлар Тошкент ҳамда Жиззах шаҳарларида 2018 йилда тадбиркорлар билан ўтказилган мuloқotлар жараёнida олинди.

⁴³⁸ Шайхов А. Роль торгово-промышленной палаты Узбекистана в развитии малого бизнеса и частного предпринимательства// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2016. №3.-6 75.

туширилди⁴³⁹. 2013 йил учун белгиланган солиқ ставкаси 1996 йилга нисбатан 7,6 марта, 2000 йилга нисбатан 6 марта, 2005 йилга нисбатан 3 мартаға қисқартирилған. Бу албатта, ахоли манфаатларини күзлаб амалға оширилаётған бу каби тадбирлар катта иқтисодий самара келтириши таъкидланған⁴⁴⁰.

Аммо бизнес субъектлари учун солиқ юкини камайтириб бориш билан бир вақтда, солиқ тизимининг қатъийлигини ошириш, имтиёзлар берішни камайтириш, кредитларни қатъий шартлар асосида беріш амалиётини жорий этиш уларнинг масъулиятыни янада оширишга эмас, балки тадбиркорларнинг хуқуқ ва эркинликларининг чекланишига ҳам олиб келишини таъкидлаш ўринли.

Масалан, тадбиркорлық фаолиятини эркинлаштириш, демоқратик жараёнларни кучайтириш мақсадида якка ва хусусий мулқдорлар хукуқларини солиқларни унификация қилиш орқали ҳимоя қилиш, уларнинг масъулиятыни кучайтириш, тадбиркорлық фаолияти эркинликларини таъминловчи ҳамда хўжалик фаолиятини тартибга солувчи қонуний-хукуқий базани янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Бу ўша кезларда шубҳасиз, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий қилиш учун солиқ тизимини янгича асосларда ислоҳ қилишни тақоза этган эди.

Айниқса, текширув органларининг нопок ходимлари томонидан ҳеч қандай рухсат берувчи ҳужжатларсиз текширувларнинг олиб борилиши хўжалик субъектининг азият чекишига олиб келар эди. Тўгри, тарихий тадқиқотлар шуни кўрсатдиги, янгидан ташкил этилган хўжалик субъектлари, оиласи тадбиркорлар ҳамда фермер хўжаликлари дастлабки 3 йил мобайнида режали текширувлардан умуман озод қилинди. Пировардида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалға ошириладиган режали текширувлар сони 2015 йилда 2001 йилдагига нисбатан 3,7 баробар камайиб, фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларни режалик солиқ текширувларига жалб қилиш даражаси 15,9 %дан 2,7 %га ёки 5,9 баробар камайиши таъминланди⁴⁴¹.

Қолаверса, ахоли (айниқса, ёшлар) бандлиги масалаларини ҳал этиш мақсадида 2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиқкан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 %и миқдорида сұғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун ўрнатилған ставканинг 30 %и миқдорида қатъий белгиланган солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан 3 нафаргача ишчи ёллаш хуқуқи берилганилиги ижобий ҳол эди. Бунда якка тартибдаги тадбиркорлар касб-хунар коллежлари

⁴³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1887 сонли Қарори. // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. -Тошкент., 2013. №.2

⁴⁴⁰ Ўша жойда.

⁴⁴¹ Парипиев Б. Солиқ сиёсати: ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг энг мухим омили.// Халқ сўзи. 2016 йил 31 август, №170.

битиругчиларини ишга ёллаган бўлса, ўқишни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этилди⁴⁴².

Тадбиркорларнинг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, амалга оширилган кескин ислоҳотлар натижасида якка тадбиркорлар учун йиллик ягона мажбурий тўловларни амалга ошириш 2016 йилга келиб 7,5 %гача, яъни 6 баробар пасайди. Кўшилган қиймат солиғи, 30 %дан 20 %га ёки 1,5 баробар, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови 15,2 %дан 5 %гача, яъни 3 баробардан кўпроқ пасайди. Солиқ имтиёзларининг берилиши натижасида 50 мингдан ортиқ корхоналар ихтиёрида йилига ўртacha 9 триллион сўм пул маблағларини қолдириш имконини берди⁴⁴³.

Албатта бу борада янги Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ва ва тадбиркорлик субъектларига солиқ юкини қисқартириш масалалари мамлакатимиз раҳбари ва ҳукуматининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Айниқса эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини тартибга соладиган мустаҳкам қонунчилик ва меъёрий база яратилди, уларни ривожлантириш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашадиган кенг кўламли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари тизими шакллантирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2017 йил 18 июлдаги** “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йифилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, солиқ маъмуриятчилиги жараёнiga замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларига, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш солиқ тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишларининг биригчиси сифатида белгиланди⁴⁴⁴.

Солиқ ҳисоботларини топширишнинг тўлиқ электрон шаклига ўтганлиги ҳамда солиқларни масофадан тўлаш амалиётининг кенгайиши солиққа тортиш кўрсаткичи бўйича мамлакатимиз рейтингининг сезиларли яхшиланишига сабаб бўлди (138-ўриндан 78-ўринга). “Бизнесни юритиш” жамоаси эксперtlари баҳоларига кўра, Ўзбекистондаги тадбиркорлик субъектларига солиқ юки даражаси АҚШ, Австралия, Германия, Швеция, Туркия, Хитой ва Россия каби давлатлардагидан анча пастдир⁴⁴⁵. Ушбу рейтингда мамлакатимизнинг сезиларли даражада ўсиши “солиқ” баҳолаш кўрсаткичи ҳисобидан таъминланган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2015 йилда 61-

⁴⁴² Экономическое развитие Республики Узбекистан за годы независимости. -Ташкент., 2016. -С 21.

⁴⁴³ Парипиев Б. Солиқ сиёсати: ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омили// Халқ сўзи. 2016 йил 31 август, №170.

⁴⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги матбуот хизмати маълумоти. //Маърифат. 2017 йил 1 ноябрь, № 87 (9048).

⁴⁴⁵ Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакати. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси; 2016. №3.

поғонага, 2016 йилда эса яна икки поғонага кўтарилганлигини кўриш мумкин⁴⁴⁶.

Шу ўринда, тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолиятини самарадорлигини алоҳида қайд этиш зарур. Уларнинг фаолияти руҳсатномалар ва лицензияларни расмийлаштиришнинг ошкоралиги ва тезкорлигини таъминлаш, давлат органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг электрон шаклларини жорий этиш, қолаверса, бюрократик тўсиқлар ва ариза берувчиларнинг молиявий ҳаражатларини сезиларли равишда қисқартириш имконини бермоқда. Бу борада **“Ягона дарча” марказлари** орқали амалга ошириладиган мулкни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон ўз мавқенини мустаҳкамлаб, жаҳон рейтингида 73-поғонани банд этди. Ижобий тажрибаларни инобатта олган ҳолда 2017 йилда факат “ягона дарча” марказлари орқали кўрсатиладиган давлат ҳизматлари сони 2 марта, яъни 16 тадан 34 тагача оширилди⁴⁴⁷.

Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш билан бирга, инвесторлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш борасида ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда. Бошқарувнинг очиқлиги ва акциядорлик жамиятлари фаолияти тўғрисидаги, жумладан, жамиятнинг ижро органи, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиялари аъзоларига ҳисобланган ва тўланган тўловлар ҳақидаги маълумотларни ошкор этишга бўлган талабларнинг кучайтирилгани Ўзбекистонга “Миноритар инвесторлар ҳимояси” индикатори бўйича 62-ўринга кўтарилиб олиш имконини берди. Якунда Ўзбекистон корхонани рўйхатдан ўтказиш (11 – ўрин), электр тармоқларига уланиш (27), шартномалар ижросини таъминлаш (39), кредитлаш тизими (55), миноритар инвесторлар ҳимояси (62), мулкни рўйхатдан ўтказиш (73) ва солиқка тортиш (78) йўналишлари бўйича жаҳоннинг биринчи 100 мамлакати қаторидан жой олди⁴⁴⁸.

Президентнинг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сонли Фармонига мувофиқ, 2018 йил 1 апрелга қадар якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахслар, фаолиятини тўхтатган якка тартибдаги тадбиркорлар, давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган жисмоний шахсларга нисбатан қўлланилган молиявий жарималар, қатъий солиқ ва ҳисобланган пенялар мазкур шахслар ўз фаолиятини тикласа ёки давлат рўйхатидан ўтган ҳолларда солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилиши, 111,6 минг нафар фуқаронинг 664,1 млрд. сўмлик солиқ қарзи улар томонидан 2019 йил 1 январга қадар якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиши, фаолиятини тиклаши ҳисобига кечилиши белгиланди. Натижада 27,4 минг нафар фуқаролар тадбиркорлик

⁴⁴⁶ Парипиев Б. Солиқ сиёсати: ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг энг муҳим омили:// Халқ сўзи. 2016 йил 31 август, №170.

⁴⁴⁷ Ўша жойда.

⁴⁴⁸ Ўзбекистон бизнес учун энг қулай шароитлар яратиш бўйича етакчи 10 та ислоҳотчи давлат қаторига кирди. Ўзбекистон Республикаси Иктисолиёт вазирлиги матбуот хизмати:// Маърифат. 2017 йил 1 ноябрь. №87 (9048). -Б 3.

фаолиятини қайта тиклаши, шунингдек, белгиланган тар-тибда рўйхатдан ўтиши ҳисобига улардаги 471,2 млрд. сўмлик солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилди. Бундан кўзланган асосий мақсад эса, фуқароларимиз солиқдан қочиш эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлишини, инсофли, ҳалол солиқ тўловчи-ларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритадиганларни эса жазолаш тизимини кўллаш орқали барчага бир хил адолатли солиқ режимини жорий этишдан иборатдир⁴⁴⁹.

Аммо талай йиллар бу борада анчагина муаммолар етилиб қолган бўлиб, соҳада адолатли солиқ тизими тўла шакллантирилмади. Иқтисодиётда давлат аралашувининг юкорилиги ва бюрократия, солиқ, божхона ҳамда банк тизимидағи мавжуд муаммолар ички инвестицияларни купайтиришга ва хорижий сармоядорларни янада кенгрок жалб этишга ҳали ҳам тўсиқ бўлиб келмокда. Тадқиқотларга кўра, кўп йиллар давомида солиқ юкининг юқори бўлгани мамлакатда «хуфиёна» иқтисодиёт улушининг ортиб кетишига шароит яратилгани ҳам аёнлашди.

Мавжуд вазиятни ҳисобга олиб, биз авваламбор иқтисодиётни жадал ривожлантириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини қабул қилинди. Бу концепция устида узоди. Мазкур ҳужжат лойихаси мамлакатимиз жамоатчилиги, бизнес ҳамжамияти, ҳалқаро молиявий ташкилотлар, нуфузли эксперtlар томонидан кенг ва атрофлича муҳокама қилинди, дея қайд қиласи Президент Ш.Мирзиёев⁴⁵⁰.

Унга мувофиқ, бизнес ҳамжамияти учун энг оғир ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов ставкаси илгариги 25 % ўрнига 12 % этиб белгиланди. Божхона тулов ставкалари қайта кўриб чиқилиб, 3,5 мингга якин товарлар бўйича бож миқдори ва 800 га якин товарлар бўйича акциз солиғи ставкалари камайтирилди⁴⁵¹.

Бўш турган давлат мулки обьектларини ўзаро шериклик асосида хусусий тадбиркорларга бериш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Интернет тармоғида электрон савдолар ва аукционлар орқали ер участкаларини, жумладан, тадбиркорлар учун ажратишнинг ягона тартиби ўрнатилиб, 2018 йилдан электрон савдо майдонлари орқали давлат активларини сотиш бўйича электрон тизим ташкил этилиши кўзда тутилди⁴⁵².

2018 йилдан солиқ сиёсатини амалга оширишда кескин чора-тадбирлардан воз кечилиб, ислоҳотлар даврида давлат тизимининг узлуксиз фаолият кўрсатиши учун бюджет барқарор бўлиши кераклиги уқдирилди. Бу борада Ўзбекистонда йирик инвестиция лойихаларини амалга ошириш

⁴⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп кўлланма. -Тошкент., 2019. -Б 105.

⁴⁵⁰ Мирзиёев Ш. Билимли авлод-буюк келажакнинг, тадбиркор ҳалқ-фаровон хаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тарққиётнинг кафолатидир.// Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. -Тошкент, 2018, 7 декабр.

⁴⁵¹ Ўша жойда

⁴⁵² Ўша жойда

ниятида бўлган инвесторлар учун мамлакатимизни жозибали қилиш мақсадида солиқ тизими такомиллаштирилади. Барча бизнес тоифалари учун солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш зарур. Эътиборли томони шундаки, **2018 йил 1 январидан** бошлаб кичик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови учун ҳисобланган сумманинг 8 % Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаасига ўтказилиши белгиланди⁴⁵³.

Солиқ имтиёзлари беришда индивидуал ёндашувлардан воз кечиб, уларни фақат иқтисодиётнинг маълум тармоқлари учун қўллаш амалиётига ўтилиши кўрсатиб ўтилди. Дарҳақиқат, ушбу қарорда белгиланган устувор йўналишлар асосида янги Солиқ кодексига мувофиқ, кўпгина янгиликлар ҳам амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш бўйича, енгиллаштирилган механизмлар киритилди. Биринчи марта тадбиркорларга ички бозорда сотган маҳсулоти бўйича қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш тартиби жорий этилди. Ҳозиргача бу тартиб фақат маҳсулот экспорт қилинганда қўлланар эди. Бунинг ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида 3,4 триллион сўм ёки ўтган йилга нисбатан 2,5 баробар кўп маблағ қолади. Энди тадбиркор томонидан тўланган ортиқча солиқ ўз муддатида қайтарилмаса, унга Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича бюджетдан % тўланиши белгиланди⁴⁵⁴.

Бизнес юритиш учун яратилаётган имкониятлардан яна бири, тадбиркорларни текширишга икки йиллик мораторий эълон қилинди, 138 та лицензия ва рухсат бериш билан боғлиқ талаблар соддалаштирилиб, 42 таси бутунлай тугатилиб, 35 мингга яқин товарлар бўйича бож миқдори ва 800 га яқин товарлар бўйича акциз солиғи ставкалари камайтирилди. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти учун ер майдонларини электрон аукцион орқали ажратиш тартиби жорий қилингани, инвестор ва ишбилармонларга етказилган мулкий зарарни буткул қоплаш кафолатлангани, 18 та эркин иқтисодий зона ва 135 дан зиёд кичик саноат зонаси ташкил этилгани, аграр соҳада босқичмабосқич қишлоқ хўжалиги кластерлари ташкил этилиб, пахта хомашёси, бошоқли дон бозор тамойиллари ва нарҳларида харид қилиниши белгиланганди⁴⁵⁵. 2019 йил 1 январдан бошлаб эса қабул қилинган янги Солиқ концепцияси асосида иқтисодиётга солиқ юки сезиларли даражада пасайтирилди, амалдаги солиқ турлари 19 тадан 15 тагача камайтирилди. Солиқ ислоҳотлари амалга оширилиши натижасида қўшилган қиймат солиғи тўловчилари 7 бараварга ошиб, 48 мингтага етди. Мазкур солиқ тушумлари бўйича давлат бюджетига 11,2 триллион сўм кирим қилиниб, ўтган йилнинг

⁴⁵³ Ишқуватов В. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланиш тарихи. -Тошкент., 2020. -Б 159.

⁴⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси://Халқ сўзи. -Тошкент., 2020. 25 январ.

⁴⁵⁵ Каримов Т. Тараккиёт пойдевори//XXI ASR. 2019 йил 22 август, 33 (823)-сон.

мос даврига нисбатан бу кўрсаткич 1,9 бараварга ўсди. Солик тўловчилар билан жойларга чиқиб ишлаш, тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб бориш натижасида 571 мингдан ортиқ иш ўрни легализация қилинди, 62 мингдан ортиқ юридик шахс ва 66 мингдан ортиқ якка тартибдаги тадбиркор рўйхатга олинди⁴⁵⁶.

Демак, солик тўловчилар соликларни тўлашнинг зарурлигини тўлиқ англаб етиши, уларнинг соликлардан қочиши ёки тўлащдан бўйин товлаши нафақат ўзининг, балки бутун давлат ва жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатишини англашлари муҳимдир. Бу бевосита солик тўловчиларнинг психологияси билан боғлиқ бўлиб, у эса солик маданиятининг даражасини билдиради. Чунки соликларни тўламаслик, солик тўлашдан бўйин товлаш, солик тўловчи сифатида рўйхатда турмаслик ва бошқа шу каби солик хукуқбузарлик ҳамда солиққа оид жиноятлар эса соликларнинг хукуқий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда бўлишини билдиради⁴⁵⁷.

Бу шубҳасиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида солик сиёсатини мукаммаллаштириш концепцияси ҳақида»ги қарорида белгиланган тамойилларни амалга оширишга ҳизмат қилмоқда. Мазкур қарорга мувофиқ биз тадқиқ қилаётган масалага дори қуидагилар амалга оширилиши белгиланган:

- истиқболда корхоналар ва жисмоний шахслар учун соликларни камайтириш;
- бизнес учун қулай шарт-шароитлар, ҳажми ва мулкчилик шаклларидан қатъий назар тадбиркорлик субъектлари учун teng шарт-шароитлар яратиш;
- мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш⁴⁵⁸.

Айни вақтда солик органлари томонидан ноқонуний текширишлар, хусусий бизнес фаолиятига асоссиз аралашибга қарши курашни кучайтириш мақсадида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тизими тубдан қайта кўриб чиқилди. Текшириш ўтказишга рухсат беришнинг маҳсус электрон ахборот тизимига ўтилиб, унинг назорати Бош прокуратурага юкланди. Барча тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш 2 йилга тўхтатиладиган бўлди⁴⁵⁹.

Давлат раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мазкур соҳани янада ислоҳ қилиш учун Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Бизнесомбудсман 2020 йил 1 марта қадар лицензия ва рухсатномалар бериш асосларини тубдан қайта кўриб чиқиб, уларнинг сонини камида 2, бўлмаса, 3 баробарга қисқартириш бўйича аниқ таклиф киритиши, “Кичик ва ўрта бизнес тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Унга

⁴⁵⁶ Каримов Т. Тараққиёт пойдевори...(823)-сон..

⁴⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга багишлиланган илмий-оммабоп қўлланма. -Тошкент., 2019. -Б 105.

⁴⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида солик сиёсатини мукаммаллаштириш концепцияси ҳақида”ги қарори. // Халқ сўзи, июн. 2018 йил

⁴⁵⁹ Ўша манба.

кўра қўйидагилар муҳим стратегик режалар сифатида қўйидагилар белгиланди. Яъни, кичик ва ўрта бизнес мезонлари ҳамда соҳа вакилларини рағбатлантириш механизмлари назарда тутиш, ҳар бир ҳудудда тадбиркорларга ер участкаларига оид маълумотларни очиқ ва ҳаққоний етказиш бўйича янги тизим жорий этилиши белгиланди. Ҳамда тадбиркорнинг фаолият юритиши учун зарур бўлган бўш ер майдонлари, бино ва иншоотлар, уларнинг қиймати ва шартлари ҳақидаги тўлиқ харитани исталган вақт ва ҳудудда “онлайн” тарзда олиш имкониятини яратиш кўрсатиб ўтилди⁴⁶⁰.

2020 йил 18 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармонга мувофиқ барча тадбиркорлик субъектлари 1 сентябргача мол-мулк ва ер солиғи тўлашдан озод этилиши, ижтимоий солиқ ставкаси 1 %га туширилиши белгиланди⁴⁶¹.

Унга кўра, кичик тадбиркорлик субъектлари;

- бозорлар ва савдо мажмуалари;
- кинотеатрлар;
- умумий овқатланиш жойлари;
- жамоат транспортлари ташкилотлари;
- спорт-соғломлаштириш муассасалари;

• йўловчиларни ташиш, майший хизмат кўрсатиш, ёпиқ жойларни ижарага бериш, шу жумладан банкетлар ташкил этиш билан шуғулланадиган юридик шахслар, шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектларига 2020 йил 9 марта ПФ-5969-сон ва 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли Фармонларга мувофиқ, апрель-май ойлари учун тақдим этилган, мол-мулк ва ер солигининг фоизсиз кечикириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) суммаларидан; 2020 йил 1 январдан бошлиб 2020 йил 15 майгacha бўлган муддатда ер ва мол-мулк солиғи бўйича ҳисобланган пеня ва жарималардан воз кечилиши белгиланди⁴⁶².

Умуман, тадқиқотлар асосида мамлакатда мустақиллик йиллари тарихида фаол тадбиркорлик муҳитининг шакллантирилганлиги туфайли солиққа тортиш тизимининг ўзига хослиги ва либераллашуви натижасида талай ислоҳотлар амалга оширилиб, айrim муаммолар юзага келган бўлсада, мазкур муаммоларни бартараф этиш ҳамда улар натижалари юзасидан олиб борилган чора тадбирлар ўзининг муайян натижасини берганлигини кўриш мумкин.

⁴⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси:// Халқ сўзи. -Тошкент., 2020 йил. 25 январ.

⁴⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармони. // Халқ сўзи. -Тошкент., 2020. 19 май.

⁴⁶² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мизиёевнинг “Короновирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони.// Халқ сўзи. 2020 йил 19 май. № 104.

Умуман, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банк-кредит соҳаларини ривожлантириш, тадбиркорликни молияларшириш учун авваломбор мустақиллик йилларида муҳим норматив-хуқуқий асослар шакллантирилди, унинг хуқуқий механизми яратилгани, асосийси тикжорат банклари томонидан тадбиркорларнинг кредит олишлари билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилиш борасида кейинги йилларда анчагина енгиликлар юзага келганлигини тасдиқлади. Бу эса мамлакатга тўғридан тўғри хориж инвестицияларни жалб қилиш учун қулай инвестиция мухитини шакллантириш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш ҳамда соддалаштириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширгани билан тасдиқланди;

Айниқса сўнгти йилларда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат ва турли назорат органларининг ноқонуний аралашуви холатлари билан боғлиқ муаммолар борлиги ва уларни ечиш бўйича амалий чоралар кўрилгани билан изоҳланди. “Ёшлар- келажагимиз” Давлат дастури, “Ҳар бир оила- тадбиркор” дастури доирасида ёшларга агро тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам бериш мақсадида тижорат банклари ва тадбиркорлар ўртасидаги “Банк-тадбиркор”, “Тадбиркор-банк» тамойили асосида “Агробанк” АТБ томонидан молиявий маблағлар ажаратиш ва қишлоқ хўжалиги тадбиркорлари мурожаатлари билан ишлашнинг янгича тизими шакллантирилгани соҳадаги муаммоларни ечишнинг янгича механизми вужудга келганлигини кўрсатди.

Мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб, якка тадбиркорлар ва хусусий мулкдорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш борасида солиқларни унификация қилиш орқали ҳимоя қилиш, уларнинг масъулиятини кучайтириш чоралари кўрилганлигини тасдиқлади. Бу ўз навбатида тадбиркорлик фаолияти эркинликларини таъминловчи ҳамда хўжалик фаолиятини тартибга солувчи қонуний-хуқуқий базани вужудга келишига туртки бўлди. Бу эса солиқ тизимини янгича асосларда ислоҳ қилишни тақоза этди.

Қабул қилинган янги Солиқ кодексига мувофиқ, ушбу ўтган давр мобайнида айрим солиқ турлари камайтирилишига эришилди. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга руҳсат берилди, тадбиркорларга ички бозорда сотган маҳсулоти бўйича қўшилган қиймат солифининг бир қисмини қайтариш тартиби жорий этилганлиги билан изоҳланди. Муҳими, тадбиркорларни текширишга икки йиллик мораторий эълон қилингани, лицензия ва руҳсат бериш билан боғлиқ талаблар соддалаштирилгани, аксарияти бутунлай тугатилганлиги, акциз солиғи ставкалари камайтирилиши тизимдаги муҳим ислоҳотлардан бири эканлигини кўрсатди.

IV. Боб Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг инвестициявий асоси ва стратегияси

IV.1 Хорижий инвестицияларни кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб қилиниши - ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг устувор тармоқларини ривожлантиришда хорижий инвестицияларни самарали жалб қилиш, инвесторлар учун етарли шарт шароитлар яратиш ва улардан келиб чиқсан ҳолда тадбиркорлар ва инвесторлар манфатларини қўллаб-куватлаш мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Муҳими ушбу фаолият соҳанинг жаҳон иқтисодий тизимиға интеграциялашувини таъминлайди. Ички иқтисодий ва ижтимоий муҳитни яхшилаш имкониятини беради, тадбиркорларни янада рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни фаол жалб қилишга ва улардан оқилона фойдаланишга ундейди.

Аммо 90-йилларнинг бошида етарли даражада фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилмаганлигини, давлат корхоналари ўрнида янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилишининг суст кечганлиги, саноат соҳасида фаолият юритаётган бизнес субъектларини етарли даражада модернизация қилинмаганлиги, республикадаги мавжуд демографик ахвол ва иқтисоддаги диспропорция, яъни аҳолини товарлар ва хизматлари пул билан етарли таъминланмаганлиги, бир томонлама ихтисослашган иқтисоднинг мавжудлиги каби омиллар билан боғлаш мумкин⁴⁶³.

Аслида эса республика мустақилликка эришгандан сўнг унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти аҳоли даромадларининг ошиши, турмуш шароитининг яхшиланиши, асосан миллий иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларига жалб этилаётган чет эл инвестиция⁴⁶⁴ маблағларининг ҳажми ва таркибиға боғлиқ эди. Шундай экан, ҳар бир давлат ўз худудида инвестиция маблағларини жалб этишининг жозибадор муҳитини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратади. Ўзбекистонда ҳам ўтган тарихий даврда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга қаратилган инвестиция сиёсатини олиб бориш натижасида иқтисодий ўсишга, мавжуд маблағлар ва хом ашё базасидан унумли фойдаланишга эришилди.

Ўзбекистон мустақиллиги йиллари тарихига назар ташласак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни муҳимлигига яна бир амин бўламиз. Кундалик ҳайтимизда ва илмий муомалада “инвестиция”, “инвестор”, “инвестицион фаолият” тушунчалари кўп қўланилади. Шу ўринда, аввало, инвестицион

⁴⁶³ Сирахиддинов Н. Экономические реформы в Узбекистане //Центральная Азия: собственный взгляд. - Ташкент. 2006. - С.415.

⁴⁶⁴ Чет эл инвестициялари - “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ти қонуннинг З-моддасига кўра, чет эллик инвесторлар асосан, даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун хужжатларида таъкиланмаган бошка турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир хукуклар, шу жумладан, интеллектуал мулакка доир хукуклар, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари деб аталади. Ўзбекистон ўз худудида чет эллик инвесторлар инвестция фаолиятини амалга оширишлари учун барча хукукларни кафолатлайди ва ҳимоя киласи.

фаолиятнинг энг муҳим элементи бўлган «инвестиция» тушунчасининг моҳияти ва мазмуни хусусида сўз юритиш ўринли. **«Инвестиция»** тушунчаси инглизча «investments» сўзидан олинган бўлиб, «капитал қўйилма» деган маънони билдиради. Кенг маънода инвестиция (сармоя) – даромад ёки фойда олиш мақсадида маблағни муайян муддатга тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари (объектлари)га йўналтиришни англатади⁴⁶⁵.

В.Г Золотогоров инвестицияларни янги корхоналарни ташкил этиш, амалдаги ишлаб чиқаришларни қўллаб -қувватлаш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник жиҳозлаш, фойда ва бошқа пировард натижалар, масалан, табиат муҳофазаси, ижтимоий натижалар олиш мақсадларида лойиҳаларга маблағлар киритиш тарзида изоҳлайди⁴⁶⁶. Кўпгина муаллифлар инвестицияларнинг иқтисодий мазмунини ёритишида тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари объектларига киритиладиган фойда (даромад), яратиладиган ёки ижтимоий самара берадиган мулкий, интеллектуал бойликлар турлари, деб ҳисоблайдилар⁴⁶⁷.

Демак, инвестиция тушунчаси мамлакатга киритилаётган сармоя ёки маблағ маъносини англатади. Демак, ҳозирги тараққиёт босқичида хориж инвестициясини давлат иқтисодиётига жалб қилиниши, қувонарли ҳол албатта. Буни ҳар бир давлат ўз имкониятлари, мавжуд шарт шароитлар, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, географик, ички ва ташқи сиёсий омилларни инобатга олган ҳолда жорий этади. Бундай ҳолатни инобатга олишлик бизнинг республикамизга ҳам хосдир.

Тарихий таҳлиллар шуни кўрсатди, мустақилликнинг дастлабки йилларида соҳага инвестицияларни жалб қилиш борасида дастлабки номатив-хуқукий асослар яратилган бўлиб⁴⁶⁸, соҳада динамик кўрсаткичлар бир оз юқори бўлган бўлсада, сўнгра тадбиркорлик соҳаларига хориж инвестицияларини жалб қилиш анчагина суст кечганлигини кўриш мумкин.

⁴⁶⁵ Язык бизнеса. Термины.-Ташкент.: Шарк. 1995.- С 71., Яна қаранг: Қодиров А, Турсунов А. Иқтисодиёт назариясидан атамалар ва тушунчалар. -Тошкент., 2000. -Б.36.; Эгамбердиев Э, Хўжакулов Х. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. -Тошкент., 2003. -Б 14-бет. Яна қаранг: Қисқача сиёсий лугат. -Тошкент., 1975. -Б 93.

⁴⁶⁶ Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование: Экоперспектива. - Москва., 2001. - С 443

⁴⁶⁷ Бочаров В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. –Москва., Финансы и статистика, 2002, -С 12.

⁴⁶⁸ Соҳни ривожлантириш борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисидаги» (14.04.1999 йил), «Чет эл инвестицияси тўғрисидаги» (30.04.1998 йил), «Чет эл инвесторлари хукукларини химоя қилиш чора-тадбирлари ва кафолатлари тўғрисидаги» (30.04.1998 йил) қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги» (26.05.2000 йил), «Чет эл инвестициясига эга корхоналарга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва рағбатлантиришлар тўғрисидаги» (30.11.1996 йил), «Чет эл инвестициясига эга корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни экспорт қилишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора -тадбирлар тўғрисидаги» (26.06. 1997 йил), «Товарлар (иш, хизмат) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшммча чора-тадбирлар тўғрисидаги » (10.10.1997 йил), «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 36 ноябрдаги Фармонига кисман ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги», «Чет эл инвестициясига эга корхоналарга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва рағбатлантиришлар тўғрисидаги», (27.03. 1998 йил), «Экспорт маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги » (5.06.2 000), «Нефть ва газ қидибуви ва қазиб чиқаришга чет эл инвестицияларини халб килиш тўғрисидаги» (28.04.2000 йил) Фармонлари қонунлари шулар жумласидандир.

Авваломбор соҳада инвестицион мухитни янада яхшилаш, авваломбор хориж инвестицияларини жалб қилиш учун унинг ҳуқуқий асоси бўлиши зарур. Шу боисдан 1991 йил 14 июнда “Ўзбекистон Республикасида хориж инвестициялари тўғрисида” ги қонун қабул қилинганлиги мамлакатимиз ҳудудида хориж инвестицияларини жорий қилишнинг ҳуқуқий, ташкилий жиҳатларини ҳамда тартибини белгилаб берди⁴⁶⁹. Мазкур қонун 1998 йилда янгича асосларда қабул қилинди.

Тарихий далилларга кўра, агар 1990 йилда мамлакат инвестиция портфелида хорижий инвестициялар деярли мавжуд бўлмаган бўлса, 1994 йилда 586 та қўшма корхоналар, шундан 560 таси хориж инвестицияси ҳисобига, 1995 йилда 1 млрд сўмлик ҳажмдаги 1000 га яқин қўшма корхоналар фаолият юритган. 10 минга яқин тадбиркорлар, асосан фермерлар хусусийлаштиришдан тушга маблағлар ҳисобига қўллаб-қувватланган⁴⁷⁰. Масалан, 1997 йил жами инвестициялар 271,6 млрд. сўм бўлса, шундан 217,6 млрд. сўм (78%) миллий инвестиция, 54 млрд. сўм (22%) хорижий инвестиция еди. Инвестицияларнинг 2,3 қисми ишлаб чиқаришга етказилди, бу маблағлар энг аввал янги технологияни жорий етишга, бозорбоп маҳсулот чиқаришга йўналтирилган⁴⁷¹.

1993 йилдан буён Жаҳон банки хусусийлаштириш, молия секторини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини, электр энергиясини модернизация қилиш, ижтимоий инфратузилмани, соғлиқни сақлаш, таълим ва кичик ва ўрта тадбиркорликни такомиллаштириш соҳасида 33 та лойиҳани амалга ошириш учун мамлакатга умумий қиймати 2,8 миллиард АҚШ долл. миқдорида кредитлар ва қарзлар ажратди⁴⁷². Бу борада 1995 йилда хориж инвестицияларини жалб қилиш ҳолати 1994 йилга нисбатан 17% га кўпийб, 1995 йилда халқаро инвестиция агентлиги ташкил этилиб, хориж сармоядорларига Ўзбекистонда фаолият юритишлари учун кенг имкониятлар яратилган⁴⁷³.

Масалан, 1994 йилда республикада хорижий ҳамкорлар билан ташкил қилинган 900 та қўшма корхоналар рўйхатга олиниб, уларнинг 531 таси халқ истеъмоли товарлари, 40 таси ҳисоблаш таехникалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлса, 35 таси тиббиёт ускуналари, майший техникалар, яна 170 таси турли туман маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди⁴⁷⁴. Бунда Ўзбекистоннинг хориж давлатлари билан тадбиркорлик соҳасидаги

⁴⁶⁹ Миренский Б. Новое инвестиционное законодательство Республики Узбекистан // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.-Тошкент., 1998 №7. -С 12.

⁴⁷⁰ Махмудов Э. Инвестиция и подъём экспортного потенциала республики. . // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -Тошкент., 1995. № 9, -Б 17.

⁴⁷¹ Ўлмасов А, Вахобов А. Иқтисодий тузумни қайта куриш бозор иқтисодига ўтишнинг ўзига хос йўли. // Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки сахифалари. -Тошкент.: Шарқ, 2000, -Б 64-65.

⁴⁷² Ходжикулова С. Н. Халқаро молия институтлари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлашни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) дисс. Автореферати. -Тошкент., 2020. -Б 19.

⁴⁷³ Development Cooperation Uzbekistan // Development Cooperation Report, 1996. Р 6.

⁴⁷⁴ Ионова Е.П. Новые тенденции в экономическом развитии Узбекистана // Экономика и политика Росси и государств ближнего зарубежья. -Москва., 1995. №10.

ҳамкорлиги мұхим рол үйнаб, 1994 йилда Дания технология институтининг “ТАСИС” дастури доирасида Ўзбекистон “Ишбилармөнлик алоқалари мракази” ташкил топди⁴⁷⁵.

Биргина 2000 йилда республикада инвестиция ва кредитларнинг улуши 23,2 %ни, жумладан, хукumat кафолати билан жалб этилган хорижий инвестициялар ва кредитлар 19,8 %ни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эса 3,4 %ни ташкил⁴⁷⁶ қилди. Яъни, Ўзбекистонда тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этишни бошқариш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсати комплекс тарзда амалга оширилди. Фаол инвестицион мұхитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва худудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш масалаларига кенг эътибор қаратилганлиги истиқболда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада тараққий эттириш вазифасини қўйди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳамда унга хорижий сармояларни жалб қилишнинг иккинчи тарихий босқичи, яъни 1994-1996 йилларда хукumat кичик хусусийлаштириш билан боғлиқ мұхим чора-тадбирларни амалга ошириди. 1995 йилда МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш кўрсаткичларида ижобий натижаларга эришилди⁴⁷⁷.

Яъни, хорижий инвесторлар учун яратилган қулай бизнес мұхити, кенг ҳуқуқий кафолат ва имтиёзлар тизими, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни рағбатлантиришга қаратилган бутун чора-тадбирлар мажмуаси мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини тубдан кўпайтириш имконини берди. Шунингдек, инвестиция мұхитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвестицияларнинг бу борадаги давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончини мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратилди.

Бунинг яққол исботи сифатида, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилдаги «Чет эл инвестициялари ва чет эл инвесторларининг фаолияти кафолатлари тўғрисидаги» қонунига мувофиқ ҳамда экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи, шунингдек иқтисодиётга капитал шу боисдан хиритаётган чет эл инвестициясига эга корхоналар самарали фаолият и учун шароит яратишни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1996 йил 30 ноябрда «Чет эл инвестициясига эга корхоналарга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва рағбатлантиришлар тўғрисидаги» Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга кўра 1997 йил 1 январдан бош лаб чет эл инвестициясига эга корхоналарни

⁴⁷⁵ Нуриддинов Э. Развитие равноправных торгово-экономических связей Узбекистана с зарубежными странами. (на примере стран европейского Союза). Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки сахифалари. -Тошкент.: “Шарқ”. 2000, -Б 109.

⁴⁷⁶ Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларида (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. -Тошкент., 2011. -Б 53.

⁴⁷⁷ Ўз РМА. М-20 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-10, 146-орка варак.

рўйхатдан ўтказишиинг янги тартиби белгиланди. Хусусан, уларни рўйхатдан ўтказиш Адлия Вазирлиги томонидан амалга ошириладиган бўлди⁴⁷⁸.

Бундан мақсад, мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигига инвестицияларни жалб қилиш борасида ҳали етарлича тажриба етишмас эди. Ҳатто ўша кезларда хориж инвестицияларини жалб қилиш борасида олдинги йилларга исбатан бирмунча пасайиш ҳам содир бўлган. Айниқса, бу борада 1994 йилда республикада энг паст кўрсаткич қайд этилган⁴⁷⁹. Яъни, 1994 йил 1 кварталида республикадаги хориж инвестициясининг умумий ҳажми бор ўғи 0,3 млн сўмни ташкил қилган⁴⁸⁰. бўлса, ундан кейинги йилларда ушбу кўрсаткич олдинги йилларга нисбатан ошиб борган.

Масалан, бизнес ва тадбиркорлик соҳаларига жалб қилинган инвестициялар ҳажми **1994 йилнинг сентябр ойига келиб 122,6 млн сўмни**, йил давомида эса 140 млн сўм бўлган. Умуман, 1994 йилда хориж инвесторларининг умумий улуши 50 млн долларлик кредит линияларини ташкил этган, холос⁴⁸¹. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислоҳотларнинг бошида асосан пахта толасини экспорт қиласр эди. 1992 йилда унинг мамлакат экспортидаги улуши 62,8 %ни ташкил этган. Шу даврда пластмасса ва кимёвий маҳсулотлар улуши 6,07 %ни, рангли ва қора металлар улуши 9,22 %ни, энергетика манбалари 6,72 %ни, машина ва асбоб-ускуналар 7 %ни, озиқовқат маҳсулотлари 2,54 %ни, бошқа экспорт товарлари ва хизматларнинг улуши атиги 5,65 %ни ташкил этарди⁴⁸².

Чунки, инвестициялар салмоғи ошиши билан мамлакатнинг экспорт улуши ҳам ошиб бориши табиий ҳол, албатта. Бинобарин, инвестициялар оқимини сезиларли даражада ошириш, институционал ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасидаги муаммоларни ҳал қилишнинг самарали усусларидан бири бу дунёнинг ривожланган давлатларидан инвестицияларни жалб этишdir. Ваҳоланки, савдо-иктисодий, инвестициявий, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш моделларини ишлаб чиқиш, дунёнинг етакчи халқаро таҳлил ва илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш муассасалари билан алоқаларни мустаҳкамлаш орқали Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини янада юксалтириш муҳим масалалар эди.

Ваҳоланки, тарихий рақамларга кўра, агар 1997 йилда 25 та мамлакат сармоядорлари иштирок этган ва донор мамлакатлар орасида Буюк Британия (22 %), Малайзия (16 %), Туркия (12,6 %) етакчилик қилган бўлса, 1998 йилда Корея Республикаси (39,3 %), АҚШ (23,8 %) ва Буюк Британия (7,1 %)

⁴⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет эл инвестициясига эга корхоналарга бериладиган кўшимча имтиёзлар ва рафбатлантиришлар тўғрисидаги» Фармони. // Халқ сўзи. 1996 йил 1 декабр.

⁴⁷⁹ Рашидова Ф. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланишида хорижий сармоялар (Тарихий ёндашув). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. -Тошкент., 2019. -Б 14.

⁴⁸⁰ Махмудов Э. Инвестиция и подъём экспортного потенциала республики. . // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -Тошкент., 1995. № 9, -Б 18.

⁴⁸¹ Махмудов Э. Инвестиция и подъём ... 1995. № 9, -Б 18.

⁴⁸² Ҳамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолияти асослари. -Тошкент.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2001, -Б 170.

хорижий сармояга асосланган корхоналар сони жиҳатидан етакчи ўринни эгаллаган⁴⁸³.

Кейинги йилларда бу кўрсаткич мос равишда оша бошлаган. Яъни, 1997 йилда республикада чет эл инвестицияларининг улуши, жами ўзлаштирилган капитал маблағларнинг 19,9 % ини, 2000 йилда эса - 21,7 % ни ташкил қилган. Бу ҳолат уч йил ичида бор йўғи 2 %га ўсганлигини тасдиқлади. Бунда, чет эл капиталининг асосий қисми ўзаро ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар ҳиссасига тўғри келади. 2001 йил 1 январ ҳолатига кўра Ўзбекистонда 70 та давлатнинг тадбиркорлари иштирокидаги 1796 та қўшма корхона фаолият юритган. Айниқса АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Россия ва бошқа мамлакатларнинг йирик фирмалари ҳамкорлигидаги қўшма корхоналар мувафақият билан иш олиб борган⁴⁸⁴.

«Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришниг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонига кўра, халқаро ташкилотлар кредит линияларидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун фойдаланиш тартиби белгилаб берилган. Хусусан, Фармонга кўра тегишли инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш учун олинган аслаҳалар божхона божлари тўловидан озод қилиниши кўрсатилган. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларни қўллаб - қувватлаш бўйича қўшимча чора – тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг эълон қилиниши чет эл инвестициясига эга корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлигининг яна бир далилидир. Бу Фармонга мувофиқ экспортни амалга оширувчи корхоналар даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинадилар, агар маҳсулотининг экспорт хажми 25% дан 50% оралиғида бўлса, белгиланган мол -мулк солиғи 50% га кисқартирилши белгиланди⁴⁸⁵.

Архив манбаларида келтирилишича, ўша пайтларда экспортга чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг умумий маҳсулот ҳажмидаги улуши ярмидан юқори бўлса, у ҳолда бу корхона мол-мулк солиғи тўлашдан ҳам озод қилиниши кўрсатилди. Буларнинг барчаси республикамиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини оқиб келишини рағбатлантиришга қаратилган тадбирлар бўлди. Асосийси ўша тарихий даврда Ўзбекистонда инвестициялаш меъёрининг юқори бўлиши асосан миллий ресурслар ҳисобидан таъминланди. Ўзбекистонда бир қатор мамлакатларда бўлгани каби инвестициялашни миллий бойликни чет элга сотиб юбоиш ёки хориждан катта қарз олиш ҳисобидан бўлмади. Масалан, Канаданинг «Раанани Холдингс» компанияси Ўзбекистонда бизнес ва тадбиркорликни рағбатлантириш мақсадида соҳани молиялаштириб, ўз фаолиятини бошлаганлиги бунинг

⁴⁸³ Рашидова Ф.Ш. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланишида жорижий сармоялар./Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси Автореферати. -Тошкент-2019. -Б 17.

⁴⁸⁴ «Ўзбекистон стратегияси» – «Тараққиёт стратегияси» марказининг ижтимоий-таҳлилий журнали. 2018 йил № 2-сон.

⁴⁸⁵ Фозибеков. Д. Ф. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. -Тошкент.:Молия, 2003, -Б 29.

далилидир⁴⁸⁶. Яъни, инвестициялар ички имкониятларини сафарбар этиш ҳисобидан юз берди.

Масалан, 1997 йил жами инвестициялар 271,6 млрд. сўм бўлса, шундан 78 % миллий инвестиция, 54 млрд. сўм, 22 % хорижий инвестициялар эди⁴⁸⁷. Яъни, инвестицияларнинг 2/3 қисми ишлаб чиқаришга йўналтирилди, бу маблағлар энг аввало янги технологияни жорий этишга, бозорбоп маҳсулот чиқаришга юборилди⁴⁸⁸.

Аммо ўша кезларда бу борада айрим **муаммолар** ҳам кўзга ташланган. Булардан бири инвесторларни рўйхатдан ўтказиш ва улар учун зарур имкониятлар яратиб беришdir. Аслида инвесторларнинг фаолиятида қонун бузилишлари содир бўлмаган шароитда уларни рўйхатдан ўтказиш ва фаолияти учун имкониятлар яратилиб берилиши қонунларда ҳам кўзда тутилган.

Қонунга биноан чет эллик юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси худудида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига таъқибланмаган, хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ўз мулклари бўлиши хукуқига эгалар. Чет эллик юридик шахсларнинг мулклари давлат томонидан ҳимоя қилинади. Мулкларнинг кўпайиши ва бошқа давлатларга эркин кўчирилиши қонунчилик томонидан таъминланади, дейилган⁴⁸⁹.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари ва чет эл инвесторларининг фаолиятини кафолатлари тўғрисидаги» қонунига мувофиқ ҳамда экспортга мўлжалланган ва импорт ўринини босувчи, шунингдек иқтисодиётга капитал киритаётган чет эл инвестициясига эга корхоналар самарали фаолияти учун шароит яратишни рағбатлантириш муҳим вазифасифатида белгиланганлиги бежиз эмас. Шу тариқа республикада чет эл инвесторларига яратиб берилган шарт шароитлар туфайли ушбу соҳада талай ижобий силжишлар кўзга ташланди. Ушбу даврда Ўзбекистон ГФР, Туркия, Миср, Индонезия, Покистон, Финляндия, АҚШ, Франция каби давлатлар билан тадбиркорлик соҳасини молиялаштириш борасида инвестицион шартномаларни имзолади⁴⁹⁰.

Албатта кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга сазовордир. Президентининг «Чет эл инвестициясига эга корхоналарига бериладиган қўшимча имтиёзлар ва рағбатлантиришлар тўғрисидаги» Фармонига мувофиқ мулкчилик шаклидан катъий назар барча корхоналарга қўйидаги имтиёзлар берилди:

а) агар ишлаб чиқарган маҳсулоти умумий ҳажмининг 30% дан кам бўлмаган қисми экспортга йўналтирилса фойда солиғи ставкаси икки

⁴⁸⁶ Ўз РМА М-67 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-110. 18-варак.

⁴⁸⁷ Ўлмасов А, Вахобов А. Иқтисодий тузумни қайта куриш бозор иқтисодига ўтишнинг ўзига хос йўли. // Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки сахифалари. -Тошкент., 2000, -Б 64-65.

⁴⁸⁸ Ўша жойда.

⁴⁸⁹ Зайнутдинов Ш.Н, Кармишева Ш.К. Инвестицияларни бошқариш. -Тошкент., 2007. -Б 37-38.

⁴⁹⁰ Ўз РМА. М-20 фонд, рўйхат,йиғма жилд-10, 148- варак.

баробарга камайтирилади;

б) агар экспорт ҳажми ошишига эришилса, мазкур валюта тушуми фойда солигидан ва Марказий банкка мажбурий сотишдан озод қилинади;

в) машина-технология экспортидан келиб тушадиган, экспорт потенциалини оширишга қайта сарфланадиган валюта тушуми Марказий банкка мажбурий сотишдан озод қилинади;

г) эркин айирбошланадиган валютада экспортга чиқарилаётган маҳсулотлар учун божхона тўловлари 50%га пасайтирилиб ва бу корхоналарга имтиёзли кредитлар берилиши белгиланди⁴⁹¹.

Хориж инвестицияларини иқтисодиётга кенг жалб қилиш бўйича, Э. Нуриддинов ва Ш.Ахмедовларнинг қайд этишларича, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, 2002 йилгача республикага 12 млрд АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритилган⁴⁹². Ёки хорижлик фуқаролар ва ташкилотлар томонидан ташкил қилинган қўшма корхоналарга жалб қилинган инвестициялар улуши 2000 йилдаги 6,9 % дан 2001 йилда 26,0 % га, яъни 3,7 баравар ошган. Республика бўйича 2007-2011 йилларда умумий инвестициялар ҳамжимида хорижий инвестициялар улуши 22-25% ни ташкил қилди⁴⁹³.

Лекин бу борада бирмунча муаммолар борлиги кўзга ташланди. Агар мустақиллик йилларида статистик маълумотларга эътибор қаратилса, жумладан, 2002 йилгача республиканинг 31 туманида хорижий инвестициялар иштирокида бирорта ҳам корхона ташкил этилмаган. Агар 2000 йилнинг бошида 143,5 минг корхона фаолият кўрсатган бўлса, 2002 йилда юртимизда 240 мингта ўрта ва кичик корхоналар фаолият кўрсатган. Шулардан 85 мингтаси фермер хўжаликларидир. Хусусий сектор аҳолининг 30% ни иш билан таъминлади. Хусусий корхоналарни ЯИМдаги улуши 35% бўлган⁴⁹⁴.

Масалан, 2008 йилда 1 млрд 700 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу 2007 йилдагига нисбатан 46 % га кўп бўлган. Энг муҳими, хорижий инвестицияларнинг 74 % ни тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этган. Ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг қарийб 54 % ни корхоналар ва аҳоли маблағлари ташкил этди. Бу мамлакатимизда солиқ юкини камайтириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаоллигини рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган солиқ сиёсати қанчалик тўғри эканини яна бир бор тасдиқлади⁴⁹⁵.

Соҳадаги айрим муаммолар қаторида жойларда қуйидаги муаммолар кўзгп ташланган. Булар қуйидагилар эди.

Инвесторларнинг қўллаб-қувватланмаслиги;

⁴⁹¹ Ўша жойда.

⁴⁹² Нуриддинов Э, Ахмедов Ш. Становление и приоритетные направления внешней политики Республики Узбекистан. // Ўзбекистон тарихи. . -Тошкент., 2002. №4, -Б 8.

⁴⁹³ Надырханов У. Региональные аспекты привлечения иностранных инвестиций в экономику. // Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики. -Ташкент..2012 -С 338.

⁴⁹⁴ Эгамбердиев Э, Хўжакулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. -Тошкент., 1999. -Б 78.

⁴⁹⁵ Умаров К.Ю, Муртазаев Ш.М. Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини жалб этиш тамойиллари.// Жаҳон молиявий-иктисодий инқизозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари. -Тошкент., 2019. -Б 412.

Тегишли вазирлик ва идоралар фаолияти аниқ мувофиқлаштирилмаганлиги;

Солиқ юкини камайтириш ва инвесторлар учун солиққа тортиш тизимидағи муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланмаган, агар белгиланган бўлса ҳам улар тўла амал қилмаётган эди.

Аммо олиб борилган изчил инвестиция сиёсати ушбу муаммоларни бартараф этиш ва айрим кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ижобий силжишларга ҳам эришилганлигини таъкидлаш ўринли. Агар ушбу йўналишдаги тарихий рақамларни хориж давлатларидағи ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан таққосласак, инвестициялар ҳажмининг кўпайиши 1999 йилда Ўзбекистонда 1991 йилга нисбатан Қозогистондаги ҳудди шундай кўрсаткичдан 6 марта, Украинадан 4 марта, Россиядан 3 марта ортиқ бўлган. 1999 йилда ЯИМ Ўзбекистонда 1990 йилга нисбатан фақат 5 %га камайди, айни пайтда бу кўрсаткич Россияда 24-27 %, Украинада 5-58 %, Қозогистонда 34—7 %, Қирғизистонда 29-32 %га камайган. Саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари бўйича Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида биринчи ўринга чиқди, яъни 1999 йилда бу кўрсаткич 117 %ни ташкил қилди. Айни пайтда мазкур кўрсаткич Россияда фақат 45 %ни, Украинада 44 %ни, Қирғизистонда 41 %ни ташкил қилган⁴⁹⁶.

Умуман, 2003 йилга келиб Ўзбекистон дунёning 120 дан ортиқ мамлакати билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатиб, республикада **3000 га яқин корхона 90 мамлакат** иштироқидаги чет эл инвестициялари асосида фаолият кўрсатган⁴⁹⁷. Энди хорижий инвестицияларни тадбиркорлик соҳаларига жалб қилинишини вилоятлар кесимида олсак, вазият янада ойдинлашади.

Тарихий тадқиқотларга кўра, уларни жалб қилиш бўйича республиканинг турли вилоятларидағи ҳолат маълум диспропорциялар ва градациялар хисобига турлича эканлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Бухоро вилоятида мос равишда 9,0 % дан 69,9 % га, Қашқадарё вилоятида 0,1 % дан 22 % га ўсган. Айнан ушбу кўрсаткичлар Жиззах, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида 5,3- 6,8 % да қолган⁴⁹⁸. Бу борадаги таҳлилларга кўра, юқоридаги фактларга яқинроқ манзаранинг гувоҳи бўлиш мумкин. Яъни, хорижий давлатлар билан ташкил қилинган қўшма корхоналарнинг аксарият кўпчлиги Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, Самарқанд ва Андижон вилоятлари ҳиссасига тўғри келган⁴⁹⁹. Бошқа вилоятлардаги кўрсаткичларнинг пастлигининг асосий сабаби сифатида қуйидаги иккита омилни келтириб ўтиш мумкин:

⁴⁹⁶ Голованов А. Мустақил иқтисодий сиёсат стратегияси. // Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. -Тошкент.. 2001. -Б 94-95.

⁴⁹⁷ Европейский банк реконструкции и развития – поддержка реформ. // Экономический вестник Узбекистана. 2003.№4 – С 2-4.

⁴⁹⁸ Надырханов У. Региональные аспекты привлечения иностранных инвестиций в экономику. // Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики. -Ташкент., 2012. -С 338

⁴⁹⁹ Раширова Ф.Ш. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланишида жорижий сармоялар.//Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. -Тошкент- 2019. -Б 17.

Биринчидан, хориж инвестициялари ҳисобига ҳудудларда ташкил қилинган тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги фарқлар бу, ўша жойларда мазкур соҳаларга устувор масала сифатида эътибор қаратилмаганлигини тасдиқлади;

Иккинчидан, кўрсатиб ўтилган айрим вилоятларда инвестицион муҳитнинг мукаммал эмаслиги ҳамда хорижий инвесторларга етарли шарт шароитларнинг яратиб берилмаганлигидир⁵⁰⁰. Аммо кейинги йилларда кичик бизнес ва тадбиркорликка давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилиши натижасида ҳамда инвестицияларнинг ортиши республика ялпи ички маҳсулоти ва ҳудудлар ялпи ҳудудий маҳсулотини яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ўсишини таъминлаган.

Хусусан, 2015 йил яқунлари бўйича ҳудудлар ялпи ҳудудий маҳсулотини яратишда кичик бизнес улуши Жиззахда – 80,1% гача, Наманганда – 80,2% гача, Самарқандда – 77,9% гача, Сурхондарёда – 75,2% гача ва Хоразмда – 74,1% гача ўсган⁵⁰¹. Инвестициялар асосида қўшма корхоналар сони ўсишининг яна бир муҳим омили бу, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш жараёнининг соддалаштирилиши ҳисобланган. Масалан, 2015 йилда қайтадан ташкил этилган бизнес субъектларининг 58% дан зиёди Тошкент, Фарғона, Наманган, Андіжон вилоятлари ва Тошкент шаҳрига, яъни саноат ишлаб чиқариши юқори даражада ривожланган ҳамда кичик корхоналар ривожланиш учун йирик ишлаб чиқарувчилар билан кооперацияга киришиш имконияти мавжуд бўлган ҳудудларга тўғри келганлигини кўришимиз мумкин.

Ваҳоланки, қайси давлат билан инвестициявий ҳамкорлик ижобий бўлса, ўша давлат билан иқтисодий алоқалар ҳам талаб даражасида бўлиши табиий ҳол. Шу боис Ўзбекистон ҳам мазкур йўналишда яқин ва узоқ хориж давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Агар тарихий рақамларга мурожаат қилинса, Ўзбекистон ташки савдоси таркибида МДҲ давлатлари улуши салмоқли. Хусусан, 2008 йилда МДҲ давлатларининг Ўзбекистон ташки айланмасидаги улуши 38.7 %ни ташкил этди. Экспорт операциялари бўйича бу кўрсаткич 34.7 % импорт операциялари бўйича эса 42.7 %га тенг бўлган⁵⁰².

МДҲ таркибига кирувчи давлатлар билан олиб борилган ташки иқтисодий алоқаларда **Россия (49.5 %)** ва **Қозоғистон (11.5 %)** давлатлари олдинги ўринларни эгаллаган. Ўша кезларда МДҲнинг қолган давлатлари билан мамлакатимизнинг ташки иқтисодий алоқалари нисбатан паст бўлган. 2008 йилда Ўзбекистоннинг узоқ ва яқин хорижий давлатлар билан олиб борилган импорт операцияларида Россия Федерацияси етакчилик қилди ва

⁵⁰⁰ Надырханов У. Региональные аспекты привлечения иностранных инвестиций в экономику. // Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики. -Тошкент., 2012. -С 338.

⁵⁰¹ Каримова К. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик-мамлакат иқтисодий таянчи.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №1, февраль, 2017.- Б 6.

⁵⁰² Сапаров Б. Жаҳон иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон ташки савдо алоқаларини такомиллаштириш. // Республика илмий-назарий конференцияси материаллари-Тошкент., 2009 -Б 61.

жами импорт ҳажмининг тўртдан бир қисми тўғри келди ва у 1863 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланишида иқтисодиётнинг бир томонлама хом ашё йўналишига таянилишига қатъий барҳам бериш, мустақил миллий иқтисодиётни яратиш ва уни ривожлантиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, хорижий инвестицияларни самарали жалб қилишга кучли эҳтиёж туғдиради. Бу нафақат ташқи балки, ички инвестицияларни кўпайтириш ва инвесторларни қизиқишлигини қўллаб-қувватлаш, балки кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш имконини беради⁵⁰³.

Бу борада Ўзбекистонда ҳам янги иш ўринларини яратиш, айниқса қишлоқ жойларда аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматларидан баҳраманд бўлишларини таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтириш мақсадида Президентнинг 2006 йил 5 майдаги “Микрокредитбанк” акциядролик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида” ги Фармони муҳим аҳамият касб этди. Бу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши орқали мамлакатимизда микросармоялаш институтларинг яратилишига асос солинди⁵⁰⁴.

Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони қабул қилинган. Шу асосда иқтисодий ночор корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, шунингдек, мазкур корхоналарни модернизациялаш ва барқарор ривожлантириш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш мақсадида хусусийлаштирилган обьектларга нарх белгилашнинг самарали механизми жорий этилди. Яъни, хусусийлаштирилган корхоналар давлат активларининг бошланғич нархларини секин-аста пасайтириб бориш ҳамда давлат, иқтисодий ночор корхоналарни ноль даражадаги харид қиймати бўйича танлов асосида инвесторларга сотиш тартиблари тасдиқланди⁵⁰⁵.

Албатта мустақиллик йиллари тарихида кейинги йилларда инвесторларга яратилаётган шарт шароитлар ҳам ижобий томонга ўзгара бошлаган. Масалан, 2015 йилда жаҳон банкининг “**Бизнесни юритиши**” хulosасига кўра, Ўзбекистон 2014 ва 2015 йилларда бизнесни юритиши учун энг қулай шароитларни яратган мамлакат ислоҳотчиларнинг биринчи ўнлигига киритилган эди. Жаҳон банки эксперtlари хulosасига кўра эса,

⁵⁰³ Носова С.С. Экономическая теория. // Учебное пособие. -Москва., 2010. -С 201.

⁵⁰⁴ Умаров К.Ю, Муртазаев Ш.М. Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини жалб этиш тамойиллари.// Жаҳон молиявий-иктисодий инқизозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари. -Тошкент., 2019. -Б 412.

⁵⁰⁵ Валижонов А.Р. Особенности современного этапа разгосударствления и приватизации. – Восемнадцатые Международные Плехановские чтения «Реформирование и модернизация национальной экономики – стратегический курс на демократизацию и обновление общества»: Тезисы докладов профессорско-преподавательского состава и специалистов-практиков (26 марта 2005г). Выездная сессия в г.Ташкенте. – Москва.: “РЭА”, 2005, -С 22-23.

ҳозирда Ўзбекистонда бизнесни ташкил этиш учун нисбатан кам вақт сарф қилинар экан. Бу борада Японияга қараганда 1,5 марта, Германияга нисбатан 1,6 марта, Греция ва Испанияга нисбатан икки марта, Испаниядан 2,2 марта, Хитойдан 4,8 марта кам вақт сарфланишини тасдиқлади⁵⁰⁶. Ёки мамлакатимизда кичик бизнесга тушадиган солиқ юкининг даражаси бўйича АҚШ, Канада, Германия, Австрия, Франция, Италия, Испания, Греция, Япония, Хитой, Беларусия ва бошқа қатор давлатларга қараганда анча паст⁵⁰⁷.

Бироқ шу нарсани алоҳида таъкидлаш зарурки, инвестицияларни ишлаб чиқаришга жалб қилишда тадбиркорларнинг эркинлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу борада шуни таъкидлаш лозимки, эркинлаштириш тушунчаси, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнининг мақсад ва вазифалари ҳамда стратегиясини англатади. Жумладан, эркинлаштириш орқали инвесторлар билан алоқалар олиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти янада қўзга ташлана бошлади. Масалан, хорижий инвесторларга яратилган шарт шароитлар туфайли, 2017 йилгача 90 дан зиёд мамлакатнинг хориж маблағлари иштирокидаги 4 мингдан зиёд корхоналари фаолият юритган эди. Ҳар йили жалб қилинаётган инвестицияларнинг 20 % ни хориж инвестициялари ва кредитлари ташкил этган⁵⁰⁸.

Маълумки, кичик бизнес субъектлари моддий техника базасининг асосий молиявий манбаси ўша корхонанинг шахсий маблағлари ҳисобланади. Аммо қатор йиллар кичик бизнес субъектларидаги солиқ ундириш тизими, уларга ўзлари учун зарур ортиқча маблағларни тўплаш имконини бермади. Шундай шароитда янги техника ва технологияларни сотиб олишда лизинг тизими муҳим рол ўйнайди. Бу борада 1999 йилда қабул қилинган “Лизинг тўғрисида” ги қонун⁵⁰⁹ тадбиркорлар фаолияти учун кенг имкониятлар яратиб берди.

Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бизда ҳали лизинг тизими обдан такомиллашганича йўқ. Ушбу тизимнинг самарали ишлаши учун бир қатор, хусусан “Ўзбеклизинг Интернешнл АО”, “Уз Кейсагролизинг”, “Банк лизинг”, “Узагролизинг” ва бошқалар фаолияти йўлга қўйилган эди⁵¹⁰. 2002 йилда Тошкентда Халқаро Молия Корпорациясининг миссияси иш бошлади. Корпорация Ўзбекистонда хусусий секторни ривожлантиришга, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзбекистонда ташкилотнинг «Марказий Осиёда лизингни ривожлантириш бўйича лойиха»си амалга оширилмоқда. 2002 йил охирларида ХМК Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлиқда «Ўзбеклизинг

⁵⁰⁶ Экономическое развитие Республики Узбекистан за годы независимости. -Ташкент., 2016. - С 2.

⁵⁰⁷ Экономическое развитие Республики Узбекистан за годы независимости. -Ташкент., 2016.- С 2.

⁵⁰⁸ Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакати. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси;2016. №3.

⁵⁰⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида” ги қонуни.// Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. -Ташкент., 1999. №2.

⁵¹⁰ Ахмедиева А. Некоторые вопросы инвестиционного обеспечения малых предприятий. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -Ташкент., 2002. №1. -Б 54.

Интернешнл» компаниясига 4,5 млн. АҚШ доллары миқдорида кредит линиясини очди⁵¹¹.

Лизинг маҳсулотларига бўлган эҳтиёж нуқтаи назаридан, шуни қайд этиш зарурки, молиявий имкониятларнинг пастлиги айрим ҳолларда тадбиркорларга зарур асбоб-ускуналар сотиб олишда қийинчиликлар туғдирмоқда. Масалан, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасининг тасдиқлашича, лизинг тизимида банклар муҳим рол ўйнайди. Бироқ республикамиздаги банкларининг кўпчилиги лизинг операцияларида фаол иштирок этмаяпти. Хусусан, 2002 йилда республикамизда жами банк кредит операцияларидаги лизингнинг улуши бор йўғи 5% ни ташкил қилган⁵¹²лиги унинг фаолияти қонқарсиз бўлганлигини тасдиқлайди.

Шу боисдан республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида маҳсус ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-куватлаш жамғармаси тузилган эди. Натижада. жамғарма томонидан тадбиркорлик субъектларига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатилган. 2014 йилда 500 дан зиёд янги корхона, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятига жалб этилган. Мазкур жамғарманинг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган кейинги йилларда бу борада кўрсаткичлар тобора ошиб борганлигини тасдиқлайди. Масалан, 2014 йилда мазкур жамғарма томонидан 2400 та тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий имкониятлар берилган⁵¹³.

Ўзаро тузилган шартномалар асосида 2015 йили қиймати 840 миллион доллардан зиёд товарлар экспорт қилинган⁵¹⁴. Жамғарма кўмагида 2016 йилда тадбиркорлик субъектлари томонидан 1 миллиард 250 миллион доллар миқдоридаги экспорт шартномалари тузилган.

Ушбу кўрсаткич Ўзбекистоннинг бугунги имкониятлари нуқтаи назаридан олиб қарганда албатта паст. Шу боисдан, Президент Шавкат Мирзиёев ўзининг **“Танқидий таҳлил қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик -ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак”** номли китобида муҳим вазифалардан бири сифатида – «Ўзтадбиркорэкспорт» ва «Ўзсаноатэкспорт» акциядорлик жамиятлари, шунингдек, Миллий банк ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-куватлаш жамғармаси йўналиши бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорти билан

⁵¹¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. -Тошкент.. 2006. -Б 47.

⁵¹² Ўша жойда.

⁵¹³ Абулқосимов X, Қулматов А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оиласи тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. -Тошкент., 2014. -Б 90.

⁵¹⁴ Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги байрами муносабати билан Мустақиллик дарслари машғулотларини ўtkазиш бўйича ўкув кўлланма. -Тошкент., 2016. -Б 52.

боғлиқ камида 1 миллиард 500 миллион долларлик экспортни таъминлаши кераклигини уқдирган эди⁵¹⁵.

Умуман, ўрганилаётган тарихий даврга оид тадқиқотлар асосида мазкур параграф юзасидан тадқиқотда қўйидагича хulosалар қилиш мумкин:

Мустақилликнинг дастлабки даврларидан то бугунги кунгача хорижий инвестицияларнинг тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳаларига жалб қилиниши, корхоналарнинг жорижий ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишлари, ўз маҳсулотларини чет мамлакатларга чиқаришлари, экспорт ва импорт товарларини бирмунча имтиёзли тартибда олиб киришлари учун катта эркинликлар беришни қўзда тутувчи ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришга қаратилган сиёsatни амалга ошириш имконини берганлигини қўрсатди. Яъни, хорижий инвестицияларнинг асосан тўғридан-тўғри сармоялар кўринишида республика иқтисодиётига кенг жалб қилиниши учун хукуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа зарур шароитларни яратиш, қўшма корхоналар ташкил этилишига кўмаклашиш, шунингдек, инвесторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш имконини берганлиги тасдиқланди.

IV.2. Янги Ўзбекистонда бизнес ва тадбиркорлик ривожида хорижий инвестицияларнинг ўрни

Дунё ҳамжамиятининг ҳозирги тараққиёт босқичида бирор мамлакат инвестицияларсиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эриша олмайди. Инвестиция ресурсларини ўз вақтида миллий иқтисодиётига жалб қила олмаган, пул маблағлари танқислигини бошидан кечираётган давлатлар, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Бундай ҳолатда муаммонинг энг яхши ечимларидан бири – молиявий маблағлари ортиқча бўлган ривожланган мамлакатлардаги капитал ресурсларни, ривожланаётган давлатлар иқтисодиётига жалб этишдир.

Юқоридаги параграфларда қайд этилганидек, инвестиция мамлакат иқтисодиётига янги замонавий технологиялар, ноу хаулар олиб кириш имконини яратади. Ички бозорда харидоргир бўлган, импорт товарлари ўрнини босувчи замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларини оширади, янги корхоналар қуриш, янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Тарихий тадқиқотлардан англаш мумкинки, **биринчидан**, инвестициялар мамлакатда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириб, уларнинг хусусий капитал миқдорини оширади;

Иккинчидан, миллий иқтисодиётда технологик янгиланиш юз беради, корхоналарга янги техника ва замонавий ускуналар ўрнатилади. Натижада жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган миллий маҳсулотлар ишлаб чиқарила

⁵¹⁵ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик -ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. -Тошкент., “Ўзбекистон”. 2017.

бошлайди;

Учинчидан, миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан кредит маблағлари ҳисобидан истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имконияти яратилади;

Тўртинчидан, миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви амалга ошади. Демак, инвестициялар, хоҳ у макро (миллий иқтисодиёт) даражасида, хоҳ микро (корхоналар миқёсида) даражада бўлсин, иқтисодий ўсишни таъминловчи муҳим омилдир. Яъни, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланишида иқтисодиётнинг бир томонлама хом ашёга таянилишига қатъий барҳам бериш, мустақил миллий иқтисодиётни яратиш ва уни ривожлантиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, хорижий инвестицияларни самарали жалб қилишга кучли эҳтиёж туғилади⁵¹⁶.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи даврига назар ташланса, сўнгти йилларда янги Ўзбекистонда инвестициялар иқтисодиётни инновацион ривожлантириш, бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиб келмоқда. Бу борада 2018 йил Ўзбекистонда – “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили”, 2019 йил – “**Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили**”, 2020 йил – “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да салмоқли натижаларга эришилди. 2019 йилда инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ошди. Айниқса, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инновацияларнинг ЯИМдаги улуши 37 % га етди. Мамлакатимиз илк бор халқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорида биринчи марта яхшиланди. Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингида 7 поғона кўтарилди⁵¹⁷.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида мамлакатда бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инвестиция муҳитининг жозибадорлигини ошириш учун бир қанча ишлар амалга оширилди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ҳозирги кунда Ўзбекистонда хорижий инвесторларни жалб этиш учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд:

- ижтимоий-сиёсий барқарорлик;
- хусусий мулк ва рақобатни ҳимоялайдиган қонунчилик базасининг шакллангани;
- инвестиция жараёнини қўллаб-куватлайдиган инфратузилманинг барпо этилгани;
- мамлакатнинг қулай географик жойлашуви;
- агросаноат секторини ривожлантириш салоҳиятининг юқорилиги ва

⁵¹⁶ Маматов С, Хужамкулов Д, Нурбеков О. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. // Дарслик. – Тошкент.: Иқтисод-молия, 2014.- Б 80.

⁵¹⁷ Саифназаров, Т. Султонов. Т. Янги Ўзбекистон ва учинчи ренессанснинг мустаҳкам пойдевори //“Ўзбекистоннинг янги ривожланиш босқичида ёшлар дунёқарашини шакллантиришнинг ижтимоий, фалсафий ва тарихий жиҳатлари” мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент, 2020, - Б 24.

мамлакатнинг минерал-хомашё ресурсларига бойлиги;

- юқори малакага эга меҳнат ресурсларининг мавжудлиги;
- савдо учун ички бозор ҳажмининг етарли даражада эканлиги⁵¹⁸.

Бугунги кундаги фаол инвестиция муҳитидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, 2017 йилгача Ўзбекистон иқтисодиёти деярли олти марта, ахолининг реал даромадлари эса тўқиз марта яқин ўсди. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот улуши 6,9 марта гача ортди. Бу эса Ўзбекистонга ўрта даражадаги даромадли давлатлар қаторига кириш имконини берди. Натижада Жаҳон банки рейтингига биноан иқтисодий даражага кўра, Ўзбекистон 190 мамлакат орасида 63 ўринни эгаллади. Бутунжаҳон иқтисодий форум баҳосига кўра, 2014 ва 2015 якуни ва 2016-2017 йиллар ўсиш прогнозлари бўйича Ўзбекистон дунёда энг тез ривожланаётган бешта давлатдан бири ҳисобланиши қайд қилинган⁵¹⁹.

Масалан, Ўзбекистон 2017 йилда бизнес юритишнинг енгиллиги бўйича жаҳон рейтингида 74-ўринга кўтарилиб, корхоналарни рўйхатга қўйиш бўйича 11-ўрин, электр тармоқларига уланиш бўйича 27-ўрин, кредитлаш бўйича 55-ўрин, хусусий мулкни рўйхатга олиш бўйича 73-ўринни эгаллаган⁵²⁰. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари аҳоли ўртасида даромадларни нисбатан мутаносиб равишда тақсимланишини таъминлаган эди.

Тадқиқотларга асосан шу нарсага гувоҳ бўлдикки, қачонки хорижий инвесторларга тегишли шарт шароитлар ва солиқ имтиёzlари яратиб берилсагина улар ўз фалиятини мукаммал олиб бора оладилар. Яъни, бунга кўра чет эл инвестициясини фаол жалб қилган кичик корхона даромадининг маълум қисми солиқдан озод қилинади. Чунки бундай кичик корхоналарга ишлаб чиқаришни кенгайтиришда инвестиция ва янги технологияларни жорий қилиш учун имконият яратиш кўзда тутилган⁵²¹.

Айниқса кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун яратилаётган кенг имкониятлар, шарт шароитларнинг жорий ҳолатини ўрганувчи ва тартибга соловчи ҳамда норматив-хуқуқий хужжатларни баҳолашга ва уларни қўллаш тартибига йўналтирилганлиги билан ўзига хос аҳамиятга эга. Кейинги йилларда Ўзбекистон тадбиркорликнинг шаффоғлиги негизида халқаро талабларга жавоб берадигна мезонларга яқинлаша бошлади. Бу борада бизнес юритишнинг халқаро рейтингидаги анчагина ижобий ўзгаришларини келтиришимиз мумкин. Бу ўз навбатида халқаро ҳамжамиятнинг нафақат Ўзбекистонга бўлган ишончнинг ортишига, балки долзарб масалаларни аниқ белгилаб олиб, энг мақбул халқаро амалиётга асосланган бизнес ва инновацион фаолият шароитларини шакллантириш борасида муваффақият

⁵¹⁸ «Ўзбекистон стратегияси» – «Тараққиёт стратегияси» марказининг ижтимоий-таҳлилий журнали. 2018. № 2-сон.

⁵¹⁹ Ўша жойда.

⁵²⁰ Ўзбекистан в оценках и сопоставлениях // Экономическое обозрение. -Тошкент., 2018. №1.

⁵²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони// Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. -Тошкент., 2018 7-сон.

омили бўлмоқда.

Соҳада олиб борилган ислоҳотлар самарааси туфайли 2017 йил сўнгти чораги ва 2018 йил биринчи ярмида хориж давлатлари билан 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилган ҳолда, қарийиб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди⁵²². Давлатимиз томонидан олиб борилган фаол инвестиция сиёсати натижасида эса «Сўнгти 20 йил ичидаги Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига ислоҳ қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кафолатланмаган кредитлар ҳажми 25,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этган ва унинг 11,8 миллиард АҚШ доллари (47 %) фақатгина сўнгти 5 йил ичидаги жалб қилинган. Сўнгти 5 йил ичидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, асосан, нефть-газ соҳасига жалб этилган (73 %), ахборот технологиялари ва коммуникация соҳасига 6 %, электроэнергетика соҳасига 2 %, енгил ва тўқимачилик соҳасида 1 % атрофида ва автомобиль соҳасига 0,2 % инвестиция жалб қилинган⁵²³.

2017 йил 9 ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 2 минг 162 тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини экспорт қилишида хуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатилган. Бунинг натижасида 395 тадбиркорлик субъекти томонидан хорижга 1 миллиард 93 миллион долларлик экспорт амалга оширилган⁵²⁴.

Албатта, соҳанинг жадал тараққиёти унинг норматив-хуқуқий базаси билан чамабарчас боғлиқdir. Шу боисдан кейинги йилларда соҳани янада тараққий эттириш учун республикада қатор Фармонлар, қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар орасида Президентнинг 2018 йил 1 августдаги **«Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги ПФ-5495-сонли Фармони ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу меъёрий ҳужжат мамлакатда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун энг қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомил-ларини қисқартириш ва соддалаштириш, товарлардан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда зарур инфратузилмани яратишни таъминлайдиган хуқуқий асосни янада мустаҳкамлади⁵²⁵.

Мамлакат ривожланишининг истиқболли йўналишлари сифатида кичик ва ўрта бизнес соҳалари танлангани қувонарли. Чунки, уларнинг тўлақонли

⁵²² Ўзбекистонга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосан қайси соҳага киритилмоқда? <https://kun.uz/news / 2018 / 10/17>.

⁵²³ Ўзбекистонга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосан қайси соҳага киритилмоқда? <https://kun.uz/news / 2018 / 10/17>.

⁵²⁴ <http://uza.uz/oz/business/kichik-biznes-vakhususiy-tadbirkorlik-subektlari-eksportini-06-10-2017>

⁵²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони// Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. -Тошкент., 2018 7-сон.

ривожланиши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва зарур ресурсларни харид қилиш учун имкониятдир. Бундай хорижий инвесторлар учун берилган имтиёзлар ва молиявий-иктисодий рағбатлантириш тизими инвестициявий жозибадорликнинг муҳим омили ҳисобланади. Булар эса хорижий инвестицияларнинг тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш соҳасига, хусусан, экспорт салоҳияти юқори бўлган саноат тармоғига йўналтирилишини таъминлайди.

Хориж инвесторларининг кичик бизнес билан ҳамкорликдаги фаолиятлари хусусида дунёning бошқа мамлакатлари билан таққослаган, А. Бекмуродов. И.Мажидов, У.Фафуровларнинг ёзишича, ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқаришида кичик бизнеснинг улуши кейинги 30 йил ичида деярли 70 %гача етган⁵²⁶. Жумладан, бу кўрсаткич АҚШ да 38 %дан 52 %га, Японияда 47 %дан 55 %га, Европа Иттифоқи мамлакатларида 58 %дан 67 %га етган. Кичик тадбиркорлик субъектларининг ушбу мамлакатлардаги корхоналар умумий сонидаги улуши 92,5 %дан кам эмас⁵²⁷.

Кейинги тарихий даврида бу борада анчагина ижобий тажрибалар тўпланди. Ялпи ички маҳсулот яратиш ва инвестицияларни жалб қилишда ташкил этилаётган эркин иқтисодий зоналар муҳим рол йўйнамоқда. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг муҳим йўналишларидан бири – маҳсус эркин иқтисодий зоналарни шакллантириш бўлди. Мамлакатимизда Навоий, Жиззах, Ангрен, Фиждувон, Кўқон, Ургут, Ҳазорасп эркин иқтисодий зоналари ташкил этилиб, улар бугунги қунда ўз фаолиятини самарали олиб бормоқда. Эркин иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, хориждан юқори технологик ускуналар харид қилиш учун Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағи ҳисобидан 100 миллион доллар миқдорида чет эл валютасидаги кредит линияси очилди⁵²⁸.

Қайд қилинган эркин иқтисодий зоналардаги саноат ишлаб чиқаришига доир имкониятлар, аҳоли асосий қўпчилигининг саноат ишлаб чиқаришга бўлган қизиқиши тобора ошмоқда. Маҳаллий аҳолининг эҳтиёжи, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг турлари ва эркин иқтисодий зоналарнинг тарихий-табиий имкониятлари инобатга олинган ҳолда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш ва жаҳон бозорида етарли даражада мавқега эга бўлиш назарда тутилган. Бу албатта бизнингча, мамлакатда кескин равишда экспорт ҳажмининг ошиши ва хорижий инвестициялар оқимининг кўпайишига олиб келади.

Айниқса 2018 йил январь-сентябрь маълумотлари бўйича асосий

⁵²⁶ Бекмуродов А, Мажидов И, Faфуров У. Буюк ва муқаддассан, мустақил ватан. –Тошкент., // Ўқитувчи. 2011. –Б 124.

⁵²⁷ Рўзметов С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлашнинг жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари. // Таълим тизимида ижтимоий фанлар. №3. 2019 йил. -Б 30.

⁵²⁸ Бозоров С. Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишини такомиллаштириш.// Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. -Тошкент., 2018.-Б 6.

капиталга киритилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 17770,6 миллиард сўм бўлиб, хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 25,0 %ини, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар 7336,6 миллиард сўмни, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажмидаги улуши 41,3 %ини ташкил этган эди. Юқоридаги тарихий таҳлилдан кўриниб турибдикি, чет эл инвесторларига яратилган шартшароитлар, хусусан, ўз вақтида меъёрий-хукуқий базанинг шакллантирилгани сабабли 2010 йилга нисбатан 2018 йилнинг январь-сентябрь ойлари оралиғида хорижий инвестициялар миқдори салкам 2,5 марта ошди⁵²⁹.

Агар тарихий маълумотларга мурожаат қиласиган бўлсак, 2001-2017 йилларда республикадаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 99 мингтадан 229 мингта бўлган бўлса, 2018 йилнинг биринчи ярим йили давомида бундай корхоналар сони 247,7 мингтани ташкил қилган. Шунга мувофиқ, 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, хорижий капитал иштироқидаги кичик тадбиркорлик субъектлари сони 4564 тага етган. Биргина 2015 йилда республикада хорижий капиталга асосланган 386 та корхона ташкил этилган. 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада фаолият юритаётган хорижий сармояга асосланган корхоналар сони **7560 тани** ташкил этган. Бу 2018 йилга нисбатан корхоналар сонининг 2043 тага ошганлиги билан изоҳланади. Мавжуд корхоналарнинг 4006 таси кичик қўшма, 3554 таси хорижий корхоналар бўлганлиги Ф. Раширова томонидан қайд этилган⁵³⁰.

Айниқса 2018 йил мамлакатда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб элон қилиниши, қабул қилинган Давлат дастурига биноан ўтган йилларда амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилиниб, соҳани янада ривожлантриш белгиланди. 2019 йил эса юртимизда «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб эълон қилинди. Мазкур йилда ҳам ушбу соҳаларни, хусусан хорижий инвестицияларни тадбиrokлик соҳаларига тадбиқ қилишнинг муҳим мақсад ва вазифалари кўрсатиб берилди⁵³¹.

Чунки, бугунги тарихий тараққиёт даврида мамлакатимиз иқтисодиётига йўналтирилган капитал маблағлар ҳажми ва унинг таркибидаги ўзгаришларга эътиборимизни қаратсак, унда инвестициялар ҳажмининг кескин ортганини ва таркиби сифат жиҳатидан яхшиланганини кўришимиз мумкин. Зеро, таҳлиллардан кўриниб турибдикি, чет эл инвесторларига яратилган шартшароитлар, хусусан, ўз вақтида меъёрий-хукуқий базанинг шакллантирилгани муҳим омил бўлмоқда.

Хусусан, 2010 йилга нисбатан 2018 йилнинг январь-сентябрь ойлари

⁵²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишлиланган илмий-оммабоп қўлланма. -Тошкент., 2019. -Б 53.

⁵³⁰ Раширова Ф.Ш. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланишида жорижий сармоялар.//Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. Тошкент-2019. -Б 21.

⁵³¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси саноат статистикаси бошқармаси маълумотлари.

оралиғида хорижий инвестициялар миқдори салкам 2,5 марта ошган⁵³². Тадбиркорлар, айниқса ёш тадбиркорларнинг хорижий мамлакатлардаги тадбиркорлар билан алоқаларини мустаҳакмлаш ва тадбиркорликка оид халқаро кўргазмаларда иштирок этишларига кўмаклашиш Дастури ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ, **2018 йилда ёш тадбиркорлар ХХР нинг Гуанжоу шахридаги “Canton”, Англияning Бирменгем шахридаги “Desijn London”, “PPMA Show”, Англияning Лондон шахридаги “WTM” ҳамда Германияning Мюнхен шаҳарларидағи халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этганлар**⁵³³.

Айтиш жоизки, чет эл капитал қўйилмалари ичида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдорининг кўп бўлиши ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки, мамлакат иқтисодиётiga инвесторлар давлат кафолатисиз капитал маблағларини йўналтиришлари бу, уларнинг миллий иқтисодиётда фаолият юритиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган барча рискларни ўз зиммаларига олганликларидан далолат беради.

Бу борада ўз фикрини билдирган Президент Ш.Мирзиёев 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалари ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида инвестицияларга алоҳида тўхталиб, «Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги», дея таъкидлайди. Агар ушбу соҳадаги ўзгаришлар динамикасига уруғу берилса, тадбиркорлик соҳаларига инвестициялар икки усул билан жалб қилинганинг кўриш мумкин.

Биринчиси, тўғридан тўғри инвестициялар, иккинчиси асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар ва кредитлардир. Уларнинг ҳажми ўтган даврда 4340,8 миллиард сўм бўлган бўлса, хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 28,3 %ини тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар 3778,4 миллиард сўмни, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажмидаги улуши 87,0 %ини ташкил этган эди. Хусусан, кичик эркин иқтисодий зоналар фаолияти учун 2 848,50 миллион АҚШ доллари, жумладан: «Асака банк» АТБ бўйича 448,8 миллион АҚШ доллари; Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бўйича 1 618,50 миллион АҚШ доллари; «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ бўйича 660,3 миллион АҚШ доллари; «Ўзшаробсаноат» АЖ бўйича 65,4 миллион АҚШ доллари; «Ўзчармсаноат» уюшмаси бўйича 55,5 миллион АҚШ доллари қийматида ўзлаштириш режалаштирилганлиги фикримиз исботидир⁵³⁴.

Маълумотларга кўра, тадбиркорлик соҳаларига тўғридан-тўғри


⁵³² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишлиланган илмий-оммабоп қўлланма. -Тошкент., 2019. -Б 52-53.

⁵³³ Ўз РМА. М-137 фонд, йиғма жилд-226, 63-64 вараклар.

⁵³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишлиланган илмий-оммабоп қўлланма. -Тошкент., 2019. -Б 49.

хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва худудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан хорижий инвестициялар ҳажми қўйидагича бўлганда озод қилиниши белгиланган: 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача – 3 йил муддатга; 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача – 5 йил муддатга; 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга⁵³⁵.

Бундай имтиёзларнинг белгиланиши кичик бизнес шаклларини ташкил этишда ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, экспорт имкониятларини кенгайтиришда янада аҳамиятлидир. Чунки хорижий давлатлар билан ўзаро инвестициявий ҳамкорликда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти муҳим рол ўйнайди. Буни сўнгти йилларда тадбиркорлик субъектлари экспорти ҳажмининг ошишида ҳам кўришимиз мумкин: (3-жадвал)



2018-2019 йилларда тадбиркорлик субъектлари томонидан экспорт ҳажмининг ошиши.

Албатта, республиканинг халқаро тадбиркорликни кўллаб-куватлаш фондлари, халқаро валюта фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт Банки, Жаҳон Банки ва унинг филиали бўлган халқаро молиявий корпорация, инвестиция ва кафолат халқдро агентлиги билан ҳамкорлиги мамлакатнинг инвестициявий ижтимоий-иқтисодий дастурини амалга ошириш учун имтиёзли равишда кредит олиш имкониятини туғдирмокда.

Бу борада халқаро банклар билан ҳамкорликда тадбиркорликка инвестицияларни жалб қилиш бўйича 2018 йилда 52 млрд долларлик 1 минг 80 та лойиҳа юзасидан келишувларга эришилган. Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди. Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиҳа

⁵³⁵ Ўша манба. -Б 54.

амалга оширилмоқда⁵³⁶.

Ана шундай хориж инвестициялари ҳисобига масалан, Ўзбекистонда 2018 йилнинг май ойига қадар рўйхатдан ўтган янги қўшма ва хорижий корхоналар сони 776 тани ташкил этди. Қўшма корхоналар билан ишлаш натижасида 17 млрд. АҚШдоллари қийматига teng 182 та қўшма лойиҳалар амалга оширилганлиги⁵³⁷ юқоридаги фикрларимиз тасдиғидир. Бугун жаҳонда тадбиркорлик соҳаларига хорижий капитални жалб этиш бўйича мамлакатлар ўртасида кескин рақобат ва кураш кетмоқда. Хорижий инвестициялар ҳажми, унинг сифати ва қулай шартларидан фойдаланиш борасида ривожланган мамлакатларда йилдан йилга инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашга хизмат қиласиган инновацион муҳит яратилмоқда. Аммо бу борада соҳада муаммолар талайгина эканлигини кўришимиз мумкин.

Бу хусусда Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномада мамлакатимизда бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш бўйича аҳамиятли ишлар олиб борилаётганига қарамасдан, айрим кўрсаткичлар бўйича ҳамон жаҳон мамлакатлари ўртасида паст ўринларни эгаллаб келаётганимизга ўз эътиборини қаратди. Хусусан, «Жаҳон банкининг бизнес юритиш соҳасидаги рейтингида мамлакатимиз қурилиш бўйича 134-ўринни эгаллаган. Бу эса соҳада кўплаб муаммолар борлигидан далолат беради. Мисол учун, қурилиш соҳасида рухсат беришга оид 17 та тартиб мавжуд бўлиб, уларни олиш учун ўртacha 246 кун сарфланади, дея қайд қиласиди Президент⁵³⁸.

Тадбиркорлик стратегиясига мувофиқ, бу борада жаҳоннинг етакчи давлатлари билан ҳам ўзаро манфаатлари алоқалар сезиларли даражада жадаллашиб, хорижий давлатлар раҳбарлари билан музокаралари натижасида Россия, Беларусь, АҚШ, Хитой, Франция ва бошқа Европа Иттифоқи мамлакатлари, Туркия, Миср, ҳамда Осиё-Тинч океани минтақаси ва Яқин шарқ давлатлари билан стратегик шериклик муносабатлари сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиди. Жумладан, Россия Федерацияси билан Ўзбекистон–Россия қўшма корхоналари, 23 та янги савдо уйлари, 20 та кичик корхоналар ва чакана савдо марказлари очилиши режалаштирилди⁵³⁹.

Яъни, тарихий таҳлиллар шуни кўрстадики, масалан Ўзбекистон–Россия ҳамкорлик алоқалари тарихида авваломбор очиқлик, стратегик тенглик, фаол шартномавий келишувлар борасидаги тадбиркорлик соҳаларига ушбу мамлакат инвестицияларининг жалб қилиниши янги босқичга кўтарилганлигини, Ўзбекистонда фаол инвестицион муҳитнинг янги даври бошланганлигини кўрсатди. Муҳими, келажакда авваломбор инвесторлар

⁵³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - Тошкент. “Ўзбекистон” 2019. -Б 6.

⁵³⁷ Рўзметов С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлашнинг жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари. // Таълим тизимида ижтимоий фанлар. №3. 2019 йил. -Б 37.

⁵³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. -Тошкент., 2018 йил 29 декабрь

⁵³⁹ Россия. -Ўзбекистон стратегик шериклик. // Халқ сўзи, 2018 йил 20 октябрь № 218-сон.

учун етарли шарт шароитлар яратилиши белгиланди.

Келажакда тадбиркорлик соҳаларида ўзаро ҳамкорлик алоқалари стратегиясини дунёнинг бошқа давлатлари мисолида кўриб чиқсан, Ўзбекистон ва Туркия давлатлари ўртасидаги стратегик ҳамкорликка кўра яқин йилларда ўзаро товар айрабошлиш ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Шундай шартномаларга кўра АҚШ билан 4,8 миллиард долларлик, Миср Араб Республикаси билан инвестиция, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида Англашув меморандумлари ва 2019–2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди⁵⁴⁰. Стратегик режага мувофиқ Беларусь Республикаси билан 19 та келишув ва умумий қиймати 263 миллион долларлик 56 та савдо шартномаси имзоланиши кўзда тутилган⁵⁴¹.

Шундай шартномалар яқин йиллар ичида Хиндистон билан 2018 йил 30 сентябр-1 октябр кунлари қиймати 3 миллиард 200 миллион долларлик шартномалар имзоланган бўлса, 2018 йил 8–9 октябр кунлари Президентнинг Францияга расмий ташрифи жараёнида умумий қиймати 5 миллиард еврода тенг бўлган инвестициявий лойиҳалар бўйича битимлар имзоланган⁵⁴².

Ваҳоланки, республикада 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги кичик корхоналар сони 7560 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2043 тага ёки 37,0 % га ўсган. Мазкур корхоналарнинг асосий қисми Россия Федерацияси, Туркия Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳиссаларига тўғри келган. Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 4006 таси қўшма, 3554 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади⁵⁴³.

Агар ҳудудлар кесимида олинса, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркорликка асосланган кичик ва ўрта ҳамда йирик корхоналарнинг асосий қисми Тошкент шахри, Тошкент вилояти, Самарқанд вилояти, ундан сўнгти ўринларда Хоразм вилоятида, Қашқадарёда, Навоий вилоятида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилган⁵⁴⁴.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, бизнингча, кўрсаткичлари паст айrim ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади. Агар фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги кичик корхоналар иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрилса, бу қуйидаги кўринишда бўлган:

⁵⁴⁰ Ўзбекистон–Миср ҳамкорлигига янги босқич бошланмоқда. // Халқ сўзи, 2018 йил 6 сентябр № 184-сон.

⁵⁴¹ Ўзбекистон –Белорусь: ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун амалий ҳаракатлар даври. // «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 14 сентябр № 190-сон.

⁵⁴² Халқаро муносабатларда мухим босқич. // Халқ сўзи. 2019 йил 1 январь №1 сон.

⁵⁴³ <https://kun.uz/news/2019/01/15/ozbekistonda-xorijiy-kapital-ishtirokidagi-korxonalar-soni-malum-qilindi>.

⁵⁴⁴ <https://kun.uz/news/2019/01/15/ozbekistonda-xorijiy-kapital-ishtirokidagi-korxonalar-soni-malum-qilindi>

сеноатда 2995 тани (39,6%), савдода 1668 тани (22,0%) ҳамда бошқа фаолият турларида эса 1225 тани (16,2%) ташкил қилган;

энг паст кўрсаткич эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишида 97 тани (1,3%), ахборот ва алоқа хизматида 209 тани (2,8%), юк ташиш ва сақлашда 214 тани (2,8%);

қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 339 тани (4,5%), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 325 тани (4,3%) ва қурилишда 488 тани (6,5%) ташкил қилган⁵⁴⁵.

Кўриниб турибдики, фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми сеноат ва савдо фаолият турига тўғри келади. Энг кам улуш эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиши ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келмоқда. Ваҳоланки, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида хорижий капитал иштирокидаги янги ташкил этилган корхоналарнинг сони 2385 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1522 тага кўпайган. Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида – 428 та, Туркия Республикаси – 364 та, Хитой Халқ Республикаси - 351 та, Қозоғистон Республикаси – 246 та, ва Корея Республикаси – 161 та корхоналар янги рўйхатдан ўтган. Шунингдек, 2018 йил давомида Афғонистон Ислом Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Украина, Озарбайжон Республикаси ва бошқа давлатлар резидентлари қўшма корхоналар фаолиятига қизиқиш билдирганлар⁵⁴⁶.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги тадбиркорлик корхоналарининг иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан 728 таси сеноат, 654 таси савдо, 229 таси қурилиш, 190 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ва 297 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микро фирмаларнинг сони 262,9 мингтани ташкил қилган. Аммо бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 14,5% га ошган. Яъни, инвестициялар ҳисобига бугунги кунда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микро фирмаларнинг асосий қисми, яъни 60,0 мингтаси (22,8%) Тошкент шаҳри, 25,4 мингтаси (9,6%) Тошкент, 23,3 мингтаси (8,9%) Фарғона ҳамда 22,6 мингтаси (8,6%) Андижон вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади⁵⁴⁷.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосан кейинги йиллардаги давлат дастурида таркибий ўзгартиришларни чукурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш йўналишида корхоналарнинг маблағлари, тижорат банклари кредити, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига 2017–2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШдоллари миқдоридаги 649 та инвестиция

⁵⁴⁵ Халқаро муносабатларда муҳим босқич. // Халқ сўзи, 2019 йил 1 январь №1 сон.

⁵⁴⁶ Ўша манба.

⁵⁴⁷ <https://kun.uz/news/2019/01/15/respublikada-263-mingtaga-yaqin-kichik-korxonalar-ishlamoqda>

лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурлари амалга оширилиши кўза тутилган⁵⁴⁸.

Демак, Ўзбекистонда ҳам тадбиркорлик орқали инвестицияларни турли соҳаларга қатъий йўналтирилиши натижасида ўтган тарихий даврда салмоқли ишлар амлага оширилиб, улар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Шу муносабат билан 2018 йил – Ўзбекистонда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилиниб, ушбу соҳани ривожлантириш борасида муҳим таклифлар илгари сурилди⁵⁴⁹.

Унга мувофиқ равишда Дастурда белгиланган режаларни амалга ошириш мақсадида 2019 йил биринчи ярим йиллигидаги қарийб 86 триллион сўм, яъни ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 баробар қўп инвестициялар ўзлаштирилгани, мамлакат тарихида биринчи марта инвестициянинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38 %дан ошганини кўрсатди. Ваҳоланки, унга кўра мамлакатда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти шундаки, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш субъектларини ташкил этишга қаратилган лойиҳаларга устувор аҳамият қаратилмоқда. Фаол инвестиция сиёсати сиёсати юритилиб, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий сармоялар йўналтирилаётгани натижасида кўплаб лойиҳалар рўёбга чиқмоқда. Бу эса ахоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда⁵⁵⁰.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки инвестициялар барча халқаро операцияларни амалга оширишда кичик бизнес ва тадбиркорлик учун муҳим аҳамиятга эга эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Зоро, хорижий инвестициялар асосида молиявий муаммолар ечилади, хорижий корпорацияларнинг молиявий бўлимлари маблағларидан қисқа муддатли инвестициялар қаторида юқори фойда олиш мақсадида фойдаланиш моддий манфаатдорликни белгилашга олиб келади. Бундай инвестициялар кўпинча хусусий тадбиркорлар капиталига асосланган бўлади ва у жадал тараққиёт учун асос бўлади.

Айниқса янги Ўзбекистонда бизнес ва тадбиркорлик соҳаларига жалб этилаётган хорижий инвестициялар фаолият юритаётган тадбиркорлик тармоқларидағи корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сони ва сифатини кенгайтириш ва рақобатдошлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган чоралар мамлакат иқтисодиётининг янада ривожланишини таъминлашига хизмат қилмоқда.

⁵⁴⁸ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова. -Тошкент., 2017. 7 февраль

⁵⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи. -Тошкент., 2018 йил. 29 декабр.

⁵⁵⁰ Хайтов А. Натижадорлик ва хисобдорлик муҳим мезонга айланди.// XXI ASR. 2019 йил 22 август, 33 (823)-сон.

Тарихий тадқиқот даврида хорижий инвестицияларни тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳаларига жалб қилиниши, корхоналарнинг жорижий ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишларини кўзда тутувчи ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришга қаратилган сиёсатни амалга ошириш имконини берганлигини кўрсатди. Бу борада хорижий кредитлардан ва экспорт қилишдан олинган валюта маблағларидан чет элдан ўта муҳим бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, шунингдек, корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш учун технологик асбоб-ускуналар сотиб олиш шарт шароитлари юзага келганлигини кўрсатди.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳалари учун янги учун жорий қилинган тизим, яъни лизинг хизматлари тадбиркорлик корхоналарига тегишли имкониятлар бериб, иқтисодий ночор кичик бизнес субъектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштиришга ўз ҳиссасини қўшди. Шунингдек, мазкур корхоналарни модернизациялаш ва барқарор ривожлантириш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш мақсадида хусусийлаштирилган обьектларга нарх белгилашнинг самарали механизми жорий этилганлиги билан изоҳланди.

Бугунги кунда янги Ўзбекистонда олиб борилаётган фаол инвестициявий сиёсат, хоирижий инвесторлар учун яратилаётган қулай шарт шароитлар, мамлакатдаги тинчлик ва осойишталик муҳитининг сақланиши, республика макро ва микроиқтисодий кўрсаткичлардаги ижобий ҳолат хорижий инвестицияларни фаол жалб этишда асосий омил бўлиб хизмат қилишини тасдиқлади;

Ўтган тарихий даврда Ўзбекистон хорижий инвесторлар билан иқтисодий алоқалар олиб бориш асосида тенг шерикчилик муносабатларини ўрнатди. Тадқиқотларга асосан жаҳонда ўз нуфузи ва обрўсига эга ривожланган давлатлар билан ушбу йўналишда ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганини тасдиқлади. Дарҳақиқат, киритилаётган инвестициялар мамлакат иқтисодиётига, унинг ривожланишига кенг имкониятлар яратиб, қўллаб-куватланаётганлигини кўрсатди.

Жаҳон тарихий тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қулай инвестиция муҳитини шакллантирмасдан ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муваффақиятли интеграциялаша олмаслигини кўрсатди. Бунда республикада ҳали кўпгина ечимини кутаётган муаммолар борлигинии тасдиқлади. Ўзбекистоннинг мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш сари тутган изчил йўли хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этиш жараёнини фаоллаштириш учун реал шарт-шароит яратадиганни тасдиқлади.

Хулоса

Тарихий тадқиқотларга қўра Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тикланиши ва ривожланиш тарихини илмий тадқиқ этиш асосида тадқиқот мавзуси юзасидан қўйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, тарихан Ўзбекистон ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг узок ўтмишига эга бўлсада, фақат совет тузуми ҳукмронлик қилган даврларда давлатнинг хусусий мулкка нисбатан олиб борган тескари сиёсати натижасида унтилди, ўз моҳиятини йўқотди. Аммо XX аср 90-йилларининг бошлари, яъни Ўзбекистон мустақиллиги остонаси ва унинг ilk йилларидан эътиборан ушбу соҳанинг қайта тикланиши ва ривожи учун кенг имкониятлар яратилди. Аждодларимиз турмуш тарзига хос анъанавий хусусий мулкка эгалик қилиш ҳисси, тадбиркорлик кўникмалари шаклана бошлаганлигини тасдиқлади;

Иккинчидан, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизимининг тарихий таҳлили шуни кўрстадики, соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича норматив-хуқуқий асосларнинг шакллантирилиши давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми эканлигига гувоҳ бўлдик. Яъни, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини кафолатлайдиган қонунлар, Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бу эса тизимни хуқуқий кафолатлашнинг миллий механизми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланди;

Учинчидан, республика ҳудудлари ва вилоятларининг ўзига хос ижтимоий-демографик ҳолати, табиий-иқлим шароити ва географик жойлашувидан келиб чиқиб, ушбу минтақаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳалари, айниқса оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначилик ривожланишининг этноҳудудий хусусиятлари аниқланди. Соҳанинг тарихий тараққиёти солиштирма-қиёсий таҳлил қилинди, динамик кўрсаткичлари белгиланди. Тарихий тадқиқотларга қўра, ўтган йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ бўлиб келган асосий муаммолар сифатида қўйидагилар аниқланди:

✓ хусусийлаштириш жараёнида тадбиркорларга тўлиқ имкониятларнинг берилмаганлиги, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишдаги муаммолар;

✓ вазирликлар, бошқармалар, маҳаллий давлат ҳокимият органлари томонидан тадбиркорлар манфаатига, давлат қонунларига зид бўлган хатти ҳаракатлар, ноқонуний ва ортиқча текширишларнинг кўпайиб кетганлиги;

✓ банк кредитларини олишдаги муаммолар ва сансалорликлар, айрим давлат органлари тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қонуний таъминламаганлиги;

✓ **тадбиркорларга тўлиқ эркинликлар берилмаганлиги**, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувлар;

✓ солиқ ва бошқа тўловларнинг ошириб юборилганлиги, тадбиркорлар фаолиятини айрим мутасадди ташкилот ёки органлар томонидан тўлиқ назоратга олинмаганлиги;

✓ тадбиркорлик субъектларини ташкил этишдаги қийинчиликлар, кўпинча кераксиз хужжатлар, меъёрий актларни талаб қилиш кабилар.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалигига “Агробанк”, “Микрокредитбанк” АТБ ва бошқа банклар ҳамда уларнинг бўлимлари кўмагида кредит олиш истагидаги фуқароларга зарур шарт шароитлар яратилгани, республиканинг ҳудудий, иқлим ва демографик ҳолатидан келиб чиқиб, “Агрокластер” лар тизими кенгайтирилгани, келажакда илмий тадқиқот ва илмий ишланмаларни молиялаштиришни кўпайтириш, уларнинг инвестициявий ташқи лойиҳаларда иштирокни таъмилаш борасида қатор имтиёзлар яратиш тимконини берди;

Бешинчидан, “Банк-тадбиркор”, “Тадбиркор-банк» тамойили асосида банклар томонидан молиявий маблағлар ажаратиш тадбиркорликнинг ўсишига туртки берганлигини, тадбиркорлар мурожаатлари билан ишлашнинг янгича тизими шакллантирилгани соҳадаги муаммоларни ечишнинг янгича механизми вужудга келганлигини кўрсатди. Яъни, мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг самарали усулларидан бири бу, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил -“Бизнес омбудсман” нинг ташкил этилгани билан изоҳланди;

Олтинчидан, Ўзбекистонда бизнес вакиллари ва тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилувчи сиёсий партия, “Тадбиркорлар ва ишбилармонлар Ўзбекистон либерал-демократик партияси” (ЎзЛиДеП) фаолияти учун янги имкониятлар очилгани, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб қувватлашга қаратилган кенг кўламли чора тадбирлар амалга оширилаётганлиги ойдинлашди;

Еттингчидан, қабул қилинган янги Солиқ кодексига мувофиқ, ўтган давр мобайнида айрим солиқ турлари камайтирилишига эришилди. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилди, тадбиркорларни текширишга 2 йиллик мораторий эълон қилинди. Хорижий инвестицияларни тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳаларига жалб қилиниши, корхоналарнинг жорижий ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишлари учун эркинликлар берилгани, инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилинишининг янгича механизми вужудга келаётганлигини тасдиқлади;

Саккизинчидан, тарихий таҳлилларга кўра, мамлакат мустақиллик йилларида ишбилармонлик ва инвестицион муҳитнинг ҳалқаро параметрлари доирасидаги аосий муаммолар сифатида Ўзбекистон “Иқтисодий эркинлик индекси”, “Инсоният тараққиёти индекси”, “Глобал рақобатбардошлиқ индекси”, “Дунё мамлакатлари хусусий мулк ҳимояси индекси” ларида умуман иштирок этмади. Маълумоларга кўра, ҳалқаро инвестицион муҳит жозибадорлиги доирасида «Fitch Ratings, Moodys, Standart & Poors» ҳалқаро

ташкилотлари рейтингида умуман рўйхатга олинмаган бўлса, Консенсус «ОЭСР ва COFACE» да қуий ўринларни эгаллаб келди.

Шу боис янги Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбирколикда халқаро рейтинглар кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида 2018 йилда илк маротаба Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди. Ваҳоланки, 2017 йилда республика кредитлаш бўйича 55-ўрин, хусусий мулкни рўйхатга олиш бўйича 73-ўринни эгаллган бўлса, 2019 йилга келиб БМТнинг Инсон камолоти индекси (Human Development Index), иқтисодий форумининг Глобал рақобатбардошлиқ индекси (Global Competitiveness Index), Жаҳон банкининг бизнес юритиш рейтинги (Doing Business Жаҳон) да юқори поғонага қўтарилиб, кейинги 5 йил ичида ўз позициясини сезиларли даражада яхшилаганлигини кўрсатди.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида илмий тадқиқотда қуйидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилди:

1. Ривожланган мамлакатлар тарихий тажрибасидан келиб чиқиб, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикасининг “Кластер тўғрисида” ги қонунини қабул қилиш;

2. Республика худудларида кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожланишидаги этнохудудий хусусиятлардан келиб чиқиб, оиласвий тадбиркорлик, хунармандчилик ва касаначилик соҳаларини минтақаларнинг табиий шароити, демографик ҳолати (аҳоли зичлиги), меҳнат ва хом ашё ресурсларининг ҳолатини инобатга олган ҳолда ихтисослаштириш;

3. Қишлоқ хўжалигида ёшлар ва хотин-қизлар тадбиркорлигини янада ривожлантириш, аграр соҳа, чорвачилик ва озиқ-овқат саноати учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимни янада такомиллаштириш мақсадида ОТМ лар ва илмий тадқиқот муассасалари негизида “Агроинновация” “Зоотехнология”, “Кластер технология” таълим йўналишларини очиш;

4. Бизнес ва тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш механизмига мувофиқ, банк секторида давлат улушини аста-секин камайтириш, шу жумладан, фонд ва сугурта, лизинг хизматлари бозорини кенгайтириш, облигациялар ва бошқа молиявий воситалар бозорини ривожлантириш, тадбиркорлар ва инвесторларга қимматли қоғозлар сотиш тартиб-таомилларини соддалаштириш;

5. Кичик бизнес ва тадбиркорликда халқаро рейтингларнинг омиллари ва кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида БМТнинг Инсон камолоти индекси (Human Development Index), Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал рақобатбардошлиқ индекси (Global Competitiveness Index), Жаҳон банкининг бизнес юритиш рейтинги (Doing Business) ва шу сингари бошқа қатор йўналишларда Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини янада яхшилаш борасида қонунлар қабул қилиш;

6. Мамлакатда бизнес ва тадбиркорларнинг манфаатлари ва ташаббусларини инобатга олиб, уларни рағбатлантириш борасида “Бизнес

инновация” телекүрсатуви ва радиоэшиттиришини ташкил этиш; республикада ҳар йили туманлар, вилоятлар ва республика миқёсида “Энг яхши Агрокластер”, “Энг яхши ишлаб чиқариш кластери”, “Энг яхши хизмат кўрсатиш кластери” каби танловларни ташкил қилиш соҳанинг амалий ривожига хизмат қиласди

АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва назарий-методологик аҳамиятга молик нашрлар

- I.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т., 2019. 75 б.
- I.2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни. 1990 йил 30 октябрь.
- I.3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистонда тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. -Т., 1991. №2.
- I.4. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: 1991. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. Т.: 1991.
- I.5. “Ўзбекистонда тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. – Т.: 1991 йил 15 февраль.
- I.6. Ўзбекистон Республикасининг “Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрь Қонуни. // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. -Т., 1995.
- I.7. Ўзбекистон Республикасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. -Т., 1995.
- I.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорлиқда ташаббус кўрсатиш ва рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. -Т., 1995 йил №2.
- I.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириши рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. -Т., 1998 йил №3.
- I.10. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. -Т.: 1998 й.
- I.11. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. -Т., 1999 йил №5.
- I.12. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, “Халқ сўзи”. 2000 йил 25 май.
- I.13. Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. -Т. 2001. № 9.

I. 14. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрирда). Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. - Т., 2003. №5.

I. 15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги Фармони:// Халқ сўзи, 2003 йил 25 март.

I.16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. -Т., 2003 йил январь. №2.

I. 17. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Корхоналарни 2003-2004 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида” ”ти Қарори// Халқ сўзи. 2003 йил 18 апрель.

I. 18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1887 сонли Қарори. // Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. -Т., 2013. №2

I. 19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар хуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида” ги Фармони// Халқ сўзи. 2014 14 август.

I. 20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами.- Т., 2015.

I. 21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъект ларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами.-Т., 2016.

I. 22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботда Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора тадбирлари тўғрисда” ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. -Т., 2016.

I. 23. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова. -Т., 2017. 7 февраль.

I. 24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Обод маҳалла” дастури тўғрисида”ги ПФ- 5467-сонли Фармони:// Халқ сўзи. 2018 йил. 28 июн.

I. 25. Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.-Т., 2018 йил.

I. 26. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони// Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. -Т., 2018 7-сон.

I. 27. Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсатини мукаммаллаштириш концепцияси ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори// Халқ сўзи, июн. 2018 йил .

I. 28. Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида” ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -Тошкент., 2019.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида” ги Фармони. // Халқ сўзи. -Тошкент., 2019 йил. 14 август.

I. 29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони//Халқ сўзи. 2020 йил 20 февраль, №37-сон.

I. 30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш этиш тўғрисида” ги қарори// Халқ сўзи. 2020 йил 20 февраль, №37-сон.

I. 31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Корновирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони// Халқ сўзи. 2020 йил, 20 март.

1. 32. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мизиёевнинг “Корновирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони. (ПФ 5996). // Халқ сўзи. 2020 йил 19 май. № 104.

I. 33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлиарнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони// Янги Ўзбекистон. 2021 йил. 22 апрел. №80.

I. 34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорликни қўллаб-куватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори. // Янги Ўзбекистон. 2021 йил 22 апрел. №80.

II. Манбалар

- II. 1. Қуръони Карим. – Т., 1992. – Б. 27-28;
II.2. Авесто яшт китоби / Исҳоқов М. таржимаси.– Т.: Шарқ, 2001. 128 б.
II. 3. Амир Темур. “Темур тузуклари”. - Т., 2020 159 б.
II.4. Абу Абдуллоҳ Имом Ал-Бухорий. Ҳадис. – Т.: Ўзбекистон, 1992. II-жилд. – 179 б.
II.5. Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал –ард (Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш.С. Камолиддин). Тошкент: ”Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011.
II.6. Низомиддин Шомий. Зафарнома.–Тошкент: Ўзбекистон, 1996.–Б.68-70.
II.7. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1992. – Б. 36, 54-55.
II.8. Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. – Т., 1990. – Б. 12-137.

III. Ўзбекистон Республикаси Марказий архиви материаллари

- III.1. Ўз РМА. М-5 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-12, 101-117 вараклар.
III.2. Ўз РМА. М-20 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-10, 146-орқа варак.
III.3. Ўз РМА. М-20 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-11, 158- варак
III. 4. Ўз РМА. М-20 фонд, рўйхат, йиғма жилд-10, 148- варак.
III. 5. Ўз РМА. М-25 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-6, 273- варак.
III. 6. Ўз РМА М-37 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-7594, 3-4 вараклар.
III. 7. Ўз РМА. М-37 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-6298, 273-варак
III. 8. Ўз РМА. М-37 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-2522, 7-варак.
III. 9. Ўз РМА. М-37 фонд, рўйха-1, йиғма жилд-6298, 248-варак.
III. 10. Ўз РМА. М-37 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-6299, 41-варак.
III. 11. Ўз РМА. М-37 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-6299, 39-варак.
III. 12. Ўз РМА. М-37 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-6299. 7-варак.
III. 13. Ўз РМА. М-37 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-6298, 205-варак.
III. 14. Ўз РМА. М-37 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-6298, 279-варак
III. 15. Ўз РМА. М-37 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-7594, 3-варак
III. 16. Ўз РМА. М-43 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-11, 2, 3, 19, 29, 30 вараклар.
III. 17. Ўз РМА. М-43 фонд, рўйха-1, йиғма жилд-126-127, 1-3 вараклар.
III. 18. Ўз РМА. М -48 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-292, 43-варак
III. 19. Ўз РМА. М-49 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-1. 21-24 вараклар;

- III. 20. Ўз Р МА. М-48 фонд, рўйхат-1. йиғма жилд-1. 25- варак.
- III. 21. Ўз Р МА. М-67 фонд, рўйхат-1. 15-16-вараклар.
- III. 22. Ўз Р МА М-67 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-110. 18-варак.
- III. 23. Ўз Р МА. М-67 фонд, рўйхат-1. 18-варак.
- III. 24. Ўз Р МА. М-137 фонд, йиғма жилд-226, 63-64 вараклар.
- III. 25. Ўз Р МА. М-170 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-63, 37-38 вараклар
- IV. 26. Ўз Р МА. М-170 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-63, 25- вараклар.

V. Адабиётлар

IV.1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т., 2017 . 104 б.

IV.2. Мирзиёев. Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. Т., 2017.

IV.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. -Т., 2017. 23 декабр.

IV.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. // Халқ сўзи. -Т., 2018 йил 29 декабрь

IV.5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. -Т.: “Ўзбекистон” 2019. -60 б.

IV.6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.// “Халқ сўзи”. Т., 2020 йил 24 январ.

IV.7. Абдуллаев Р. М, Раҳматуллаев Ш. М. Становление и развитие малого и среднего предпринимательства в Республике Узбекистан (1991-2000) // Ўзбекистон тарихи. 2008. №3. –С 27-28

IV.8. Абдуллаева Г. Германияда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш. // Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари. -Т., 2009.169 б.

IV.9. Абдуллаев Ё, Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. // 100 саволга 100 жавоб (1-қисм). -Тошкент.: “Мехнат”. 2000

IV.10. Абдусаломов М, Отаконов Ф. Контрактация шартномалари, талабнома ва даво аризалари. -Т. 1998. 67-б

IV.11. Абдулҳакимов С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиёти. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. №3. -Т.. 2019. 8- б.

IV.12. Абулқосимов X, Қулматов А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оиласиий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. - Т., 2015. 125 б.

IV.13. Акбаров Д, Мадазимов Ш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти. // Жаҳон

молиявий иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари. -Т., 2009. 455 б.

IV.14. Аминова Р.Х Аграрная политика советской власти в Узбекистане (1917-1920 гг)-Т., 1963.

IV.15.Аскаров А. Сапаллитепа. Изд «Фан», Т., 1973, Аскаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Изд “Фан”. 1977.

IV.16. Аскаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы. Табл. XXI, рис.-1-15. Его же: Ранняя гордская культура эпохи бронзы юга Средней Азии Самарканد 1993.

IV.17. Аскаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. Т.. 2015. 678 б.

IV.18. Асминкин Я. П. ва бошқалар. Ўзбекистон аёллар нодавлат нотижорат ташкилотлари. Маълумотнома. "Очиқ Жамият" Институти - Кўмак Жамғармаси. – Т.: Ўзбекистон. – 2000.

IV.19. Ата-Мирзаев О, Гентшке В, Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный историко-демографический аспект. - Т., 2011.251 б.

IV.20. Ахмедиева А. Некоторые вопросы инвестиционного обеспечения малых предприятий. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Т., 2002. №1. 54-бет.

IV.21. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. Т.1.Слб., 1989. 243 с.

IV.22. Бекмуродов А, Мажидов И, Ғафуров У. Буюк ва муқаддассан, мустақил ватан. –Т.: “Ўқитувчи”. 2011. 124 б.

IV.23. Болтабоев Р, Қосимова С ва бошқалар. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. -Т., 2012.

IV.24. Бочаров В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. – М.: Финансы и статистика, 2002.

IV.25. Бойс М. Зороастрийцы: Верования и обычаи. - М.: Наука, 1988. 201 с.

IV.26. Буряков Ю. Культурно-хозяйственные процессы. Т., 1974.

IV.27. Бусигин А. Предпринимательство. – М.: 1997.

IV.28. Бусигин А.В. Хизрич Р, Питерс М. Предпринимательство Вып,1 –М., 1991.

IV.29. Валижонов А.Р. Особенности современного этапа разгосударствления и приватизации. // Восемнадцатые Международные Плехановские чтения «Реформирование и модернизация национальной экономики – стратегический курс на демократизацию и обновление общества»: Тезисы докладов профессорско-преподавательского состава и специалистов-практиков (26 марта 2005г). Выездная сессия в г.Ташкенте. – М.: Изд-во РЭА, 2005, с.22-23.

IV.30. Голованов А. Мустақил иқтисодий сиёсат стратегияси. // Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. -Т.. 2001. 188 б.

IV.31. Давкараев Б. Ҳусусий тадбиркорлик- иқтисодий тараққиётнинг муҳим таянчи. // Ҳуқуқ ва бурч. №01(121)2016. 18-19 бетлар.

IV.32. Дашков Л. Предпринимательство и бизнес. // Учебник. -М., 1995.

- IV.33. Жўраев А, Тошматов Ш, Абдурахмонов О. Солиқлар ва соликқа тортиш. -Т., 2009. 117 б.
- IV.34. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. Москва Ленинград, 1962.МИА №118.
- IV.35. Зайнутдинов Ш.Н, Кармишева Ш.К. Инвестицияларни бошқариш. Т.. 2007.
- IV.36. Зарипов Б. Кластер-янги усул, янгича ёндашув ёхуд интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш мезони.//Маҳалла кўзгуси. 2018-йил. 11-12 сонлар. 58-бет.
- IV.37. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Ўқитувчи, 2008.
- IV.38. Заорская В.В, Александр К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. Т., 1915. Том 2.
- IV.39. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларининг тарихи. -Т, “Шарқ”,2001. 333 б.
- IV.40. Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование. М.: «Экоперспектива», 443 с.
- IV.41. Инсон манфаати, хуқук ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. // Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағищланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи/ 2012 йил 8 декабрь.
- IV.42. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. Т., “Ўзбекистон”, 2005, 195 б.
- IV.43. Иқтисодиёт ва молия. №1.2013 йил. 8-бет.
- IV.44. Ер участкалари қай тартибда хусусийлаштирилади?. // Ҳуқук. 2019 йил 22 август №34 сон.
- IV.45. Каримов. И.А Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 337 б.
- IV.46. Каримов И.А. "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида". Т.: "Ўзбекистон", 2011 .
- IV.47. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон. 2009. 53 б.
- IV.48. Каримова Т. Особенности процесса разгосударствления и приватизации в Узбекистане. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. №9 13–б.
- IV.49. Касаначилик кони фойда. // Жамият/ 2007 йил 24 август.
- IV.50. Каюмов У. Вопросы занятости молодёжи Узбекистана. // Стратегия дальнейшего повышения коцентоспособности национальной экономики. -Т., 2012. 236 с.
- IV.51. Кларк Ж.Б. Распределение богатства.- М., 1994. 40-бет.
- IV.52. Колесникова Л Порядок для хаоса: государство и предпринимательство в переходной экономике. – М.: 2001.
- IV.53. Коррупция-жамият кушандаси. // Ҳуқук.- Т., 2019 22 август. № 34 сон

- IV.54. Кулиев Х. Мустабид жамиятнинг иқтисодий пойдеворини шакллантириш (1917-1924 йиллар). Т., 1996, 12-13 бетлар.
- IV.55. Луценко Л. “Пути решения, проблемы ликвидации предприятий”, малый и средний бизнес. // Экономический вестник Узбекистана, 2000. №8.
- IV.56. Мажидов Н, Наматов Э Худудларни ижтимоий иқтисодий ривожланишида кичик бизнеснинг роли. // Жаҳон молиявий-иктисодий инқизозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари. -Тошкент., -Т. 2009. 455 б.
- IV.57. Мамадалиева Х. Ўзбекистон минтақаларида демографик вазият ва ундаги ўзгаришлар.// Жаҳон молиявий иқтисодий инқизозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари. Т., 2009. 455.
- IV.58. Маковельский А.О. Авеста. - Баку, 1960. – 142 с.
- IV.59. Маматов Б.,Хўжамкулов Д ва бошқалар. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2014.
- IV. 60. Марозиқов А. Риштон кулочилик мктаби.// Ўтмишга назар. -Т., 2019. №16.
- IV.61. Махмудов Э. Инвестиция и подъём экспортного потенциала республики. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. №9.18 – бет.
- IV.62. Маҳалла-хусусий тадбиркорлик ва оилаский бизнесни ривожланириш маркази. // Маҳалла. Т.. 2015.
- IV.63. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. VI, отд IV. – С Пб. 1911. – 491 с.
- IV.64. Миренский Б. Новое инвестиционное законодательство Республики Узбекистан.// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -Т., 1998 №7. С 12.
- IV.65. Мустақил Ўзбекистон тарихи. // Ўзбекистоннинг янги тарихи. -Т.. 2000. 340-341- бетлар.
- IV.66. Муродов Д. Тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.//Халқ сўзи. 2020 йил 1 феврал.
- IV.67. Мўминов Т. Туркистон икки аср гирдобида. -Т., 2013. 182 б.
- IV.68. Назарова Ҳ, Мамадалиева М. Аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш-инқизозга қарши чоралар дастурида белгиланган асосий вазифалардан бири сифатида.// Республика илмий назарий конференцияси материллари. Т.,2009.
- IV.69. Насритдинова М, Ахмедов О. Бизнес стратегияси. -Т., 1996.
- IV.70. Насимов Д. Эгилувчан бандлик шаклларининг иқтисодий тараққиётга таъсири.// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Тошкент., 2016 №3. –Б 45.
- IV.71. Надырханов У. Региональные аспекты привлечения иностранных инвестиций в экономику. // Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики. -Т.. 2012. 338 с.
- IV.72. Наимов Н. Амирнинг хазинаси. Тошкент, “Фан”. 2005.

IV.73. Наливкин. В.П. Положение вакфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания // Ежегодник Ферганской области. Том. III. – Новый Маргелан. 1904. – С. 3-16.

IV.74. Немировская О . Экономическое поведение сельских женщин: ориентации, установки , действия .-Т. 2001.

IV. 75. Норматов Н. Всеобщая декларация прав человека и предпринимательская деятельность// Демократизация общества и обеспечение прав человека-опыт Узбекистана. -Т., 374 с.

IV.76. Нуридинов Э, Ахмедов Ш. Становление и приоритетные направления внешней политики Республики Узбекистан. // Ўзбекистон тарихи. . Т., 2002. №4, 8-бет..

IV.77. Нуруллин Р.А. Советы Туркестанской АССР в период гражданской войны. Ташкент.: “Фан”, 1965.

IV.78. Обломуродов Н. Ҳазаратқұлов А, Толипов Ф ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. -Т., 2011. 347 б.

IV.79. Обломуродов Н, Толипов Ф. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида мулкчилик ва тадбиркорликнин ахволи: ютуқлар, муаммолар ва ечимлар. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2019. №2-3 сон.

IV.80. Ортиқов З, Артиқходжаева Г. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари. // Жаҳон молиявий иқтисодий инқизорозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари. -Т., 2009. 455 б.

IV.81. Проблемы и ограничения государственного вмешательства в экономику.-<http://econtool.com/>

IV.82. Рахманкулов Х. Эволюция права собственности и современность. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -Т., 1995. №9. 3-бет.

IV.83. Рахматуллаев Ш.М. Состояние и проблемы развития экономики Узбекистана на начальном этапе реформ: исторический анализ // Sharqshunoslik. Востоковедение. Oriental studies. 2014. № 2. С. 117-126,

IV.84. Рахматуллаев Ш.М. Фаргона водийси шаҳарларида иқтисодий трансформация жараёнлари (1991-1996 йиллар). -Тошкент.:“Нишон ношир”, 2016.

IV.85. Рахимов М. Международное сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии. -Ташкент.: «Yangi nashr», 2011.,

IV.86. Рахимов М. Современная история взаимоотношений Узбекистана и стран Центральной Азии с ведущими государствами мира. -Ташкент.: «Адабиёт Учкунлари», 2016.

IV.87. Рахимов М.А., Рахматуллаев Ш., Турсунова Р., Назаров Р. Очерки новейшей истории Республики Узбекистан. -Ташкент.: «Адабиёт Учкунлари», 2016.,

IV.88. Рахимова Н. Конкурентоспособность женской рабочей силы // Бозор, пул, кредит .-Т., 2002 №2.

- IV.89. Ражабов Қ. Бухоро Халқ Совет Республикаси: монархиядан демократия сари дастлабки қадамлар (1920-1924 йиллар) // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига чизгилар.// Тўплам. 207 б.
- IV.90. Россия – Ўзбекистон стратегик шериклик. // Халқ сўзи. 2018 йил 20 октябрь № 218-сон.
- IV.91. Сафаев А. Тадбиркорлар ҳуқуқи ҳимояланмоқда.//Хуқуқ ва бурч.№01(121)2016. 6-бет.
- IV.92. Сапаров Б. Жаҳон иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон ташқи савдо алоқаларини такомиллаштириш. // Республика илмий назарий конференцияси материаллари. Т.,2009. 455 б.
- IV.93. Семенихин В.В Организация бизнеса с нуля. С чего начать и как преуспеть.- Москва., 2010.-С 6.
- IV.94. Статистическое обозрение Республики Узбекистана за 2007 год. Статсборник “Госкомстат” Узбекистана.-Т., 2008.
- IV.95. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. -Т., 2011. 138 б.
- IV.96. Собиров X, Фаттахов А и другие. Нологообложение предприятий малого и среднего бизнеса Республики Узбекистан. // Бизнес инкубатор техномаркет. -Т.,2000.
- IV.97. Социальное развитие и уровень жизни населения Узбекистана: Статистический сборник. -Т., 1994.
- IV.98. Социальный мониторинг 2003 г. Экономический рост и бедность. Внешний государственный долг. Аналитический материал. ЮНИСЕФ, 2003.
- C.99. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Руководитель проекта д.и.н Д.Алимова. // Коллектив авторов.: Р.М. Абдуллаев, С.С. Агзамходжаев, И.А. Алимов и.др. -Т.-671 с.
- IV.100. Тухлиев Н. Бозорга ўтишнинг машақкатли йўли. -Т., 1999. -239 б.
- IV.101. Толипов Ф.С. Оила-жамоа муносабатлари: Авесто фалсафасининг ўзига хослиги. // Фалсафа ва тарих фанлари ўртасидаги диалектик алоқадорликнинг илмий-назарий асослари. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. -Т., 2004. 311 с.
- IV.102. Толипов Ф. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиш тарихининг айrim жиҳатлари хусусида. // “Ўтмишга назар”. Т., 2019. №12 сон. 80-бет.
- IV.103. Толипов Ф. Некоторые аспекты малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане./International journal of innovative technologies in economy. Scientific edition. Poland. 2(22), March 2019.
- IV. 104. Толстов С.П. Работы Хорезмийской археолого-этнографической экспедиции в 1949-1953 г.г, “ТҲАЭЭ”, Том II Москва 1948.
- IV. 105. Тоҳир Карим. Муқаддас Авесто изидан.– Т., 2000.

IV.106. Умаров К.Ю, Муртазаев Ш.М. Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини жалб этиш тамойиллари.// Республика илмий- назарий конфераенцияси материаллари. Т.,2009. 412 б.

IV.107. Финансы: Учебное пособие. Под ред. А.М. Ковалевой.- М.: Финансы и статистика, 2004, 213 с.

IV.108. Хайн Ф. Конкуренция как процедура открытия. «Мировая экономика и международные отношения»1989. №12.

IV.109. Хоскин А. Курс предпринимательства. –М., 1993.

IV. 110. .Халқаро муносабатларда муҳим босқич. // Халқ сўзи/ 2019. №1 сон.

IV.111. Шодмонов Ш, Алимов Р, Жўрев Т. Иқтисодиёт назарияси.- Т.,2002.

IV.112. Эгамбердиев Э, Хўжақулов X. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. - Т., 2003.

IV.113. Эгамбердиев Ш. Жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти. // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари. Т.,2009. 455.

IV.114. Экономика мирового хозяйства./ Учебное пособие. -Т., УМЭИД. 1993.

IV.115. Экономическое развитие Республики Узбекистан за годы независимости. -Т., 2016. 32.

IV.116. Эшов М. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлар. / Монография. –Тошкент. 2017. 127 б.

IV.117. Юридическая энциклопедия. -М., 1997, 349 с.

IV.118. Ўлмасов А, Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. -Т., 2006. 147. б.

IV. 118. “Ўзбекистон коммунисти”. 1987 йил. №9. 35-бет.

IV.119. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.-Т.:1999, 164 б

IV.120. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида (Усмонов Қ., Ганиев Д). -Т.: «Ўзбекистон», 1994.

IV.121. Ўзбекистон тарихи (қисқача маълумотнома).-Т.: «Шарқ», 2000.

IV.122. Ўзбекистон тарихи. // Р.Х Муртазаева масъул муҳаррирлигида (Олий ўқув юрти номутахассислик йўналиши талабалари учун дарслик). Т., 2003.

IV.123. Шайхов А. Роль торгово-промышленной палаты Узбекистана в развитии малого бизнеса и частного предпринимательства.// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2016. №3.

IV.124. Шамсутдинов. Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. -Т., 2001 674 б.

IV. 125. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учиничи китоб, Мустақил Ўзбекистон тарихи. -Т.: «Шарқ», 2000.

- IV.126. Ўзбекистон давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш қўмитаси Бюллетени. -Т., 1996. 1-сон. 7-бет.
- IV. 127. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.. 2006.
- IV. 128. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2016. №3.
- IV.129. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати маълумотлари. //Маърифат. 2018 йил 31 марта, №26 (9091).
- IV.130. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги матбуот хизмати маълумоти. //Маърифат. 2017 йил 1 ноябрь, № 87 (9048).
- IV.131. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги байрами муносабати билан “Мустақиллик дарслари” машғулотларини ўtkазиш бўйича ўқув қўлланма. Т., 2016.
- IV.132. Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакати. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси;2016. №3.
- IV.133. «Ўзбекистон стратегияси» – «Тараққиёт стратегияси» марказининг ижтимоий-таҳлилий журнали. 2018 йил № 2-сон.
- IV.134. Ўзбекистон–Миср ҳамкорлигига янги босқич бошланмоқда. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 6 сентябрь № 184-сон.
- IV.135. Ўзбекистон –Белорусь: ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун амалий ҳаракатлар даври.// Халқ сўзи. 2018 йил 14 сентябрь № 190- сон.
- IV.136. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.-Тошкент., 2016. №3.
- IV.137. Ўлмасов А, Вахобов А. Иқтисодий тузумни қайта қуриш бозор иқтисодига ўтишнинг ўзига хос йўли. // Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки сахифалари. -Т. 2000.
- IV.138. Қодиров А, Турсунов А. Иқтисодиёт назариясидан атамалар ва тушунчалар. -Т., 2000. 13-бет.
- IV.139.Қодиров А. Иқтисодиёт назарияси. Т., 2009 йил. 65-бет.
- IV.140. Фозибеков. Д. F. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: “Молия”, 2003, 29.
- IV.141. Фуломова Д. М Ўзбекистон хотин- қизлари мустақиллик йилларида. // Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки сахифалари. (Даврий тўплам). Масъул муҳаррир Д.Алимова. Т.; “Шарқ”.2000. 143-б.
- IV.142. Фуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Т., 1959. Б.57-67.
- IV.143. Фуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т., 2002. 22-бет
- IV.144. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йўли. Т.: «Шарқ», 1999, 120 – бет.
- IV. 145. “Халқ сўзи” газетаси. 2019 йил 26 январь
- IV.146. Ҳамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти асослари. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2001, 170-бет.
- IV.147. Ҳайдаров М. Туркистон иқтисодиётида “Ҳарбий коммунизм” сиёсати. // Ўзбекистон тарихи журнали. Т., 2003. № 3. 36-бет.
- IV.148. Ҳомидов Ҳ. Авесто файzlари. – Т., 2001. – Б. 57-61.

V. Хорижий адабиётлар

- V. 1. Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.:1982.–230 с.
- V. 2. Хайн Ф. Конкуренция как процедура открытия. «Мировая экономика и международные отношения»1989. №12.
- V. 3. Макконелл К, Брю С. Экономика: Принципы и проблемы. –М.: Республика, 1992.; Кантильон Р. Основы предпринимательской деятельности.- М.: 1994. – 144 с.;
- V. 4. Boris Rumer. Central Asia in transition: dilemmas of political and economic development // edited by USA, 1996. P.281.
- V. 5. Social assessment and agricultural reform in Central Asia and Turkey //edited by Ayse Kudat, Stan Peabody, Caglar Keyder. World Bank technical paper, Washington D.C., 2000. P.301.
- V. 6. Kazakstan, Kyrgyzstan, Tajikistan, Turkmenistan, and Uzbekistan: country studies // Federal Research Division, Library of Congress; edited by Glenn E.Curtis, Washington, D.C., P.519.
- V. 7. Roger D.Kangas. The Importance of Political and Social Stability for Economic Revival // Central Asia 2010. Prospects for human development, Regional Bureau for Europe and the CIS, UNDP, 2010. P.34-40.
- V. 8. Onita M. The Experience of Micro Credit in Kazakhstan, Uzbekistan and the Kyrgyz Republic // Central Asia. 2010. Prospects for human development, Regional Bureau for Europe and the CIS, UNDP, 2010. P.132-136.
- V. 9. Anara Tabishaliyeva. The Challenge of Regional Cooperation in Central Asia // Central Asia-2010. Prospects for human development, Regional Bureau for Europe and the CIS, UNDP, 2010, P.138-145.
- V. 10. Yelena Kalyuzhnova. An Assessment of Industrial Policy and Employment Prospects in Central Asia // Central Asia-2010. Prospects for human development, Regional Bureau for Europe and the CIS, UNDP, 2010. P.96-110.
- V. 11. Alexand Akimov. Central Asia s a region in the World Economy. //Central Asia Conflict Resolution and Change. Published by Douglas Goudie US, editors Roald Z Sagdeev and Susan Eisenhower. 1995.P.275-293.
- V. 12. Business report Kazakstan, Turkmenistan, and Uzbekistan // The Economic Intelligence Unit. 1996.
- V. 13. Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – М.: «Прогресс», 1991. –С. 223.
- V. 14. Лапуста М.Г., Старостин Ю.Л. Малое предпринимательство. - М.: «Инфра-М», 1997.–С. 87..
- V. 15. Хаит М.М. Развитие малого бизнеса на основе реструктуризации крупных предприятий. // Вестник Московского университета, сер-6. Экономика, 2006, №4. –С. 32-43.

VI. Тадқиқот ва тадқиқот авторефератлари

VI. 1. Арипов О. Кичик ва хусусий бизнесни давлат томонидан тартибга солиш муаммолари. // Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган тадқиқот Автореферати. Т., 2006.

VI. 2. Ахунова Ш. Тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришда экологик талабларни инобатга олиш механизми. // Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган тадқиқот. Т., 2004.

VI. 3. Бозоров С. Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш.// Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd) тадқиқотси Автореферати. - Тошкент., 2018.

VI.4. Болтабоев С.Д. Вакфное имущество в Туркестанском крае во второй половине XIX и в начале XX веков. // Автореферат дисс. канд. ист. наук. – Т., 1995.

VI. 5. Ганиева Г. Женский вопрос и проблемы женщин в Узбекистане.// Автореферат дисс. канд. исторических наук. Т.. 2006. С-14.

VI. 6. Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. / Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореферати - Т., 2017. -30 б.

VI. 7. Закиров Ф. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнеснинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш.//Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган тадқиқот Атореферати. -Т., 2005. 26

VI.7. Зёмов Ш. Роль Узбекистана в развитии межгосударственного экономического и культурного сотрудничества стран Центральной Азии (1991-2001гг). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 2002.

VI. 8. Исаков Б.Н Ўзбекистонда 80-йилларнинг иккинчи ярми-2000 йиллардаги тарихий ўзгаришларнинг демографик жараёнларга таъсири.// Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореферати. – Т., 2010. 25 б.

VI. 9. Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари.// Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган Тадқиқот.Т., 2004. -118-б.

VI. 10. Рашидова Ф. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланишида хорижий сармоялар (Тарихий ёндашув). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) тадқиқотси Автореферати. Т., 2019. 52 б.

VI. 11. Кархалов М. Кичик бизнеснинг самарадорлигини ошириш ўйлари (Қашқадарё вилояти мисолида): Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган тадқиқот. Т., 2004.

VI.12. Кутибаев. З.А. К истории вакуфных владений Ходжи Ахрара и его потомков.// Автореферат диссертации канд ист. наук. – Т., 1970. - С. 22.

VI. 13. Мусаева С. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантиришнинг таркибий-ижтимоий муаммолари

(Фарғона вилояти кичик бизнес корхоналари мисолида). // Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган тадқиқот. Т., 2005.

VI. 14. Юлдашев Д. Т. Совершенствование экономического механизма развития семейного предпринимательства. Автореф. диссертации доктора философии (Phd) по экономическим наукам. Ташкент – 2019. 54 с.

VI. 15. Халлиев А.Г Экономические, научно-технические и культурные связи независимого Узбекистана с Великобританией и США// Автреф. дисс. канд. исторических наук. –Ташкент, 1998.

VI. 16. Ходжикулова С. Н. Халқаро молия институтлари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлашни такомиллаштириш 08.00.07 – молия, пул муомаласи ва кредит иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) дисс. Автореферати. –Тошкент., 2020. 60 б.

VI. 17. Шарипов Қ.Б. Кичик тадбиркорлик фаолиятида тармоқ бўйича ихтисослашув жараёнларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган тадқиқот автореферати. –Т., 2020. 61 б.

Интернет сайtlари

VII. 1. <https://kun.uz/news/2019/12/17/>

VII. 2. <https://kun.uz/news/2019/01/15/>.

VII.3.https://www.researchgate.net/publication/297677246_Entrepreneurship_In_The_Public_Republic_Of_Uzbekistan_A_Model_For_Other_Emerging_Nations[https://www.google.com/search?q=\(The+Small+Business+Servise.+SBS%2C&oq=\(The+Small+Business+Servise,](https://www.google.com/search?q=(The+Small+Business+Servise.+SBS%2C&oq=(The+Small+Business+Servise,)

VII.4. <https://kun.uz/news/2021/03/17/i>.

VII.5. <https://kun.uz/news/2019/01/15/>.

VII.6. <https://president.uz/uz/lists/view/2424>

VII. 7. <http://www.mahallafond.uz/uz/articles/814/>

VII.8. <https://kun.uz/news/2018/10/17>.

Иловалар

Илова-1

2005-2017 йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти соҳаларида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ўсиш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2005	2007	2010	2013	2017
Ялпи ички махсулот	38,2	45,5	52,5	55,8	55,9
Саноат	10,0	13,2	19,6	23,0	39,6
Қишлоқ хўжалиги	85,7	97,5	97,9	98,2	99
Курилиш	50,9	55,4	52,3	72,7	65,1
Экспорт	6,0	14,8	13,6	18,0	27
Инвестиция	24,0	23,7	30,8	35,5	32

Илова-2

2000-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнеснинг улуши (% ҳисобида⁵⁵¹)

Соҳалар	2000	2005	2010	2015
Ялпи ички махсулот ишлаб чиқаришда	31,0	38,2	52,5	56,5
Саноатда	12,9	10,0	18,8	40,6
Инвестицияда	15,4	24,0	28,5	35,8
Курилиш соҳасида	38,4	50,9	53,1	66,7
Экспортда	10,2	6,0	13,7	27,8
	49,7	64,8	74,3	77,9

⁵⁵¹ Маълумотлар “Экономическое развитие Республики Узбекистан за годы независимости”. -Тошкент., “Узбекистан”. -Тошкент., 2016 тўпламидан олинди

Ахоли бандлигіда				
---------------------	--	--	--	--

Илова-3

Банклар томонидан кичик ва ўрта бизнесни құллаб-қувватлаш максадида ажратылған кредитлар түғрисида 2002 йил 1 январь ҳолатига маълумот⁵⁵² (млн. сўмда)

Тижорат банклари номи	Хисобот санасидаги ссуда қарздорлик қолдиги
ТИФ миллий банк	40752,9
Пахтабанк	10258,5
Асакабанк	8523,2
Тадбиркорбанк	5252,7
УзСаноатқурилишбанк	9666,0
Уйжойжамғармабанк	6173,9
Савдогарбанк	2645,9
Ғаллабанк	2845,8
Заминбанк	2549,1
АКБК»Турон»	1578,7
АКБ.Ипак-йўли	2516,6
Авиабанк	1536,0
Трастбанк	1842,8
Алоқабанк	689,4
Хамкорбанк	2458,2
Туркистанбанк	70,8
Парвинабанк	3103,9
Алпжамолбанк	1046,4
УТ банк	70,0
Ўқтамбанк	198,1
ХИФ банк	254,9
Карвонбанк	94,9
Марказий Осиё хамкорлик ва тараққиёт банки	247,0
	92,8

⁵⁵² Ўз Р МА М-37 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-7594, 3-варақ.

УзДЭУ банк	391,7
Узприватбанк	2718,7
Бизнесбанк	4,2
Адилетбанк	140,3
Истиқболбанк	71,2
Ташаббусбанк	148,4
Кўқонбанк	381,6
ХЕАТБ Капитал-банк	82,0
Самарқандбанк	
ЖАМИ	108406,6

Илова-4

2000-2008 йилларда тадбиркорлик учун республика ҳудудларига киритилган хорижий инвестициялар ва уларнинг нисбати

Ҳудудлар	2000 й	2002 й	2004 й	2006 й	2008 й
Ўзбекистон Республикаси	1,000	1,000	1,000	1,000	1.000
Қорақалпоғистон Республикаси	0,819	0,832	1,111	0,917	1.598
Андижон	0,552	0,439	0,377	0,365	0.460
Бухоро	0,705	1,063	1,174	1,445	1.539
Жиззах	0,577	1,155	0,611	0,546	0.549
Қашқадарё	1,897	1,608	1,507	1,972	2.068
Навоий	2,014	2,125	1,835	2,534	1.787
Наманган	0,701	0,476	0,449	0,415	0.437
Самарқанд	0,523	0,404	0,505	0,548	0.413

Сурхондарё	0,470	0,451	0,641	0,685	0.579
Сирдарё	0,772	0,713	0,819	0,769	0.584
Тошкент	0,747	0,899	1,085	0,863	0.951
Фарғона	0,587	0,931	0,396	0,405	0.506
Хоразм	0,630	0,855	0,874	0,493	0.370
Тошкент ш.	2,730	2,131	3,088	2,382	2.485
Ўзгариш кўлами (марта)	5,8	5,3	8,2	7,0	6.7

Илова-5
**Ўзбекистонда 2004-2008 йилларда давлат объектларининг
хусусийлаштирилиши кўрсаткичи⁵⁵³**

Йилла	Хусусийлаштирилган объектлар сони	Хусусийлаштиришдан тушган пул маблағлари (млрд. сўм ҳисобида)
2004 й	1228	78,4
2005 й	980	80,5
2006 й	673	70,5

⁵⁵³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

2007 й	631	111,1
2008 й	392	130,6

Илова-6

Сизнинг туман ёки шаҳрингизда аёлларни тадбиркорликка жалб қилиш бўйича шарт-шароитлар яратилганми ?, номли сўровнома юзасидан аёллар орасида ўтказилган сўров натижалари⁵⁵⁴

№	Вилоятлар	Ҳа	Йўқ
1	Андижон	71.2	28.8
2	Бухоро	82.0	18.0
3	Жizzах	81.0	19.0
4	Қашқадарё	81.5	18.5
5	Навоий	83.5	16.5
6	Наманган	73.9	20.1
7	Самарқанд	72.7	27.3
8	Сирдарё	67.9	32.1
9	Сурхандарё	81.8	18.2
10	Тошкент	55.3	44.7
11	Фарғона	69.2	30.8
12	Хоразм	82.0	18.0
13	Қорақалпоғистон	45.0	55.0
14	Тошкент ш	68.3	31.7

Илова-7

2021 йил биринчи ярмида тадбиркорликка қўмаклашиш марказлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга қўрсатилган хизматлар.

⁵⁵⁴ Ўз РМА. М-170 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-63, 25-варак.



Мундарижа

Кириш4-13

I Боб. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг моҳияти, тарихий негизлари ва норматив—хуқуқий асослари	14-69
I. 1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: моҳияти ва мазмуни.....	14-29
I. 2. Ўзбекистонда бизнес ва тадбиркорликнинг тарихий негизлари ва эволюцияси.....	30-48
I.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг норматив-хуқуқий асослари.....	48-69
II Боб. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тикланиши ва ривожланиш босқичлари.....	70-128
II.1. Ўзбекистон мустақиллиги арафаси ва унинг дастлабки йилларида тадбиркорликнинг аҳволи: танглиқдан либераллаштириш томон.....	70-87
II.2. Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш йилларида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиш жараёнлари.....	87-107
II.3. Оиласидай тадбиркорликнинг шаклланиши ва аҳоли бандлигидаги ўрни.....	107-128
III Боб. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожида банк-кредит соҳаси ва солиқ тизимининг ўрни.....	129-166
III.1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини молиялаштириш-иқтисодий тараққиёт асоси.....	129-147
III.2. Солиқ ислоҳотларининг кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожига таъсири.....	147-166
IV. Боб Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг инвестициявий асоси ва стратегияси.....	167-197
IV.1 Хорижий инвестицияларни кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб қилиниши - ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили	167-183
IV.2. Янги Ўзбекистонда бизнес ва тадбиркорлик ривожида хорижий инвестицияларнинг ўрни ва стратегияси.....	183-197.
Хуносা.....	198-201
Адабиётлар ва манбалар рўйхати.....	202-219
Иловалар.....	220-227

ФАЙЗУЛЛА ТОЛИПОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ (1991-2021 йиллар)

Бичими 60x84 1/16. Ризограф босма усули. Times гарнитураси.

Шартли босма табоғи: 14,25. Адади 100. Буюртма № 09.

Баҳоси келишилган нархда.

«ЎзР Фанлар Академияси Асосий қутубхонаси» босмахонасида чоп
этилган.

Босмахона манзили: 100170, Тошкент ш., Зиёлилар кўчаси, 13-уй.
«Fan ziyozi» нашриёти.